



Ўзбекистон ССР Фанлар академияси

---

# Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий

---



ТУЛА АСАРЛАР ТУПЛАМИ

*Беш томлик*

Таҳрир ҳайъати:

Наим ҚАРИМОВ, Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,  
Ғаффор МУМИНОВ, Бахтиёр НАЗАРОВ, Юсуф СУЛТОНОВ,  
Тошпўлат ТУРСУНОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Лазиз ҚАЮМОВ,  
Комил ЯШИН

Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти

А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти

---

# Ҳамза Ҳақимзода Ниёзӣ

---



ТУЛА АСАРЛАР ТУПЛАМИ

*Учинчи том.*

**ДРАМАЛАР  
(1915—1920)**

Тошкент — 1988

Ҳ а м з а Ҳ. Н.

Тўла асарлар тўплами. 5 томлик  
/[Таҳрир ҳайъати: Қаримов Н. ва бошқ.;  
Нашрга тайёрловчилар: Ж. Жумабоева, А.  
Акрамов], Т. З. Драмалар (1915—1920).  
Т.: «Фан», 1988, 288б.

Сарл. олдиди: ЎзССР ФА А. С. Пуш-  
кин номидаги Тил ва адабиёт ин-ти.

Ҳ а м з а Ҳ. Н. Полное собрание сочи-  
нений в 5-ти т. Т. 3. Драмат.

«Тўла асарлар тўплами»нинг ушбу томига Ҳамзанинг 1915—  
1920 йиллар орасида ёзилган машҳур драмалари билан бирга шу  
вақтга қадар эълон қилинмаган ва тугалланмаган асарлари ҳам  
киритилди.

Ушбу нашр Ўзбек совет адабиёти тарихи билан шуғулланувчи  
мутахассисларга мўлжалланган.

Нашрга тайёрловчилар:

*Жумагул ЖУМАБОЕВА,*  
*Анвар АКРАМОВ*

Масъул муҳаррир:

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ, Наим ҚАРИМОВ.

## ХАМЗА ХАКИМ-ЗАДЕ НИЯЗИ ПОЛНОЕ СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИИ

В 5-ти томах

Том 3

### ДРАМЫ

*На узбекском языке*

Ташкент, «Фан»

*Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт  
институтининг Илмий Совети, ЎзССР ФА Тарих, тилишунослик  
ва адабиётшунослик бўлими томонидан нашрга тасдиқланган.*

Муҳаррир *М. Алиева*  
Расом *В. М. Мочалин*  
Бадний муҳаррир *А. Б. Баҳромов*  
Техмуҳаррир *О. А. Бакалова*  
Корректор *О. Абдуллаева*

ИБ № 4514

Теришга берилди 19.09.88. Босишга рухсат этилди 3.11.88. P03131.  
Формат 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босмаҳона қорози № 1. Адабий гарнитурга. Юқори  
босма. Шартли босма л. 15,12. Ҳисоб-нашриёт л. 14,8. Тиражи 5000.  
Заказ 231. Баҳоси 1 с. 90 т.

ЎзССР: «Фан» нашриёти: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.

ЎзССР «Фан» нашриётининг босмаҳонаси: Тошкент, М. Горький  
проспекти, 79.

Х  $\frac{4702620103-4055}{М 355 (04)-88}$  рез. 88. ©Ўзбекистон ССР «Фан»  
нашриёти, 1988 й.

ISBN 5-648-00190-8 (т. 3)

ISBN 5-648-00187-8



---

# Драмалар

---





[УЧ]

**Биринчи кўриниш**

Ҳоким. Хўп, қора халқни беилмлигидан фойдалануб, аҳмоқ қилуб ишлатуб, онлар устиларида ҳукумат даврини сурмоқдамизми?

Ноиб. Бизлар ҳали ҳам инсофлик иш тутиб турип-биз: фақирони сийнасига заҳарлик ханжаримизни ургонимиз йўқ. Қачон бирор ҳукумат бирлан уруш эълон қилсак, ўшал вақтда фақирони жазосини берурмиз. Бул фақирларга эҳтиёт бўлмоқ керакдур. Бул фуқаро илми сиёсатдин, илми жўғрофиядин, илми тарихдин хабардор бўлмаслигига бор кучимиз ила тиришсак керак. Бу фуқаро сиёсат оламиндин ва жўғрофий илминдин, аҳволи тарихдин хабардор бўлиб қолса, ул вақт бизларни мундай роҳатда яшаб, ҳукумат даврини суруб, ҳокими вилоят бўлуб турмоғимиз батамом битуб, ўзимиз асфалософин бўлурмиз!

Мирза. Рост, рост. Ҳар ишни олдини олиш керак. Ҳақиқатда халқни илм ва ҳунарни тараққий даврига солишибиз ҳокими вилоятларни гуноҳи кабираси бўлса керак, яъни халқни илм-ҳунари, одоби тараққий этса, ўзини ҳокими ватаниясига қаршуланмоқга бошлайдурлар. Мана, кўргондурсизлар, Епуния урушидан кейин қандай бетартибликлар қилуб, ҳукуматни йиқитиб, ҳуррият қилмоқчи бўлдилар. Барибир, бизларга рост хизмат этувчи полковник ва офицерларимиз ва ҳар шаҳарлардаги қўйилган полискаларимиз куч-қувватлари бирлан астойдил ҳаракат этуб, бул қора халқга гап ўргатуб, ҳуррият жорий қилмоқга ҳаяжон этганларни ушлатуб, қанчасини ўлдуруб, қоғонларини военний судга беруб, Сибирларга юбордилар. Ана, ўшал ҳуррият деганлар Сибирь эканлигини даврини анда сурмоқдалар.

Ноиб. Эмди бизларга энг муҳим кераклик иш шулки, ҳар бир қишлоқларга ва шаҳарларга ҳам бўлса, сискной начальник орқали воқеанависларни қўйиб, бу халқни тараққий йўлига солиш ҳаракатида юрган ёш муаллимлар қаерда бўлса, ушлаб келуб, турмаларга

солиш керак. Мактабларини бўлса тездан беркитмак лозим. А, халқга маориф йўлини бошлагучилар ўз уйларида маориф йўлини ўргатсунлар. Иккинчи — халқга маориф ўргатишликга қасамлар ёд қилсинлар.

10 Б о й. Жаноби ҳоким. Мана бул домла ўзлари манга кўп қадрдон қиёматлик биродаримиз ва маҳалламизни имомидурлар. Бугун сизни ҳузурингизга арз қилуб келгонимизни боиси шулдирки, ўшал маҳаллада Муҳаммадкарим деган одам бор эрди. Анинг бир ҳовлиси, «Хўроз чақирди» қишлоқда уч-тўрт таноб мулки бўлур эди. Яқинда худо ярлақаб вафот этди. Ўшал ўлган одамни маҳалладан беш юз сўм қарзи бор эрди. Ўшал қарзига ҳовли бирлан ерни мана бу жаноб домлага биз маҳаллани беш-тўртта катталари йиғилишуб, маслаҳат қилишуб, ўтказиб бермоқчи бўлуб эдук. Фалакат босиб, бир неча йиллардан берли йўқотулуб кетган Ҳайдарқул деган ўғли отасини ўлгонини эшитуб келиб, ҳовли бирлан ерни талаб қилиб турубдур. Отасини маҳалладан қарзи бор эканлигини билмайдур.

20 Биз ҳоким тўрадан илтимос қилиб келдик. Сиз жанобингиз ўшал ўлган одамни ўғли Ҳайдарқулни чақиртирилуб, уч-тўрт кун қамаб пўписа қилиб, қўрқитуб, ўшал ҳовли бирлан ерни мазкур биродаримиз домла афандига хат қилиб бермоқга буюриб десангиз, ул билан банги ҳаромзода оёқяланг муттаҳам биладур. Агарда қўрқутсангиз, кайфи учуб, ер, ҳовлидан кечиб кетур. Домла хўп закон бирлан тўрага тушунтирдими? Минг қилса, галавамиз ишлайдур-да!

30 Д о м л а. Ҳ а, энди жаноб бой шунчалик ёрдам қилмасалар ҳам бўлмайдур.

Н о и б. Жаноби домла, ҳовли бирлан ерни сизга ҳукм қилиб берамиз.

Б о й. Жаноби ҳоким тўра, жанобингиздан умид шулдур. Бир илож қилиб, бизни ишимизни ва муддаомизни тўғрилаб юборасиз. Домла ҳам ҳаққингизга дуо қиладурлар.

П о л и с к а. Жаноби ҳоким, бир йигитни сиз жанобингизга арзи бор экан. Агарда ижозат берсалар, чақирсам.



Ҳоким м. Қандай йигит? Чақир, кирсун мунда!

Ҳайдарқул. Сиз бутун фақироналар отаси бўлган ҳокими вилоятимизга шул хусусда арз қилиб келдум: Мани бир қари чол отам бор эрди. Ман азбаройи тирикчилик учун қишлоқларда бойларга қароллик қилиб туриб эдум. Энди келсам, отам вафот этибдур. Мана шул ҳузурингизда ўлтирган бой бобом отамдан қолган бир ҳовли бирлан «Хўроз чақирди» қишлоғидаги уч-тўрт таноб ерни мана бул домла поччамизга ўтказиб бермоқчи бўладилар. Умид қиламан сизданким, 10  
мазкур отамдан қолган мулкларни ўзимга бермоқликга буюриб берсалар.

Бой. Жаноби ҳоким, бул жуда падар лаънати аҳмоқ, сапча етимча, ялангоёқ. Муни сўзига қулоқ солгунча, миршабхонага бериб юборинг. Бул баччағар танбеҳини есун.

Домла. Ҳа, ҳа, жаноб ҳоким. Бул жуда ёмон, падар лаънати. Умрида бирор мартаба намоз ўқимоқ учун масчитга кирганини кўрганам йўқ. Ҳақиқатан, жаноб бойни сўзлари шаръийдур. 20

Ҳоким м. Эшак, ит! Нимага бойни устидан манга арз қилиб келдинг? Айб ўзингда экан!

Ҳайдарқул. Ахир отамдан қолган мерос, мулк учун талаб қилиб турибдурман-да!

Ҳоким м. Қандай отангдан қолган мулк бўлур? Отангни маҳалладан беш юз сўм қарзи бор экан. Уйламасдан арз қиласан. Мундан чиқди: бойни сўзлари ҳақ сўз бўлиб қолди. Сани ўзинг ёмон экансан! Миршаб, олиб бор! Қамаб қўйингиз баччағарни!

Ҳайдарқул. Ҳоким ота, мени қамаманг! Майли 30  
ҳовли бирлан ерни бердум. Ўзумни қўйиб юборинг!

Бой. Жаноби ҳоким, зап иш қилдингиз-ку! Раҳмат сизга-е! Қани, жаноби ҳоким, бугун марҳамат этуб, бизни кулбамизга мана бул жаноб ошнангиз бирлан жаноб мирзабошини... бугун бир оз зиёфатимиз бор... олиб боринг. Эшон қози бирлан мингбоши ҳам келадурлар.

Ҳоким м. Жаноби бой, бўлак вақт борурмиз. Бугунча бизларни таклиф қилманг.

Бой. Йўқ, тақсир, бугун борсалар. У ерда ҳам жабонбингизга бир муҳим иш бор. Албатта, бормасангиз хафа бўлурман.

Хизматкор. Мана, холос! Бойларимизни, амалдорларимизни аҳволлари! Муллаларимизда ҳам ҳеч амал йўқ. Илми ўқийдурлар. Яна амал қилмайдурлар. Амалдорларимиз бўлса, бойларни сўзига ишонуб, бир бечорани ўғлини миршабхонага юборди. Дунёда ҳеч бир тўғри, одил амалдорлар қолмабдур! Чўнтаклари 10 учун бечораларни эзуб, янчуб поймол қиладурлар. Ҳеч инсоф йўқ!

Миршаб. Ҳой, кўкнори. Нима деяпсан? Юр бақа! Юр, юр, юр! Юр!!!

### Иккинчи кўриниш

Бойнинг меҳмонхонаси.

Бой. Қаримжон, сан чиқиб кўчадан бохабар бўлиб тургин. Қозилар, ҳокимлар келмоқчи эрди. Соттихон, овқат тайёр бўлдимми?

Қаримжон. Хўжайин, қози домла бирлан мингбоши отам келишдилар.

20 Мингбоши, қози. Ассалому алайкум. Ҳа, бой, мана келдук. Кечикиб қолдук, хафа бўлмайсиз-да.

Бой. Ҳой, тақсирлар, ман нима деб хафа бўлурман? Сизлар бор учун мани кўкрагим тикка-да.

Бой. Соттихон, кириб дастурхонларни олиб чиқ!

Қози. Бой, ман шу кунларда юрагимда хафалик бор. Ажаб ҳайронман.

Бой бирлан мингбоши. Тақсир, нима хафалик тортасиз? Бизлар бор — хафалик тортманг. Худо хоҳласа, ҳар тўғрида ёрдам берамиз.

30 Қози. Ростини айтсам, сайлов вақти яқинлашиб келиб турубтур. Шу тўғрида қўрқармен. Бекор бўлуб қолсам, сарф қилгон пулларимни кимдан тўлаб оламан, деб. Ҳали ўтган сайловда сарф қилган пулимни тўлдирганим йўқ.

Бой. Тақсир, ажаб ғалати сўзларни сўзлайсиз. Ман

бир-икки ҳақ ишларни ҳузурингизга олиб борай. Ана холос, ана шунақа чатоқ ишлардан бирор нимарса оласиз. Секин-секин тўлаб оласиз. А, сайлов вақти бўлганда ҳамма элликбошиларни чақиртируб, яхши гапурсақ, бизни амримизни онлар икки қилмайдурлар. Яна жанобингиз ўрнингизда қоласиз-да.

Мингбоши. Ажаб ман ҳайрона қоламан. Тақсир, айтиб турибман-ку биз бормиз, ҳеч ғам еманг. Ўзимиз тўғрилаб юборамиз. Асло хафалик тортманг.

10

Каримжон. Хўжайин, ҳоким тўралар ҳам келишиб қолдилар.

Ҳоким, Ноиб, дафтарчи. Ҳо, ҳо, эшон, қози, мингбоши, сизлар ҳам шул ерда экансизлар-да?

Мингбоши. Сиз жанобингиз қаерга борсалар, бизлар ҳам ўшал жойда бўламиз-да!

Эшон, қози. Жанобингиз бир неча кундан берли маҳкамага боришмай қолдингиз?

Мингбоши. Жаноби эшон тўра, қози домла хафадурлар.

Ноиб бирла дафтарчи. Хўш, нимага хафа бўлурлар? Қани, биз билайлук.

20

Мингбоши. Жаноби қози сайлов яқин келган учун қўрқуб турубдурлар.

Ноиб. Эй, эшон, қози, хафа бўлманг! Ман ўзим тўғрилаб юборурман.

Бой. Соттихон, кириб, овқатларингни олиб чиқ! Каримжонга айтгин, самовар қайнаган бўлса, чой дамлаб олиб кирсун. Жаноби ҳоким, бизни сўзимизни ўлдурмай, зап келибсиз-да! Ман қўрқуб туруб эрдим, келишмай қолишармикан, деб.

30

Ҳоким. Жаноби бой афанди, сизни сўзингизни ўлдурмай келдук-да!

Бой. Ҳой, тақсир, бул давлатлар ҳаммаси сизларники! Бинобарин, топғонимиз сизларни орқаларингиздан. Сизлар бўлмасангизлар, бизлар қаердан дунё топадирмиз? Сизлар ёрдам этасизлар — бизлар дунё топамиз-да!

Қози. Тақсир, эшон, ҳоким — бизлар ҳаммамиз ҳам бўлса сизларни орқа қилуб, ҳукумат сурурмиз-да!

Сизлар тирик бўлсангизлар, бизлар ҳеч кимдан қўрқмаймиз.

### Учинчи кўриниш

Бойнинг меҳмонхонаси.

Б о й. Соттихон, кириб ичкаридан мани сумкамни чиқориб бергин, ўғлим! Бир дона чой олиб чиқиб, қўйиб беруб ўтиргин. Ман васиқа вексилларни ўқуб ўтай. Суроги неча қолибдур? Агарда суроги бўлғони бўлса, тўғрилаб судга беруб, судя, пристуф орқали ҳовлини бориб хатлаб, хотун талоқларни бир танбеҳини берай! Ўғлим Соттихон, бир одамни ҳовлиси, агарда яхши бўлса, зўрлуғ бирлан олиб, сани уйлантируб, ўшал зўрлиқ бирлан олинган ҳовлини санга бераман. Хизматни яхшилаб тургин!

Қ а р и м ж о н. Хўжайин, қишлоқдаги қарздорингиз Ҳошимжон ака келди. Эшикда турибдур. Мумкин бўлса, чақирай.

Б о й. Чақир, келсун... Хўш, пулни фойдасини бермайсиз, ёки танини келтириб бермайсиз? Бул мани пулим. Бир ойда қанча фойда туғар эди! Кўп узоқлатиб юбордингиз! Ана бераман, мана бераман, деб ўтган ой келганингизча мана ҳозир кўриб турибман. Қани пулни олиб келдингизми ёки бугун ҳам олиб келганингиз йўқми?

Ҳ о ш и м ж о н. Хўжайин, кўп одамлардан пул сўроғлаб тополмадим. Яна сизни ҳузурингизга келдим. Бир ой сурог берсалар, ҳужжатимни протест қилмасунлар, деб келгоним эди.

Б о й. Вой, хотин талоқлар-ей, вой, хотин талоқлар-ей. Санларга аслида раҳм қилмоқ — ...емоқлик экан. Тур, тур, кўзимға кўринма! Эртага хотинингни иштонигача печатлатуб юборай! Кейин кўзинг очилади, сен ўғриларни!..

М и р з а р а ҳ и м, М ў м и н ж о н. Ассалому алайкум, бой бобо! Биз ҳузурингизга арз қилиб келдук. Бугун

қиблағоҳимиз оламдан ўтдилар. Қўмгани пулимиз йўқ. Агарда мумкин бўлса, бир-икки юз сўм пул топиб берсангиз. Маъракаларини ўтказуб, кейин топуб берурмиз.

Бой. Ҳа, энди бой бобонгиз керак бўлиб қолибдида! Ман дадангизни шунча йилдан берли ҳаммаҳалла бўлуб туруб бир мартаба дастурхонини ебманки, эмди ўлигига ман пул топиб берайми? Мани бекорчи пулим йўқ!

Мирзараҳим, Мўминжон. Бой бобо, ҳозирда долзарб вақтда кимдан пул қарз сўрайдурмиз. Сиз 10 маҳаллани каттаси, сиз бўлмасангиз, ҳеч иш битмайди. Шуни учун сизни ҳузурингизга келдук.

Бой. Хўп, ман топиб бераман. Лекин гарови учун ҳовлингизда яхши гилам бор, деб оингдан эшитиб эрдим. Чиқориб берингиз. Сўнгра ман пул топиб берадурман. Қачон пулни бериб, сўнгра ажратиб олурсизлар.

Мирзараҳим, Мўминжон. Мана бой бобо, гиламни олиб келдук.

Бой. Хўп, хўп. Мана, икки юз сўмни олингиз. Бир 20 ҳафта сурог. Агар бир ҳафта ичида топиб беролмасангизлар, гилам маники бўлур. Борингиз, бугун кеч бўлди, эртага кўмингизлар. Маърака куни манга бир яхши тўн кийгизасизлар-а? Мана шунақа, вақти келса, ёрдамимиз тегади...

Бой. Қаримжон, сан отларга беда қирқиб солгин! Кейин яшиқларни беркитгин! Соттихонни мани олдимга чақириб қўй!

Соттихон. Ҳа, ота? Мани йўқладингизми? 30

Бой. Ҳа, ман чақирдим. Таҳорат учун офтобада сув чиқариб, эрта бирлан туриб, таҳорат қилурман. Сўнгра меҳмонхонани эшигини беркитуб, чиқуб кетгин. Бир оз ёнбошламасам, бўлмайди. Хўб меҳмон, чарчаб қолдим...

Уғриллар. Ҳа, хотин талоқ, бой! Қўлимизга тушдинг-ку! Энди ёрдамчиларингиз ажратиб олсун сани. Жуда ҳаммани сўкуб ҳовли-жойларини олиб, неча кам-

бағалларни беватан қилиб, ҳаддингдан ошуб кетуб эрдинг-а? Қалайсан, энди! Охирги ҳолинг шул экан-ку!

Бой. Жон укалар, иккинчи мартаба қилмайдурман, бул сафарча кечирингизлар!

Ҳайдарқул. Жўрабоши ака, бу золим, қонхўр бойни гапга солиб ўлтирманг. Манга буюринг, бир ўқ бирлан танбеҳин берайин! Қўлим қичиб турибдир.

10 Яна бир ўғри. Сани қара-ю, қачондан берли одам отадиган бўлиб қолдинг? Юрагида ёли бор биздақа йигитлар отади-да! Бул бой, биласанми, мани эшигида ўттиз йил хизматкор қилиб ишлатиб, бир тийин бермасдан, кетимга тепиб ҳайдаган. Қасдимни ман оламан-да!

Ҳайдарқул. Нима дейсан, сани ўттиз йил ишлатган, мани беватан қилган мана шу хотин талоқ бой бўлади!

20 Яна бир ўғри. Жўрабоши ака, ичкаридан чиқса эдилар, ман ўзим сўраб олиб, отмасдан, Самарқанддан олиб келган мана бул пичоғим бирлан гўштини Хитой таҳлит тилиб-тилиб олар эдим.

Хизматкорни ушлаб турган ўғри. Бўлмаган катталикларни қиласан!.. Беда қирққонга ўхшатуб жоди бирлан калласини қирқади-қўяди-да.

Жўрабоши. Торт хотун талоқларди! Ҳамманг истолди олиб чиқ. (*Хизматкорга.*) Бизлар ҳаммамиз ватанимиздан ажраган аламзада одамлардурмиз! Сани дунёнинг керак эмас! Сандай хоинларни жони керак!

Парда беркилур.

Тамон.

**ЗАҲАРЛИ ҲАЁТ  
ЕХУД  
ИШҚ ҚУРБОНЛАРИ**

*Тўрт пардалик фожиа*

**Уйновчилар:**

1. **Мирзаҳамдам бой** — ўрта бўйлик, мошбиринч соқол, қизил юзли, ўртача кийинган, 55 ёшда, зўр давлатлик бўлса ҳам илм-маърифатдан йироқ киши.
2. **Абдиқодир бой** — Мирзаҳамдамбойнинг ошнаси бўлса ҳам Маҳмудхонга муҳаббатлик, бир озгина замондан хабардор киши, узун бўйлик, қорасоқол, расмий кийинган.
3. **Маҳмудхон** — хипча бўйлик, хушмўйлаб, соқолсиз, сочлик, кўзида ойнак бор, бутун оврупоча кийинган, демак! Энг юқори даражада очуқ фикрли, хусусий муаллим олуб ўқумиш, тарбия кўрмиш, миллатпараст бўлиб, Мирзаҳамдамбойнинг ёлғуз ўғли, 18 ёшдадур.
4. **Марям хоним** — эски мактабларда ўқимиш эса ҳам Маҳмудхонга муҳаббат қўймоқ муносабати ила рўмон, газета, журнал каби маориф таъсиротиндан қалби-ҳисси уйғонмиш шафқат ҳамшираси, миллат жорияси, Маҳмудхоннинг ҳақиқий ошиқидур. Ўзи ҳуснли, 17 ёшда бўлиб, бир фақиргина косибнинг қизи.
5. **Эшон** — узун тўн ва катта саллалли бир қишлоқ эшони.
6. **Сора** — Марямхоннинг онаси, 35 ёшда бўлиб, жоҳила бир хотундур.
7. **Зайнаб** — Марямхоним билан Маҳмудхон орасинда хат юритувчи кампир, 60 ёшда.

Туркистон маншатидан олинмиш қиз ва куёв фожиасидир.

**БИРИНЧИ ПАРДА**

Маҳмудхон ҳужраси, оврупоча зийнатланган бир ҳужра бўлиб, бир тарафда — ишкоф ичида китоблар, хариталар, рамкада картиналар. Бир тарафда — темир кароват, бир тарафда — бир дона стол, уч-тўрт дона табуретка, бир деворий соат шаклида парда очилур.

Маҳмудхон (*ёлғуз кириб, салласини олиб қўйиб, тўнини ечиб, чўнтагидан бир мактубни олиб, тўнини қозуққа илуб, курсига ўлтируб, хатни ўпуб очуб*).

10 Бугун нима хабар! Нима сўзлар ёзилиб мактуб келган экан!

Энди ўқуб турган ҳолда эшикдан Абдуқодирбой кирув келуб.

Абдиқодирбой. Ассалому алайкум!

Маҳмудхон (*хатни қўйнига солуб, югуриб туриб*). Ассалому алайкум, бой почча, келсинлар, қани марҳамат (*жой кўрсатиб*), қани ўтирсинлар, манам ҳозир жанобингизни кутиб турувдим. (*Бой курсига ўтирур, фотиҳа ўқир*.)

20 Абдиқодирбой. Хайр, зиёда давлат, оллоҳу акбар!

Маҳмудхон (*туриб*). Хуш кўрдик!

Абдиқодирбой. Хўш, саломат! Янги хабарлар йўқми, афандим?

Маҳмудхон. Хуш хабарлар мана энди жанобингиздан бўлади-да, бой почча!

Абдиқодирбой. Энди биз келтурган хабар хуш бўлмаса ҳамки, омонат бир жавоб-да, ҳар нима бўлган-да ҳам биздан бир айтуб ўтмоқ-да! Айб қилмайсиз!

30 Маҳмудхон. Йўқ, тақсир, нимага айб қилар эдим! Қани, эшитайлик!

Абдиқодирбой. Энди, кеча ман бу ердан чиқиб, тўғри контурга борувдим, бой афанди ўзлари ёлғуз эканлар, ўлтирдим, чой буюрдилар, ағдан-бағдан сўзлашуб ўлтируб, гапди муддаога олиб келдим-да, қўлимдан келган қадар сўзларни айтуб, агар бу ишлар вуқуъга келмаса, Маҳмудхон аччиғ устида бирор тарафларга кетиб қолиш эҳтимоли ҳам бор! Энди бир-





тагина фарзандингизни хурсанд қиламан, десангиз, ўша Марямхонни олуб берасиз-да, хотиржам қиласиз. Бўлмаса, охирида бирор дилсиёҳлик бўладурган даражаларга ҳам эҳтимоли бор, деб хуллас, нима била тарғиб бўлса, қилиб ўтдим, аммо бой афандини ўзингиз феълларини биласиз, ҳеч бир хоҳиш қилмадилар!

Маҳмудхон (*бир оз ўзгариброқ*). Ахири нима дедилар?!

- Абдиқодирбой. Энди бой афандининг гаплари шуки. «Ман эл-халқни ичида хўб яхши обрў, шуҳрат топган киши; бир Хўқанддагина эмас, манā, Бухоро, Самарқанд, бу тарафи Қашқар дегандек ҳамма жойга овозамиз кетган; энди биттагина ўғил бўлса, мана, ўзини тўй қилганимга ўн-ўн беш йил бўлуб қолди. Мана бу — иккинчи тўйи, ахир, бир дурустроқ, ўзимиздан юқори бўлмаса ҳамки, баробарроқ жойдан уйлантирайликки, ҳам орзумиз ушалсун, ҳам атрофдан келган ёру дўстларга маъқул бўлсин-да! Энди ман шундай обрў била бориб бир бечора косибди қизини олиб бераман? Халқ мани нима дейди? Ахир унинг катакдак кўҳна ҳовлиси бор. Тўй қаерда бўлади?! Хўш, келган ёру дўстлар боруб қаерда ўлтиради?! Шарманда бўламиз-ку! Энди ўғлимизи хурсанд қилайлик холос, деб шунча мардумдан таънага қолуб, хайфсан эшитуб ўлтирсак тузукми? Мана ахир ўқийман, деди, хабарингиз бор, ман 6—7 йилдан баққа қанча пуллар сарф қилдим, энди мулла бўлиб, қилиб берган фойдасими бу! (*Қўли била ишорат қилуб.*) Асло, асло, бу сўзни иккинчи айтманг. Ман сиздан хафа бўламан. Мана сиздек яқин дўстларимдан чиққан сўз шулми? Айб гап», дедилар.

Маҳмудхон. Ахир, ўз-ўзини бир балога гирифтор қилади, демадингизми?

Абдиқодирбой. Айтдим, ҳеч гап қолмай, ҳаммасини айтдим. «Онаси ҳам унамайди! Қариндош-уруғлари ҳам унамайди. Бу бир хом хаёл гап. Ҳар кимга мақбул бўлмайдиган гап. У ўзи шундақадур. Қўй, ман ундан юз баробар ортиқ қиз топуб бераман», дедилар, ҳоказо. Икки соат сўзлашуб, энди бир оз мулоим қил-

ган вақтда ҳазрат эшоннинг Қосимжон деган халфалари келуб қолди; хайр у ҳам, зораинки, манга қўшилар, деб тагин ўлтирувдим, халфани ўзи ҳам сўраб қолди. Бой афанди ўзлари гапириб қолдилар. Халфа гап тамом бўлгандин кейин: «Энди, бой афанди, жанобингизники маъқул, сизга ҳеч муносибмас ва ҳам буниси борки, у қиз ҳазрат эшонга назр бўлган, энди ҳазрат эшон мурид овидан қайтсалар, эҳтимол, шу ой ичида тўй ҳам бўлса», деб юборди. Бой афанди: «Мана холос, агар ман сизни сўзингизга кирсам, тоза шарманда бўлур эканмиз», деб, баъзи гапларди гапириб, мани хижолат қилдилар. Энди ўзингиздан ўтар гап йўқ. Ҳазрат эшон бўлгандин кейин гап тамом. 10

Маҳмудхон (*ҳайрон бўлуб*). Ҳазрат эшоннинг хотунлари бор эди-ку?!

Абдиқодирбой. Бор! Битта эмас, олтита; ҳозир олтиариқлик ойим ўлдилар, бешта бор!

Маҳмудхон. Олтита экан, муни нима қиладилар, энди?

Абдиқодирбой. Эй бойбаччахон, сиз ёш-да ҳали. Текин назр бўлгандан кейин ким олмайди, дейсиз! Аввал шундоғ ҳазрат эшонлардан иш кеткан-да! Бўлмаса, бир оёқлари гўр оғзига бориб қолган. Бу кишига ким қўйди? Яна мунча ёш хотинди! Замона соб бўлган-да! 20

Маҳмудхон ўрнидан турар.

Қаёққа борасиз?

Маҳмудхон. Гап била бўлиб қолдик, чой қўяй.

Абдиқодирбой. Йўқ, афандим! Чойга фурсатим йўқ, бошқа яна келарман. (*Турар.*) 30

Маҳмудхон (*ночорроқ*). Ахир, чой ичиб борар эдингиз-да. (*Кузатар.*)

Абдиқодирбой. Ахир, чой ичмаган жойимизми, хайр! (*Чиқар.*)

Маҳмудхон (*узатиб*). Хайр, бўлмаса. (*Кетар.*)

Маҳмудхон ўртада бир оз ўйланиб қолур-да, курсини устол ёнига олиб, саҳнага қаратиб қўйиб ўтирар. Оҳ уриб, яна туриб, юриб келиб ўтирар.

(*Қўлини тиззасига уриб*). Оҳ жаҳолат, маорифсиз давлат! (*Хатни олуб, очуб қараб, туруб боруб, звонок бериб, яна келиб ўтирур, эшикдан мулозим келур. Маҳмудхон анга қараб.*) Бирорта эркак одам келса, мани йўқ дегин. (*«Хўб», деб кетар. Ҳамон тиззасига уриб.*) Эй, жоҳил оталар, жоҳила оналар! Ман орзу-ҳавасни нима қилай? Нима орзу-ҳавас! Ўзимнинг истаганимдин бошқа — нимарса эмас.

10 Бир оз сукут қилуб турар. Бу орада Марямхоним келуб, эшикни қия қилиб қараб турар.

(*Хабарсиз*). Ман орзу-ҳавасни нима қилай? Суйганим бўлмагандан кейин манга минг орзу — бир қора чақа! Балки менга заҳар! Улим, аза! (*Бир озгина тўхтаб.*) Ман бой қизини нима қилай? Ҳа, ўзимни эндигина жаҳолатдин қутқазган вақтда яна бир жоҳилага, рўдапога умрдош бўламанми?

20 Менга ҳаёт керак! Ҳаёт учун энг кўнглум истамиш мақсад керак, у мақсад эса (*бош қимирлатуб*) Марямхонимдан бошқа эмас, бошқа эмас! Маслакда, фикрда, илмда, миллатпарварликда энг биринчи ҳаётдош бўлиб турган Марямхонимдек ҳақиқий бир кўнглим жононаси турганда, манга дунёни ҳар бир орзусини ҳар бири пари каби бойлар қизини ҳавас қилмоқ ҳаром! Ҳаром!

30 Оҳ, анинг манга ширин-ширин ёзмиш мактублари! (*Югуриб туриб устол ғаладонидан бир дона мактубни кетуруб очуб.*) Мана-мана буни ёзмиш, мактубларига қара: биринчиси бу! (*Биринчи мактубни ўқур.*) «Қуёши миллатим, ғунчаи муҳаббатим, суюклу афандим Маҳмудхон! Бан сизга нақадар муҳаббатни даъвосиндан ёзмайки, узун, ҳаддан узун сўзларим бўлса ҳам вақтингиз мусонда ўлмаса, малол хотирингиз сабаб нақоизи ҳаётим ўлмасун учун сўзни қисқартуб мақсадгина қалам юритдум, афандим!

Дуруст, ман фақира эски мактабдагина таҳсил этдим. Лекин ҳар бир миллият ва инсоният ҳаёт масалаларин бори сизнинг марҳаматингиз ва маънавий бир ёрдамингизгина орқали танудим.

Газета каби ҳаёти миллия очқичларида сизнинг ҳаракатингиз орқали баним қўлима тушди!

Демак, бу биринчи мактубим, аввалғи мактубларимдан эмас, балки чин кўнглим, соф қалбим саҳифаси, деб билурсиз, вассалом.

Иккинчи муддао, афандим, эмди тездан ижтиҳод этингизки, икковимиз қўлимизни тутушиб, зулматда қолмиш бу миллатни, сиз қуёши бўлганда, ман моҳи тобони бўлуб, қоронғу ватанни ёрутайлик; сизда эрларимизнинг ҳолиндан, бан мазлума оилаларимизнинг ҳолиндан газеталарга ёзишиб, бир-бирларимизи огоҳлаштирайлик. Гарчи сиз тижоратда бўлсангиз-да, чин мақсадингиз бўлган қизлар мактаби очайлик, бан маънавий, сиз моддий хизматда бўлинг, қадрсиз ҳамшираларимизнинг касод ўлмиш бозорларини илми нақдий била кўтаришайлик. Чин яшайлик, келажакдаги авлодларимизни мозоримизга боруб, эрлари сизга, қизлари бизнинг қабримиз узасина оқ, қизил гуллар сочуб, қуръон ўқуб, руҳларимизни олқишларлик даражада бир хизматларни майдонга қўяйлик.

Афандим! Ман гарчи зоҳиран бир косиб қизи, аммо сизнинг ёрдамингиз ила миллат қизи ўлуб, маънан маърифат ва миллий хизмат билагина ман зоҳир фақирлигим илтифотга олунмаганда, исломият, инсоният, миллият, узасиндан ҳаракатда ўлмоғингиз бир маржийдир.

Йўқ эса қиёматгача қабрингиз миллат ва келажакдаги миллат авлоди тарафиндан маҳқур, қиёмат кун эса жаноб ҳақ ва расул афандимиз қошинда уятли ва сарнигун ўлмоғингизни хотирингизда ёдгор қолдирам! Демак, орзу-ҳавас ўлса ўлсин, миллият, инсоният ўлмасун!

Хайрихоҳ миллий ғамдошингиз Марямхон Зокирия».

Маҳмудхон (*тиззасига қўлин уруб*). Оҳ, мана, мана бу мактуб қандай лазиз ҳаёт беради! Ман қайси виждоним била бундан юзимни ўгирайин, мошоиллоҳ! Бу мактубнинг ҳар бири манга минг бой қизидан суюклумасму?

Туркистонда асрлардан бери эндигина етишган миллат жорияси қандай руҳлар бермакда?! Оҳ, ман бу малъун фоний давлатга мағрур бўлиб, маънавий давлатдин нечук қолай?! (*Биринчи мактубни қўйнига солиб, иккинчи мактубни очиб кўруб, чўчуб туриб*). Оҳ, ман то охир қилибман-ку! Марямхоним кутмоқчи экан, ман тўхтаб қолибман-ку! (*Хатларни қўйнига ошиғиб солиб, орқасига қарамоқ ила баравар Марямхоним эшикни очуб боқуб турар, Маҳмудхон югуруб бориб салом ила қўлин йпиб.*) Буюринг, хоним афандим! (*Олиб келиб курсига ўтқазур.*) Хоним афанди! Ман чиқуб эшикни, киши қўйиб, пойлатуб келай.

Марямхоним (*Маҳмудхон қўлиндан ушлаб, йпиб*). Афандим, мани келганимга узоқ вақт бўлди, тез қайтаман.

Маҳмудхон. Хўб, жоним! Мободо бир киши хабарсиз келмасин. (*Чиқиб кетар.*)

Марямхоним (*ёлғиз, китобларни ва бошқа жойларни кўрсатуб*). Оҳ! Ширин ҳаёт! Чин йўлдош, бундай ҳар бир жиҳатда комил, фозил инсон бўлса!  
20 Афсус, фақира-бечораман. (*Юриб турар.*)

Маҳмудхон келур.

Маҳмудхон (*курсига таклиф қилиб*). Нечук, хоним афанди, такаллуфсизгина ташриф эттингиз?

Марямхоним (*ўтириб*). Ҳеч такаллуфга эҳтиёжсиз! Муҳаббатми, бошқами, яқинлардан бери қўрқинчли бир туш кўраман! Хавфлануб, бир фурсат қилдим-да! Кўргим келди! Азият кўрмасангиз, ҳеч гап йўқ.

Маҳмудхон (*туруб*). Бош устина, хоним афанди, на азият? Марҳамат эмасми? Тушни банимга эътибори йўқ, лекин... (*Сукут.*)

Марямхоним (*қўрқиброқ*). Афандим! Сукут эттингиз?!

Маҳмудхон (*рўмолчасин олиб, кўз ёшин артиб*). Хонум афанди! Оҳ! Иккимиза бир уқубат борга ўхшайди!

Марямхоним (*чўчиб, Маҳмудхон қўлини тутуб, ошиғуб*). Нима? Нима? Уқубат?

Маҳмудхон (*қўлини тутуб*). Қани тил, ани сизга айтмакка?! Жоним!

Марямхоним (*ҳамон ялиниб*). Ман эшитиб турган сўзларимдангина эмас, дедим-ку! Кўрган тушларимдан-да хавфланган эдим. Айтинг, нима хабар экан?! Нима сўз?!

Маҳмудхон. Энди ўзим ҳам айтмоққа мажбурман, лекин, кўнглим бўлмайди!

Марямхоним (*йиғламсираб*). Йўқ, айтинг!

Маҳмудхон. Ман кеча бир кишини отамга юборган эдим. Ул киши сўзича, отам қабул қилмаган эмиш. Майли энди ул қабул қилмаса, қийинлик бир тарафда экан! Иложи осон эди. Энди сизнинг тарафда бир мушкул борки, ҳар бир нарсадан у масала оғур!!

Марямхоним. Хайр, афандим, нима экан?!

Маҳмудхон. Сизни ота-онангиз ҳазрат эшонга назр қилмиш эканлар (*Марям чўчир*), эҳтимол шу ойлор орасида тўй бўлур эмиш. (*Марям яна чўчиб тушар, манглайин тутар.*) Энди ман эса, бу тўғрида кўп оғур ўйга қолдим! (*Тўхтар, ҳар иккаллари йиғлаб, тўхтар.*)

Марямхоним (*бир оздан кейин*). Афандим, ман сизсиз дунёда бир кун турмоғимдан манга ўлим яхшимасми? Ман (*йиғлаб*) ҳеч бир вақт қабул қилмасман. Қўлимдан келган қадар ўзимни ул золим қўлидан қутғаза олурман! Жоним, гап сизда. Сиз-да ўз ваъдангизда қарор этсангиз, албатта, ман жон борича ҳаракатда бўлурман. (*Йиғлар.*)

Маҳмудхон. Ман сиздан-да ортиқ даражада дунёда сизсиз тура олмам. Бугун сиздан ажралмоқ маълум бўлур экан, бу куннинг ўзидагина ўзими халок этарман. Жоним, манга сизсиз ҳаёт — заҳар! Мандан амин ўлингизки, букундан бошлаб ман ҳаракатда бўлурман. Сиз-да, албатта, у тарафдан монеть бўлиб турсангиз, кифоя.

Марямхоним (*Маҳмудхон қўлидан тутиб, яқинроқ келуб*). Жуда ўлмак эса бир бошқа мамлакатга қочмоқ мумкин эмасми?

Маҳмудхон. Албатта, мумкин. Жоним, иш бўлмагач, ноилож қиламиз. *(Бу орада «Хўжайин келдилар», деган овоз бериб, «Хўжайин келдилар!» деб қўяр.)*

Маҳмудхон *(сачраб туриб)*. Энди *(Марямхоним турар)* айбга буюрмайсиз, хабарсиз келганингиз вақтсиз бўлди.

Марямхоним *(Маҳмудхон қўлин тутиб, кўксина қўюб)*. Яна мани фақир, деб, ташламангиз, жоним!  
10 Ман ўзимча фақир бўлмадим!

Маҳмудхон. Оҳ, жоним! Манга ўт ёқмангиз! Ман у виждонсиздан эмас. *(Қўлини олиб йпар.)*

Марямхоним *(паранжисини ёпунуб)*. Миллат ҳаққидин мани унутманг! Афандим, манга увол қилманг! *(Мўйлабларин силаб йиғлар.)*

Маҳмудхон. Жоним, ҳеч унутмасман! Сиз хотиржам! *(Пешонасин силар.)*

Марямхоним *(эшик остина боруб)*. Жоним, ман ҳар доим умидда тураман! *(Камзул олдиндан тутиб.)* Афандим, аввалги марҳамат ваъдадагина бўлинг! Дунёга алданманг, миллатдин юз бурманг! *(Яна қўлин йпиб.)* Жоним! Сиз унутсангиз ҳам, баилоҳи ман ҳаргиз унутмасман, оҳ жоним! *(Биргалашиб чиқар.)*

Парда тушар.

## ИККИНЧИ ПАРДА

Марямхонимнинг зўр била ҳазрат эшонга никоҳлануб, ўн тўрт кундан кейинги кун. Ҳазрат эшон ўз уйиндаги ҳол, манзараси, демак, уйи ичкарида бўлиб, кўрниниш жойи уйнинг қазноқи *(ҳужраси)*дан иборат; баъзи маншатини ўрта асбобларин бирла музайян; расмий кийгиз солинган, ўртадан ичкарига, Марямхоним уйинна эшик бор.

Парда очилур.

Марямхоним *(бир оз ясанган, бош-оёқ яланг эшикдан қочиб чиқиб, ошиғуб)*. Ё раббий! *(Эшикка қараб.)* Ё раббий, ё оллоҳ! Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳ. *(Рўбарўсига қараб оҳиста)*. Маҳмудхон, қай-



дасан, жоним? Мани ҳолимни кўр! Қани ваъдаларинг! Жоним Маҳмудхон! Эй оллоҳ! Паноҳ бер! *(Йиғлаб.)* Нажот бер!

Эшон *(берироқ келиб)*. Марямхоним! Сизга нима бўлди? Мандан қочиб, мундақа қиласиз, а?!

Марямхоним *(қазноқнинг бир бурчига қочиб)*. Йўқолинг эй, йўқолинг! Хоин, диёнатсиз, раҳмсиз! Золим! Кўзимга кўринманг-ей! Ё раббий! Ё илоҳим, нажот бер!

Эшон *(бир фурсат соқолини тараб туриб, бошини 10* *лиқиллатиб)*. Бир балойижон-ку?! *(Яқинроқ келиб.)* Ахир, нимага шундоқ қиласиз? *(Қўли бирла кўрсатуб.)* Манам одам-ку! Юҳо ё одам ёввойиси эмас-ку?! Манга нима қилипти, ахир! Мандан қочасиз? Туринг, уйга кириг, мундақа қилманг, ман хафа бўламан.

Марямхоним *(ўзун олиб қочиbroқ)*. Қирмайман! Қирмайман! *(Қичқириб йиғлар.)* Раҳмсиз! Инсофсизлик юҳоликдан камми?

Эшон *(ҳайрон бўлиб туриб, яна ялиниб)*. Туринг, уйга кириг! Ман чиқиб кетаман! Бу ерда турманг! 20 Ёмон бўлади!

Марямхоним *(жаҳл билан)*. Чиқиб кетаверинг! Қирмайман, дедим-ку!

Эшон *(аччиғланиб, ёнига келиб, энгашиб қўлин силкиб)*. Ҳа, «Тур», дейман! Ҳали замон дуойи бад қилуб юбораман-ку!

Марямхоним *(аччиғ билан қичқириб, йиғламсираб)*. Турмайман, кўп яқинимга келманг! Дуойи бад қилсангиз қилинг, ман ўлай, ўлимимга розиман! Манга бу кундан ўлим яхши! Ўлум! Оҳ, ажал! Кошки, ҳозирда жоним чиқса, шундоқ бетавфиқ қўлидан халос топсам! Ўлим! *(Йиғлар.)* 30

Эшон. Эр бўлса, мана ман! Бошқа муддаонг нима? Ё бўлак дард-мардинг борми?

Марямхоним *(қичқириб йиғлаб)*. Бор! Бор! Муддаом бор. Сан чолди ман эр қилмайман, қилмайман, дейман-ку! Тағин нима?

Эшон *(бормоғин тишлаб, оҳиста пешонасига қўлин уруб, яна аччиғ била)*. Ким у, муддаонг? Айт!

Марямхоним. Бор, дедим, бор! Айтиб нима қиламан? Бор!

Эшон. Хотирингни жам қил, энди муддаонгдан умидингни уз!

Марямхоним (*йиғлаб*). Ноумид шайтон! Ноумид раҳмати сан! Мани ҳали жаноб ҳақдан умидим кўп! Ман умидимни узмайман!

10 Эшон (*жаҳл билан бошига бориб, энгашуб, қўлин силкуб*). Сани мандан халос топаман, деган умидинг ҳам борми?

Марямхоним. Бор, албатта, ҳар тарафдан бор!

Эшон. Қандоқ холос бўласан!

Марямхоним. Иншооллоҳ, бўламан! Ҳозир бўлмаса ҳам ахийри бир кун бўламан!

Эшон. Мани сан нима деб ўйлайсан ҳали?

Марямхоним. Бир бетавфиқ, худо беҳабар чолсан-да! Нимасан?!

20 Эшон. Астаъфируллоҳ! Ман сани осонликча қўлга туширдимми? (*Яқинроқ келиб*.) «Тур», дейман, яхшиликча! (*Қўлидан тортар*.)

Марямхоним (*Эшон қўлин силкиб ташлаб, қичқириб, йиғлаб*). Ол қўлингни, нарироқ тур! Бетавфиқ! Енимга келма! Инсофсиз, уятсиз, диёнатсиз! (*Йиғлар*.)

Эшон (*жаҳл билан*). Нима қиласан бу ерда?

Марямхоним. Ўзимни ўлдираман, биласанми?! Санинг қўлингга асир бўлгунча ўлганим минг маротаба яхши! Шу ерда ўламан, кирмайман!

30 Эшон (*ҳамон аччиғлануб*). Бадбахт, мардуд бўласан!

Марямхоним. Худо хоҳласа, ҳеч нимарса бўлмасман! Ҳар нима қўлингдан келадиган бўлса, қил. Дариг тутма. (*Йиғлар*.)

Эшон. Сан ҳали гумроҳ экансан! Сани ўқиган, деб эдилар, балони ҳам билмаган экансан! Мани биласанми (*қўлин силкиб, аччиғ била титраб*), мани биласанми? Ман ҳазрати эшон-а, эшон! Каттадан — кичик, бойдан — камбағалгача мани кўрса ўрнидан туради-ю, манинг кафшларимни кўзларига суркаб, табаррук қилишади-ю! Сан мани ҳурмат қилмоқдан ортиқ, гапим-

ни қайирасан! Сансирайсан! Еш! Еш!— деб афв қилсам, осий бўласан!

Марямхоним. Эй бемаърифат эшон! Эшон бўлмай қол! Афв қилмоқ худога, осий бўлмоқ бандага хос! Бандага ким қўйди авф қилмоқди?! Ман хўб яхши ўқиган, ўзимга яраша дин, диёнатни сандан яхши биламан.

Эшон. Гапирма, эй безоти! Тағин қайтаради-я! Мани уйдаги бешов хотинимнинг қайси бири сандан хунук? Улар сандан бойроқ одамларди қизи! Сан бир гадой косибди қизи-ку! Шу бечора ҳолингга мунча ноз қиласан! Мани берган ёғ, биринжим била отанг, онанг ош кўрди-ку! (*Бўйинини кўрсатиб.*) Мани пулим билан бўйнинг маржон кўрди-ку! Тағин нимага ноз қиласан!

Марямхон (*аччиғ ила маржонни узиб отуб ерга уруб*). Ол бусотингни! Мани гавҳарим бор! Ёқутим бор! Мани кўзимга кўринмайди мундақа нарсалар! Сан айтган дунёпараст мани отам билан онам жоҳил! Саннинг каби золим, раҳмсиз! Ман безор мундоғ заҳарлик давлатдан, матлабсиз ҳаётдан! Сандек уятсиз, шариатсиз, мунофиқ чол била қилган зиндалиқдан манга ўлим яхши, ўлим! Қора тупроқ ости яхши! Оҳ! Ажал! Оҳ, ўлум! Ман нима қилай сани эшонлигингни! Аҳволинг шулми? Тириклик керакмас, ўлдир! (*Қўлин юқори қилиб титраб, йиғлаб.*) Оҳ, золим фалак! Шум бахт! Қасофат иқбол! (*Йиғлар.*)

Эшон (*ғазаб билан*). Шариат буюрса, нима қиласан?

Марямхон (*ҳамон йиғлаб-йиғлаб*). Шариат золим эмас! Хоин эмас, шариат мандек бир сағира мазлумани сан каби бугун-эрта ўлим эгаси бўлган ноинсоф чолга ҳаргез буюрмас! Шариат ҳар кимни бахтиёр қилган! Шариатда ҳуррият бор, мусоват бор, адолат бор. Шариат ҳам аввал мани қабул қилмоғим била буюради! Шариатда жабр ҳаром. Никоҳ фосид. Никоҳ тарафайиннинг ижоб қабули билан никоҳ ҳалол бўлур! Ман қабул қилмасам, никоҳ фосид, никоҳ ҳаром! Шариат узасидан ман қабул қилмасам, (*қичқириб*) дод, қабул қилмасман! (*Юқори қараб.*) Оҳ, шариат! Эссиз

исломият! Шариат битдими? Ё раббий! *(Йиғлар.)*

Эшон. Ота-онанг берган! Аз рўйи шариат имом никоҳ қилган, улар санчалик билмайдими?

Марямхоним *(ҳамон йиғлаб, қўлин силтаб)*. Дедим-ку: отам-онам, жоҳил, дунёпараст! Нафспараст имомлар ҳам шул! Шариат бошинда турувчиларга ақча бўлса бўлур! Бир соҳиби тақво, зоҳид эшон санми? Санми? Бошқаси нима бўларди?! Энди ҳамманг қиёматда жаноби ҳаққа масъулсан.

10 Эшон *(ниҳоятда ғазаб била)*. Ман сан била масала талашгани олганим йўқ! «Тур», дейман!

Марямхоним *(жаҳл била)*. Ман ҳам сан била ҳаёт этгани келганим йўқ, турмайман!

Эшон *(жаҳл била)*. Нима учун келдинг?

Марямхоним *(йиғлаб)*. Мажбурият келтурди мани! Жаҳолат келтурди! Зулм, зулм келтурди.

Эшон *(қўлидан тортуб)*. «Тур», дейман, бадбахт!

20 Марямхон *(қўлин силкуб, уй бурчига қочуб, қичқируб)*. Дод! Золимни дастидан!

Эшон *(эшик остина бориб, бир оз тўхтаб)*. Ҳа, бадбахт! Лаҳат жигар!

Марямхоним. Рост, ман бадбахт! Ман бадбахт! Бадбахт бўлмасам, сандек золим қўлига тушармидим?! *(Осмонга қараб.)* Ё раббий, ё оллоҳ! Золим дастидан нажот бер *(йиғлаб)* ё ажал бер!

Эшон *(соқолини бураб)*. Ман эшикни тинчитиб келуб, сўнгра сани тузукча жазоингни бермасам, бўлмас экан. *(Чиқиб кетар.)*

30 Марямхоним *(орқасидан қичқируб)*. Бер! Бер жазомни! Улдур! Улдур! Пичоқ олиб келиб, шаҳид қил! Розиман. *(Осмонга қараб қўлин очуб.)* Ё оллоҳ! Ё қазоюл ҳажат! Ман мазлума! Ман муштипар! Қанот-қуйруғим синган! Ота, онаси тарафидан малъун дунёга сотулган. Иккинчи бир маҳлуқ, йиртқич ҳайвонга асирман! Ҳозир манга сандан бошқа ёрдамчи йўқ. Ҳозир сандан бошқа муттақом фарёди расим йўқ. Ўзинг раҳм қил! Доносан, бийносан! Ё оллоҳим! Оҳ, шариат! Ҳақиқат! Хонлар, номусулмонлар дастидан дод! Оҳ! Исломият ўлдими?! *(Йиғлар. Яна бир оз туриб.)* Маҳ-

мудхон, қайдасан, ҳолимни кўрсанг, раҳмсизлик қилдинг, вафосизлик қилдинг! Ваъдаларинг нима эди? Бу золимга асир қилдинг! (*Бир оз ўйлануб туруб.*) Йўқ, унда ҳам айб йўқ. (*Қўл бирла кўрсатиб.*) Мани, маними? Бу шум бахтимда айб! Иқболимда ҳамма шўрлик. (*Яна туруб.*) Йўқ энди, мани бу мунофиқ, бу бетавфиқ қўймас экан! Энди ҳамон мундан холос топганим била аввалда олуб бермаган Маҳмуджоннинг отаси энди икки бошдан ҳам олуб бермайди! Энди бир илож билан бу золимдан ўзумни қутқазмоқ учун ўзумни ўлдурмоқдан бошқа чора йўқ! Йўқ! Улмақ керак! Бу заҳарли ҳаётдан ўлум яхши! (*Ўйланиб.*) Энди бу ерда ҳеч чора йўқ. Уйимга қочмоқ керак ва бир пиёла тўла уфо ичаман, уфо! Икки-уч кун ётаман-да, ўламан, қўяман! Шояд қутулурман! Ҳозир кечаси бўлса ҳам қочмоқ керак!

Эшон кирар. Қўлида қамчи. Аччиғ била узасига келуб бўкуруб.

Эшон. Юр, кир ичкарига, бадбахт!

Марямхоним. Қамчи била ман тез ўлмасман! Шунча қийнаганинг бас! Осонроқ болга ё теша олуб келиб, чопиб ташла! Бир йўла қутулай!

Эшон. Ман қассобмас, ман хунхўрмас!

Марямхоним. Мундан хунхўрлик яхшидур!

Эшон. Ман кимни ўлдирдим, сани ўлдираман!

Марямхоним. Бир қилмишинг одам ўлдириш эди! Анн ҳам қил энди!

Эшон (*қамчи софини бошига тебратиб, жаҳл билан*). Ман эшон-а! Эшон! Ман босмачи эмас!

Марямхоним. Босмачи сандан ортиқ эмас! Сандан инсофлик! Биров молини олса ҳам ёш қизларни сандек зўрлаб олганмас, биласанми?

Эшон. Астаъфируллоҳ ҳали замон аъзойи баданини ёриб юбораман-у!

Марямхоним. Қил! Қил билганнингни!

Эшон. Ёш жонингга раҳминг келса-чи?!

Марямхоним. Сандек зоҳид эшон, мушфиқ отам, онам раҳм қилмаган ёш жонга ман нима, деб раҳм қилай?

Эшон (ғазаб билан қўлидан ушлаб, тортиб). Кир яхшиликча!

Марямхоним (қўлин тишлаб ажратиб, итариб юбориб). Дод золимдан! (Қочар.)

Эшон (бир йиқилиб туриб, орқасидан қичқириб). Тўхта, малъун, бадбахт, тўхта! (Қувиб чиқиб кетар.)

Парда тушар.

### УЧИНЧИ ПАРДА

10 Фақирона маншатда зийнатланган бир уй, уйнинг бир тарафида зўр сандуқ, зўр сандуқ устида кичик сандуқча, ёнида беш-тўрт адад китоб терилган. Уйни бир тарафида оддий қаравот, устида Марямхоним йиғлаб, оғир ҳолда ётар. Бу уй Марямхонимники бўлиб, Марямхоним оғу ичган. Охирги кун, ёнида Сора йиғлаб ўтирурда.

Парда очилур.

Марямхоним (бетоқатланиб, Сорага). Онажон, бас, кўп йиғламанг! Қулоғимга ёқмайди! Ҳамма ишга ўзингиз сабабчи бўлдингиз, дунёни суйдингиз, аммо жонингиздан ортиқ фарзандингизни суймадингиз! Мандан 20 кўз юмдингиз! Мана бу кунги ҳолларимни фикр қилмадингиз! Ёш умримни ҳазон бўлмоғига энг биринчи сабабчи ўзингиз бўлдингиз! Энди нима учун йиғлайсиз? Сабр қилинг, умрим боқий бўлса, хайр! Иқболингиз бўлмаса, ўлим катта-кичикка баравар, тақдир-ирода нима бўлса, энди кўрасиз, бошқа сўз йўқ.

30 Сора (бошларидан силаб, йиғлаб). Жоним болам, манда нима ихтиёр бор эди? Отанг сабаб бўлди, мани ўз ҳолимга қўймади. Ман қандоқ қилай, мани ризолигим бормиди? Сани шундоғ ҳолларга қолмоғингга, жон қизим? Бувинг ўргулсун! (Сочларини ҳар тарафга ташлаб, силаб.) Аввало шуки, худони иродаси, тақдир! Иккинчи — отангнинг яқровлиги, ман-санда нима ихтиёр бор?

Марямхоним. Албатта, сиз кўпроқ сабаб бўлдингиз! Чунки, билар эдингизки, оила дунёсида шундоқ хатарлик кунлар, машаққатлик ҳоллар бор, балки,

8129  
8/31

دورستان میشتندن آلمش قزو  
فاجه سیدور .

زہریلی حیات

یاغور

عشق قریبانی

۴ پرده لک فاجه

باشری: معارفیور، زمان سوداچیندن تورکستانک  
سیدناصر میر جلیل اونلی .

عمری: حمزؤ کلیمزاد نیازی .

اچی طبیعی

حقوقی صاحب محفوظ در .

«Заҳарли ҳаёт ёхуд Ишқ қурбонлари» китобининг муқоваси.

ўзингизни бошингиздан ўтган, андиша, хаёл қилмадингиз-ку! Сиз «йўқ», деб турсангиз, албатта, отам ҳам бир оз қабул қилар эди! Ҳолбуки, сиз кўпроқ ҳазрат эшон давлатига мағрур бўлуб ҳаракат қилдингиз-да, ҳақиқий давлатингиздан ажралмоқ мартабадаги бир ҳолга қолдингиз! Энди давлатми, бошқами, мана мундан бу тарафида яхшироқ кўрарсиз!

10 Сора (*йиғлаб*). Рост, жон қизим! Ҳарна бўлдики, биз сабаб бўлдик! Энди кўнглингга кўп солма! Тузалиб қолсанг, ахир бир гап қилармиз. (*Пешонасини силар.*)

20 Марямхоним (*Сорани қўлини олиб ташлаб, бошин қимирлатиб, ҳансираб*). Туринг, кўп йиғламанг! Юрагим ўт олиб кетаяпти, бир оз музлик сув топтириб келинг! Ундан кейин Зайнаб холамни ҳам чақиринг! Аллақандақа бўлиб кетаяпман. Бир оз бошимда турсун. (*Сора йиғлаб чиқиб кетар. Марям ўзини нимҳез қилиб устидан кўрпачани кўксигача очиб, кокиллари кўкрагига ташлаб, юраги-бошини ушлаб, бошин бир оз қимирлатуб, лабларин ялаб, ҳансираброқ.*) Оҳ, оҳ! Одам бўлмайман! Оҳ, жоҳил ота, шафқатсиз оналар! (*Йиғлаб.*) Фарзанд қадрини билмаган оталар! (*Сочларин кўрсатиб.*) Ўз мавсум баҳорини адо қилолмаган бу қсра сумбулларимни эрта тупроққа кўмасиз. (*Қўлларин кўрсатиб.*) Ўзум каби жаҳолатда қолмиш ҳамшираларима эндигина қалам билан хизмат қилай деган нозик қўлларимни боғлаб, (*қичқириброқ*) жабр, зулм била ёруғ дунёдан тўймаган юз, кўзларимни кафанга ўрайсиз-да, суюкли жонимдан ортиқ Маҳмудхонимдан айириб, ёлғуз қора ерга тирик кўмасиз. (*Ҳамон йиғлаб, ҳансираб.*) Оҳ, фалак! Золим фалак! Ман на гуноҳ қилдим?! Дунёда энг ширин вақтимдан маҳрум қилдинг! (*Йиқилур.*)

Зайнаб кирур.

Зайнаб (*Марямхоним ёнига кириб, юзидан ўпуб, кўришуб*). Марямхон! Жоним болам! Ман келдим-а, айлансин холанг! Қўзингни оч, қалайсан?!



Марямхоним (юзини қаратиб, йиғлаб). Келинг, онажон! Тез келиб турмайсизки! Ман сизи кўрганда, суюклу Маҳмудхонимни кўргандек бўлиб турсам, чунки, сиздан, (ҳансираб йиғлаб) сиздан Маҳмудхонни — марҳаматсиз Маҳмудхонни бўйи келиб туради! Нима бўладики, бир озгина соатлик умрим қолганда, Маҳмудхон вафосиз бўлганга яраша сиз ёнимда турсангиз, токи ман сизни қўлингизда жон берсам, гўё Маҳмудхон қўлида жон бергандек бўлсам, дунёда хотиржамлик била кетар эдим. Ҳамда сизга қараб туриб, жон берганимни шояд билмай қолсам эди, холажон! (Юзларини қўли билан силаб.) Жон хола, мандан ҳазар қилманг! Мани дардим ундоқ, одамга юқадиған дардларданмас, бари муҳаббат! (Қичқириброқ йиғлаб.) Муҳаббат! Маҳмудхонни, вафосиз, раҳмсиз Маҳмудхонни! Маҳмудхоннинг ишқидан бўлак ҳазар қиладиған дардим йўқ, холажон! (Ҳамон йиғлар.) Ўзингиз ҳаммасидан воқиф!

30 Зайнаб (юзидан, қўлларидан ўпуб, пешонасин силаб). Вой, болам! Ширин Марямхон! Наҳот, ман ҳазар қилсам, болам. Сизга нима бўлди? Андоғ умидсиз сўзларни айтманг, жоним. (Марямнинг кўз ёшларин артиб.) Кечагидан бугун чеҳрангиз очиқ, ҳадемай тузалиб қоларсиз, жон болам!

30 Марямхоним (бошини кўтариб). Онажон, мандан умиди ҳаёт йўқ. (Оёғини кўрсатиб.) Мана, оёғимни ушлаб кўринг! (Ушлаб кўрар.) Соб бўлган! (Кўкрагини кўрсатиб.) Бори жон кўкрагимда тўхтаган! (Бошини қимирлатиб.) Зарра, зарра қимирламоққа мажолим йўқ. Лекин, шафқатсиз Маҳмудхон кўзимга кўринади-да, жон ваҳмида зўрлаб тураман! Энди, энди! (Ҳансираб, йиғлаб.) Дунёдан биргина армоним бор бўлса, ёлғиз Маҳмудхонни бир кўрмоқ! Энг охирғи вақтимда алвидо қилиб, мани учун тортган ҳасратларига ризолиқ сўрамоқ, сўрамоқ ҳамда ўз қулоғига икки оғизгина омонат сўзим бор, айтиб қолмоқ. Токи армон бўлмасин, холажон! (Юзидан ўпуб, силаб.) Бошқа орзум йўқ. Бошқа муддаом йўқ. Бу золим, бевафо фалакдан ўзимни ҳам кўп кўнглим совуди, холажон! Энг

қадрлик бир замонда суюклим Маҳмудхонни кўриб қолмоққа ҳеч чора бормукин? Оҳ, оҳ, оҳ! Ё раббий! *(Йиғлаб йиқилур.)*

З а й н а б *(йиғлаб, пешонасин силаб)*. Жоним болам! Маҳмудхон сиздан ҳам баттар юраклари эзилган. Ҳар кун тўрт-беш мартаба келиб, мандан сўраб кетади. Олдингизга келмоққа ота-онангиздан андиша қиладди. Мана, ҳозир ҳам келган эди. *(Қўйнидан икки дона анор, бир дона хат олиб бериб.)* Мана муни сизга олиб бориб беринг, деб турувди, бувингиз чақириб қолди. 10

М а р я м х о н и м *(туртиниб, туриб олиб, жон-дил била кўкрагига босиб, кўзига суркаб)*. Оҳ, Маҳмудхон! Маҳмудхон! *(Йиғлаб, лабларини ялаб ҳансираб.)* Раҳминг бор экан, шафқатинг бор экан! Мани йўқлар экансан, хаёлингда бор эканман! Хайрият, хайрият! Худога шукур! Ман-ку, дунёда ўн-ўн беш минут умрим қолди. Лекин минг йиллик умри бордек умидим бор-а! Маҳмудхон, Маҳмудхон! *(Ўзини ташлаб юборур, анорлар ерга юмалаб кетар.)*

З а й н а б *(анор, хатни олиб, ёстиғи остина қўйиб,* 20 *Марямхоним бошин ушлаб)*. Жон болам! Майли бувингизга ман айтиб, олдириб келай бўлмаса, шояд кўриб, бир оз қувватлансангиз!

М а р я м х о н и м *(бир оздан кейин Зайнабни қўларини ўпиб, ялиниб)*. Жон, холажон! Қошки, ман ҳозир сизга ва ҳам Маҳмудхонга, отам, онамга ярим соатлик қадаргина меҳмонман. Ғариб масаллик бу фарзандингизи, худо ва расул ҳаққи, бир хурсанд қилиб, дунёдан армонсиз кеткурсангиз, қиёматлик волидам бўлур эдингиз! Оҳ, оҳ! Қани шафқат қилсангиз! 30

З а й н а б *(ўрнидан туриб)*. Ман Сорага айтай, бўлмаса!

М а р я м х о н и м *(қўли бирла кўрсатиб)*. Аввал ана у сандиқчада уч-тўртта Маҳмудхон юборган хатлар, индан кейин икки-уч дона китоблар бор. Бошимга қўйиб қўйинг! Келса, ўзига берай.

З а й н а б олиб келиб, бошининг остига қўйиб, чиқиб кетар. *(Елғиз ётган ҳолда йиғлаб.)* Оҳ, ё раббий! Оллоҳим! Қошки, кўриб қолсам! Оҳ!

Зайнаб била Сора кирар, Соранинг қўлида музлик сув.

Сора (*сувни олиб бориб, бошидан кўтариб тутар*). Мана, жоним қизим!

Марямхоним (*бошини қимирлатиб*). Ичмай-ман!

Сора (*йиғлаб, косани ерга қўйиб*). Марямхон, энди холанг Маҳмудхонни айтуб келсунми, бўлмасам?

Марямхоним (*ёлвориб*). Жон, жон, кошки, раҳм қилсангиз. (*Бошин ташлар*.)

10 Сора (*Зайнабга қараб*). Бўлмаса, тезроқ айтиб келинг! Отаси келиб қолмасин.

Зайнаб чиқиб кетар.

(*Кўрпаларни тузатиб қўюб*.) Ман бўлмаса, нон-пон тузатиб қўяй, қизим. (*Чиқиб кетар*.)

Марямхоним (*ўзини кўтарай дер, кўтаролмас, юзини ўннга буриб*). Вой! Кўкракдан ҳам қувват кетти. Охирги қимирлаганим шул шекиллик. (*Йиғлаб*.) Кўриб қололсам гўрга эди! (*Бўйин тугмаларини ечай, деб ечолмас*.) Вой, ана, ана, қўлим ҳам ҳаракатдан қолди. Ё раббий, ё раббий! Ло илоҳо иллоллоҳ... ашхаду ан...

20 ло илоҳо... яккасан, ягонасан! (*Бир дона хатни олуб, қўйнига босиб*.) Ё оллоҳ, кўзим хиралашяпти! Маҳмудхон! Тезроқ кел! Кўролмай қоламан шекиллик! Таниёлмай қоламан шекиллик! Оҳ, оҳ! (*Лабларин ялаб, ҳансираб*.) Оҳ, Маҳмудхон! Жоним! Дадажон! Раҳм-сиз дадажоним! Шафқатсиз дадажоним! Кўролмай қоламан шекиллик!

Эшк очилиб, Маҳмудхон кирар.

30 Маҳмудхон (*Марямхонимни бу ҳолда кўрмоқ баравар ўзини келуб устина ташлаб*). Оҳ, Марямхоним! Суюкли жоним! (*Салла, тўнини отиб ташлаб, келуб, бошини кўтариб, қучоғига олиб*.) Марямхон, суюкли жоним! (*Юзларини силаб*.) Золиминг келди, Марямхоним! (*Қўлларини тутиб*.) Ҳақиқий ибдошим Марямхон!

Марямхоним (Маҳмудхонни бўйнига қўл солиб). Шукур, шукур! (Йиғлаб.) Алҳамдулиллоҳ, кўрдим! (Ҳансираб, мўйлабларини силаб.) Кўриб қолдим, жоним! Маҳмудхон! Маҳмудхон! Худо хайр берсин. Қадамнингга рози бўл! Рози бўл! (Ишорат қилиб.) Бошимни юқорироқ кўтар. (Юқори кўтарур.) Жоним Маҳмудхон! (Яқин тикилиб, юзини пайпаслаб, йиғлаб.) Маҳмудхон, кўзим хиралашиб қолди! Тоза кўриб, тўйиб олай, жоним!

Маҳмудхон (қўлларини тутиб, ўйиб, йиғлаб). 10  
Жоним, ман, ман золимман! Сани бу ҳолларга солган ҳамиятсиз инсонман! Жоним, оҳ! (Йиғлар.)

Марямхоним (ялиниб, йиғлаб). Ман сиздан рози, афандим Маҳмудхон! Сизда ҳеч камчилик йўқ. Жоҳил ота, оналарда. (Қичқириб.) Оҳ, вой-е, вой-е! Ўтмиш сўзларга вақт йўқ! Жоним, энди мандан рози бўл! Жоним, ман учун чеккан заҳматларингни унут! Бу энг охирги соат, қадрлик минутда манга ўзингни кўрсатмоққа муносиб қилдинг, ман энди бутун сандан, дунёдан рози, борай, ўз қулоғим билан санингга розилингни эшитиб қолмак, ҳам бир омонат сўзимни ўз оғзим билан айтиб қолмак эди! Алҳамдуллиллоҳ, насиб ўлди. 20

Маҳмудхон. Марямхон, мундоғ умидсиз сўзлар айтиб, юрагимни ёндирма, жоним. Ман сансиз дунёда турмам, жоним!

Марямхоним (лаб буриб, бошин қимирлатиб). Оҳ, меҳмоним Маҳмудхон! Мандан умид қилма! Бу энг охирги кўришув, жоним! Мани сандан бори умидим, аввало, мани дунёдан ўтди, деб унутма! (Қўлидан узугини олиб, Маҳмудхон қўлига солиб туриб.) Жоним, мана бу қўлингга доим турсин, мани шоят унутмассан, гоҳ-гоҳ мазоримга бор, қадамнинг билан руҳимни хурсанд қилиб қайт! Жоним, манинг руҳим ҳар ерда санинг ҳузурингда ҳозир, Маҳмудхоним! (Йиғлаб, хатларни кўрсатиб.) Манинг ҳаётимда қадримга етмаган жоҳил ота-оналарим мандан кейин қолмиш нарсаларимни-да қадрига етмас. Буларни ол! (Йиғлаб.) Табаррук хатларинг эди! Улганимдан кейин бир таржи-

ман ҳолимни ёз, ёдгор қолсин! Жоним Маҳмудхон! Миллат ғамида ўлди, дегин. Жоним, мани деб ўзингни бир ҳалокатга солма. Дуои фотиҳадан бошқа ўзингни фикрга солма. Дунёдан ман ёш кетдим, яша сан узоқ, жоним! (*Бўйнидан тортиб, қучоқлаб, юзидан ўйиб, қичқириброқ.*) Маҳмудхон, энг охирги васиятим — мани унутма! Ўзингни мани деб бир ғамга солма, жоним! Хайр, хайр! Рози бўл! Оҳ, жаҳолат! Заҳарли ҳаёт! (*Йикилуру.*)

10 Маҳмудхон (*қичқириб, бўйнига сорилиб, кўтариб*). Марям, Марям! Жоним Марям.

Ғара-ғара келуб қолур. Бир тарафдан Сора, Зайнаб югуриб ўзларин ташлаб.

Сора (*Марямнинг бўйнидан қучоқлаб*). Дод, Марямхон! Онанг ўлсин!

Парда тушар.

### ТҲРТИНЧИ ПАРДА

20 Қабристоннинг бир бурчаги бўлиб, ёлғиз Марямхонимнинг қабридангина иборатдур. Бу парда (*қабристон манзараси*)да, мумкин бўлурса, саҳна (*ўйналадурган жой*) қобиғиндаги электур (*чироғ*)лар ҳам ўчирилуб, бори саҳнанинг икки ёки бир ёнидан оддий чироғни ёширин (*турувчиларга кўрсатмай*) тутиб турмоқлари ўтинилур. Демак, саҳна нақадар қоронғуроқ бўлиб турса, у қадар бир ҳис веражаги эҳтиромлик артистларимизда очиқ бир сўз бўлса керак!

Парда очилур.

Бир тарафдан Маҳмудхон кирар, бошида кўк салла, қўлида пальто, бир қўлида гул-у райҳонлар. Телбароқ бир ҳолда.

30 Маҳмудхон (*лаҳадга қараб, таъзим қилуб*). Ас-салому алайкум! Ё руҳи Марям! (*Гулларни кўрсатуб*.) Мана бу сизнинг мозорингиз туҳфаси учун, жоним! (*Тўйини бир тарафга қўйиб, гулни боғларин ешуб*.) Мозорингизга сочмоқ учун келтирдим-а! Жоним Марямхон! (*Қабри устина сочиб*.) Ҳе, ҳе! Суюкли Марям! (*Бир оз тўхтаб, кулиб юбориб*.) Қандай ярашди, жо-

ним Марям! (Орқароқ қўл қовуштириб туруб, яна олдинроқ келиб, йиғламсираб.) Жоним Марям! Золиминг келди! Ширин дунёдан ёш ўлмоғингга энг биринчи сабабчи вафосизинг келди! Кўргали чиқмайсанми? Ман соғиндим, сан соғинмадингми? (Бир оз туриб, яна кулиб, тиззасига уруб.) Чиқмайди-я! Чиқмади, араз! (Чўчиб қочиб.) Ё оллоҳ! Ё раббий! (Бирдан тўхтаб, хаёлланиб, яна ўзини тузатиб, лаҳад яқинига бориб.) Марямхон, бошингиз қайси тарафда? (Ҳар тарафга қараб.) Ман бир оз қучоғимга олай! Жуда соғиндим, тоқатим йўқ бўлди! Чиқ энди, аразлама! Хафа қилма, жоним! (Чўчиб, осмонга қараб, ҳансираб, томоқларин ушлаб.) Ё оллоҳ, ё раб! Омин! Ё архамарроҳимин! (Юзини силаб, қўлларина қараб, бир дам туриб, оҳиста лаҳадга қараб.) Марямхон! Муҳаббатдошим Марям! (Бориб, йиғлаб қабридан айланиб.) Жоним Марям! Ман келдим, ман! (Ўзини кўрсатиб.) Ман суюклимасмидим, жоним? Нима бўлди? Марямхон, санга арзим бор-а! (Тупроқдан олиб, кўзина суртуб, искаб, осмонга қараб.) Оҳ, оҳ, суюкли Марям, санигина бўйинг келди-я! Оҳ, бай, бай, бай! (Яна искаб.) Энди шаҳодат иси келди, шаҳодат! (Осмонга қараб қаҳ-қаҳа уриб кулиб.) Шаҳодат иси! (Тўхтаб туриб, яна тупроқни ташлаб, бир тарафга қочиб, чўчиб, ёқасиндан ушлаб, лаҳадга қараб, абдираб.) Ҳай, ҳай! Бай, бай, бай! (Зорилаб.) Ман адабсиз, ахлоқсиз, ман виждонсиз, инсофсиз! Ҳурмат қилмай, муқаддас тупроқларингни босдим-а! (Қўлини кўксина қўйиб.) Товба қилдим. Хато қилдим, айб қилма ман густоҳингни, жоним! (Бир оз тикилиб туриб.) Кечирдинг-а! (Яна тўхтаб туриб, чўчиб, томоқ тугмаларини тортқилаб, ошиғиб осмонга.) Тавба, ё оллоҳ! Ё раббий! Манга нима бўлди? (Енларига қараб, ўзини тузатиб.) Мажнун бўлдимми? Ё раб! (Яна тўхтаб қолиб, бир оздан сўнг бир тарафга қараб қўлин узатиб, югуриб.) Ҳов, Марямхон! Манман, тўхта! Озгина арзим бор. Манга қара! (Тўхтаб қолур. Бир оздан сўнг чўчиб, ўзига ёпишиб.) Лоҳавло вало қуввата, мошо оллоҳ! (Юзини силаб.) Манга нима бўлди? (Енига қараб қўйиб.) Ўзим уйдан бемаҳал чиқдим, ке-

- часи келдим-да! *(Тўхтаб туриб.)* Ҳушимни жойига олиб келай! *(У тараф-бу тарафини тузатиб, лаҳадга қараб.)* Ман уйқусирадим, жоним! Ман, туш кўриб туриб, чўчиб турдим-да, югурдим. *(Лаҳадга яқинроқ келиб ўтириб.)* Ман энди бир оз қуръон ўқийин. *(Бир оз лабини қимирлатиб, фотиҳа қилур ҳамда бир дона капалак, қўли узасидан учар, кўтарилур. Маҳмудхон шошилиб ушламоқга ҳаракат қилиб, ул тараф-бул тарафга қувар. Ул юқори учиб кетар, қараб қолур, бир оздан сўнг чўчиб, ўртароқ келиб, қўлини силкуб жаҳл билан.)*
- 10 Нима, нима! Нима учун тўхтамади?! *(Ўзин кўрсатиб.)* Ман золим учун, Марямни руҳи-да у! Ман хиёнат қилдим! Уша учун руҳи илтифот қилмади, оллоҳ! *(Марям қабрина қараб йиғлаб, ёлборуб.)* Жоним Марям, суюкли Марям! Санга зулм қилувчи бир манми? *(Қўлин санаб.)* Йўқ! Мани жоҳил отам, санинг жоҳил ота-онанг, мани жоҳила онам сабаб бўлган. Тўрт киши-я! Ман ҳар нарса дединг қабул қилдим! Ўзингни ота-оналаринг сабаб бўлди-ку! Манда у қадар кўп гуноҳ йўқ-ку?! *(Яна сачраб тўхтаб.)*
- 20 Мандангина сан хафа бўлма! Жоҳил оталар, *(қичқириб)* жоҳиллар! *(Яна чўчиб қочиб, ўзини тузатуб туруб, бир оздан сўнг кулимсираброқ лаҳадга қараб, бошин-қўлин қимирлатиб.)* Йўқ, йўқ, жоним, афв қил! Афв қил! Гуноҳ бир ота-оналарда ҳам эмас. *(Жаҳл ила қўл силтуб.)* Ҳақиқатда бу ншлар жаҳолатдан! Жаҳолатдан! Ғафлатдан! Илмсизликдан! *(Чўчиб, яна саросима бўлиб, тўхтаб туриб, лаҳадга қараб.)* Жоним Марям, манданми хафаланур руҳинг?! Йўқ, ота-оналарданми? Йўқ! *(Қичқириб.)*
- 30 Жаҳолат бу! Жаҳолат! Илмсиз давлат касофати, жоним! Ўзинг фикрли эдинг, ўзинг олима эдинг! Замон ҳолиндан, халқнинг маърифатсиз, илмсизлигидан ўзинг яхши хабардор эдинг-ку?! Жоним Марям! Энди кимдан зорланмоқ лозим?! Ҳеч кимдан! *(Боз қичқириб.)* Ҳамма касофат — ваҳшат касофати! Ваҳшат! Жаҳолат! *(Яна саросималанур, бир оз тўхтаб туриб, ўз-ўзича рўбарўга қараб, жаҳл ила қўл силтуб.)* Бу қандай жаҳолат замон?! Қандай ваҳшат замон?! Илмсиз, виждонсиз кишилар, инсониятсиз, миллиятсиз кишилар-

- [дан иборат] қандай замон?! (*Бир оз тўхтаб, муло-йимроқ қўлин санаб.*) Исломиятни, инсониятни, виждонни, миллиятни, адолатни, меҳр-шафқатни, (*яна қичқириб*) жондан ортиқ (*ўзини жигарини кўрсатиб*) мана бу жигардан бино бўлмиш фарзандни ақчага сотадиган замон! Сотадирган! (*Мулоийимроқ.*) Оҳ, жаҳолат! Оҳ! Жаноб ҳақдан уялмаган, Расул афандимиздан шарм қилмаган, исломиятга хиёнат қилмоққа, қиёмат кунидан бо дўзах ўтиндан қўрқмаган, ботир юракли, 10 (*қичқириб, халққа қараб*) баҳодир кўкракли паҳлавонлар!!! (*Тўхтаб, мулоийимроқ.*) Тоғлардаги йиртқич ҳайвонларда ҳам сизнинг каби фарзандга муҳаббатсизлик, шафқатсизлик, мурувватсизлик, (*қичқириб*) золимлик, хунхўрлик ўлмас!!! Ҳеч ўлмас! Воллоҳ! Ўлмас! (*Яна чўчиб, саросималаниб, бир оз юзларини силаб, тўхтаб, лаҳадга бориб, мулоийимроқ.*) Марям, Марямхоним, ман дунёда яшамам! Яшамам! (*Йиғлаб, бошини қабрининг устига қўяр.*) Марям, ман сани ёнингда ётаман! Тириклик манга ҳаром! (*Бошидан салласи тушар, турар, сочлари ёзилиб, юзин чулғар, саллага қараб.*) 20 Оҳ-о, оҳ-о! (*Олиб.*) Ман муни кийиб юраман?! Йўк, йўк! (*Тўн устига ташлаб, яна лаҳадга қараб.*) Марям, ман яшамам! Сансиз дунёда бир кун турмам! Турмам, леган эдим! Ман инсон! Ваъдамга вафо қиламан! Мана! Келдим! Ман санинг отанг каби раҳмсиз! (*Қичқириб.*) Виждонсиз! (*Қичқириб.*) Виждонсиз, палид ақчага исломиятни, миллиятни сотувчи эмасман! Алҳамдулиллоҳ, инсонман, инсон! Йиртқич ҳайвон эмас! (*Яна чўчиб, саросималаниб, чўнтагидан тўппончани олиб, ўртага келиб, рўбарўга қараб, тўппончани кўрсатиб.*) 30 Кеча оқшом Марямхон муҳаббат қурбони эди, биз бугун инсоният, миллият қурбони! Оҳ-о! (*Бошини қимирлатиб.*) Бай, бай! Қандай лаззатлик ўлим бу! Роҳат, роҳат! (*Аччиғланиб.*) Мундоғ жаҳолат, мундоғ илмсизлик, ваҳшатлик! (*Кўкрак тугмаларини очиб юбориб.*) Бундай золим халқ орасинда яшамоқдан ўлим лаззат, лаззат! (*Тўхтар, бир оз туриб.*) Бу хил раҳмсиз, шафқатсизлик! Бир вақтда шариятдан кўз юмиб, (*аччиғ ила*) исломиятни қўйиб, дунё йўлига қадам босувчи



диёнатсиз қора халқ орасинда тирикликдан, албатта, ўлим яхши! Ўлим! (*Лаҳадга қараб, ёлинув, йиғлаб.*) Марямхоним! Марямхоним! Мана ман ҳозир ёнингга кираман! Амин бўл! Қиёмат кун иккимиз қўл тутишиб, жаноб ҳақ ва Расул қошинда бу шариат хоинларига баробар даъво қилишамиз! Жоним Марям! (*Тўппончани ўқлаб, шошилиб кўкрагига тираб.*) Ман сансиз яшамам! Ўз суюклим бўлмагач, дунё ҳаром! Ҳаром! (*Капалак бошида учар. Капалакка қараб ёлуниб, тўппончани кўкрагина қўйиб.*) Оҳ, руҳи Марям! Мана, ҳозир 10 (*Қичқириб.*) Оҳ, жаҳолат! Воҳ, исмигина қолмиш исломият! Дод, ғафлат! Фарёд, заҳарлик ҳаёт! Оллоҳу акбар! (*Отар, йиқилур.*)

Бир тарафдан фонус ила Маҳмудхоннинг онаси Мавсум келиб, дод деб ўзларин ташлар.

Парда тушар.

ТАМОМ

## ТОШКЕНТГА САЁҲАТ

Иштирок этувчилар:

1. Асомбой.
2. Иброҳим.
3. Абдулрахмон — хизматчи.
4. Насим — деҳқон.
5. Вали — ит олувчи.
6. Насабий — саёҳатга борувчи.
7. Маҳбуба — кирчи хотин.
8. Маҳмуд — самоварчи.
9. Қодир — ошпаз.
10. Сафо — даллол.
11. Бадриддин — иккинчи даллол.

## Биринчи кўриниш

Асомбой билан чемадон кўтарган ҳолда кирарлар.

Асом. Хўш! Биз энди шу номерда тураверамизми? Оёқ ости эмасми?

Хизматчи. Бу номер сиз ихтиёрингизда, тўполон-сиз, жуда бемалол-да.

Эшик тарақлар, хизматкор чиқар.

Иброҳим (*кириб*). Эй-й... Сиз мандан илгарироқ кириб қолибсиз-да. Манга ушбу номерни бўшатиб берсангиз. Мен сизга юқоридан номер олиб берсам. 10

Асом. Қим... ким... ман-а? Йўқ, мен қариб қолган одамман, юқорига чиқолмайман. Сен ёшсан. Ўзгинанг чиқа қол-да! Судралиб юришга тобим борми?

Иброҳим. Гап номернинг юқори-пастлигида эмас. Мани бу номерга киришга бошқа иш бор. Сенга ўхшаган қари одамларга ҳар қаердан берса ҳам бўлаверади?

Асом (*жаҳл билан*). Астаффирулло, тинч қўясанми? Йўқ, дедим, бўлди-да. Отанг темирчими, мунча гап чўздинг! 20

Иброҳим. Қари одам қаерга борса, ўтирган жойида ўтириб қолаверади. (*Шошилиб теразага борар.*) Оҳ, Фотимахоним... теразада эканлар! (*Асомбойга.*) Шу номерда турмоғим фарз ҳам вожибдур. Чунки рўбарўдаги уйдаги кишилар билан алоқа этиб турмоғим керак. Сенга ўхшаган қари одамларга ҳар қаерда бўлса ҳам барабар.

Асом. Йўқ, йўғ-е... Бу келишмайдурган сўз. Мен энди ишнинг тагини билдим. Сен билан алиштирадиган номерим йўқ. 30

Иброҳим. Бундан чиқдики, сен номердан чиқмас экансан-да. Ундоғ бўлса, энди ҳар кун хизматингга учтўрт мартадан келиб туришим керак экан-да.

Асом. Сени манга кераклигинг борми?.. Мунча гапни кўпайтирдинг. Менга хусуматинг борми?

Иброҳим (*халққа қараб*). Буни энди ҳайдама-

сам бўлмайди. Бир ҳийла топиш керак. (*Стулга ўлтириб.*) Манга қоғоз билан қалам беринг.

А с о м (*халққа қараб*). Энди худо урди мани. Бир балога учрамасам эди?!

И б р о ҳ и м. Мен сизга сиёҳ билан қалам, қоғоз, дедим, афандим! Агар бўлса, марҳамат қилинг. Бўлди, бўлди ўзимда бор экан. (*Ўлтириб ёза бошлар.*)

А с о м. Мани номеримни кантор қилиб олдингми?

10 И б р о ҳ и м (*халққа*). Мунн номидан қилиб бир қанча эълонларни газетага ёзурман. (*Ичинда сўзлаб.*) «Эълон. Канторимга бир управляющий лозим. Адресим: 18-номер...»

А с о м (*хафа бўлиб, жаҳл ила*). Ҳув, ҳув, менга қара, ҳой, сан қандай одамсан? Бор, бор, номерингга чиқиб ёз! Кўтар дафтар-қаламингни!

И б р о ҳ и м (*Асомбойни сўзига қулоқ солмай*). «Бухородан келган яхши найчиман. Агарда ўрин бўлса, хизматга кирурман. Адресим: 18-номер». (*Ғимирлаб ёзар.*)

20 А с о м. Ҳой, одам! Санда бет, уят деган нарса борми? Мунча безбетсан?! Кет, дегандан кейин кет-да! Ўз номерингда мирзачилик қилаверасан-да!

И б р о ҳ и м. Раҳмат, афанди! Шу ерда хат ёзмоққа қизиқиб, ҳавасим келиб қолди.

А с о м (*жаҳли чиқиб, диққат бўлиб юрар*). Уни қара, мундоғ сур одам ҳам бўлур экан! Қандоқ қилсам, кутулар эканман? (*Иброҳимга.*) Хўй, сув юқмас! Мен бу ерда ечиниб-кийинаман.

30 И б р о ҳ и м. Майли, афандим! Ижозат берайин, тескарига қараб тураман. (*Қарар.*)

А с о м. Уф... энди нима қилсам бўларкин? Бу бало, балойи ноғиҳон-ку! Ҳой, ўртоқ! Ман таом ейман, чиқиб туринг!

И б р о ҳ и м. Ҳо-ҳо-ҳо! Мен таом еб турган одамни кўрмоқни жуда яхши кўраман. Сиз баҳузур тановул қилинг, мен тамою қилай.

А с о м. Бўлмайди, деяпман. Гапга тушунасанми? Биров қараб турганда, мен таом ея олмайман. Бор, чиқ!

Иброҳим. Йўқ, мен қарамайман, баҳузур тано-  
вул қилинг.

Асом. Уртоқ, тузук йигитга ўхшайсиз, чиқиб ту-  
ринг, мен ухлайман.

Иброҳим. Агар уйқунгиз келган бўлса, мен сиз-  
ни бошингизда елпиб ўтираман, чунки бу ернинг паш-  
шаси жуда ёмон.

Асом. Ҳой... ўрдакмисан, ҳеч санга сув юқмайди?  
Чиқ, дедим, чиқ! *(Парво қилмай, терезага қарар.)*

Иброҳим, Оҳ, Фотимахоним чиқдилар. *(Оғзи би- 10*  
*лан, қўлини ўпиб, қўлини узатар.)* Жоним Фотимахо-  
ним! Эй-а, энди бошлади-ку, қизиқни, тўхтаб тур энди.  
Мен номерчига чиқиб, айтмасам бўлмади энди. *(Чиқиб*  
*кетар. Бир оздан кейин терасадан ўтиб).* Бу чол қаерга  
кетди? *(Кулар. Ҳо-ҳо-ҳо-ҳо!)* Бу бойнинг номидан газе-  
тага беш-ўн эълон ёздим. Ҳар нарсалар ҳақинда. Агар  
тезроқ босилиб чиқса, ушбу номерни адреслаганман,  
бойнинг миясини қоқиб, қўлига беради, денг! Эртадан  
иш бошланиб қолса керак. Зерикиб қолади. Ана мен бу  
номерга эга бўламан-қўяман. *(Чиқиб кетар.)*

20

Парда тушар.

### Иккинчи кўриниш

Парда очилур.

Асом *(самовар олдида)*. Хайрият, бугун тузуккина  
ухлаб олдик. Аммо тахта канаси жуда ёмон кўп экан-  
да! Хўп танбеҳимни едим-а... Эсимда борлигида бир  
нима дорусидан олиб келиб қўяй. *(Қўнғироқ чалар.)*

Ходим. Чақирдингизми? Хизмат борми, афанди?

Асом *(ёнидан пул чиқариб бериб)*. Мана шунга  
бурга дорими, куя дорими топиб кел. Сизларнинг тах-  
та каналарингиз одамни талаб ўлдирар экан.

Ходим. Хўп. *(Чиқиб кетар.)*

30

Асом *(чой ичиб туриб)*. Эшикни ичдан бекитиб  
олиш керак! Тагин кечаги сергап суллоқ келиб қолма-  
син. Чойни ичиб бўлиб беркитиб олиш керак.

Чойни ичар. Шу вақтда ташқаридан Насимбой кираар.

Насимбой. Ассалому алайкум.

А с о м (*халққа қараб*). Бу киши ким эканлар?  
(*Насимга.*) Ваалайкум ассалом, келинг, хуш келибсиз.

Н а с и м б о й. Бой афанди, мен бевақтроқ кириб қолибман. Ҳалигача чойингизни ҳам ичиб бўлганингиз йўқ экан. Мен ҳамма вақт эрта бирлан турмоққа ўрганиб қолганман. Қиблагоҳ ҳаётли вақтларида ҳамма вақт ўзлари илан саҳар турғизиб шунга одат қилдириб қўйганлар. Эрта бирлан чойхонага бориб, чой ичиб ўлтириб, бир газетага кўзим тушиб қолди. Кейин сизни  
10 бир кўриб чиқай, деб келдим.

А с о м. Қандай эълонлар бор экан?

Н а с и м б о й. Қандай эълонлар бўлар эди?! Ўзимизнинг гапимиздан сўзлашайлик. Ака, сизнинг айтган ерингиз сер сувми ё шўрхокми?

А с о м. Қандай шўрхок?

Н а с и м б о й. Шўрхок бўлса, у ерда экин оз бўлади. Мен жуда қийналиб қоламан. Уч-тўрт кунлик иш ортиқча-да! Чунки шўрхок ерларни кўп экиб юриб, кўп тажрибаланганман. Хўш, бой ака, у ер сизнинг ота-боболарингиздан мерос қолганми?  
20

А с о м. Қандай ер? Қайси ота-бобомдан қолган шўрхок ер-а?

Н а с и м б о й. Қандай бўлар эди? Биродарларнинг отасидан қолмай, амма-холасидан қоладими? Ман ҳаммасидан бохабарман, билиб қўйдим, мулла.

А с о м. Шўрхокка амма-холани нима даҳли бор? Астаффирулло! Гап нимадан бошланиб, охири нимадан тамом бўляпти, тушуна олмадим. Равшанроқ қилиб гапиринг.  
30

Н а с и м б о й. Эҳтимол, хўжайин, мен адашгандирман. Чунки, сиз айтгандек, ер ҳар хил бўлади. Сотиб олганингиз ҳам бор, ижрага олганингиз ҳам бордир... Буни билан мени ишим йўқ. Мени зарур ишим эканми? Хўжайин, ерингизда буғдой, шоли, арпа-марпалар ҳам бўладими?

А с о м. Ҳой, одам! Мани еримда шоли, арпа, буғдой бўлгани билан неча пуллик ишинг бор?!

Н а с и м б о й. Бой ака, сиз ундоғ деманг. Шу ишим

сиз учун жуда фойдали нарса. Чунки шўрхок ерни шо-  
липоя қилишга устаман. Уч йил шолипоя қилсам, ке-  
йин нима эксангиз, унаверади.

А с о м. Ҳой, ҳайвон! Нималар деб алжирайсан?  
(Халққа.) Бу ерни жинниси қизиқ бўлар экан-да!

Н а с и м б о й. Хўжайин, ерингизни берсангиз, бир  
йилда жуда катта бой қилиб қўяман, шунга ишонинг.  
Мен сизга рост айтаман.

А с о м. Жиннилар сўзларини сўйлайверманг энди,  
зерикдим. Бўл, тезроқ чиқиб кет. 10

Н а с и м б о й (туриб). Хўп, хўп, мен кўп яхши деҳ-  
қон эдим. Энди сиз тушунмадингиз.

А с о м. Кўп гапирма, чиқ!

Н а с и м б о й. Шундайин эълон ёзади, гапининг ма-  
заси йўқ. (Насим чиқиб кетар.)

А с о м. Худога тавба қилдим, бу ерни одамлари  
ила гаплашмоқ у тарафда туриб, олдинга яқинроқ ҳам  
келиб бўлмайди.

В а л и кирар.

В а л и. Ассалому алайкум, тақсир! 18-номер шуми?! 20

А с о м (халққа қараб). Астоғфирулло, муниси ким  
эди, ким? Муниси ҳам шўрхоклардан сўзлармикан?  
(Валига.) 18-номер худди ўзи, марҳамат!

В а л и (бойга). А, Асомбой, нима дедингиз, афанди,  
қаттиқроқ гапиринг!

А с о м (қичқириб). 18-номерни худди ўзи!

В а л и. А... шундайми? Кўп улуғ, ҳай, ҳай, ҳай.  
Ҳайриятки, адашмабман. Чарчаб қолдим. Бир оз дам  
олай.

А с о м. Агарда сиз шолипоя, шўрхок тўғрисида кел- 30  
ган бўлсангиз, ишонманг. Ҳаммаси ёлғон!

В а л и. Эшитмаялман, а?.. Нима дедингиз? Эшитол-  
мадим.

А с о м (қаттиқ). Сизга нима керак, дейман?

В а л и (юзини артиб). Манга катта ит керак!

А с о м (четга). Эй-й, бу ит оладурган харидор. (Ва-  
лига.) Манинг итим йўқ, ўртоқ!

В а л и. Манга қандай ит бўлса ҳам бўлаверади. Мен ўзим қишлоқда тураман. Аммо бизни қишлоқда ит йўқлиги учун бола-чақаларим билан итсиз тургани қўрқадуرمىз. Ўзимизни бир яхши итимиз бор эди, ўлиб қолди. (*Кўз ёши қилур.*)

А с о м. Эй, ўлиб қолгани билан нима ишим бор? Қишлоқда беит туrolмасанг туrolма, менга нима? Манга деса, беит ўлиб кет!

10 В а л и. Тақсир, бераверинг, отига ит бўлса бўлди! А с о м. Ҳой, ака, мен сенга этаяпман, манда ит йўқ!

В а л и. Майли, катта бўлмай, кичикроқ бўлса ҳам майли, бўлаверади. Муздинг қанча бўлса, рози қиламан. Итларингизга ҳар бозор келганимда без йиғиштириб олиб келиб, бериб тураман. Чунки бизнинг қишлоқда катта бозор бор, жонлиқ кўп сўйилади.

А с о м. Манда ит ҳам йўқ, ман итфуруш ҳам эмасман! Упка ила безингни ўзинг е! Тур, чиқиб кет!

В а л и. Бўлмаса, нимага газетада эълон қилдингиз? А с о м (*ёлғиз*). Уф... мияларим айниб кетди.

20 В а л и кетар, қўнғироқ чалинар.

Бу қандай шаҳар-а, бир-бирисидан ажралмасдан андишасиз киришарлар. Иккинчиси ит, дейди.

Х о д и м кирар.

Х о д и м. Сиз чақирдингизми?

А с о м. Ҳа, ҳа. Самоварни олиб кет. Ундан кейин ҳар зот сўраб келса, чиқиб кетганлар, дегин. Тузукми?

Х о д и м. Хўп!

Х о д и м чиқиб кетар.

30 А с о м. Мана соат 12 бўлди. Бу алжиганлар билан сўзлаша-сўзлаша мияларим айниди.

Ташқаридан Н а б и кирар.

Н а б и. Ассалому алайкум!

А с о м (*ҳайрон бўлиб*). Ваалайкум ассалом, қани ўтиринг.



Н а б и. Майли зиёни йўқ. Тип-тикка турсак ҳам бўлаверади.

А с о м. Хўш, хўш, бизга нима хизмат? Нима иш билан юрибсиз?

Н а б и. Мен газетада эълонингизни ўқиб кўриб, келдим. Афғонистонгача бўлса ҳам бирла борурман.

А с о м. Ҳа! Сиз сафар қилмоқ нияти илан кирдингизми? *(Халққа.)* Бу кунни худо урди-да! Абдулқодир айтган эди: Эҳтиёт бўлмасанг ишинг хароб бўлади, деб. Рост экан-да! *(Набига.)* Ундан чиқдики, йўл харажати 10 бировдан бўлса, сафар қилмоқчи экансиз-да!

Н а б и. Ўз кучи билан сафарга чиққанни қаерда кўрдингиз?

А с о м. Бўлмаса, сафар чиқадиган бўлса, бировнинг пули билан чиқадими?

Н а б и. Албатта-да, манга нима кераги бор? Бекордан-бекорга ёнимдан пул харажат этиб сафарга чиқмоқни?

А с о м. Чиқмасанг, чиқма! Бор, ўзинг биласан, хоҳ чиқ, хоҳ чиқма! Бор-ей, сани манга керагинг йўқ! 20

Н а б и. Нимага мундоғ, дейсиз? Ман сизга жуда яхшиман.

А с о м. Ҳой, одам! Манга қара, мани жинни-пинни деб гумон қилдингми?

Н а б и. Бўлмаса, хўжайин, ойлигимни каттароқ қилинг. Йўл харажати ўзимдан бўлсин.

А с о м. Бор, бор-ей, ойлик деганинг нимаси? Қўп миямни айнитма, чиқ, чиқ!

Н а б и. Майли-ку, мандан арзон хизматкорни тополмайсиз. Хайр, бўлмаса. *(Чиқар.)* 30

А с о м. Хайр бўлса, хайр-е... *(Тескарига қараб турар.)*

Ташқаридан Маҳбуба кирар.

Маҳбуба. Ҳожи почча, хизмат-пизматингиз борми? Ман бу шаҳарнинг пасти-баландини яхши билман.

А с о м. Сиз адашиб келибсиз, бу 11-номер, сизга қайси номер керак?

Маҳбуба. Адашганим йўқ. Сизнинг ошнангиз Иброҳим манга ушбу номерни айтди-ку! Ман уринган иш бўлмай қолмайди!

Асом. Қандай ишни қилмай қўймайсиз?

Маҳбуба. Қандай бўлар эди? Ўзингиз билган, ўзингиз ўйлаб юрган иш-да!

Асом. Кўп мани миямни алжитманг! Кетинг, дегандан кейин, кетинг! (Халққа.) Қандай хотин бу?

10 Маҳбуба. Тўхтанг, почча, кўп аччиғланманг! Таги йўқ ишга мен киришмайман.

Асом (жаҳл ила). Қандай иш? Нима тўғрисида? Астағфирулло!

Маҳбуба. Сизни сўзингиз қизиқ-а! Иброҳимга айтган нарсангиз-да! Қизми, жувонми, майли, ишқилиб никоҳга шак йўқ, ҳожи афанди!

Асом (ниҳоятда жаҳл илан). Қандай хотинсан, жодугар, чиқиб кет! Сен истаган одам мен эмасман.

Шу вақтда Маҳмуд кирар.

20 Маҳмуд (маст ҳолда). Номер, худо хоҳласа, шу дир.

Асом (Маҳмудга). Чиқ, деган-да, чиқ! Бу номер эмас, адашиб киргансан!

Маҳмуд. Йўқ, йўқ, адашганим йўқ, худди шу номерни ўзи! (Чиқар.)

Асом. Оҳ, худо... бу қандай кун-а?!

Ташқаридан Қодир кириб қараб турар.

Санга нима керак?

Қодир жавоб бермас.

30 Санга айтаман, нима керак?

Қодир. Бой почча... Ошпаз керак, деб газетада эълон ёзган экансиз.

Асом. Ҳа, ҳа... бўлди. Бор, бор, йўлингдан қолма!

Қодир. Йўқ, сиз мани бу ҳолимга қараб гапирманг, мен кўп устаман.

Асом. Чиқиб кет, дедим-ку, бас-да!

Қодир. Хўжайин, чучвара, сомса, манти, қовурдоқ, половни...

Асом. Тўхта, тўхта. Миям ўзимга керак. Чиқиб кет, дегандан кейин кет-е. *(Елкасидан ушлаб ҳайдар.)* Бор, бор!

Қодир. Қорним-ей! «ўл, чол, кет, чол» *(Кетар.)*

Асом *(қўнғироқ чалар)*. Вой, бошим... қоринларим очиб, ўлай дедим.

Ходим кирар.

Ходим. Хўш, бой афанди, буюринг.

10

Асом. Бир пўрса баран олиб кел. *(Ходим чиқар.)* Бу Тошкан деган падар лаънат шаҳар шундайин ёмон экан!.. Агар-да билсам, келмас эдим!.. Қодир падар лаънатни кўрсам, билганимни қилар эдим.

Ходим кириб, таомни бериб чиқар. Бой таомни еб турганда ташқаридан Сафо кириб ўлтирар.

Сафо. Бой ака, саломат бормисиз? *(Ўлтирар.)* Бевақт келиб қолдим, бошқа ҳеч ким ҳам келмагандир.

Асом *(ҳайрон)*. Келмаган қайда? 30 киши келди.

Сафо *(таомдан ер)*. Зарари йўқ. Аммо бу ишни 20 олув-сотув билан бедаллол бермоқ яхши эмас. Сиз зарар қиласиз.

Таомдан қолмай деб турганида, ташқаридан Бадриддин кирар.

Бадриддин. Бу Сафо мендан илгари келган экан-да! *(Асомбойга.)* Бой афанди, бу одамга ишонманг! Бу савдо-сотиқ ишларидан хабари йўқ. Савдогарлар ўртасида эътибори йўқ бир даллол.

Аммо мени бўлса, бутун Тошкент биледи. Хусусан бойлар, савдогарлар орасида эътиборим жуда яхши. 30 Ундан кейин катта бойнинг куёвиман.

## МУХТОРИЯТ ЕКИ АВТОНОМИЯ

*Икки пардалик кулгу*

**Уйновчилар:**

1. Обид домла — раис афанди, новча, йўғон, қора соқол, кўзида ойнаси бор, бухороча олача тўнлик.
2. Сандумар домла — раиснинг муовини, ориқ, кўса, зўр саллалик, қора чакмонлик.

**Раиснинг ўнг тарафидан:**

3. С. домла — оқ соқол, кўҳна чопон, кир салла.
  4. Ф. домла — бутун кўса, юзи тиришган, қадди оз энгашгангина, баджаҳдроқ.
  5. К. домла — ўрта ёш, расмий кийинган.
  6. Ғ. домла — қариқоқ, зўр саллалик.
- (Бу қаторда яна беш домла бўлса-да, сўзга қотишмайдиган, жонли ҳайкалдангина иборатдир.)

**Раиснинг сўл тарафидан:**

12. Н. домла — котиб, пакана, серсоқол, қопқора камзул кийган, сербелбоғ.
13. Х. домла — котиб муовини, беҳад йўғон, сариқ соқол, бербелбоғ, зўр салла, узун тасбеҳлик.
14. Ш. домла — бой (шул меҳмонхона эгасининг масжид имони), серсоқол, бош-биринж, оқ тўнлик, кулоҳ саллалик.
15. З. домла — кичик салла, хипча либос, хуш мўйлабгина. Бу зот уламолар ила ёшлар орасида сўз юритувчи.
16. С. домла — ёшроқ муллабачча хизматида турур.
17. Л. — уй эгаси, бой афанди, савдогарча кийинган, 45 ёшларинда.  
(Биринчи парда очилувда бой бўлмайди.)
18. Юсуфхон — миллий жосус, қорача, қора соқол, замонача кийинган, белида қаламдон, қўлтиғида папка; Остроумовнинг «тили»дир.  
(Бу қаторда ҳам яна уч-тўртдан «хўп-хўп, тақсир, тақсир»чи миллий устидентлар бор).

Туркистонда ҳуррият бўлуви муносабати ила ёшлар ва уламолар орасида ихтилоф ўлароқ уламолар айрилиб кетувлари, руҳоний мажлисин тасвиридир.

تشیار تریکی بردن لک لولکو

توکستانده حریت بیدوماسکی ایلدی یاشیلم  
و علملار اولسده ایشکده اولدوق اعلی‌لر آیریلدی  
ایتدیق لور و دعای مجلس ی تصدیق اولدو

Б. УЗНИЦЯП

7628  
18 2000  
A. Tagiray

مختاریت

یا که  
در آخطانانوفیه

«Muxtoriyat ёки автономия» пьесасининг титул varaғи.

**БИРИНЧИ ПАРДА**

Замонача зийнатланган бир меҳмонхона бўлиб, ўртада бир дона стол узасинда беш-тўрт ривоят китоблари бор. Бошқаларнинг амалга мансублари курсида, қолганлари ерга тиззалаб ўлтурган. Раис афанди ўрнидан турган пайтда қўли боғлиқ ҳолда парда очилур.

10     Обид домла (раис) (*қўл қовуштириб, томоқ хириллатиб*). Уҳў! Аҳу! Муҳтарам жаноб фузало ҳазратлари! Мажлисни мандин ифтитоҳ бўлсунми?! Ёки жаноб эшон андакки ихтиёр таваққуф қиладирларми?

Соат 9 га жом чалар.

Х. домла (*қўли билан котибни кўрсатиб*). Мана бу жаноб селкетарь афанди биладилар, икки ибтидоий мажлис чегуна бўлсин?!

С. домла. Селкетарь афандимдан сўралса, сўралмаса аъзоҳои ҳамма мужаманд. Лекин ҳамин қадарки баҳонаи сабаб ул-асбоб нафас ганимат. Бир оз чақ-чақ қилишайлик-да, акун!

20     Бошқалар. Ҳа, ҳа, ҳа! (*Кулишиб.*) Эҳ-е, эҳ-е, эҳ-е!

Ж. домла (*раисга қараб*). Бир оз моҳазрни иложи йўқмикин? Шоядки, бизни бундай нодир мажлисларимиз-да бир оз такомул бўлмоғи минҳайс ул-важҳи лозимнинг жузъи азмидир.

С. домла. Ин айни каромад шуд, филҳақиқат сари суҳан ҳамин.

Ф. домла (*котибга қараб, бош лиқиллатиб*). Жаноб селкетарь афанди! Хонайи бой ба ҳеч нима йўқми?

30     Х. домла. Каминанинг вақти дохилан ҳовлида бой афандининг ҳовлиларидан жиз-биз деган сабзи, пиёз-ни бўйи машомимга андак рўй роҳат берган эди.

Т. домла (*раисга кулуб*). Ҳо! Жанобларини қувваи машойимларига бизлар мусаллабиз-да.

Бошқалар (*кулишарлар*). Аҳ, аҳ, аҳ...

Х. домла (*бир устидентга қараб*). Ҳой, мулло! Чиқиб, кўчадан бойнинг мўрисига бўйнингни чўзиброқ қара-чи, тутун бой мўрисиданми ёки ягон дигар қўшиникиданми?! (*Турар.*)

Т. домла (*ишорат қилуб*). Эй, ўлтурунг! Нигоҳ кардан че ҳожат? Бой марди саҳий-ку! Буюрган бўлса, буюргандирлар. (*Ултирар.*)

Бошқалар. Ҳа! Ҳа! Ҳа! Албатта, бой бисёр доно, мард, саҳий!

З. домла. Дарвоқе, қозон қайнаб турмаса, мажлисни қизимаслигини бой афанди ўзлари-да яхши билурлар.

С. домла. Акун, палов, чой деган гапни кавшарида у!

Ф. домла. Бой ўзлари чиқмаяптилар?

Х. домла. Шумо қизиқми?! Бу мижроларни бари бой афандини йўқликлари-да! Бой афанди бўлсалар, ҳали, иллоҳқи, дастурхон, ҳамма муҳайё эди.

Ғ. домла. Қайга кетган эканлар?!

Н. домла. Вақти саҳар исматильний кўмнитига кетганларича...

Т. домла. Нима ишда кетган эканлар?!

Н. домла. (*бир оз ўйлануб*). Номи сабилашро фаромуш кардам, алланима балосига учрайман, деган эдилар. Забони ўрусий бисёр бад-де!

Т. домла. Дуруст-дуруст! (*Ўзи айтолмай.*) Ўша сиз айтуб турган ...кабинитга боруб, фросатилига учрайман, маслаҳати хос бор, деган эдилар.

Н. домла (*ошуқуб*). Ҳо! Ҳо! Шу, акун, хотирга келди-я! О-о! Сабил-а мондагия, номаш фросотил, фросотил, фросотил.

Х. домла. Айтмадимми?! Бир соатдан буёқ дасу-турхондан даракаш нест, бойни йўқликлари-да.

Т. домла. Ош ҳам бойникида, хотунларга дастурхон ҳам тайин қилгандурлар-ку! Олиб чиқадиган болалар йўқдир.

Бошқалар. Ҳа! Ҳа!

С. домла. Эй ҳазрати домла! Хўб содда-да шумо! Хотун баччагарларни мундоғ азиз меҳмонлар ва бузурук лавозимотларга ақли етади, дейсизми?! Дастурхон бўлсун-да олуб чиқарга одам топилмасин эмиш!

Ҳар бири бир-бирига шивирлашурлар.

Ж. домла. Хотун гўфтаги ноқисул ақл як аз жумлаи ҳайвони нотиқ-да. Хотунликдан бошқага ярамайди. Бо тагин у тарақчими-парақчими деган даҳрий жувон-марглар хотунларни ҳам ҳуқуқи, фалони бор, Шўрои исломияга қўшамиз, дейдилар, ин ажойиб!

Н. домла. Шумо че мегуйид?! Шўрои исломияга бўлса-ку фабиҳалмурод. Шаҳарга дума қиламиз, дейдилар. *(Ҳаммаси ёқасини ушлаб, «Тавба», «Астағфируллоҳ!»)*

10 С. домла *(аччиқ билан)*. Эй, бўлмайди! Бўлмайди! Номаяқул айтипти-эй!

Ф. домла. О, бадбахтлар-е! О, бадбахтлар-е! Ҳали шу ақл билан ин қадар куфрга кетганларми?! Тараққийларидан мурод шулми? Науъзан биллоҳи миназ-золимин. Сангисор лозим буларга!

Т. домла. Ахир бизлар, акун, ўшаларни шаръ шароридан мусулмон ва муслималарни ҳифзина сақлайлик, деб алал ҳадақан шўрои исломия қиядик-да.

20 Б. ошқалар. Ҳай! Ҳай! Алҳамдулилло, хўб яхши бўлган экан, савоб оҳрон азимга мушарраф бўлур-миз.

Т. домла. Акун, илтимос ба уламои инзом икром ҳозирин ва ғойибинлардан шулки, бизлар фи альондан бошлаб аз таҳти дини мубини ислом учун ҳаракат қилмасак, жуҳалони замонина аксар, алалхусус музирроҳи гумроҳи шайтон тирранча тараққий деганлар кўп оламни бутун фасодга мубаддал қиладир.

Б. ошқалар. Ҳо! Ҳо! Албатта, ло-шак ло райба!

30 Н. домла. Акун, ҳамма ишлар бизнинг қўлимиз-даку-я маотаасуф ҳамин қадар айби қосирамиз борки, забони ўрусияи замониядан андак беҳабармиз ва илло биз шумкирдор, бадрафтор тараққийларни мамлакатдан бир кунда билкуллия бадарға қила олурмиз.

Т. домла. Филҳақиқат, гапашон тўғри, бир оз «нет-пет»га ўхшаган асҳалроқ калимотларни алалзарурат баъзи мажолиси мутафарриқа ва арэнгоҳларни асомини билиб олсак эди, беҳтарроқ эди.

Н. домла. Эй, у «нет-пет»лари осон-ку-я, бизни фристуф тўра билан инспекторларимиз йўқ-мўқларга



тушуна олади. Аммо петролисми-метролисми?! Шунга мушобиҳ тагин алланима радди балолари бор, айтиши кўп қийин.

Х. домла. Ҳа, ҳа! Дарвоқе, ман ҳам шуни айтай, деб турган эдим.

Т. домла. Сиз жаноб селкетарь афанди нолиш қилманг, уч-тўрт бор исмотилни кабинетига бориб, қанча Русия забонини билиб қолдингиз.

Н. домла. Дуруст, ўзим ёлғиз бўлганда, дадил айта бераман-ку! Лекин ўша исмотилний кабинет фросотилига учраган вақтда, акун, бутун гум қиламан-да! Баччағарни сўри босиб қолади, дейман. 10

Т. домла. Дарвоқе, мунозара фи айнил мақсуд бўлди. Ман бу кеча шуни ўйлаб қўйган эдимки, эртага уламойи кироми ҳазратларига тақдим қилурмиз. Агар мақбул ишонарли бўлса, фратокулга киргизармиз.

Бошқалар. Ҳа! Ҳа! Қани!

Т. домла. Биз тараққийларга кулгу бўлуб қолмайлик. Бой афанди келсалар, жаноб селкетарь афанди ўшандоғ муҳим луғоти муҳималарни таркиб маатаржумот ҳаммамизга ёзуб берсунлар, биз бир-икки кун такорлаб олайлик, ҳеч боки йўқ. 20

С. домла. Ахир, мавлоно мусаннифи «Чаҳор китоб» «Гар зарурат бувад раво бошад», деб каромат қилуб қўйиптилар. Шундай охир замонларга-да!

Бошқалар (*энгашиб таъзим ила*). Ҳа! Ҳа! Албатта, азизларни руҳларидан айланай! Шундай мусибатлик кунларни ба илму вилоят билуб, доираи шариятини васеъроқ қилганлар-да!

Х. домла. Хўп топдингиз-да, раис афандим! Биз ҳам сизни заковат ва хушмандлигингизни билиб, раиси ижмоъи уммат изом қилганбиз-да, раҳмат-ей! 30

Н. домла. Энди бугун мажлисда нима ишларга қарор қиламиз?

Т. домла. Энди ҳали ишни ҳам чандон маълуми возиҳ эмас-ку! Шумо зикр қилган луғатларни ёд қилишга қарор қиламиз-да.

Бошқалар. Ҳа! Ҳа! Муҳим кор ҳамин вожиб турсур.

Л. (кириб келиб). Ассалому алайкум, азизон!

Ҳаммалари туриб сўрашиб, ўлтириб, фотиҳа қиладилар. Раис бойни ўрнига таклиф қилар.

Хўш, хўш! (Раисни ўз ўрнига қўйиб, ёнига ўлтирар, уламолар диққат билан қараб турарлар.) Ман ҳозир исполнительный кабинитидан келаёпман, фирсидотелни айтишига қараганда, Фаридволостной кабинит, катталари, ҳаммалари бир бўлиб, демократический республика қилишга қарор берганлар.

10 Бошқалар. Ҳа, ҳа! Қандай яхши ислоҳ бўлибти-ку!

Л. Йўқ, тақсирлар! Бу бўлмайдн. (Пешона терларин суртуб.) Бунда бизга кўп қийин бўлади.

Ф. домла. Гапни замонаи мунофиқонасиндан хабарсиз яхши дейилавермасун. Мана! Мана, шунисида ёмон, деб эшутганмиз.

Ҳаммалари бир-бирлари билан мунозира қилуб.

Бирн. Аввал адои изҳоми каломга гўш қилиб туруш керак...

20 Т. домла. Жаноб зоти киромдан ражо қилур эдим. Як нафас таваққуф этулса, токи бой ҳазратлари бу ишларни ҳаммасидан воқифдирлар, воқеот фожиани муфассалан ва ижмолан баёнот қилсунлар, баъд аз ўзлари қайси бирини саодат, десалар, биз ҳам қабул қиламиз.

Бошқалар. Ҳа! Ҳа!

30 Л. Тақсирлар, жанобларингиз ўрусчадан бутун бе-хабарсизлар. (Ҳаммалари мақоми суҳанда «ҳа», «ҳа», деб турарлар.) Ман ўрус келгандан буён ўрус ичинда аралашуб ҳамма сиридан бохабарман. Ман бир-биргина айтиб ўтай.

Т. домла (секретарга). Сиз ўшал луғатларни бойни оғзиларидан чиққан замон ёзиб туринг.

Н. домла. Луғати Ўрусияни ба хати мусулмония ёзмоқ бисёр мушкил, бой афандини ўзлари марҳамат қилиб ёзиб берурлар.

Л. (*сўзда давом этуб*). Бу демократический республикани бизга кўп зарари бор эмиш. Зероки, биздан подшо бўлмас эмиш, тагин аввалғидек қози, мударрис...ларни ҳукамолар, инспектурлар, губирнаторлар сайлаб қўёдирлар эмиш, 2-нчи хотунларни кўчада фаранжисиз (*ҳамма ёқосин ушлаб, «Астаъфируллоҳ!..» «Навзанбиллоҳ!..»*) чиқуб юруши [учун] фармонлар бўлур эмиш, ҳамда бойларни ер-сувлари, дўкон ва каттароқ ҳовлилари, пуллари, мадрасаларни вақфлари... ҳаммаси олинуб, бечора кишига бўлиб берилар экан. 10  
(*Ҳамма қўрқиб, «Е олло!» «Бу қандай бало!»*) Энди бўлари бўлди. Хўш? Ифтор, тўй, закот, хайри-эҳсон деган гаплар бари соп бўлди!

Ҳаммаси шивирлашулар.

Ф. домла (*қўлин силкиб*). Эй! Бўлмайди! Бўлмайди! Биз бундай республика-песупкага кўнмаймиз.

Бошқалар. Ҳа! Ҳа! Кўнмаймиз! Ҳа! Кўнмаймиз! Бўлмайди, шариатда йўқ гап бу!

Т. домла. Мана! Ахир бойларимизни қўлларидан ер-сувлари кетар. Андин кейин иш нима бўлади?! 20

Ҳаммаси. Йўқ! Асло мумкин эмас.

Т. домла. Уламоин изом дарҳол мажлис бўлсунми? Шунини бўлмаслигига қарор қилайликми?

Ҳаммаси. Ҳа! Ҳа! Тезроқ.

Ф. домла. Ҳаммадан илгари шу қарор керак. Иш вақтидан ўтмасин.

Л. Ман кириб қараб чиқай, ош тайёр бўлгандир. (*Чиқиб кетар.*)

Т. домла. Мана! Айтмадикми? Бой афанди ўрусини ҳамма закун ва қонунига моҳир алассавия. 30

Н. домла. Бой бўлмаса, ишимиз хароб эди-ку-я!

Ф. домла. Бой афанди ҳалиги рискупками, алланима балосига қўл қўймаган бўлсалар, «ҳафтаномияси» қалай экан?

Т. домла. Тараққийлар шунда-да! Алар шунини ихтиёр қилган.

Л. (*кириб*). Қани, ош тайёр экан, бу меҳмонхонага кирайлик. (*Ҳаммаси турар.*)

Х. домла (*оёғ устида туриб*). У ҳафтаномиyasi ҳам бутун фалокат ахир, янги келган вақтда отлар ҳуркиб, ипин узуб, аробалар олиб қочуб, неча одамларни босиб ўлдирмайдими?!

Ҳаммаси ҳайрон турар.

Т. домла (*кулуброқ*). Йўқ, у ароба-ку, тақсир! Уни ҳафтамабел, дейди. Ҳафтаномиyasi бошқа.

Чиқишиб кетар.

Парда тушар.

## 10 ИККИНЧИ ПАРДА

Аввалги жой бўлиб, парда очилур.

Ф. домла (*қўлида бир пиёла чой, ошиқиб кириб стол узасина чойни қўйиб, қўйинини кавлаб*). Айтдим, шу сабилни тушлигини-да дарсхонада еб келай, деб! Мободоки, таъхир қилсак, бутун мани девона қиладур. (*Қутини олиб, очурға тутиниб.*) Астаъфириллоҳ, акун, йўғ-э! Манга нима бало бўлди?! Ман бир гиёҳванд домлаи қашшоқ бўлсам, тинчгина оши-худойини еб, кекириб, шукур қилиб ётганим яхшимасмуди?! Мундай фалокат ишларга аралашкандан! Ман бугун Абдура-сулбойнинг тўйдан ҳам қолдим. Бирор тўн берар эди, сотиб, тўрт пайса дору олар эдим, икки кун кайфу сафосини қилур эдик. (*Қутини ҳамон очолмай, тирнаб аччиғи ила.*) Эй, падар лаънат!.. Ман респупка-мискупкани тушунмасам, ҳафтаномиянг ҳам бошингни есун! Қандай охир замон бу? Аллақандай балолар рўй берди, бор падари, ҳаммасига ҳам наълат! Жувонмарглар. (*Эшикка қараб, қутини силкиб.*) Санга нима бало бўлди, акун фи альён? Ҳали замон бири доҳил бўлади-ю, шарманда бўламан-ов! Уҳ, астаъфируллоҳ! (*Силкуб, тортуб юборғач, қути очилуб, қўлидан тушуб, дору тўкилуб кетар.*) Оҳ, палакат! Падар лаънат!.. Шарманда қилдинг-ку ахир! (*Эшикка қараб-қараб.*) Ё Баҳовиддин, бирор киши кируб қолмасун! (*Бир озини*

огзина ташлаб.) Ҳар бало бўлса-да заҳар-пахаримга еб-да қолай, акун, вақт ғанимат! (*Чойни олиб ичаман, деб, қўли туртуб, чой-да тўкулуб кетар, аччиғ ила.*) Астаъфириллоҳ! Бу ишда палокат, падар лаънат! (*Уқчуб.*) О, баччағар-ей! О, баччағар-ей! Аччиғлиғини-ей! Заҳар-а, заҳар!

Оғзини енгига артиб, қора дорун териб турганда, Н. домла (котиб) кирар. Ф. домла шошиб қолар.

Н. домла (*ҳайронлануб, мўралаб*). Хўш, ҳазрат домла! Нима териб туриптилар?! (*Келуб, бирини олиб қараб.*) Ин хаб қувватул бохозимул маълуми? 10

Ф. домла (*ёширолмай*). Нимаиди? Ин, акун, сизга возиҳдир, балки. Фақир шу сабилга оғуштабиз, баважҳ дафъи савдо, табиб буюрган.

Н. домла. Оҳ-қо, айнал мақсуд-ку! (*Тиришуб.*) Ажаб! Бу хабни мушобаҳати бор учун ман қора дорулиғин бутун шубҳа қилмадим. Биз-да камтар, нўш қиламиз, гоҳо!

Ф. домла. Баъзи жуҳало шубҳанок бўлмасун, деб бечора табиб шундақа ҳабни мушобиҳа қилуб берган эди. 20

Тиришуб бўлиб, курсига ўлтирурлар.

Н. домла. Акун, ман нав андакки нўш қилган эдим боз, табаррукона як журъа нўш қиламиз-да!

Ф. домла (*рўмолчаси билан тўкилган чойни артиб*). Ҳа! Ҳа! Марҳамат кунед, марҳамат кунед! (*Қутини суриб қўяр.*)

Н. домла. Бир нарса тўкулдимми? (*Дорудан олуб, огзина солур.*)

Ф. домла. Палакат, чой тўкилиб кетган эди. 30

Ж. домла кируб келур, булар қутини яшуролмай қолурлар. Булар ўрнидан турар.

Салому алайкум.

Ж. домла (*қутини олуб қараб, искаб*). Эҳ-е! Худо дод-ку! (*Ўлтиришурлар. Бу шеърни ўқур.*)

Бодапарастон ҳама дар жамъ шудем,  
Соқий писандор-ке ағёр ҳаст, Ниҳон.

Ҳаммалари кулишурлар: «оҳ», «оҳ», «оҳ!»

Н. домла. Шеър ҳам ўз мақомига зебиш келди-да!  
Ф. домла. Албатта, акун, жаноби домло жузиян  
ушшоқий бода нушин-да, бинобарин, азбобни рафторига  
юрарлар.

Ж. домла (*кулунч юзла*). Агар ижозат бўлса,  
биз-да камтар журабий нўшонўш қилайлик!

10 Ф. домла. Қани, марҳамат кунед!

Ж. домла озроқ ер, чойни учовларни ичарлар.

Ж. домла. Алҳамдулиллоҳ. (*Соқолларин силаб.*)  
Акун, диллар сафо топди-да! Мажлисларимиз жамшед-  
вор бўлур!

Ф. домла (*қутини қўйнига солуб*). Ҳа! Ҳа! Ал-  
батта!

Н. домла. Энди бизга хилватгоҳда бир маҳфил  
шўрбойи кобилий алалхусус, бир маҳрами чойрез ло-  
зим бўлиб қолди!

20 Ж. домла. Шу мақомга бир рубойиёт Хайём не  
хутур келди.

Ф. домла. Марҳамат кунед.

Ж. домла: Ин бувад хилвати чаҳор, шуд аҳбоб,  
Ҳар яки қобил як аз ин асбоб.

Базми жамшед он бувад лошак,  
Танбуру маҳраму бодау ба кабоб.

Н. Ф. домла. Эй раҳмат! Эй кошки! Ува! Воҳ!  
Бай! Бай! Бай!

Ф. домла. Рубойи марғуб аст, ҳай, ҳай, ҳай!

30 Бир оз хаёл сурурлар.

Акун, манинг хаёлимга бир гапо машварат келадир.

Ж. домла. Хўш, нима машварат?! Ба фармояд!

Ф. домла. Ҳамин усталларни олуб, ерда ўлтирсак,  
бўлмайдими?! Зероки, айна сафойи кайфда йиқилуб

кетиб, авҳоми кишини андак носаранжом қиладир. Нашъани мазаси кетадир.

Ж. домла. Ори, ори! Ин машварат бисёр хўб. Ҳали аъзолар кирсалар, биринчи масалага шуни арз қиламиз. Балки (*Н. домлага қараб*) фракатўлга ҳам киргизамиз, нима дейсиз?!

Н. домла (*пинакка ҳозирдан кетган эди*). Маъқул!

Ф. домла. Бисёр нўш кардан-да! (*Кулушурлар*.)

Мударислар кириб келурлар. Жой-жойларига ўтурурлар, тишларин ковлаб чой ичарга тутиналар, котиб дафтарин тўғриловга тутинар, бойда ҳам кириб ўтирар. 10

Т. домла (*ўрнидан туруб*). Уламои киром! Ақун, мажлис ибтидо бўлсунми?

Ҳамма. Ҳа! Ҳа! Ҳа! Албатта, бўлсун!

Ф. домла (*ўрнидан туриб*). Бажаноб уламои изомин арз!

Т. домла. Марҳамат қилсунлар!

Котиб пинакда.

20

Ф. домла. Агар мумкин бўлса, ҳамин устолларни олдириб, ерда чаҳор зону қилуб баҳазур тамом ўлтирсак, бўлмайдими?!

Ж. домла (*тақвия этуб*). Албатта, мумкин, бизларга бу рўзи ҳам кўп касофат кўринадур. Бу ўша ўрус табиат тароқ-пароқчиларга тузук, биз аларни қилганини қилмайлик!

Т. домла. Уламои киром қабул кўрсалар, ҳозир кўтарурмиз! 30

С. домла. Дарҳақиқат, бисёр хўб, ўзимизни қондани қўллаймиз.

Ш. домла. Мен ҳам шуни неча каррот арз қилай, дедим. Андак одоб ва истиҳолога боруб, сукут қилган эдим. Бизга, дарҳақиқатан, бунда ўлтурушни зебиши йўқ, (*бойни кўрсатуб*) яна бой афанди билалар.

Ҳамма. Ҳа! Ҳа! Қани, бой афандим.

Л. Маним ақлимча, зарари ҳам йўқ эди. (*Туруб*.) Хайр, бўлмаса оламиз.

Ҳаммалари турурлар, бой хизматчисин чақируб, устолларни та-  
шитур. Уламолар эшикка чиқуб турурлар, жой ростланур, бой  
бир хонтахта келтириб, бурчакроққа раис ва котибга жой қилиб,  
таклиф қилур, ҳаммалари кируб, кўб-кўб такаллуф баъдинда  
жойларига ўлтиришиб, бошқатдан фотиҳа тортиб.

Ҳ а м м а. Мана бу қандай роҳат! Алҳамдулиллоҳ!

Ф. д о м л а. Раис ва селкетарь афанди улуғ киши-  
лар-да, акун, буларга тағин бой афанди алоҳида жой,  
устол қилганлар!

10 Ҳ а м м а. Ҳа! Ҳа, ҳа! Булар бизларни йўлбошчи-  
миз-да, акун. (Кулишарлар.)

Ж. д о м л а (котибга). Энди бунн фрокатулга ёзиш  
ҳожат эмас-да, а?

Ҳ а м м а. Йўқ, йўқ! (Кулишарлар.)

Т. д о м л а. Хўш, энди мажлис ибтидоъ, бисмилло-  
ҳир раҳмонир раҳим, аввал аз кадом масала мунозара  
қиламиз?

Котиб пинакда.

20 Ж. д о м л а. Энди ҳалиги бой афанди айтган рес-  
пупками, нима бало эди, шунн ҳам қилайлик!

Ҳ а м м а. Ҳа! Ҳа! Ҳа! Шул зарур, хатарноки шул.

Л. Энди, тақсирлар! Манинг ақлимча, демакратичис-  
кий респупка бизга жуда, жуда зарарлик.

Ҳ а м м а. Йўқ, йўқ! Уни биз қабул қилмаймиз, бе-  
кор у, рад қилиш керак.

Л. Қошки, энди ўшал ҳафтаномия бўлса, ҳалиги  
тараққийлар кирган, ман ҳайронман!

Масала раис тарафиндан мунозарага қўйилур.

30 Х. д о м л а. Жаноби бой афанди марҳамат қилган-  
лари дарвоқнан кўб муазур. Алалхусус аҳком ва ар-  
кони динга бутун куллан ва жузъан муҳолиф, чунки  
ҳаж, закот, фитр, ушр, қурбон, садақа, тўй, хатми  
қуръон, хатми хўжа, чиҳлёсин... каби муҳим ҳайрот  
муфаруқа ва вожибаларни ҳаммасига монӣдир. Бун-  
га биз ислом уламолари, албатта, муҳолиф турушимиз  
керак. Чунки, биз варасатул анбиёбиз. Жаноби Зулжа-



лол тарафиндан халқни ҳидоятига маъмурбиз. Ҳушёр бўлишимиз керак. Ман шуни арз қиламан!

Ҳ а м м а. Раҳмат, раҳмат.

З. домла. Энди адабга хилоф бўлса-да, фақир бир арз қилуб ўтай! Жаноб Х. домланинг сўзлари тўғри, лекин масала қарши турув ва турмовда эмас, бари буни қандай қилуб адо қилуб жойловдадир. Бизни мунда ўлтируб қаршу турувимизи ҳеч фойдаси йўқ.

Ф. домла (*шошилуб*). Эй, бас қилинг-ей! Бўлмайди-я, бизни уламо, дейдилар, биласизми?! Биз қабул қилмагандан кейин кимдирки бизга лом-мим демоқ товоно бўлсун! Биз ўзимизча қилармидик, шарҳи фатовий, шарҳи маашарҳи исломиятларга қараб қиламиз. 10

Ҳ а м м а. Дарвоқиян, аҳкоми шарият манъ қиладир-да!

Т. домла (*Ф. домлага*). Илтимос қилур эдим, бу зот сўзларини тамом қилса.

Ф. домла. Рафтораш ту маълум-да!

З. домла. Демакратичский респубка ярамас экан. Маълумки, муслиминлардан жуҳуд, армани, рус, поляк... каби турли ғайри миллатлар кўб. Аксарият алар бўлганда, шулар ғалаба қозониб кетса, бизни товушимиз ҳеч жойга бормасдир. Мана шуни билуб Қопқаз, Эдил бўйи тотарлари... ҳар қайсилари алоҳида ҳафтаномиа эълон қилмоқчи бўлдилар. 20

Ф. домла (*аччиғланиб*). Нагуфтамми? Кори поёнаш маълум ҳам!

З. домла (*сўзда давом этуб*). Айнан бизлар ҳам шулардан бирига, яъни Қопқазга ёки тотарларга ёки мумкин топулса, мана энди, Тошканд ёки Ҳўқандда Туркистон киройи бирлашиб, хусусий ҳафтаномиа эълон қилсак. 30

Ф. домла. Айтмадимми бу киши ҳам ғазнот ўқийдирлар, яки аз тароқчи, биз энди шул дин бузуқи гумроҳ тотар шум усули жадидчиларга қўшилар эканмида, ҳайҳот! Бале!

Ж. домла. Йўқ, тақсир! Биз аларни ҳафтаномиа-сига қўшилмаймиз!

Ш. домла (*бойга қараб*). Бой афандим, шул шў-

роимизга ўхшаш алоҳида ҳафтономия эълон қилсак, бўлмасмикин?

Л. (З. домлага қараб). Сўйланг!

З. домла. Ҳафтономия бир шаҳарда беш-ўн жойда бўлмайди, балки бўлса шул Туркистон кироида бир бўлур.

Л. Дарвоқе, ман ҳам шундай деб эшитқон эдим. Энди эсимга тушди, ҳа! Ҳа! (Мўйлабларин бурар.)

10 Ф. домла (ҳамон аччиғланиб). Биз унга-да, мунга-да қўшилмаймиз!

Т. домла. Жон, тақсир, шунча мусулмон ва муслималарни беш-ўнта ҳаромзодаларни қўлига топшируб қўямизми?!

Котиб пинакда.

Л. Жаноб селкетарь афандидан ҳам бир сўраб кўрайлик.

Раис туртиб қўяр, бошин кўтарар.

Жанобингиз нима дейсиз!

20 Н. домла. Мо дар чи хаёл, фалак дар чи хаёл! Ҳар чи бода паймо чи хаёл! Сиз жанобларга нима маъқул бўлса, бизга-да шул ахир. (Яна пинак.)

З. домла. Энди яна бир маслаҳат борки, биз ҳозир ҳафтономия деган сўзни қўюб, биз фостоновленини қилайлик. Демакратический респубкага қаршибиз, деб яна қараб турайлик-чи, баъзи жамиятлар ва атрофлар нима қилишурлар?

Л. Дарвоқе, маъқул гап, (котибга, туртуб) сиз бунни ёзинг.

30 Н. домла. Нима деб ёзамиз! (Қалам ахтармоқга тутунур-да, яна пинакка кетар.)

Бу ҳолда эшикдан юрт дастурхончиси саломлаб кируб.

Дастурхончи. Абдурасулбойникида ҳозир соат учга уламо оши эди. Ман мадрасаларга бориб тополмадим. Шўрои исломда деб ароба олиб келдим.

Шу ҳолда котиб муовини Х. домла димоғига нос солиб, бурнига тортар. Котиб қаттиқ пинакда.

Ҳозир марҳамат қилурлар.

Ҳ а м м а (*бир-бирига қараб, соатга қараб*). Вақт ҳам қарийб!

Т. домла. Бўлмаса, ҳозир борайлик-да, кейинги мажлисда ёзармиз.

Ҳ а м м а. Ҳа, ҳа, ҳа! Кўп яхши бўлади!

Шул ҳолда Х. домла бор овози била акса урар.

К о т и б (*бирдан чўчиб, қичқируб*). Ё оллоҳ! (*Чой- 10*  
*нак, довот, қоғоз, дафтарларни тўзигиб юборар.*)

Ҳамма бир чўчиб, бир қаққаҳа уриб, кулиб юборадилар-да, ўринларидан турарлар. Чиқа бошлилар.

П а р д а тушар.

**БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ**

Солиҳ. Хўш, гапни калта қилинг. Нима қилдингиз?

Қози. Шу бугун билан уч мартаба чақириб, мен этмаган тadbир-сиёсат қолмади, ҳатто «Бойнинг шу сўзларига қайсарлик қилсанг, йигирма йиллик хизматинг куйиб кетади. Шу хотинни бойни ўзи олиб беради, сандан бир пул сарф бўлгани йўқ — беш-олти минг сўм қарздор бўлдинг, қиёматғача ишласанг ҳам бу қарзларни узолмайсан. Урта ичида бойнинг аччиғларини келтирсанг, ўзингни бир балога тақийсан. Ўзингга қийин бўлади. Ундан кўра, шу хотинни баҳридан ўт. Бой яна бирини олиб берадилар-да, яна хизматдан қутулиб, бир умринг роҳатда ўтасан...» Алоҳазолқиёс ҳеч бир этмаган ибратим қолмади. (*Эллик бошини кўрсатиб.*) Кеча, хусусан, бу Элликбоши Аҳмадбой ҳам бор эди; шундай эмасми?

Эллик боши. Ҳа-ҳа, қози домла, кўп жон куйдириб этмаган сўзлари қолмади, жуда ёмон шум одам экан-да. Шунинг учун бечорани бой қилмас экан.

Солиҳ. Нима деди, ахир? Бўлган гапни айтинг?

Қози. «Майли худодан кўрдим, нима қилсалар қилсин, мен қўймайман, агар хотинимни ихтиёрида хўжайинга тегиши бор бўлса, хотинимни ихтиёри ҳам ўзида», деди. Мен ҳайрон қолдим, эмди ўзингиз айтгандак, буни бир ёнлик қилиб эпламасангиз бўлмади.

Солиҳ (*аччиғ билан*). Мен сизга бошида айтдимку: бунга насиҳат кор қилмади. Жазоси шуки, ўзини бир балога тақаш керак. Шунда бир илож бор, мана энди билиб қолди, тагин иш мушкул бўлди. Бу гап одамларнинг орасига тарқалса, ман анча маломатга қолурман. Энди мана шу мани саломат бўлишимга бори-йўғи учовларингиз — сабаб бўлди. Бирингизни қози, бирингизни имом, бирингизни элликбоши қилиб топган фойдам шул бўлдими! Энди мани ёғлиқ ошимни, берган пул ва ёрдамларимни натижаси буми! Бали!

Қози (*бир оз мулойимланиб*). Энди, бой ака! Биз мунчалик ўйлаганимиз йўқ эди. Ўзингизнинг ичингиздаги киши. Албатта, йўқ демас, хотин бўлса, шундоғ



کتابخانه ملی  
جمهوری آذربایجان  
۱۹۱۹ میلادی  
شماره ۱۱  
تیرماه ۱۳۳۸  
مکتب مطبوعاتی  
جمهوری آذربایجان

مکتب مطبوعاتی  
جمهوری آذربایجان  
تیرماه ۱۳۳۸

مکتب مطبوعاتی  
جمهوری آذربایجان  
تیرماه ۱۳۳۸

# بابی ایله خیزمچی

استاد و جاسلانی غمگینانه کورکان عجب و شگفتیله دنیای عالم ایلازلیک بارلی خانقاه قورلارنا باشا ایلر  
تعدادی امور ایکن اوزمشر دون آندان و بارود و دشمنی ماجه دور  
و اوورونه بکلی استون ایلور  
ایرون باغلا وریسلات ۱۱۱

В Городском театре 29 июля для народа и в 5 часов  
в здании Красной Армии труппа "Кари Маркс" будет  
представлять спектакль

«Бой ила хизматчи»  
фрагм из оперы «Выпавшая пелена» в 4-х частях Ст. К. Кизова  
перевод на Азербайджанский язык М. М. М. М.

خطای: آذربایجان و ایلازلیک کالری نامیده (فرخانه) جامعه سنی یکی ایلازلیک سوغ برانده فریون  
مکتب مطبوعاتی  
جمهوری آذربایجان  
تیرماه ۱۳۳۸  
مکتب مطبوعاتی  
جمهوری آذربایجان  
تیرماه ۱۳۳۸  
مکتب مطبوعاتی  
جمهوری آذربایجان  
تیرماه ۱۳۳۸

«Бой ила хизматчи» спектаклининг афишаси.

бечора киши ноилож тургандир. Сизни «оламан», деганингизни эшитиб, жон ва дили ила кетиб ўлтуриб олар, деган эдик, биз ҳам ҳайрон қолдиқ. Энди, бой ака, худо хайр берсин. Ҳарна қилсангиз, ўзингиз раҳм ва шафқат эгасисиз. Яна бир уриниб кўрамиз. Худо хоҳласа, бир иложини қиламиз.

10 **С о л и ҳ** (*домлага*). Ахир, домла! Мен шуни яхши кўриб қолдим. Энди ул рози бўлмаса ҳам, хафа қилиб бўлса ҳам, шуни оламан. Энди нима қилай, шариятни садағалари кетай, бир йўл йўқ экан-да.

**И м о м** (*бойни сўзини кесиб*). Энди, бой афанди, муҳаббат дарди ҳар бир дарддан зўр, кишини ҳалок қилади, дафъ ҳалокат фарз. Кўриб туриб, ўзингизни ҳалокатга берманг, мафҳуми каломга назаран бу ҳам аз жумлаи ҳалокат. Масалан: катта китобларда сиҳат бадан учун... гўшти хинзирга ўхшаш ҳаром нарсаларни шарият ҳалол қилади. Бу кинояларга «назаран», албатта, йўл бўлса керак. (*Қозини кўрсатиб.*) Мана, яна қози домла билалар.

20 **Қ о з и** (*домлага*). Тақсир, бу ишга йўл жуда кўп. Лекин озгина авом халқ орасида бундай нозик ишларни шойиъ қилиб бўлмайди. Чунки баъзи гуфтугунларга оид бўлиб кетади. Энди, бой ака. Жанобингиз бу тўғрида соҳиб оқилроқсиз-ку, қандай йўл била бўлса, шуни қўлга олишни чорасини қилинг, у тарафини ўзимиз тўғрулаймиз. Ахир масаласи ўзимизда-ку!?

**С о л и ҳ**. Энди ростини этсам, муни эрини бир айблаб қаматиб, ишни тўғруламасам бўлмайди, шунга нима дейсизлар?

30 **И м о м** (*бошини қимирлатиб*). Ҳа-ҳа, ана холос! «Жазойи боди-боди»-да кўрнамакни жазоси шул?.. Илоҳи тўй бўлсун-да. (*Кулушурлар.*)

**С о л и ҳ**. Домлаларни дарди-фикри тўйда. Бўлмаса, сизларга жавоб, ман Аҳмад била шу тўғрида алоҳида маслаҳат қиламан. (*Қози, имом чиқа бошлар.*) Эшон, қози, башарти ишимиз сизга борса, узоғроққа ҳукм қиласиз-да.

**Қ о з и**. Албатта, албатта. (*Чиқиб кетарлар.*)

**С о л и ҳ**. Қани, Аҳмад, энди маслаҳат санда қолди!

Нима қиламиз? Сани ҳам фойданг тегса-чи, мани оғзимни ели ила мингбоши ҳам бўлиб кетаверасан. Домла билан қози куланглаб қолган, сан бир иш кўрсатсанг-чи, уйинг куйгур!

А ҳ м а д. Эй, бой ака! Бун иши жуда осон! Бир сандуқчага беш-олти юз сўм пул ила беш-ўнта ҳужжат-пужжат соласиз. Бир эски тўнга ўраб, манга берасиз. Ундан кейин худди ўзини чақириб, «кет!» дейсиз. Лекин азонда, тонг қоронғусида кетсин. Шу вақтда ман секин сандуқчани олиб келиб, аравага солиб кўяман, жўнаб кетувотгандан кейин орқасидан полиса юбориб, ушлатиб келамиз. Сиз у ёғдан ҳокимга учраб, каттарақ тухматни қўйиб, Сибирга жўнатасиз, ундан кейин хотинни олиб, айш-ишратни қилаверасиз. 10

С о л и ҳ. Улма! Заб кўнглумдагини топдинг, яна мингбоши, қози бўлса-ку, ўзимни қўлимда, (*ўйлаб туриб*) бўлди иш, бор энди, унисини ҳам ўзинг қил. Ман Гофирни чақириб гапирайин . . . . .

## **КИМ ТУҒРИ?**

*Бир пардалик кулгу*

**Қ а т н а ш у в ч и л а р:**

Қ о д и р ж о н — бир зиёли, 27 ёшда.

М а р я м — Қодиржоннинг хотини, ёши 22 да.

Х о л м а т — Қодиржоннинг хизматкори, ёши 25 да.

Р у з в о н — Марямнинг хизматкори, ёши 19 да.



Қодиржоннинг уйи: икки томонда икки эшик ва икки дераза, деразалар тагида биттадан карават, караватлар ўртасида ширма, ўртада стол ва стуллар, тўрда шкаф. Карават ёнида кичкина столча бўлиб, унинг устида ойна, атир ва упалар. Марям хафа бўлиб ўтирган ҳолда парда очилади. Рузвон хат олиб келиб беради. Музыка «Сегоҳ» даромадини чалади.

Марям (*қўлидаги хатни овоз билан ўқий бошлайди*). «Севгили Марямхон! Мен сизнинг муҳаббатингиздан кўп беоромман. Бугун беш-олти кундан бери сиз билан кўришармиканман, деб кўп интизор бўлсам-да, мумкинлик бўлмади. Эртага кета турган поезд билан Тошкент бормоқчиман. Агарда ҳар қандай қилиб бу кун келмасангиз, мен билан кўришолмай қоласиз. Агарда мени кўрмоқни истасангиз, кечаси соат ўнларда менинг олдимга марҳамат қилинг, сизни кутиб оламан. Эҳтиром ила ошиғингиз Қосимжон». (*Хатни ўқиб бўлиб.*) Оҳ, қандай қиламан?! Бормай десам, севгим Тошкентга кетиб қолар экан. У вақтда бир ойсиз кўролмайман. Хатни эртароқ юбормабдики, мен онамникига бораман, деб эримга баҳона қилиб кетар эдим. Уҳ, жуда қийин ҳолда қолдим-да! (*Бир оз ўйланиб.*) Топдим, топдим! Ошни ариққа ағдараман-да, Қодиржон келиб, «Ош қилдингми?»— деса, «Йўқ, қилмадим»,— деб жавоб бераман. Ундан кейин «Нима учун ош қилмадинг?»— деб уруш бошлайди, мен ҳам уришаман. Шундай қилиб, катта жанжал қиламиз. У вақтда Қодиржон менга зарда қилиб, бошқа ётмоқчи бўлади. Сўнгра Қодиржонни ухлатиб, кейин секин туриб, ўрнимга Рузвонни ётқизиб, севганимнинг олдига бораман. Ана холос! Бунинг ҳам йўлини топдим.

Севиниб чиқар кетар. Қодиржон қўлида бир хатни ушлаганича кириб, ўқий бошлайди.

Қодиржон. «Суйгулигим Қодиржон! Сизга маълум бўлсинки, бу кун онамла билан ҳовлидагилар қишлоққа кетишдилар, мен уйда укаларим билан ёлғиз қолдим. Эртага эрта билан мен ҳам кетаман. Агарда мени яхши кўришингиз рост бўлса, ҳарна қилиб ҳам кечаси соат ўнда келинг. Келсангиз, ҳовлининг орқа-

- сидан келиб, шарпа қилинг. Мен укаларимни ухлатиб, олдингизга чиқаман. Мабодо келмасангиз, бир-икки ойсиз қишлоқдан келмайман, деб маъшуқангиз Зайнаб». (*Хатни ўқиб бўлиб.*) Оҳ, энди нима қиламан? Бу хатни дўкондалигимда юбормадики, ўшанақаси бора берган бўлар эдим. Бугун кино ёки театр йўқки, шуни баҳона қилиб кетсам. Агарда бормасам, маҳбубим қишлоққа кетиб, бир-икки ойсиз кўришолмай қоламан. (*Ўйланиб.*) Энди бир ҳийла топиш керак. (*Ўйланиб.*)
- 10 Ҳа, топдим!.. Ҳали ош вақтида «Ошнинг тузини паст қилиб қўйибсан ёки шўр қилиб қўйибсан»,— деб баҳона қиламан-да, катта жанжал чиқараман. (*Кулар.*) Сўнгра ухлатиб қўйиб, ўрнимга Холматни ётқизиб қўяман-да, севганимнинг олдига бораман. (*Яна кулар.*) Ўлма! Менинг кўп ақлим бор-да!.. Энди иш бошлаш керак. Мен чиқиб, Холматга тайинлаб қўяй.

- Чиқар ва бир оздан сўнг ўнг томондаги деразадан Қодиржон билан Холмат кўринадилар, чап томондаги деразадан Марям билан Рузвон кўринадилар. Қодиржон Холматга, ундай қил, бундай қил, деб ишорат қилади. Марям ҳам Қодиржон қилган ҳаракатни қилиб, Рузвонга ишорат қилади.
- 20

Холмат! Ҳали мен йўталганда, мана шу деразадан секин тушиб, менинг ўрнимга ётасан. Тузукми?

Марям. Рузвон! Ҳали мен йўталганда, мана шу деразадан секин тушиб, менинг ўрнимга ётасан. Тузукми?

Дераза олдида кетадилар. Марям ўз эшигидан кириб ўтиради. Қодиржон шошилиб кириб, сўз бошлайди.

- 30 Қодиржон. Рузвон, ҳо Рузвон!  
 Рузвон (*кириб*). Ҳа! Нима дейсиз?  
 Қодиржон. Ош тайёрни?  
 Рузвон. Ош қилганимиз йўқ.  
 Қодиржон (*суюниб, халққа қараб*). Уф! Менга жуда яхши баҳона топилди-ку! (*Рузвонга қараб.*) «Ош қилганимиз йўқ!» Нима учун ош қилмадинглар?  
 Рузвон. Билмадим. Аямлар эртадан бери йиғлаб, гапга ҳеч бир жавоб бермайдилар.

Қодиржон. Бор, аягни чақир!  
 Рузвон. Ана, ўзлари шу ердалар.

Рузвон чиқиб кетади. Қодиржон бориб, Марямни олдида шовқин кўтаради.

Қодиржон. Хўш! Нима учун ош қилмадинг? Биласанки, мен бозордан оч келаман, у ерда менинг катта холам йўқки, менга ош қилиб берса!

Марям. Нимага бақириб келасиз? Бозорда катта холангиз бўлмаса ҳам суйганингиз бор-ку! Ўша ош қилиб берар.

Қодиржон. Нима? Қанақа суйганим ош қилиб берар экан? Менинг унақа суйганим бўлмайди!

Марям. Мен сизни жуда яхши биламан, суйганингизни ва унга ёзган хатингизни ҳам жуда яхши биламан, унинг ёзган хатини ҳам кўрдим.

Қодиржон. Қани ўша суйганимдан келган хат? Қим экан менинг суйганим?

Марям. Суйганингизнинг ким эканлигини ўзингиз яхши биларсиз.

Қодиржон (*халққа қараб*). Суйганимни, албатта, биламан-ку-я! (*Марямга қараб.*) Йўқ, менда ундай нарсалар бўлмайди, эҳтимол, сеники бордир. Аммо мен бўлсам, ўқиган, турмушга тушунган, ҳалол рафиқа истаган кишиман.

Марям. Менинг ҳам ҳеч бир суйганим йўқ, балки фикр бузуқлик сизда бордир. Мен ҳам ўқиган, тўғри рафиқ истаган хотинман. Сизнинг суйганингизнинг хати менда эди.

Қодиржон. Қани ўша хат? Менга кўрсат-чи — суйганим ким экан?

Марям (*у ёқ-бу ёғини ахтариб*). Биласиз, суйганингизнинг ким эканлигини!

Қодиржон. Ахир, ўша хат қани?

Марям (*йиғламсираб*). Жаҳлдан йиртиб ташлаган эдим, эсизгина, сақлаб қўйган бўлганимда эди, ҳозир кўрсатиб, сизни шарманда қилар эдим.

Қодиржон. Ёлғон! Менда бундай ярамас ишлар ҳеч бўлмайди. Бундай қилсанг, жавобингни бериб юбораман.

10

20

30

Марям. Жавобимни берсангиз, бера қолинг! Мен ҳам жуда жонимдан тўйдим!

Қодиржон. Бўлди, бўлди! Сен ўз жойингга бориб ёт, сенинг билан гаплашмайман. (Кета бошлар.)

Марям. Сиз билан гаплашай, деб ўлаётганим йўқ, сизнинг олдингизга борай, деб ҳиқиллаб турганим ҳам йўқ!

Қодиржон. Қўраман, бирпасдан кейин (масхара-лаб) «вой жоним-поним!» деб келишингизни!

10 Марям. Ҳа, ёқадими? Сизнинг ёнингизга бормайман, дедим, бормайман.

Қодиржон. Бўпти бўлмаса: ким кимнинг ёнига келса, пес бўлсин!

Марям. Бўпти, песдан ўтиб, мохов бўлсин!

Қодиржон ўрнига бориб ётар.

Рузвон! Ҳой, Рузвон! Ўзинг чой дамлаб, ичиб ёта қол.

Қодиржон билан Марям ўз ўринларига ётадилар. Музыка «Ухла, эй кўзим» куйини чалади. Соат ўнга қўнғироқ ургач, ҳар икковлари ҳам ўринларидан туриб, йўталадилар. Холмат ўнг деразадан, Рузвон чап деразадан тушадилар. Қодиржон билан Марям уларни ётқизиб, ҳар хил ишоралар билан икки томондан чиқиб кетадилар. Холмат билан Рузвон бир оз ётишиб, сўнгра секин йўталишиб, чўчишиб кетишади, кейин яна йўталишиб, ширма орқасидан қараб бир-бирларини кўрадилар ва хурсандчилик изҳор қиладилар. Кейин ўринларидан туриб, хўжайинларининг кийимларини кийиб, юзларига пардоз қиладилар. Холмат ширма орқасидан қараб, уялиб қолади. Рузвон ҳам шундай қилади. Кейин Холмат ширманинг бир томонидан ва Рузвон бир томонидан мўралаб, бир-бирларига қараб юра бошлайдилар. Ниҳоят, Холмат югуриб келиб, Рузвоннинг орқасидан қучоқлаб олади, Рузвон қошиб қутулади.

30 Холмат. Вой, кўзларидан! Мен сизни хўжайиннинг хотинлари, десам, сиз экансиз!

Рузвон. Уф, юракларим ёрилди... Мен сизни хўжайин, десам, сиз экансиз-да! Хўжайин қанилар?

Холмат. Мени ётқизиб, чиқиб кетдилар-ку! Аям қанилар?

Рузвон. Аям ҳам мени ётқизиб қўйиб, чиқиб кетдилар-ку!

Холмат. Бўлмаса, жуда тинчлик экан-да! Жоним, сизга ҳам етишадиган кун бор экан-а! Келинг, ойим-пошша! Хотиржамликда сўзлашиб, ҳасратлашиб олайлик!

Диванга бири бир чеккада ва бири бир чеккада ўтирадилар. Секин-секин бир-бирларига қараб яқинлаша бошлайдилар, яна уялишиб қочадилар. Кейин яқинлашиб, Холмат Рузвоннинг қўлини ушлаб, айтади.

Жоним сизга тасаддуқ!.. Қўлингиз мунча оппоқ?

Рузвон (*уялиб*). Билмадим, Холматжон, яна хў- 10  
жайинлар келишиб қолишмасин!

Холмат. Йўқ, келишмайди, хотиржам ўтираве-  
ринг! (*Қўлидан ўпиб*.) Рузвонхон, сиз менга хотин бў-  
ласизми? Мен сизнинг ишқингизда неча йилдан бери  
куйиб юрибман-а... Энди бундан ортиқ чидашга ҳеч  
тоқатим йўқ.

Рузвон. Қўйинг, ҳали замон келишиб қолади...

Холмат. Келишмайди. Келишганда ҳам қўрқмай-  
миз, чунки улар ўзлари яхши кўрганларининг олдига  
кетадилар-у, яна бизга бир нарса дейишармиди? Ке- 20  
линг, жоним, менга тегасизми?

Рузвон. Хўжайинлар жавоб беришмайди-да.

Холмат. Беришади! Хўжайинга айтаманки, яхши-  
ликча тўйни қилинг. Бўлмаса, сиригизни аямга айтиб  
қўяман, деб дўқ ураман. Ана ундан кейин қўрқиб,  
«хўп», дейди. Сиз ҳам аямга шундай денг! Тузукми,  
кўзидан?!

Рузвон. Билмадим, қандай бўлар экан?..

Холмат. Жуда яхши бўлади-да! Айни муддао бў- 30  
лади! Келинг, жоним, катта тўйдан илгари фотиҳа тў-  
йини ўтказиб олайлик. (*Шкафдан ичкилик, нон, олма,  
гўшт ва бошқа ноз-неъматларни олиб, столга қўяди,  
сўнгра румкага винодан қуяр экан, айтади*.) Қани, қу-  
линг ўргулсин! Фотиҳа тўйининг саломатлигига ичай-  
лик.

Рузвон. Йўқ, ичмайман... (*Нозланади*.)

Холмат. Вой ўргулсин! Ича беринг! Мен туриб-  
ман-ку...

Рузвон. Қандай бўлар экан?.. (*Икковлари ичадилар.*) Жуда аччиқ-ку! Бунинг оти нима?

Холмат. Бунинг отини — «Шарвати ганг-гаранг» дейдилар. Бу одамнинг таъбини жуда равшан қилади. Мана бу товуқ гўштидан олинг, жуда соз бўлибди-да. (*Румкага яна вино қуяди.*)

Рузвон. Вой-й! Бу мени жуда қизитиб юборди-я...

Холмат. Қани бўлмаса, яна биттадан ичайлик, ундан кейин ўрнига келамиз. (*Икковлари ичадилар.*) Гўзалларнинг гўзали! Энди иккитагина хурсандчилик қиламиз-да! Бир йўрғалаб берасиз-да!

Рузвон. Мен ўйинни билмайман... Билсам, дарров ўйнаб берар эдим...

Холмат. Мени кўп куйдирманг, қани, ўйнаб беринг. Ундан кейин кечаги ошхонанинг олдидаги ғамзалардан ҳам бўлсин.

Холмат Рузвоннинг қўлидан тортиб, турғизиб қўяди. Рузвон ўйинга туша бошлайди. Холмат ашуласини айтади.

20 Сендан аканг ўргулсин,  
Ғамза қилган бошингдан.  
Вой, Холмат ўргулсин  
Жувоз қилган қошингдан.

Ўргулсин, ўйинда ҳам Марямхон бўлиб кетасиз. Бу ҳам менинг бахтим-да!

Рузвон. Холмат ака! Уйинга сизнинг ҳам суягингиз йўқ экан-а? (*Икковлари кулишадилар.*)

Холмат. Ҳа, бизда ҳам ўйиндан бир шингил бор. Жиндак илтимосим бор эди, сизга айтгани уялиб турибман: ё тўғрисини айтиб юбораверайми!

30 Винодан яна қуйиб ичадилар ва маст бўладилар.

Рузвон. Айта беринг! Нимага уяласиз?.. Агар жуда уят гап бўлса, гапирманг...

Холмат. Энди ўзим ҳам билмай қолдим: уят бўлармикан ё йўқмикан... Энди ўзингиз ҳам (*ютуниб*) билиб тургандирсиз...

Рузвон. Мен сизнинг гапингизга ҳайронман, сизнинг кўнглингиздаги гапни мен қайдан билай. Гапнинг очиғини айтиб қўя қолинг!

Холмат. Энди гапнинг очиғини айтсам... (*Ютуниб.*) Қўй, уяламан! Жуда терлаб кетдим... (*Пешонасини артади.*)

Рузвон. Мени сиз жуда ҳайрон қилиб қўйдингиз, афтидан, гапингиз хунук гапга ўхшайди, шекилли.

Холмат. Йўғе-е, ўргулсин, хунук эмас, йўғе-е, ўргулсин, хунук эмас, ҳар ерда бор гап. 10

Рузвон. Ҳар ерда бор гап бўлса, нимага очиғини гапириб қўя қолмайсиз?

Холмат. Энди гапнинг очиғини айтсам, сизнинг юзингиз...

Рузвон. Сиз жуда қизиқ йигитсиз-а? Хўш, менинг юзимга нима бўлибди?

Холмат. Мен жуда титраб кетаяпман... Энди ўзингиз биласиз-ку!

Рузвон. Мен бир нарсани ҳам тушунмадим. Агар билсам сиздан сўраб ўтирмас эдим. Қани гапиринг-чи! 30

Холмат. Ўша... (*Ютуниб.*) Қизил юзингиздан битта...

Рузвон. Билдим, билдим, «битта» дейишингиздан менинг бетимдан ўпмоқчига ўхшайсиз. (*Аччиғи келади.*)

Холмат. Оҳ, ўргулсин, донишманд. Худди ўшанинг ўзи-я!

Рузвон. Бу вақтдаги йигитларнинг ҳаммаси бир кўриш билан дарров ўпиб ола қолса!.. (*Аччиғидан тушмай туради.*) 30

Холмат. Ўргулсин донишманд! Бўлмаса мен ҳам шу вақтнинг ёш йигитларидан бўлибман-да!

Винодан румкага қуйиб Рузвон билан оирга ичадилар, кайфлари яна кўтарилади.

Рузвон. «Мен ҳам шу вақтнинг ёш йигитларидан бўламан»,— деб яна мақтаниб ҳам қўясиз-да, шу яхши ишми?

Холмат. Ўргулсин! Жуда яхши иш-да!

Рузвон. Қўйинг, бундай йигит бўладиган бўлсангиз, сизга хотин бўлишликка менинг ҳеч розилигим йўқ. Боринг, жойингизга бориб ётинг!

Холмат. Ургулсин. Ундай бўлса, мен қаерда ётаман!

10 Рузвон. Уялмасдан тагин ётадиган жойингизни сўрайсиз! Қўйинг энди, Холмат ака! Бўлак гапларни кейин гаплашамиз. Хўжайинлар келиб қолмасин. Вақт ҳам анча бўлиб қолди. Сиз ўз жойингизга ётинг. Мен ҳам жойимга ётаман. *(Рузвон ўз жойига борар экан, айтади.)* Вой, ўлай! Маст бўлиб қолибманми? Бошим айланиб кетяпти-я!

Бориб жойига ётади, орқасидан Холмат келиб каравотга ўтиради ва Рузвонни ўпмоқчи бўлади. Рузвон унга қаршилик кўрсатиб, қочиб кетади.

Боринг, жойингизга ётинг!

Холмат. Балким аямлар келишмас. Мунча аччиқ қиласиз?

20 Рузвон. Қўйинг, ғалати йигит экансиз! Бўлмаса, сиз бу ерда қолинг, мен нариги ёқда ўтираман. *(Ўридан туриб, гангираб Холмат ётган каравотга ўтиради, эснаб, мастлик билан чойшапга ўралиб, ётиб қолади.)*

Холмат *(кайфи ҳамон кўтарилар экан)*. Ургулсин, мендан хафа бўлганга ўхшайдилар. Бир оз шу ерда ётиб турай-чи, зора раҳмлари келиб, ўзлари келсалар.

30 Холмат ҳам кўрпага ўраниб ухлаб қолади. Чироқлар пасайиб, музика «Мастуман» куйини чалади ва хўроз қақира бошлайди. Шу вақтда Қодиржон кириб келади ва каравотга қарамасдан кийимларини ечар экан, ўз-ўзига сўзлайди.

Қодиржон. Борганим ҳам яхши бўлган экан. Бўлмаса, ойимнинг аччиғлари келиши турган гап экан. Мен маст бўлдим, десам, пошшахон ҳам жуда етилдилар-да. Зўрға жўнатиб қўйдим. *(Каравотга қараб, ҳайрон бўлади: Рузвоннинг сочини кўриб, хотини деб гумон қилади.)* Ҳа, келмайсан-а! Хотин бўлади-ю, эрга ялинмас эмиш. Холматни турғизиб юбориб, менинг



жойимга ўзи келиб ётибди. *(Кулиб.)* Ҳе-ҳе! Ҳали менга кўп ялинасан!.. Менинг сўзим-сўз, мен сенинг ёнингда ётганим билан сенга қарамайман... Мен сен билан эртага гаплашаман!

Рузвонга орқасини ўгириб ётиб, ухлаб қолади. Шу вақтда Марям кириб келади ва каравотга қарамай кийимларини ечар экан, ўзича сўзланади.

Марям. Жуда кеч қолдим, деб шошилиб келсам, соат энди икки ярим бўлибди. Борганим жуда яхши бўлган экан-да! Бўлмаса, Қосимхоннинг келишган қадди-қоматларини, чиройли юзларини кўролмай қолар эканман. Йигит ўлмагур қўлимни бир сиқдики, *(қўлига қараб)* ҳали ҳам оғрийди. 10

Холматнинг каравотда кўрда ичидан чиқиб турган бошидаги эрининг шапқасини кўриб, ун эри деб гумон қилади ва хитоб қилиб айтади:

Ул-а! Ори йўқ. Яна қасам ичадики, ҳар ким келса, пес бўлсин!.. Рузвонни суғғизиб юбориб, жойига келиб ётибди. *(Кулиб.)* Ҳа, ялинмас экансан! Сен ҳамма вақт менга ялинасан! Келиб ётганинг билан кошки мен сенга қарасам! Ҳали тонг отсин, мен сен билан ундан кейин гаплашаман! 20

Холматга орқасини ўгириб ётиб, ухлаб қолади. Музыка «Наво» куйини чалади, парда тушиб, чироқ ёнади, яна чироқ ўчиб, парда очилади. Музыка «Бухороча сарбоз» куйини чалади. Бир оздан кейин ташқаридан қаттиқ кўнғироқ овози эшитилади. Қодиржон уйғонади ва шапқа чиқади.

Қодиржон. Бу хизматкор баттоллар қайси ерда қолди экан? Қат ҳам анча бўлиб қолибди. *(Эшикка қараб.)* Қим-овонок берди экан, ҳеч ким йўқ-ку! *(Қайтиб, каравот олдига келар экан, унда ётган Рузвонни кўриб, ҳайрон бўлади.)* Эй, бу нима гап? *(Кўзини уқалаб.)* Хизматкор қиз-а! Бу ерга қачон келиб ётиб қолди экан! *(Рузвонни қимирлатиб.)* Ҳой,... «тур», дейман! Рузвон *(уйғониб, кўзини уқалаб).* Ҳа-ҳа, ая, ухлаб қолибман. Нима дейсиз, ая? 30

Қодиржон. «Ая, ухлаб қолибман». Қандай гап?! (Рузвон уйғотган киши хўжайин эканини билиб, нима дейишини билмай туради.) Э, ифлос! Менинг ёнимга сен қачон келиб ётдинг.

Рузвон (қичқириб). Кечаси келиб ётган эдим.

Қодиржон (қичқириб). «Кечаси келиб ётган эдим?» Мен ҳали кечаси билан бу билан ётдимми? (Бошини ушлаб у ёқдан-бу ёққа юради. Эрининг овозига Марям уйғонади.)

- 10 Марям. Бу нима ғалва? (Овоз келаётган томонга қараб, Қодиржонни кўриб, айтади.) Эй, Қодиржон бу ерда-я! (Кўзини уқалаб.) Қодиржон, Қодиржоннинг ўзи. Ундай бўлса, менинг ёнимда ётган ким экан? (Ётган каравотининг олдига боради ва кўрпани кўтариб, Холматни кўради.) Эй, бу қандай гап? Холмат-а! Бу қачон бу ерга келиб қолди экан?

Қодиржон ҳамон хафа бўлиб, ҳайрон бўлганича юради. Рузвон кўрққанидан нима дейишини билмай, қотиб туради.

- 20 (Холматга қараб.) Ҳай! Сен бу ерга кимнинг ижозати билан кириб ётдинг?(Холматни уйғотиб.) Ҳай, дейман! Бу ўлиб қолганми?

Холмат (уйғониб, керишиб). Почча, почча! Ухлаб қолибман. Яхши бир туш кўриб ётиб эдим.

Марям. «Почча, туш кўрдим?» Бу қандай гап, нима туш кўрдинг?

Холмат. Тушимда шайтон аравада чопиб юрибман. (Кўзини уқалаб очиб.) Эй, ая, сизмисиз? (Туриб кетади.)

Марям. Шайтон аравада чопмай ўлгур, бу ерга қачон келиб ётиб эдинг?

- 30 Холмат. Хуфтонданоқ шу ерга кириб ётиб олиб эдим. Ғалати тушларни кўрибман-да!

Марям. Бу қандай иш бўлди? Ҳали кечаси билан мен сен билан бирга ётдимми?!

Холмат. Билмадим... Шунақа бўлганга ўхшайди.

Марям. Э, баттол! Менинг келиб ётганимни билмадингми?

Холмат. Бировнинг ёнимга кирганини сал фаҳмладим-у, Рузвонхон деб ёта берибман.

Марям. Йўқ, йўқ, бу ишларга ҳеч чидаб туролмайман! (*Қодиржоннинг ёнига бориб, унга айтади.*) Сенинг ҳеч бир номусинг йўқ! Хотинингни шундай ташлаб қўясан!

Қодиржон (*Марямга ялиниб*). Марям! Тангри ҳаққи, мен буни етаклаб келиб ётганим йўқ. Эрта билан эшик тақиллади, турсам, ёнимда ётган экан.

Марям. Нима дейсан, ҳали мен кечаси билан 10 Холмат билан ётдим, десам, сен Рузвон билан ётган экансан-да!

Қодиржон. О, ҳали сен кечаси билан хизматкор билан ётдим, дегин, демак, бир кеча бўлак киши билан умр қилдим, дегин! Мен бунга чидаб туролмайман! Бундай хизматкорни мен ўлдираман! (*Холматнинг ёқасидан ушлайди.*) Сен менинг хизматкорим бўла туриб, менинг хотиним ёнига кириб ётасанми?

Холмат (*жуда қўрқиб*). Почча! Менда айб йўқ! 20 Ухлаб қолибман.

Қодиржон. Айб сенда бўлмаса, кимда бўлади? Нима учун бу ерга келиб ётдинг?

Холмат. Мен ухлаб, туш кўриб ётиб эдим. Аям мендан сўрамасдан келиб ётибдилар.

Қодиржон (*Холматни қўйиб юборади ва Марямга қараб айтади*). Ҳамма айб сенда экан-у, яна менга дўқ қиласан!

Марям (*Рузвонни ушлаб*). Ҳамма айб мана бунда. Нимага менинг эримнинг ёнига кириб ётасан!

Рузвон (*қўрқиб*). Ая! Менда айб йўқ. Ухлаб ёт- 30 сам, поччам менинг ёнимга ётиб олибдилар.

Қодиржон (*Холматга қараб*). Хўш! Нега менинг тужуркамни кийиб олдинг?

Марям (*Рузвонга қараб*). Нега сен менинг кўйлагимни кийиб олдинг?

Қодиржон (*Холматга*). Айт, дейман! Нега индамайсан.

Холмат. Кечаси биз ҳам пича фотиҳа тўй қилиб эдик.

Қодиржон билан Марям. Бўлмаса, айб икка-  
лангизда экан-да!

Рузвон билан Холмат. Ҳа, айб ҳаммамизда!

Шундай деб ҳар иккиси икки томонга қочиб, чиқиб кетади. Қо-  
диржон билан Марям ҳайрон бўлиб тургани ҳолда парда тушади.

## ТУҲМАТЧИЛАР ЖАЗОСИ

*Икки пардалик кулеу*

Иштирок этувчилар:

1. Қосимжон — ўқимишли йигит, 26 ёшда.
2. Фотима — ўқимишли хотун, 20 ёшда.
3. Акбарали — хизматкор, 30 ёшда.
4. Имом домла — маҳалла имоми, 55 ёшда.
5. Султон пиёниста — 35 ёшда.
6. Милиция ҳам қоровуллар.

**БИРИНЧИ ПАРДА**

Саҳна кўриниши боғ манзараси бўлуб, бир тарафи уйга кирадирган эшик. Боғнинг бир ёғи панжара эшик ила тўсилур. Уртада устол қўйилиб, Фотима чой ичиб ўтирган ҳолда парда кўтарилур.

- Фотима. Чой ҳам совуб қолди. Қосимжон бўлса, ҳали ҳам келмайди. *(Уйлар.)* Ёки бирор иши чиқиб қолдимикин? Ер юткур Акбарали сувга кетиб, ҳозиргача келмади. *(Панжарани олдига бориб, чақирар.)* Акбарали, ҳой Акбарали! *(Яна ўрнига келиб ўлтируб.)* Шу кунларда Қосимжонга бирор нарса бўлганга ўхшайди. Чунки ҳар бир сўзида қовоғини солиб гапирди. Мундан илгари жуда хушфёъл эди. Чунки театрларга, картиналарга зўрлаб олиб борар эди. Қанча ишим бор десам ҳам, ҳеч қўймасдан олиб бориб, томошо қилдириб келар эди. Ҳамда ҳар бир сўзида кулиб муомала қилар эди. Ҳозирда бўлсун тиётруга олиб бориш у ёғда турсун, ҳар бир сўзида заҳарини сочуб гапирди, холос. Билмайманки, ўртада нима иш бўлди экан? *(Уйлар.)* Ҳеч бир сўз ўтгани йўқ. Уф! Бу Акбаралига нима бало бўлди? Бир ярим соатча бўлди — дарағи йўқ. Ё ҳовуз-повузга тушиб кетдимикин? *(Панжарани олдига бориб.)* «Акбарали, ҳо, Акбарали!» Дарағи йўқ. *(Ўрнига келиб ўлтируб.)* Ёки Қосимжон бирорта кишидан мани тўғримдан ишончсизлик сўзлар эшитдимикин? Ундоғ десам, мени тўғримдан бирорта сўз эшитган тақдирда ўзимга айтса керак эди. Чунки бизни ҳаётимиз ичинда бир-биримиздан сўз бекитиш бўлгон эмас эди. Қўй-е, бу хилда ўринсиз сўзларни ўйлаб ўлтургунча чойимни ичсам-чи?

Чойини ича бошлар. Шул чоғда Акбарали қўшиқ айтиб, кўзани кўтариб кела туриб, қоқилиб тушар.

Акбарали *(бурнини тортиб)*. Ая-чи, ҳалиги-чи, *(бурнини тортиб)* мен кўзани сувга тўлдириб, энди кўтарай, деб турсам, *(бурнини тортиб)* ҳалиги, чимни орқасида *(бурнини тортиб)* имом поччам билан у Султон пияниска бор-ку, *(бурнини тортиб)* индай кейин: «Қосимжонни хотини», деб «Қосимжонни хотини»,

(*бурнини тортиб*) деб гапириша беришди. Индай кейин (*бурнини тортиб*)...

Фотима. Ҳа, жувонмарг, тезроқ гапир! Нима дейишди, а? Хайр, мунча гапни ичида «ҳалиги», «индай кейин» дейсан, холос. Тўғри гапир.

Акбарали. Индай кейин, ҳалиги, ая-чи, (*бурнини тортиб*) ая, мен нима деб туриб эдим?

Фотима. Ҳа, бўйнинг узулгур. Чимни орқасида имом дәмла билан Султон пияниска гапиришиб туриб эди.

Акбарали. Ҳа, ҳа, индай кейин, ҳалиги, ая, индай кейин Султон пияниска айтадики, ая, ана шу попуклик қанддан беринг — кейин айтаман.

Фотима. Оббо, ер юткур-ей. (*Қандни олиб бериб.*) Ма, заҳарингга — тезроқ гапир. Юракларим қайнаб кетди.

Акбарали. Индай кейин, ҳалиги, (*бурнини тортиб*) Султон пияниска айтадики, «Жаноб домла, (*бурнини тортиб*) шу, ҳалиги, Қосимжонни хотинига хуш-торман». (*Бурнини тортиб.*) Индай кейин: «Шуни илож қилиб берилсин», деди. «Неча вақтлардан бери (*бурнини тортиб*) ҳалиги, индай кейин, хат ёзиб киргизсам ҳам (*бурнини тортиб*) хатимга ҳеч бир жавоб бермайдди». Индай кейин, ая, бир бурнимни қоқиб келай. Жуда шўлқиллаб кетди.

Фотима. Шўлқилласа шўлқиллар. Илгари гапни томом қил. Кейин қоқиб келарсан.

Акбарали. Индай кейин, ҳалиги, домла поччам айтадиларки: «Бўйингдан айланай, Султонхон. Биз ҳам (*бурнини тортиб*) ўша маҳбуби жононни ишқларида куйиб юрмоқдамиз». (*Бурнини тортиб.*) Индай кейин: «Ҳеч иложини тополмаймиз»,— дедилар. Индай кейин, ая, бир бурнимни қоқиб келай.

Фотима. Юрагимни қон қилдинг-ку, тезроқ гапир, кейин қоқарсан.

Акбарали. Индай кейин, ая, мен нима деб туриб эдим?

Фотима (*бетини буриб*). Уф!

Акбарали (*нондан бир бурдасини оғзига солиб*

ковшаниб). «Ҳеч иложини топалмаймиз», деб турган эдилар. (Нон тикилиб, гулдираб.) Ҳа, ҳа, индай кейин, ҳалиги, Султон пияниска айтадики, (бурнини тортиб) «Икковимиз ҳам бир дарди хазинага мубтало бўлиб-миз. Энди шундоқ қиламизки, ҳалиги, (бурнини тортиб) Қосимжон уйига келадиргон вақтида пойлаб туриб, йўлда тўсиб, ёлғондан айтаманки, «Мулла Қосимжон сизни хотинингиз сал бежо юрадиргон бўлубтур. (Бурнини тортиб.) Кундуз куни сиз йўқ вақтларингизда бир-икки одамлар келишиб анча-анча ўлтурушуб чиқиб кетади». Индай кейин (бурнини тортиб): «Сиз биласиз», дейман. Шу вақтда сиз ҳам мани сўзимга қўшулуб, ёлғондан бўлса ҳам у деб, бу деб ёмонлайсиз. Ана ундан кейин Қосимжон хотунини қўюб юборади». Индай кейин, ҳалиги, ая, жуда бўлмай кетди, бир бурнимни қоқиб келай.

Ф о т и м а. Ҳа, бўйнинг сингур, олдин гапур, нима деди?

30 А к б а р а л и. Оббо! Индай кейин, ҳалиги, ая, «Мазза қилиб юрамиз», деб гапиришаверди. Индай кейин домла поччам айтдиларки: «Султонхон, бўйингдан айланай! Уша вақтда (бурнини тортиб), индай кейин, биз ҳам қуруқ қолмайлик», деб гапиришаверишди. Индай кейин, мен келавердим. Энди қоқсам бўлаверадими?

30 Ф о т и м а. Бор, жувонмарг! Қоқсанг, қоқавер! (Акбарали югуруб чиқиб кетар.) Мана мен айтмадимми, Қосимжонни бу хилда юришида бир гап бор, деб. Мана шунақа ювуқсизларни гапига ишониб, йўқ нарса учун билмасдан хафа бўлуб юрадими? Бизни бу онгсиз, ўз нафсларига берилган мусулмонларимиз бировни ҳалол хотунига кўз тикиб, ҳаётни ичида ҳеч бир бўлмоғон ёлғон сўзларни қилиб, ширингина бир турмушни бузмоқчи бўладурлар. Бизни шу хилда жоҳил кишиларимиз қачон йўқ бўлар экан? Мана, неча йиллардан бери ўқуб келган имомдан чиққан сўз шуми? Хув, домла бўлмай ўл! Шошмай тур, санларга бир жазо берайки, бошқа сенга ўхшагон динсиз, диёнатсизларга ҳам ибрат бўлсун! Чунки мендан бошқа очилган хотин-қизла-



римизга ёлгон тухматларни юкласликлари учун... Уф, Қосимжон ҳалигача келмаяпти-ку! *(Шул ҳолда Қосимжон кирар.)* Келинг, мунча кеч қолдингиз? Сизга қараб ўлтуруб, чой ҳам совуб қолди. *(Бориб Қосимжонни пальтосини олмоқчи бўлур.)*

Қосимжон *(пальтосини олдирмасдан)*. Жоним, энди мани кеч қолиш-қолмаслигимни суриштирмасангиз ҳам бўлади. *(Пальтосини ўзи илиб қўйиб, устолга ўлтуруб.)* Уф, мани бахтим қурсин!

Фотима. Ҳа, бахтингизга нима бўлубдур ё мани 10  
тўғримда бирор сўз эшитдингизми? *(Қосимжонни олдига келиб, елкасига қўлини солар.)*

Қосимжон *(Фотимани қўлини олиб ташлаб)*. Эшитдимми, эшитмадимми, ҳар ҳолда бундай бўлиш-лигини кутмаган эдим!

Фотима. Ҳа, гапиринг! Нима бўлубдур?

Қосимжон. Нима бўлар эди? Ман шу кунларни аввалдан ўйлаб, сизга неча маротаба айтган эдимки, ҳеч сизни севишганларингиз борми, яна бизни турмушимизга бирор ҳалал етатурсон бўлмасун, деб. Бу тўғрида неча бор хатлар ҳам ёзгон эдук. Бунга жавобларингиз ҳам ваъдаларингиз бор. Хотиракызга келадими, ўйлаб кўринг-чи? *(Босини ушлаб.)* Уф, ҳақиқатда хотунларни очиб ақмоқлик экан! Аттанг, мен билмаган эканман!

Фотима. Ҳўш, жоним, сўзланг, ҳеч нарса қолмасун.

Қосимжон. Бундан ортуқ нима сўзлаб? Бутун воқеалар ўзингизга маълум бўлса, тагин нима мюзим? 30  
Эндилишда бундан ортуқ сўзларни сувга ағдарингиз! Гапирса ярақ, балки улар сўзга мендан кўра яхшироқдир.

Ақбарали *(шошилиб кириб)*. Ая-ая, бузоқ арқонни узуб кетди, нима қилтайин?

Фотима. Йўқол, афтинг қурсун, нима қилсанг қилавер! *(Чиқар. Қосимжонга қараб.)* Жоним, сиз бўлмаган сафсата гаиларга ишониб, умрлик бир рафиқангизга аччиқ қиласиз. Олдин бир нарсага яхши тушунуб. сўнгра аччиқ қилсангиз; мумкин бўлмаган далил-

лар ила гапирувчи унсурларни сўзига кириб, бу хилда қилиш яхши эмас. Ўзингизга маълум, шу вақтгача сиздан сўрамасдан бирор жойга бордимми ёки бирор киши ила сўзлашдимми? Бу сўзларни ҳаммаси бўлмаган сўз. Эҳтимол, иккимизни орамизга иғво солиб, ширингина турмушимизни бузмоқчи бўлсалар. Ҳатто бул тўғрисида Акбаралини ҳам хабари бор.

10 Қ о с и м ж о н. Жоним, сўзингиз тўғри, лекин сизни тўғрингизда сўзловчи кишига ҳеч бир ишонмасликка мумкин эмас. Чунки ул обрўлик, бир нарсани биладурғон одам. Аммо Акбарали бўлса, сизни тарбиянгизда бўлган, сизни гапингиздан чиқмайди. Шунини учун уни гапига ишонишлик мумкин бўлмайди.

Ф о т и м а. Дўстим, сиз ҳақиқатга тушунуб, сўнгра хафаланинг. Агарда бундай тағи йўқ гапларга ишониб, суруштирмасдан ишни қилсангиз, охириги вақтларда пуншаймон бўласиз. Чунки мен бу тўғрида ҳақман.

20 Қ о с и м ж о н. Қўюнг, жоним, бундай тилёглама сўзларга энди мен ишонмайман! Қўб гапириб мени юрагимни сиқманг! Бундан кейин иккимизни ҳам турмушимиз инсонларни ҳукмидан чиқиб кетмаслиги учун ўзингизни мендан бўшатишлик чорасини кўринг. Чунки бундан кейин мен сиз ила турмуш қилолмайман.

Ф о т и м а. Бу нима деган сўзингиз? «Мендан ўзингизни ажратиб олинг»,— дейсизми? Йўқ, бу хилда халёлларни ўйламанг. Ҳеч вақт мен сиздан ажрамайман! Қуруқ сўзлар ила мени ўзингиздан совутманг.

30 Қ о с и м ж о н. Бундай қилиб мени сиқманг! Жаҳл устида оғзимдан бирор ёмон сўз чиқиб кетади! Ул вақтда кўнглингиз оғрийди, қўюнг, эрталарга сўзлашурмиз. (Кетмоқчи бўлар.)

Ф о т и м а. Хўп, майли. Бўлмаган нарсага ўзингизни сиқиб юрсангиз, охири чиқиб уялиб қоласиз. Чунки бу тўғрида мен гуноҳкор эмасман. Вақти ила оқибати сизга очик равишда маълум бўлиб қолар. Ул вақтда тухматчилар жазоларини кўрарлар.

Қ о с и м ж о н. Қўрамиз-да. (Эшикни ёпиб чиқиб кетар.)

Парда тушар.

**ИККИНЧИ ПАРДА**

Саҳна иккига бўлинув, бир тарафи Қосимжонни уйи, иккинчиси қазноқ бўлур. Уйда каравот, устол, устул, қалам, қоғозлар бўлур. Қазноқда эса бир дона эски гилам ёки шолча бўлур. Ерда ўтунлар бўлур. Эски махсилар ҳам ун соладурғон яшик бўлур. Фотима хат ёзиб ўлтурғон вақтида парда очилур.

Фотима (*хатни ёзиб бўлуб йқур*). «Жаноб домла! Бирдан бир мени бетоблик тутди. Агарда малолхотурлик келмаса, бир келиб, менга дам солиб қўйсалар, деб мухлисингиз Фотима». (*Ўқуб бўлуб*.) Шошмай тур, сани бир ростлайки, дунёга келганинга юз пушаймон қил!

Қўнғироқ чалар. Акбарали кирар.

Акбарали. Ая, мани чақирдингизми? (*Бурнини тортиб*.) Нима ишингиз бор?

Фотима. Ҳа, бу ёққа кел. Ма, бу хатни олиб бориб, домла поччангга бериб, «Дарров боринг экан»,— дегин! Туззукми?

Акбарали. Ая, бу хатда нимаси бор?

Фотима. Жувонмарг, сен элтиб беравер! Буни томошасини кейин кўрасан. 20

Акбарали. Ие, ая! «Бу ерда томоша бўлади»,— дейсизми? Қанақа томоша?

Фотима. Кўп гапирма, кейин биласан! Бор, тезроқ бор, поччанг келиб қолмасун. Домла поччанг сўраса мани, «Тоби йўқ»,— дегин. Бошқа сўз айтма, тушундингми?

Акбарали. Ҳа, ая, тушундим. Шугина гап ҳам эсимдан чиқиб қолармиди. Ая, поччам билсалар нима бўлади-а? (*Бурнини тортиб*.) Ая, қачон томоша бўлади-а? Манам кўраманми? 30

Фотима. Ҳа, бор, бўйнинг узулгур! Тезроқ! Ҳалиги гаплар эсингдан чиқмасун! Дарров кел! Яна хатни берганингни биров кўриб қолмасун.

Акбарали. Ҳа, хўп! Ҳозир келаман. (*Чиқиб кетар*.)

Фотима (*ўлтуруб, яна хат ёзмоқға бошлар; ёзиб бўлуб*). «Муҳтарам, Султонхон афанди. Мен сизни ал-

- ла неча бор кўришаман, деб ҳаракат қилсам-да, ҳеч мумкин бўлмади. Сизни муҳаббатингизда ман ҳам ёнмоқдаман. Нима қилайки, бизнинг муҳаббатимизни ўртасига тикон бўлгон Қосимжон бўлмаса эди, аллақачон етишкан бўлур эдук. Бугун бошимга ҳар бало келса ҳам сиз билан учрашмоққа қарор бердим. Агар қўлингиз бўш бўлса, эски маомилани ёдингиздан чиқоруб, мани олдимга келуб хурсанд қилсангиз. Чунки бундан кейин кўрмасдан турмоқга тоқатим йўқ. Сизни ёзган
- 10 бир неча мактубларингизга жавоб бермаганим ҳам Қосимжондан кўрқисимдан эди. Шуни учун мани кечирасиз. Албатта, соат 4 ларда келмоғингизни кутаман, Қосимжон уйда бўлмади. Илтижо ила сизни сирдошингиз Фотима». (*Хатни конвертга солиб.*) Аҳмоқ пиёниска, сани шундоқ қилайки, оламда ҳеч бир бош кўтариб юролмагин. (*Эшикка қараб.*) Баттол Акбарали! Ҳали ҳам кела қолмади, нима бўлдийкин? (*Акбарали кирар.*) Ҳа, хазон бўлгур, мунча кеч қолдинг?
- 20 Акбарали (*бурнини тортиб, кулуб*). Ая-чи, домла поччам масжидни ҳужрасини олдида ўлтурган эканлар, хатни бериб, «Дарҳол боринг»,— дедим. Ая, қачон томоша кўрамиз-а?
- Фотима. Ҳа, қон қусқур, шошилма, кўрасан. Ма, бу хатни Султон пиёнискага олиб бориб бергин. Мани сўраса, поччанг тўғрисида гап сўраса, «Билмайман» дегин, тузукми? Яна шалпайиб юрма!
- Акбарали. Ая, домла поччамни келганларини айттайми?
- Фотима. Ҳа, ўлгур, гўрни айтасанми! Мани айтган сўзимдан бошқа ҳеч гап гапирма.
- 30 Акбарали. Ая, (*хатни олиб*) буни ҳам томошасини қилиб берасизми? Ая, нимага бунақа қиласиз?
- Фотима. Бор, дедим, тўнғуз қўпқур! Ҳали замон домла поччанг келиб қоладилар, югур!
- Акбарали. Хўп. (*Чиқиб кетар.*)
- Фотима. Ҳали қараб турсун, бу аҳмоқларни аллаб, бу ерга қамаб қўйиб, Қосимжон келгандан кейин бир жазосини бердирмасам бўлмайди. Менга шунча озор бериб, эримни олдида мани бузуқга чиқармоқчи-

лар. Эрлар олдида очилган хотун-қизларимизни чин турмуш қурувчи ҳамда соф кўнгиллик эканларини сенларга, бир микрубларга кўрсатиб, шундоқ шарманда қилайки, ҳеч бир бўлмасун. Санлар ўйлайсанки, қайси бир хотун-қизлар очилса, бузулуб кетади, деб. Йўқ, бу хилда номуссиз ишларни қилмоқға биз очилсак ҳам номус қиламиз. Сизларга бир ифлосларни йўлига ҳеч бир вақт кирмаймиз.

Бориб, караватни тузатиб ётмоқчи бўлур. Шул вақтда Акбарали бирдан шошилиб кириб.

10

Акбарали. Ая, ая! Домла поччам келаётибдурлар, кираверсинларми?

Фотима. Тўхта. Сен домла поччангни бу ерга киргизиб юбориб, ўзинг қўнғироқни олдида ўлтур. Ман бир пастдан кейин қўнғироқ бераман, сан югуриб келиб, манга: «Ая, поччам келдилар», дейсан, сўнгра чиқиб кетаверасан, тузукми?

Акбарали. Ая, поччам келсалар, индамайми ёки домла поччамни борликларини айтмайми? *(Бурнини тортиб.)* Ая, томоша қачон бўлади, жуда ҳовлиқиб кетаётибман.

20

Фотима. Кўп эзма бўлмай, бор, домла поччангни чақир. Ҳалиги гап эсингдами?

Акбарали. Ҳа, эсимда. Сиз мани чақдасиз, ман кириб, «Поччам келдилар»,— дейман, ая?

Фотима. Ҳа, бор.

Фотима ётар. Акбарали чиқар.

Домла. Ассалому алайкум! Ҳа, ойим тилла, қалайсиз? «Бир оз тобим йўқ»,— деб ёзибсиз, нима бўлди, ойим пошшо?

Фотима. Келинг, домла почча, бемалол бўлса, ана шу турғон устулни олиб, мани яқинроғимга қўюб ўлтурсангиз. Ўлум бўлгур Акбарали жуда ҳам ақлсизда! Ҳеч нарсани тушунмайди.

30

Домла. Эй, пошшоҳон, хизматкорни шундоғи ҳам тузук. *(Устулни олиб ўлтурар.)*

Фотима. Тақсир, жанобларидай улуғ зотларни қадр-қийматларин билмас эканмиз-да. Мана шундай

кунларда даркор бўлур эканлар, бизни гуноҳимизни кечирасиз-да, тақсир.

Домла. Йўқ, йўқ, пошшоҳон, бунга мана неча йиллар мадрасаларда риёзиётлар чекуб, мана шундай ойим пошшоҳонларга даркор бўлар эканмиз-ҳай, деб ўқуғонмиз-да. (*Яқинроқ бориб.*) Хўш, пошшоҳон, нима бўлди? Қаерингиз оғрийди? Пошшоҳон, Қосимжон қайдалар? Келиб қолмайдиларми?

10 Фотима. Йўқ, тақсир, баҳузур ўлтураверинг, ҳали келмайди.

Домла. Ҳа, ҳа! Қуллуқ-қуллуқ! Пошшоҳон, айтинг-чи, қайси жойингиз оғрийди?

Фотима. Уф, қани манда тил, тақсир?! Айтсам, мани ҳеч жойим оғримайди. Фақат ишқ дарди бор, уф!

Домла. Хўш, пошшоҳон, қандай муҳаббат, гапиринг-чи?

20 Фотима. Эй, тақсир! Мен бу Қосимжонга тегмасдан илгари мани бир-иккита севганларим бор эди. Шулар билан суҳбат қилиб юрар эдим. Локин бу Қосимжонга теккандан кейин ҳеч бириси ила гапиришга қўймайди. Кошки бирор жойга ўзум ёлғуз чиқсам-у улар ила кўрушуб, вақтимни чоқ қилсам. Мана ул алфоздан кейин ҳеч жойга чиқгани қўймайди. Қачон бўлса, ўзи билан бирга олиб юради.

Шул ҳолда домланинг ранги ўзгарар.

«Мани олгандан кейин агар бир киши билан юрсанг ёки сўзлашсанг, сани ўлдираман»,— деб қўрқутиб қўйган. Мани ҳар вақт юрагим ўйнойдургон бўлиб қолган. Мана, мана, юрагимни ушлаб кўринг.

30 Домла қўлини кўкрагига қўюр.

Домла (*кўкрагини ушлаб*). Оббо, золим, қонхўр-ей!

Фотима. Энди, тақсир, шунини иложини бир қилмасангиз бўлмайди, ман ўламан!

Домла (*қўлини олиб кўкрагига қўйиб*). Ойим пошшо, мунини иложини биз қиламиз! Иншоолло, жой-

лаймиз. Аммо, ойим пошшо, локин бизни ҳам бир илтимосимизни қабул қиласизми? (*Ишлар.*)

Фотима. Майли, майли, домла! Илтимос бўлса, албатта, қиламан.

Домла. Ман сизни эрингиздан совутаман. Ана ундан кейин сизни қўйиб юборади-да, сиз ўз хоҳишингизча ўйнай берасиз.

Фотима. Бунинг учун нима қилиш керак?

Домла. Ойим пошшо, совутмоқ учун бир қанча нарсага дам солмоқ керак. Айниқса чойга, қандга, ундан кейин бир банд қилиб бераман, эрингиз ётотурғон жойга қўясиз. 10

Фотима. Ҳозир шуни қилиб берасизми?

Домла. Йўқ. Бунга бир-икки кун ўқиш керак. Бунга мен кечаси дуо ўқиб чиқаман ҳамда бунга бир оз нарса керак бўлади. Чунончи: тоғ эчкини туёғидан, чор гўристон тупроғидан — шунга ўхшаш нарсалар-да, ойим пошшо! Яъни қудуқ сувидан...

Фотима (*зувонак беруб.*) Тақсир, энди бу нарсалар эртага топилади-да? 20

Домла. Ҳа, ҳа, ойим пошшо! Буни ҳаммасини ўзимиз топамиз-да!

Акбарали. Ойи, ойи, поччам келдилар!

Домла (*шошилиб.*) Вой ўлай, нима бало бўлди?

Фотима (*ҳайронликда*). Эй-вой! Шўрим қуриди мани! Нима қиламан?! Агар билса, худди отиб ташлайди!

Домла. Вой, ман ҳали-вери келмайди, деб ўйлогон эдим.

Фотима. . . . . 30

Домла. Ойим пошшо, бир илож қилинг-да!? (*Шошилар.*)

Фотима (*домлани қўлидан ушлаб*). Энди, тақсир, айбга буюрмайсиз. Ман Қосимжонни ҳали-вери келмас деб сизни чақиртирғон эдим. Эҳтимол бирор иши билан келгандур, тезда кетади. То кеткунча сизни бирор жойга бекитиб тураман, тузукми?

Домла. Хўп, хўп, ойим пошшо! Ҳар нарса бўлса ҳам шарманда бўлмайлик-да!

Фотима. Қани, юрунг! *(Қазноқға олиб кириб, эски кигизни кўрсатиб.)* Тақсир, мана шуни тагига кириб турарсиз-да!

Домла. Хўп-хўп, ойим пошшо! Бирор ердан чиқариб юборсангиз бўлмайдими?

Фотима. Йўқ, тақсир, бўлмайди. Сиз иситмани қилиб бериб кетасиз. Ўзим чиқариб юбораман.

10 Домла. Хўп, хўп, ойим пошшо! Тезроқ бўлсун-да!  
Фотима *(қазноқдан чиқиб)*. Аҳмоқ! Сени бир жазонингни берайки, қараб тургин!

Акбарали *(кириб)*. Ая, заб бобладимми? Домла поччам қанилар?

Фотима. Секин, жувонмарг. Домла қазноқда, эшитиб қолмасун!

Акбарали. Ая, томоша қачси бўлади-ю мен кўраман?

Фотима. Вой, йигит ўлгур! Эшикка чиқ.

Фотима, Акбарали чиқар.

20 Домла. Астаъфурилло, жуда нафасим қайтиб кетди-ку! Қосимжон ҳам жуда кўп ўлтируб қолдилар шекилли? Ёлғон дуохонлик қилаган, деб 3—4 путлик тупроқлик кийгизни тагида қолдим! Эй, худо, ўзинг асрагин! Шошмай туруб кўрай-чи, бирор ердан чиқиб кетишни иложи бормикин? *(Эшикни олдига боруб бир нарсага қўли тегиб қўрққандай бўлиб.)* Лоҳавло валоқувватоклло билсҳил Алло азим! *(Кийгизни тагига кириб кетиб, бир ордан кейин.)* Эй, ман нимадан қўрқаман? Ҳеч ким йўқ-ку! Ёки мен жинни-пинни бўлдимми? Мени

30 ўзумни қўлим-ку! *(Эшикни олдига бориб.)* Оббо! Эшик ҳам берк экан. Энди нима қиламан-а? Ҳай, бир оз сабр қилмоқ керак. Чунки «Сабр қилсанг, ғўродин ҳолво битар», деганлар. Тагин китобларда айтадурларки, сабрлик — худонинг сифоти, сабрсизлик — шайтонни сифоти! Шуларга амал қилган вақтда бир оз сабр қилмоқ керак.

Шул ҳолда уй эшиги очулур, домла кигиз тагига қочур.



Фотима. Марҳамат, марҳамат, келаверинг. (Олдинда қотмагина Султон келур.) Қани, ўлтуринг!

Султон (аста-секин). Исфасифо! (Ултурур.) Қосимжон келиб қолмайдуларми?

Фотима. Йўқ, мажлисга кеткон, ярим кечасиз келмайди. Энди, Султон афанди, ўзингизга маълум, ман шул Қосимжонни ҳеч бир ёқтирмайман. Мени олгондан кейин: «Агар сен бирор киши билан юрсанг ёки гапиришсанг, сени ўлдираман»,— деб қўрқитиб олгон. Шунинг учун ҳеч бир киши билан сўзлашмасликдан кейин сиз бўлишликка яқин келдим. Энди бундан кейин Қосимжонни кўрмоққа тоқатим қолмади. 10

Султон. О! Баттол! Золим! Эрингизни ўзи ҳам жуда ёмон-да!

Фотима. Шундоғ, афандим. Мен энди сиздан бир нарса сўрайман. Сиз тўғри жавоб бероласизми?

Султон. Пажолиста, сўрайверинг, жавоб бероламан!

Фотима. Сиз мани яхши кўрасизми ё йўқми?

Султон (туруб). Албатта, яхши кўраман сизни! 20  
Ақлимдан озаёздим!

Фотима. Ундоғми? Бўлмаса, бирор ишни уддасидан чиқасизми?

Султон. Албатта, чиқаман! Жоним керак бўлса ҳам бераман!

Фотима. Бўлмаса, сиз мани бирорта шаҳарга олиб кетинг. Икковимиз бу Қосимжондан қутулуб, роҳатда яшаб юрайлук. Агар бу ердан кетмасак, ҳеч муҳаббат қилиш мумкин эмас.

Султон. Бу сўзингиз тўғрими? Кейин тагин сўзингиздан қайтманг! 30

Фотима (ўрнидан туруб, қўнғироқни олдига бериб, қўнғироқ бериб). Сўзингиз қизиқ. Ўзим сўз бераман-да, тагин сўзимдан қайтаманми?

Ақбарали. Ая-ая, поччам келиб қолдилар. Қираверсинларми?

Фотима. Гўрни қираверсинми?

Султон. Яна нима дейсиз? (Устолни тагига бекинмоқчи бўлур.)

А к б а р а л и. Ая, бу кишини ҳам ана бу домла ётган уйга киргизиб қўя қолинг!

Ф о т и м а. Йўқол, ҳайвон! Поччангга айт, бор, кирмай турсун!

А к б а р а л и. Хўп. *(Чиқиб кетадир).*

Ф о т и м а. Мен уни ҳали-бери келади, деб ўйламаган эдим. Балки бирорта зарур иш билан келгандур. Ҳозир қайтиб кетса керак. Унгача сиз мана бу уйга кириб турарсиз-да. Албатта, айб қаторига қўшмайсиз-да!

10 Су л т о н. Йўқ, пажолиста, майли-майли. Тезроқ чиқариб юборасиз-да!

Ф о т и м а. Хўп, хўп. *(Қазноққа кириб кетар.)*

А к б а р а л и кириб, Султонни қилғон қилиғин қилар. Ф о т и м а қайтиб чиқар.

А к б а р а л и. Ая, заб боладимми?!

Ф о т и м а. Секинроқ! Кўп гапни чўзма!

Қ о с и м ж о н кирар.

Бор чиқ!

А к б а р а л и чиқар.

20 Қ о с и м ж о н. Уф! Нима иш қилсам, кетига қараб кетади холос. Мани бахтим курсун!

Ф о т и м а. Ҳа, бахтингизга нима қилибдур?

Қ о с и м ж о н. Нима бўлар эди? Акбарали! Ҳо, Акбарали!

А к б а р а л и. Ҳа, нима дейсиз, хўжайин?

Қ о с и м ж о н. Самовор қўйдингми?

А к б а р а л и. Ҳу-ҳу! Бу ердаги ғалати ишлар билан чой қўёлмадим.

Ф о т и м а. Бор! Кўп гапни чўзма! Самоворни қўй!

30 Акбарали чиқиб, қазноққа кирар.

А к б а р а л и. Кеч кирганда, самовор қўй, деб баҳона қилади. На ўтун бўлмаса! На ўтун ёргани тешаси бўлмаса, нима қиламан? *(Ўтиндан олиб домлани устидан синдирар, ҳар синдирганда, домла аста ғивирлайди.*

*Бирдан чоруғини кўриб қолиб.)* Вой, чоруғим! Сан шу ердამидинг, тоза чанг босиб қолибдур-ку. *(Султон ётган яшикка боруб, чангни қоқар. Шул вақтда Султонни бошидаги телпаги тушуб кетар.)* Эй, бу кимни телпаги? Ё поччамни телпагими? Олиб чиқиб, бир кўрсатай-чи, *(Югуриб чиқиб.)* Почча, почча! Мана бу сизни телпагингизми? Ана бу қазноқда ётқон экан!

Қосимжон. Қани, олиб кел-чи? *(Кўруб туруб, хат топиб олиб ўқур.)* Ҳа, ҳа! Одамлар ҳам бекорга айтмас эканлар-да, мана суйганлари келганда, бекитиб қўйган вақтларида телпақлари тушуб қолибдур. 10

Фотима. Таажжубга вақт эмас. Бориб милиция айтиб келинг! Ман ҳар иккави тухматчиларни бу ерга қамаб қўйдим. Тез бўлинг!

Қосимжон. Ростми? *(Югуриб, милиция айткани Акбарали иккови кетар.)*

Фотима *(қазноқга кириб)*. Тақсир, иситмани қилиб бериб кетасиз-да.

Домла. Хўп-хўп. Кетди, дийларми?

Фотима. Ҳозир кетади. *(Қайтиб чиқар.)* 20

Милиция қоровул ила кирар. Қазноқдан домла ила Султонни олиб чиқар. Султонни бутун усти-боши ун бўлур.

Қосимжон. Эй, турмушни қузғунлари! Бир янги турмуш қурғон оиланинг турмушини бузмоқлик учун қандай ҳийлалар қилғонсиз? Домло, сиз бир маҳаллани имоми, руҳоний бошлуғи бўлуб туруб, шундай ишларни қилишга уялмадингизми? Лаънат сиз каби турмуш қузғунларига! Яшасун ўқуғон ҳур озодхонлар! Уртоқлар, олиб боринглар буларни! Адолат судига топширингизлар! Тегишли жазоларини кўрсун. Бу махов, бадбахт, ит, эшаклар! *(Фотимахонимга ёлбориб.)* Кечирасиз, жоним! Мен сизни адашиб, хафа қилган эканман. *(Қучиб ўпар.)* 30

Парда тушар.

## ИСТИБДОД ҚУРБОНЛАРИ

(«Лошмон фожиаси»дан учунчи бўлум)

### БИРИНЧИ ПАРДА

Саҳна меҳнат майдони бўлиб, тўрт тараф дарахтзор. Катта оқун сув ва тоғлар кўриниб туриб, унинг ҳар икки ёғи қуруқ тўқай: саҳнанинг ўнг тарафи ҳам тўқай, дарахтзор бўлиб, ўлтурурлик бир зўр тош бор. Саҳнанинг чап тарафида начальник бўлмаси бўлиб, яримигна кўриниб турир. Бу бўлма ниҳоятда яхши безалган. Бархутний обстановкалар, пўлод карават, устоллар ҳамда деворда


10 Николай картиналари қўйилган. Ва бўлманинг деворинда начальниқнинг қурол (тўфонча, милтиқ, қилч)лари осуғлуқ турир. Ҳаво ниҳоятда совуқ (40—41°) далиғи қор ёғилишидан билиниб турир. Соат 9, кундуз эрта билан.

Парда очилур (Рабочийларнинг сийрак-сийрак «Буни ол!», «Олиб келма!», «Аҳмаджон!» каби овозлари келиб турир).

С ай н д х о н (*қўли елкасига осилган, оёғи оқсоқ ҳолда келиб, тош устига ўлтуруб*). Эй золим истибдодлар! Раҳмсиз, йиртқич қон ичғувчилар! Мундай гурбат вақтда меҳнатларни кўрмаган бечораларни шундай

20 дай совуқ кунларда, совуқ ерларда сарсон ва саргардон қилдингиз! (*Бир оздан сўнг халққа қараб.*) Бу қандай зулмат, бу қандай асорат?! (*Қўлини тутиб.*) Вой, қўлим-эй! (*Яна халққа.*) Эй эзилган, ҳар бир нарсадан хўр, эзилган мусулмонлар! Биласизми бу кўргуликлар сизларни бошингизга қайдан келди ва нима учун келди? Оҳ! Афсуски, билмайсиз-да, билмайсиз! Мундан солдат бўлганингиз минг-минг марта яхшироқ эди. Чунки маданий мамлакатларга боруб, маданий

30 халқлар орасунда бўлуб, дунёдан хабардор бўлур эдингиз! Ва бир оз Овруподағи илм билан кўзи очилган меҳнаткашлар била улфатлашуб, ўзингизни дунёда қандай асорат ва қандай истибдод остинда эзилиб юрганингизни билур эдингиз-да, келажакдаги авлодингизни ҳам мана шундай қора кунларга қолмасун учун ҳуқуқ ва ҳуррият инсониятингиз йўлинда виждонингизга фарз бўлган улуг, муқаддас жиҳоди акбар учун қуролга ёпишур эдингиз! Афсуски, сизларга бундай улуг вазифаларни англатув учун вақт келган бўлса ҳам



«Лашмон фожиалари» ва «Маҳбус тўранинг ҳоли» спектакллари-  
нинг афишаси.

одам етишмади. Иккинчи тарафдан, бундай мустабидларнинг доим қаршу туруви юракларни бурчидур.

Шу ҳолда Аҳмаджон югуриб келиб.

Аҳмаджон. Сайидхон ака! Бизни тўпдан айвонлик Раҳимжонни ўғли Тоҳирни қарағай босиб, қорга ботиб, ўлуб қолди.

Сайидхон (*чўчиб туруб*). А, қани, қани!

Аҳмаджон (*орқасига қараб*). Ана, ана! Олиб келишяпти!

10 Сайидхон. Оҳ, бадбахтлик!

Борурлар, тездан бирга кўтаруб келурлар. Аҳмадбой, Жалилбой, Қобилжон, Қирғизбой ва бошқа рабобиёлар ўртага ётқизурлар.

Ахир бу ерга олиб келгунча, тўғри дўхтирхонага олиб борсаларингиз бўлмасмиди?

Қобилжон. Дўхтирхона берк-да. Ҳеч ким йўқ.

Сайидхон. Фельдшер ёки хизматкорлар ҳам йўқми!

20 Қобилжон. Дўхтирхона бутун берк, дейман-а! Бугун якшанбамасми!

Сайидхон (*Аҳмаджонга*). Югур! Фельдшерни комнатиға бор, шунақа дегин!

Кетар. Ҳаммалари атрофига ўлтурур ва тик туруб, маҳзун, баъзилари кўз ёшида турурлар.

(*Келуб у тараф, бу тарафни кўриб.*) Ўлгандур бу бечора мазлум.

Жалилбой. Ўша замони ўлган эди.

30 Сайидхон (*югуриб, аччиқ билан*). Бахтсизлар! Мазлумлар! Итдан хўр, суякдан хароб. (*Тепиниб.*) Разилллар! Оҳ, золимлар! Сиз мусулмонларнинг қадр-қимматингиз бу мустабид золимларнинг кошинда бир хашакчалик қадри йўқ. Эсиз, эсиз. Ҳали ҳам ухлаш ғафлатида ётдингиз! Эзилинг, янчилиг-да, тоғ ҳайвонларидек ёғринларингиз темир қамчиларни еб, кўрсатган ерларига йўртуб юринг! (*Рабобиёларға.*) Ухланг! Ух-

ланг-да! Энди ухланг! Кўзингиз ҳаргиз очилмасун! Мана, мана бундай ҳолларни кўруб, фикр қилув ва ўзингиз нима учун бундай кунларга тушганин сезув учун ҳис керак, ҳис!

Шу ҳолда Аҳмаджон келур.

Аҳмаджон. Сайидхон ака! Дўхтир ва бошқа яна бир-иккита ўрис хотунлар, начальник фельдшерника ичишиб ўтиришибди.

Сайидхон. Ахир дўхтирга айтдингми?

Раҳимжон. Айтдим! Жуда маст экан. Дўхтирдан илгари начальник бошимга додайлаб келиб, ҳайдади. 10

Сайидхон (*аччиғ ила*). Тфу, иблислар! Малъунлар! Одамхўр қотиллар! (*Рабочийларга.*) Мана, билмасизми? Ё ҳали ҳам билмайсизми қадр-қимматингизни? Эй, истибдод қурбонлари! Ман ўзум бораёй-чи. У хоин манга ҳам шу муомалани қиладирми? (*Кетар.*)

Аҳмаджон. Рост шу Сайидхон акамни гаплари. Бизни анчайин бир итча қурбимиз йўқ. Бу қандай хўрлик бизгаки... дунёдаги ҳар бир оч-яланғочлик, оғир меҳнат бизга. Яна муни устига шунча турган одам боласи бир хоиндан шунча ҳақорат ва сўкишлар эшитуб, хўрланамиз. Мана бу бечора бир қоронғу зах бостурма тагида 15 йилдан бақа тун-кун меҳнат қила-қила 36 га кириб, энди бир ёш хотун олганига ҳафта бўлгон йўқ эди. Муни ҳовлисини қарздор қилиб, ололмай қолган Ортуқбой хусумат била элликбошиларга егузуб, рабочийга зўрлаб ёздириб, бу ёққа юборди. Муддаоси нима? Хотунини, бечора қашшоқ ота-онасини бир бало қилиб, ҳовлисини олмоқ! Бошқа ҳеч муддао йўқ. Мана энди бу шўринг қурғур бўлса бу ерда. Бу қазоға учради. У қонхўр бойларни зулмини қаранг! Дурустроқгина пул бермадики, устига қалинроқ бир тўн қилиб кийса. Шояд ва шу ҳолга қолмас эди. 20

Қобилжон. Сиз ажаб гапурасиз! У золимлар қачон бизга мундоғ совуқ жойлар эканлигини айтди. Ана мундай иссиқ, мана мундай фалон, деб бизларни йўлдан озгурди. Бўлмаса, лоақал қарзга ҳавола қилиб ҳам 30

бўлса олар эдик. Юзта сўм қурумсоғига қараб мундай ҳолларга қолуб ўлтурмас эдик. Агар мундай тизза бўйи қор кечуб, ўн соат ишлаб, бир қадоқгина қора, куйган нон ейишимизни билсак, ғамимизни еб келар эдик. У уйинг куйгур, имонсиз элликбошилар, раҳмсиз бойларга қўшилиб, фақат бизларни бу ерларга қирғони, ўлдургони юборган экан. Биз энди билиямиз, эй Аҳмаджон ака!

- Ж а л и л б о й. Эй, ҳаммадан уларни ёнига қўшнилиб  
 10 олган йўғон салла, бетавфиқ, мунофиқ домлаларни айтинг! Иссиқ сандалда ўлтируб, шарият фалон, фисмадон, деб бирдак бойлар, ўнбошиларни тарафини олиб гапиради. Биз гапурсак, тек тур, кофир бўласан, ҳукми подшо вожиб, дейди. Намоз ўқуверуб пешонаси ялтираб кетибди-ю. Ичида заррача мусулмончилик, қўноқча раҳм-шафқат йўқ. Эй садқан мусулмончилик, садқан салла, китоб кет, шайтонлар!

Шу ҳолда йироқдан шовқин аралаш Сайидхон овози келур.

- А ҳ м а д ж о н (*турушуб, қарашуб*). Худди шу Сайидхон акам урушиб қолдилар-да. (*Қобилжонга қараб.*) Югуриб бор-чи! (*Қобилжон кетар.*) Хайрият, бизни шу иқболимизга шу Сайидхон акам бор экан. Бўлмаса, ҳолнимиз хароб экан.

Ҳ а м м а л а р и. Ҳа, ҳа, бўлмасам-чи.

Қ и р ғ и з б о й. Буям бизга худони илтифоти. Бўлмаса, ҳали шу бугунгача шу тўнғиз гўштини қўй гўшти, деб еб юрардик.

Ҳаммалари (*ўхчиб*). Қўй, эсга солма!

Шовқин бўлур, туриб қарарлар. Дўхтир, фельдшер, икки хизматчи замбил кўтариб келурлар.

- 30 С а й и д х о н (*Ҳамон гапуруб келуб.*) Бизни ҳам бир оз одамга ҳисоблаш керак. Биз ҳам фуқаро, энг оғир меҳнатларга биз керак эканмиз, ҳеч бўлмаганда, ярим кўз билан қарамоқ керак.

Д ў х т и р (*довалана-довалана келиб, ўликни ҳар тарафини қараб, кўкрагина қулоқ солиб, томирларини тутиб*). Ужесте кончено. Мунга касалхонага олиб бориш керак йўқ. Олиб бориб кўмиш керак. (*Сайидхонга.*)



Ман санга айтдимки, ўлган! Жанжал қиласан, ҳайвон!

С ай и д х о н. Биламан, ўлган. Кўмса, «Билдирмай кўмдинг», деб очируб, олуб келасиз-а. Кўммасдан чакирса, «Ўлган, кўм», деб гишава қиласиз! Бу қандай зулм, ахир!

Д ў х т и р. Албатта, кўрсатиб кўмасан! Лекин бугун фразник, билмайсанми? Ман битта итни ўлуги учун фразник кунни ҳам иш қиламанми? Якшанба кунни ўлди, қўй, эртаси кўрарман.

С ай и д х о н (*аччиғроқ*). Ит нима, бошқа нима ўлуги бўлсун, якшанба кун турмас экансиз, сизга ҳукумат фамошник берган. Должен фамошник турсин. Душанбагача ўлук шундай турадимми? 10

Д ў х т и р (*ўшқириб*). Кўп гап қайтарма, дуррак! Турса — туради. Жуда кўрқсанг, ана отхонага ташла, қўй!

Н а ч а л ь н и к келур. Маст Маруса билан етаклашуб.

С ай и д х о н. Сиз бизни мундай ҳақоратлар билан хўрламоққа ҳақингиз йўқ. Сизни ҳукумат бу ерга пиённисталикка юборгани йўқ! Сиз ўз вазифангизни билинг! 20

Н а ч а л ь н и к (*мастлик била*). Что такое? Собакам ругаться?

Д ў х т и р. Оғзингга қараб гапур! Манга бундай тиклаб гапуруб, гап қайтаришга фраванг йўқ! (*Началникка*.) Менга мундай итлар била жанжал қилиб ўлтуриш зўр номус, ҳақорат. Мен ҳозир рапорт ёзаман, бу кундан бошлаб мен мунда турмайман. Нима, бу бир итни ўлуги учун мани вақтсиз мушайит бериб, яна ҳурматсиз қараб, турли гапларни гафуради. (*Кетар*.)

Н а ч а л ь н и к (*ўлукни келиб тегиб, ҳаммаларига*). 30  
Кўтаринг бу собакани ўлигини! Бир четга олиб бориб ташланг!

Ҳаммалари келиб олмоқ баробаринда, Сайидхон келиб тўсур.

С ай и д х о н. Қўйинг! Биз ўзимиз ҳам кўмишни билламит! Тағин қўлларингизни ифлос қилмасун! (*Иигитларга*.) Кўтаринглар, ғариблар!

Н а ч а л н и к (*йигитлар келиб ёпишув баробаринда ўшқуруб, қувиб*). Нет, собакалар!

Ҳаммалари чекинурлар.

С а й и д х о н (*началникка*). Охир, нима дейсиз! Нима қиламиз ўлукни? Жуда ўч олмоқчи бўлсангиз, мандан олинг!

10 Н а ч а л н и к (*ҳаммаларига*). Қўтаринг, дедим мунни! (*Тепар. Ҳаммалари олмоқға ва замбилға солмоқға бошларлар.*) Сан биласанми, ман ким? (*Олиб кетурлар.*)

М а р у с а (*келиб, началникни тортуб*). Ну, идём!

С а й и д х о н. Биладан! Сиз раҳмсиз кишиларсиз! Очуқ айтганда, золим ва мустабид, қонхўрсиз!

Н а ч а л н и к (*тездан қилич суғуриб, бошига девайлаб, Маруса тутуб қолур*). Отпусти, Маруса. Сейчас вырезу.

Йигитлар келуб ўртага ҳайкал бўлурлар. Маруса начальникни тортиб кетар.

20 А ҳ м а д ж о н. Қўйинг, Сайидхон ака! Бу ит биладан баробар бўласизми?

Шу ҳолда К а р и м ж о н югуруб келуб.

К а р и м ж о н. Сайидхон ака! Обиджон қарагайдан йиқилиб тушуб, майда-майда бўлди.

Ҳ а м м а л а р и. А, а?

Юрурлар. Сайидхон ҳам кетар.

Бу тарафдан бўлмада начальник билан Маруса билаклашган ҳолда мастлик биладан келуб, караватга ўтурурлар.

30 Н а ч а л н и к (*бутулкадан коньяк қуйиб*). Қани, ичайлик!

М а р у с а (*кўтаруб*). Қани, сизни саломатлигингизга. (*Уруштуруб, билак чолиштуруб ичишурлар.*)

Н а ч а л н и к (*ниҳоят мастлик биладан қучуб, тебрануб*). Қўрасизми бу ишларни?

М а р у с а. Мен Масковда Туркистон меҳнаткашла-

ри, ўзбек жуда содда, яхши, деб эшитар эдим ҳамда бир-икки марта кўрган эдим. Жуда образованный эди. Аммо булар совсем бошқача: айтганингиздак, худди собака. *(Кулушур.)*

Н а ч а л н и к. Эй, у сиз кўрганлар унча-мунча русча биладурғон, савдо ишлари била бўлуб, Масков бойларини образованный кишилари била юриб туруб, пул кучи била бир оз одам тусига кирган. Аммо мундай кишилар жуда оз. Икки мингга биргина. А, бу сиз кўруб турганлар бутун бечора қора халқ, ифлос, очкўз, 10 ўқимаган аҳмақ кишилар. Буларни турмуши тоғ ҳайвонларидан хароб. Фаросатда булар одам ҳисобланмайди. Шунни учун буларни шундай ифлос ишларга солишга тўғри келади.

М а р у с а. Ман айтаман, ўзлари шундай ифлос. А, мамлакатлари яхши, сермева, маъданзор, бойлиқ шуларда. А, ўзлари бундай бечора, аҳмақ. *(Кулуб.)* Да, «Мевани яхшисини ит ейди», деган сўз хўп сўзда, а!

Н а ч а л н и к. Да! Шундай. Энди биз ҳозирги Тур- 20 кистондаги филосуфи замон господин Остроумовнинг деганича, буларни шундай қора меҳнатлар била эзуб бутурмоқға керак. Чунки агар булардан ғофил қолинса, албатта, замони келур. Буларда бу ҳолда қолмай, бир кун гарчи буларға маоруф эшиги абадий беркилган бўлса ҳам бизни ўз орамиздан чиққан кўрнамак меҳнаткаш фирқалар буларнинг оралариға кирсалар, бу жоҳилларнинг кўп ва нодонликға эзилганликларидан истифода қилиб, бир кун бизга кутулмаган иккинчи бир бало бўлуб чиқувлари шубҳасиздир. Шунинг 30 учун мана шундай фурсатлардан истифодасиз бўлмай, зиёлик фирқаларидан тортуб, секин-секин йўқ эта бориш керак, мана шунинг учун биз...

Шу ҳолда ғовур-шовур; ўлукни олуб кетурлар. Начальник югуруб кетуб чиқа бошлар. Маруса ётар ҳолда.

М а р у с а. Қайга борасиз? Ётайлик энди!

Н а ч а л н и к *(келуб, юзундан йнуб)*. Мен чиқай. Нима гап? Яна шовқун бўлди? Ҳаммасини таратуб келаман, ётамиз. *(Тўппончасун олуб чиқар.)*

Бу тарафдан ўлукни ўртага қўюб.

- С ай и д х о н (*ҳар тарафга юруб аччиғ ила*). Эй бахтсиз! Бахтсиз, истибдод қурбонлари! (*Рабочийларга.*) Биласизми, буларни ҳақиқатда нима қурбон қилди? Қим бу ҳолларга солди? (*Ҳамма сукутда. Бир оздан сўнг.*) А-ҳа, албатта, билмайсиз. (*Қичқуруб, тепинуб.*) Ҳалигача билмайсиз? Ман Фарғонадан чиққандан бақа сизларга гапура-гапура том, забонларим ишдан чиқди! Ҳануз сиз ўз ҳуқуқингизни билмайсиз! Бу кунга қадар синаб ишда, сўзда қарайман, кутаман. Ҳеч бир кўзингизни очулганин сезмайман. Ҳануз маст уйқудасиз! (*Келуб, қичқуруб.*) Қачон уйғонасиз? Қачон мундай хўрликларни сезиб, ўзингизни мундай ҳақоратлардан тозартмоқга тиришасиз? (*Туруб юруб.*) Йўқ, мани эсиз меҳнатларим. Мен ҳар қандай қилиб қола олур эдим, лекин севиқлум отам, онам, маъшуқам Санавбардан кўз юмуб, сиз бечора меҳнаткашларни, деб келган эдим. Афсус, афсуски, ман кўп хато қилган эканман. (*Бир оз юруб.*) Йўқ, йўқ! Эй қадрсиз, 20 гафлатда қолган оғоларим, бу кўзларингизни очинг! Энди замон келди. Кўз олдингизда бир хоиннинг ҳатто ўлукларингизни ифлос, нопок оёқлари билан тепиб, хўрламоқлари мани шунча сўзлаган сўзларимга далил бўлмасми? Бу ҳақоратлар, бу ҳақсизликлар сизни бу қора қалбингизга ҳеч бир таъсир қилмасми? Қачонгача биз, турк ўғлини ер юзида кўрсатган қаҳрамонликларни қошинда бу кун бу ҳолларда қолмоқ номус, ўлган минг марта яхши! Очинг кўзингизни! Инқилоб даври келди! Ё ўлим, ё нажот!..
- 30 Сўз тамом ўлмас баробар начальник чиқуб.

Н а ч а л н и к. Вот нажот! (*Отар. Сайидхонни қўлига тегар.*)

С а й и д х о н. Оҳ, хоин! (*Ииқилур.*)

Ингитлар ўзларин ташлар, Маруса қочар.

П а р д а тушар.

ИККИНЧИ ПАРДА

Саҳна Мирзабойни уйи бўлиб, ниҳоятда фақирона безалган. Уйнинг тўрида эски ётоқ, бир бурчакда эски сандуқ, сандуқ устида икки дона эски кўрфа, болиш; сандуқ тарафнинг ёнида бир эски синиқ чойник, ётоқ тараф деворида Сайидхопнинг суврати. Ётоқ устида Мирзабой оғир ҳолда ётган, ўлум олдида. Кундуз соат 9.

Парда очилур.

Мирзабой *(ниҳоят охирги куч ва сўнги нафас била тамоғларин тирмалаб, қисқа, бўғуқ нафаслар била туруб, деворга суялуб)*. Эй худойим! Мани мунча 10  
 ғариб қилдинг? Хўр-зор қилдинг? Мани кунлик ризқимга сабаб бўлиб тургон юракимни мадоридан ажратдинг! Муни, муни устига — оҳ, оҳ, бу бино кўзларимни кўр-басир қилдинг! *(Саросимилануб, бўғулуб.)* Оҳ, оҳ, раббим, раббим! Қошки бу кўзларим кўр бўлмаган бўлса эди. Чиқуб кўчаларда гадойлик қилуб турар эдик. Уҳ, уҳ, ё аҳад, ўзинг раҳм қил, ўзинг шафқат қил! Бу марҳаматсиз, пулпараст золим укам у мустабид амалдорларни юзи-хотирига қараб, уҳ, уҳ, вой, жоним, мандан — бир туғишган биродаридан кўзини юмди. Оҳ, бадбахт дунё! *(Қичқируб.)* Палид дунё! Оҳ, дунё! Сан одамизодни шу қадар муруватсиз, шу қадар меҳрмуҳаббатсиз қиласанми? Уҳ, уҳ, эй иблис дунё! Сани борлигинг бир бало, йўқлигинг минг бир бало! Оҳ, оҳ, худойим! *(Йиғламсираб.)* Бу бечора кампирга ҳам кўп қийин бўлди, қилмагани биргина гадоллик қолди. Уҳ, уҳ, парвардигор! Мен мундай поёнсиз ҳаётдан зерикдим. Энди сабр-тоқатим қолмади. Ол мандан бу омонатингни! Улганим минг мартаба яхшироқ. Уҳ, уҳ! *(Томоғларини шиддат била тирмалаб.)* Уҳ, уҳ, юрагим, куйди, ёнди, ёнди! *(Йиғлаб.)* Жоним болам, Сайидхон! Оҳ, мусофирим болам! Қани сан отангни ғариб ҳолини кўзинг била кўрсанг, бир фиёла қўлинг била сув берсанг! Оҳ, сани қандай умидлар била боққан эдим. Уҳ, уҳ, ёндим, ёндим! Розия, мунча кеч қолдинг! *(Ётуб, пайнаслаб чойнак тарафга судралиб, ахтариб, чойнакни тополмай.)* Оҳ, охир чоқда мунча хўр бўлган, сани до-

- гингда икки кўзи кўр бўлган, ғариб ўлган отангни кўролмайд қолдинг, жоним болам! (*Чойнак тарафга бора бошлаб.*) Оҳ, сани ман қандай ширин умидлар билан боққан эдим, жоним болам! Мани мазоримга боруб, уч оят, уч оятгина қуръон ўқишни ва қуръон ўқишни эсингдан чиқорма! (*Йиғлаб.*) Оҳ, даданг қаддингдан ўргулсун болам, фироқингда йиғлаб кўр бўлиб ўлган бечора отангни унутма! (*Қўлини кўтариб.*) Илоҳи, оғзи-бурнингдан қора қонларинг тўкулсун, золим бойлар, раҳмсиз амалдорлар! Уҳ, уҳ, бу азоб устига жон беришим мунча қийин бўлди?! (*Тез, тез пайпаслаб.*) Оҳ, ёндим, ёндим! (*Чойнакни топуб.*) Ҳайрият, ҳайрият! (*Кўтаруб.*) Худога шукур, шукур, ўлар чоғликда бир қултум сувни биргина жигарбандим қўлидан насиб қилмаганга яраша укамдек оқчапараст, раҳмсиз бир палидни қўлидан ичмоқга муҳтож қилмадинг! (*Оғзига қуяр, сув йўқ.*) Оҳ, оҳ! (*Чойнакни ташлаб.*) Бадбахтлик, безабунлик! (*Кўкка қичқириб, йиқилар ҳолатда.*) Эй раббим, бу ғариб қулингдан бир қултум сувни ҳам дариф тутдингми? Оҳ, фарёд, Сайидхон! (*Йиқилур.*)

Эшикдан Санавбар қўлида бир табақчада ўроғлик чучбара кўтаруб кирар.

(*Эшик овозини эшитуб, бошини кўтаруб.*) Розия, келдингми? Вой, худо-ей, тез бўл, бир фиёла сув бер! Ёндим, ёндим! (*Бошин қўяр, унғача Санавбар табақчани бир четга қўюб келуб, бошидан кўтаруб олишга тутунур, Мирзабой пайпаслаб.*) Қимсан? Сайидхонмусан?

- 30 Санавбар. Жоним амаким, ман, ман, Санавбарингиз. Сизга нима бўлди? (*Йиғлар.*)

Мирзабой. Оҳ, жоним қизим! Ҳайрият, худойим сани еткузди. Қўй мани бу фалокат бошим қурсун. Тез бўл, бир фиёла сув бер. Ёндим, ёндим!..

Санавбар. Вой, шўрим қурсун. (*Қўюб, чойнакни кўтаруб чиқар.*)

Мирзабой. Оҳ, бечора, муҳаббатлик бола. Ўғлумни суйган матоси! Уҳ!

С а н а в б а р (олуб келуб, бошун кўтаруб, тутуб).  
Мана, амакижон, сув.

М и р з а б о й (ошиқуб-ошиқуб ичуб). Худога шукур,  
худога шукур! Илоҳи, кўп яша, қизим. (Йиғлаб.) Ум-  
ринг узоқ бўлсун! Жоним қизим! Мандан ҳазар қил-  
ма. Мани бечоралик, ғарибликдан бошқа юқадурғон  
касалим йўқ. Уша, ўша Сайидхонни қўлларига теккан  
қўлларинг била ғариб бошимни иккита сиқгин, қизим.  
Шояд Сайидхонни ўрни, ўрни билинмасун!

С а н а в б а р (йиғлаб сиқуб). Жоним амаким, на- 10  
ҳот сиз шундай десангиз, мен сизни ўз отамдан ортуқ  
кўраман. Ман нимадан ҳазар қилардим. Шу ҳолатга  
келибсиз, нимага бизга билдирмадингиз? Охир, лоқал  
ман ўзум келиб қарашар эдим. Холам қаерга кетди?

М и р з а б о й. Оҳ, жоним қизим. Холанг ҳозир ке-  
лади. Уша раҳмсиз отангга хабар қилиб, нима умид  
қилар эдинг. Ҳай, ҳай ўзинг хўб дуони мақбул вақтида  
келдинг. Илоҳи, дилингдаги ҳар бир орзу ва муродинг-  
га ет! Умрингда қўлинг дард кўрмасун, қизим!

С а н а в б а р. Амакижон! Жойингизга олиб борай. 20  
Озгина таом бор, бир-иккитагина енг. Аччиқгина, шояд  
кўнглингизни бир оз очса.

М и р з а б о й. Жоним қизим, амакинг ўргулсун. Ҳо-  
зир холанг ҳам келади. Кейин олуб боруб ётқизарсиз-  
лар. Сани кучинг етмайди, жоним қизим! Томоғимдан  
бўлса, сувдан бошқа нарса ўтмайди. Худо хайр берсун,  
биздак ғарибларни йўқлаб келибсан. Биздан қайтмаса,  
худодан қайтар, қизим. Ҳозир сани шу келганингни ўзи  
каромат бўлди. Нимага? (Йиғлаб.) Жоним қизим, сан-  
дан ёлғузим болам, жоним Сайидхонимни бўйи ке- 30  
лади.

Санавбар йиғлар, искаб-искаб.

Оҳ, қизим! Йиғлама! Йиғлама! (Юзидан силаб.) Жо-  
ним қизим, қўйгин мани. Жоним азобланмай чиқсун.  
Йиғлама, ноумид шайтон. Ман ўлум олдидаман, қизим.  
Кеча-кундуз икковингни ҳақингга дуойи хайр қилдим,  
жоним қизим. Биладан Сайидхонга бўлган тўғри му-  
ҳаббатингни. Сайидхонни айблама, ундан хафа бўлма.

Чунки уни бахтсизлигига сабаб бўлган ман бадбахт! Мани бечоралигим. Қандай қилайлик, жоним қизим, худо бизни шундай қилган бўлса? Сабр қил, қизим, худо подшоҳ. Сани толиҳинг — Сайидхон ўлмай қайтсун. Бир гап бўлиб кетар, қизим. Худога йиғла, шояд у отангни юрагига бир оз инсоф берур. (*Йиғлаб.*) Афсуски, мен орзумга етолмай иковларингни олдигинамдан қадди-қоматларингни кўрсатуб ўтганларингни кўрмай ўлуб кетаман, қизим.

- 10 С а н а в б а р (*йиғлаб*). Жоним амаки! Мундай ноумид сўзларни гапуруб мани қақшатманг, ажаб эмас, тузалиб кетарсиз.

М и р з а б о й. Жоним қизим, мендан умид йўқ. Бир иш қилиб Сайидхонни кўздан ташлама, жон қизим. Агар саломат келса, мани бу ҳолимни айтуб, уни ўзи аламзада юрагини доғламаанглар. «Отанг роҳатда ўлди, охир нафасгача сани дуо қилди»,— денглар. Оҳ, жоним болам.

Шу ҳолда Р о з и я кирар.

- 20 Р о з и я. Вой, болам, нечук худо ярлақади, кел! (*Боруб, қучуб юзини ўпар.*)

С а н а в б а р. Келдим, хола, наҳот амаким шу ҳолга келсалар, бир оғиз лоақал манга айтмасангиз.

Р о з и я (*бошини ўз қучоғига олуб туруб*). Эй болам. Отангни дастидан эшикларингга оёқ ҳам босгум келмайдн.

М и р з а б о й. Айтиб келдингми? Тез жойимга олинглар! Кўнглум озди. Уҳ, уҳ!

- 30 Р о з и я. Маҳалла келишди. Айтгандек, жоним қизим, кел, амакини жойига олайлик. Иннай кейин, сан анову уйга чиқиб тургин, (*ошиқтуруб*) домла билан эллиқбоши келувди. Киришиб кўруб кетсун. (*Тез, тез судраб жойига ётқизурлар.*)

С а н а в б а р (*дахлизга кируб туруб*). Ана у табақчада бир озгина чучвара бор. Амаким емайман, дедилар. Олиб қўйинг.

Р о з и я. Вой, холанг ўргулсун, каромат қилубсан, ҳали уларга қўйгонн ҳеч нарсам йўқ эди. (*Санавбар*



чиқар. Розия чучварани ўраб, бурчакка қўюб келуб, Мирзабойга.) Сайидхон, Сайидхон! (Сукут.) Вой, худо-ей. Тағин кўнгли кетди-я!

Чойшабни юзиғача тортуб қўюб чиқуб кетар-да, бир оздан сўнг имом ва элликбоши кирурлар, орқадан кируб.

Қани юқорироққа ўтуринг, Ҳасан домла! Болам, энди ман эналарингиз бўламан, қочмасам ҳам бўлади.

Имом. Йўқ, йўқ, она, айби йўқ. (Ўтиришурлар.) Қани? (Фотиҳа.) Бисмилло, бизни қадамларимиз етди, бало етмасун! Ло фато илло Алило сайфилло зулфи-қор! Ҳар балойи, ҳар қазойи пеш ояд дафъи кун, парвардигор! Оллоху акбар!

Розия (туруб). Хуш келубсизлар!

Имом. Хушвақт бўлинг. (Мирзабойга.) Мирзабой ака, (юзин очуб) Мирзабой ака! (Розияга.) Ухладиларми? Андак истироҳат қилсунлар, бўлмаса индамайлик. (Епар.)

Розия. Вой, болам, гўрди ухлайди, дейсизми? Мана, мана шундақа уч-тўрт кундан бақа ўхтун-ўхтун ҳушидан кетуб, ўзини билмай қоляпти. Мана шундан2) кўрқяпман-да.

Имом. О, бечора-ей.

Элликбоши. Энди қариликники-да.

Имом. Ундоқ бўлса, она, шавҳарингизни мучалларини нима? Неча ёшга бордилар?

Эшикни қиялаб, Санавбар мўралаб турар.

Розия. Саксон икки, деган эди. Билмайман, мучали — муш.

Имом. Хўш, мучали муш бўлса, олти мучалимиз йигирма бешдан икки мучали бўлганда уч йигирма — олтмиш, уч беш—ўн беш, масаланки, ўн бешу олтмиш 30 ҳафтоду панж... Мо ба қаршу мурда. Жамъ қилиш керак. Хўшки, муш бошад, бақару, паланггу, харгўшу, наҳангу, мору, асп, гўсфанд, ҳамдуна!

Элликбоши. Эй, тақсир! Шу тобда ҳамдуна, паланг қилуб ўлтурасизми? Саксон икки бўлса, саксон икки-да. Жуда пишиб қолган ўзи.

И м о м. Дарвоқе, шундай бўлса керак.

Э л л и к б о ш и. Хўш, эна, энди нима демоқчисиз? Мана, биз кўрдик. Одам бўлишидан бўлмаси кўпроқ.

Р о з и я. Энди, болам ўзларингга маълумки, бизни парвариш қилиб турган қуйруқ-қанотимиз бўлса, мана, маҳаллани ризолиғи учун рабочий бўлуб кетди.

Э л л и к б о ш и. Гапни қисқароқ қилиб гапураве-ринг.

Р о з и я. Хўп, айланай болам.

- 10 Имомни кўзи Санавбар тарафга тушуб, бесаранжомланиб, гайри табиий ҳаракат ва мулоим йўталар-да бўлур.

Оз-моз фул беруб кетувди, у ҳам соф бўлди. Бу бечо-рани кўзи очуқ бўлса ҳам баҳар нав эди.

Э л л и к б о ш и (*жеркиб*). Эна, мен сизга айтяп-манки, гапни калта қилинг. Бизни ўлтуришга вақтимиз йўқ.

И м о м. Ҳа, онажон. Биз бир жойга тўйчуққа бо-радиғон эдук. Маҳалла бизни кутуб қолмасун. (*Қараб, қараб, хир-хир йўталиб турар.*)

- 20 Р о з и я. Хўб, болам. Шундоғ бўлса, мана энди бу ҳолга тушуб турибди. Бир ҳодиса бўлса, нима қила-ман? Мани бошимда бирор эркак бўлмаса?

И м о м. Она, ахир, ўлимлиги-пўлимлигиси йўқми?

Р о з и я. Вой, айланай, болам, бу қимматчиликда ўлимлиги қолдимми?

Э л л и к б о ш и. Эна, биласизми, ўзингизга ўзла-рингиз қилдингиз.

- 30 И м о м. Дарвоқеан, фил нафс ал-амир этганда, Мир-забой акамни ўзларида айб. Битта ўғилни гапига ки-руб, мана шундай ҳолларга қолдингиз. Бўлмаса, сиз-лар шу Сайидхонни шу ишини баҳридан ўтқазсаларин-гиз, ман кўрбоши жанобларидан кўп ваъдалар олиб қўйган эдим. Ҳатто ўглингизни рабочийдан қолдирмоқ-ни ҳам мақбул қилдургон эдим. Афсуски, сизлар жа-ҳолатга кетдиларингиз.

Э л л и к б о ш и. Эй, тақсир. Заб гапирасуз-да, бу-лар ота-онами? Буларга Сайидхон ота-она! Ушани учун шу ҳолларга қолишди-да.

И м о м. Оре, оре.

Э л л и к б о ш и. Бўлмаса, буларга ким қўйди бой қизини келин қилмоққа?

И м о м. Қамина ҳам шунни айтаман-да. Буларга ўзларига ўхшаган бирор бечорароқ одамни қизини оллуб берганда, бу фалокатлар йўқ эди. Бизни сўзларимиз ҳаммаси ҳикматсиз эмас. Бир тарафи шариатга ҳам мувофиқдир. Агар бизни айтганимиз бўлса эди, у Каримҳожимас, хўш, ҳатто бундай қимматчиликда қўрбоши жаноблари ҳам бу қаро кунларга қўлдан келган қадар ёрдамлар қилур эдилар.

Р о з и я. Айланай, дэмла почча! Гапларингизни ҳаммаси тўғри, энди иккови бир уруғ, кичикликда мактабда бир ўқуб, катта бўлган учун бир-бирига муҳаббат қўюшуб, шундай гаплар бўлиб кетди-да. Мана шундай муҳаббат деган яхши-ёмонни ажратгани қўймас экан. Бировни гапига қулоқ солдурмас экан.

И м о м. Эй, она, шариатда йўқ гапларни гапирманг, кофир бўласиз! Худо қуръонда ота-она амридан чиққан болаларни бандам демайди. Бу ишлар — яхши кўрмоқ, ҳар ким хоҳлаганига тегмоқ каби хилофи шаръи ишлар ҳаммаси шайтоний.

Э л л и к б о ш и (*жеркиб*). Тақсир! Қўп гапди чўзманг! Иш ўтган энди. Булар деган гапди гапуришайлик-да кетайлик.

Р о з и я. Айланай, болам! Ҳали ҳеч иш бўлгани йўқ. Ҳали ҳам олса бўлаверади. Ҳозир олса тагин яхши. Нимагаки, мана, Сайидхон йўқ. Олгандан кейин келса, нима дер эди, ҳафсаласи ҳам пир бўлиб қолар.

Э л л и к б о ш и (*жеркиб*). Эй, эна! Ҳали сизни умидингиз ҳам борми?! Сайидхон келса, бу аҳволингизга Каримҳожини қизини олиб ҳам бермоқчимисиз? Сиз бу гапларни кўнглингиздан чиқаринг! Қиз иккивошдан қўрбошиники. Қўйинг бошқа гапни! Қани, нима дейсиз? Биз кетамиз. Бўлинг вақтлик!

Р о з и я. Энди, болам, ҳали ҳам бизни у қизда умидимиз йўқ.

Э л л и к б о ш и (*жеркиб*). Айтдим-ку, у ганди қўйинг! Ўзингизни дардингизни айтинг!

Розия. Хўб, болам. Энди мана аҳволимиз шул. Мунга бир ҳодиса бўлса, ўзларингиз беш-ўн танга сарф қилиб кўмсаларинг. Ахир, ўлмай саломат келса, бир гап қилур, дейман.

10 Элликбоши. Ўзингизда ҳеч нарса борми? Сиз ғалати гапирасиз? Оғзингиздан беш-ўн тангагина бўлиб чиқади. Осонми шу қийматчиликда ўлук кўммак. Мен беш-ўн тангани сарф қиламан. Ўғлингиз саломат келадими ё йўқми? Жон бор жойда қазо бор. Ўғлингизга бир гап бўлиб қолса, нима қиламан? Пулни кимдан оламан?

Розия (ийғламсираб). Болам, манда жон ичида сақлаб юрган беш тилло пулим бор.

Элликбоши. Э, беш тилла нима бўлади! Имомга берадиғон тўнни ўзини шу тобда беш тиллога олиб бўлмайди.

20 Имом. Эй элликбоши, биз буларни ҳолини кўруб туриб ундақа тоза тўн киймоғимиз айб, мундоғроғи бўлса ҳам бўлади-да. Шунчаки масаласига мувофиқ бўлса бўлди.

Элликбоши. Сиз ғалати гапурасиз, тақсир! Бу ерга қанча маҳаллалардан одамлар келади. Фалон маҳаллани имомига олти тангалик қалтироқ тўн берубди, деса бизга ўлум.

Имом. Дарвоқеан, дафъи маломат ҳам фарз.

Элликбоши. Эна, мунга жуда кўп сарф қилғонда икки юз сўм пул кетади. Сизга тағин бир юз-у саксон сўм керак.

30 Розия. Болам, бир оз камайтуб, бечоравор қилиб қўя қолишди иложи йўқми?

Элликбоши. Эна! Иложи йўқ! Бу бизни касбимиз бўлуб қолган, гапни чўзманг! Нима дейсиз?

Розия. Вой, қандоқ қиламан энди? Бўлмаса, майли охир.

Элликбоши. Энди келинг пулни маслаҳатига. Пулни қаердан оламиниз? Қариндош-париндошингиз борми?

Розия. Вой, болам! Ўзингиз билмайсизми? Мани қариндошим бўлса, сизга арзи ҳол қилуб ўлтурармидим! Қаримҳожид бўлса...

Э л л и к б о ш и. Эй, Каримхожи сизга бир пул бермайди. Хотиржам бўлинг. Ундоғ бўлса, мана ман ўзумни ҳар бир гўрга уруб, сизни юз хотирангизни қилиб, топуб бераман. Лекин бир шартини қабул қилсангиз? Чунки пул масаласиям шу.

Р о з и я. Хайр.

Э л л и к б о ш и. Энди жон бор жойда қазо бор. Хўш, ўғлингизни ҳали қачон келиши маълум эмас. Шунинг учун бир чеккаси шариатга мувофиқ сиз ҳовлини менга гаров қилиб берасиз. Мен бир юз-у саксон сўми, ортуқми топуб бераман. Қачон ўзингизми, ўғлингизми топуб берсаларинг, ажратуб оласизлар. Энди сиз эркак эмассизки, вексел-мекселга қўл қўюб берсангиз. (*Домлага.*) Мани гапум шариатга тўғрими, тақсир?

И м о м. А-ҳа, масалани нозик ери-да, бо акун. Шарҳи фитовада кўп бу ишни нозик, дейдилар.

Р о з и я. Вой, болам! Мен энди хонавайрон бўлур эканман. Бир тарафдан, эрдан ажрал, бир тарафдан, тирик ўғулдан, бир тарафдан, бир парча ватандан.

Э л л и к б о ш и (*шовқун ила ирғуб туруб*). Айтмадимми, тақсир, буларга бу кунлар оз. Бундан баттар бўлсун. Хотун киши била биз энди савдолашуб ўлтурсак! Туринг, тақсир, бўлганча бўлуб ётар. Муҳтож бўлуб чиқар, чиқмой чораси қани?

С а н а в б а р (*эшик ичидан олтун исирға, балдоқ, билагузук, узукларини ўртага отуб*). Қўйинг, хола, кетса кетсун. Бу бадбахт хоин балохўрлар! Мана муни сотинг! Етмаса, бирор қатор кийимларимни сотуб берман. Бечоралар буларга хор бўлса, манга азиз! Йўқолчи, йўқол, чиқ мунофиқ ўғрилар! Бечоралар бошига бало бўлуб яротилган юҳолар, босмачилар! Тирикни боши, ўлукни оши била ҳаёт қилгон миқрублар. Қим чиқорди бу шариатди, мунофиқ?! Бир тирикни хонавайрон қилмоқ қайси мажусийнинг шариатида бор! «Чиқ», дедим, «чиқ!» Садқайи салла, чопон, садқайи мадрасайи китоб, садқайи мусулмон кет. Иблис! Шайтон муллалар, йўқол! Мурдор қилма инсон оламини жонлик ҳайвонлар!  
П а р д а тушар.

УЧИНЧИ ПАРДА

Саҳна: тўрда дала, тўрининг ўнг тарафи тўқай, ўртада дарахтзор. Тўрининг чап тарафида кичик тахтадан ёсолган қора бир уй бўлуб, уйнинг тўрида яғоч бир карават. Устида эски бир ётоқ. Ерга эски кийгизлар солунган. Ва ҳар жойда (девор тагида) ўроғлиқ ётоқлар. Коса, табақ, чойнак, ...каби рабочий асбоблари. Ётоқ устида Аҳмаджон қўлларин совуқ олган ҳолда ётур. Ва ҳар жойда Акбарбой, Қобилжон, Юсуфжон, Жалилбой, Ортуқбойлар ўлтургон. Қобилжон боши солуғ, чекасин туткон, Акбарбой қўлида чилим туткон ҳолда парда очилур.

Уйнинг бош тарафи, яъни тўрининг чап тарафи, тўрга яқинроқ тарафидан эшикка чиқув учун бир қанотлик эшик бор.

Акбарали (*Қобилжонга*). Кечадан бери хаёл сурасан! Хаёл сурасан! Хаёл била нима иш бўлади? Ҳар бало бўлди, бўлди. Бир ишни бошлаш керакки, бу юракдаги аламлар бир оз босилсун. Мениям уч-тўрт кундан бақа шундай ўт олёттики, кўзумга одам боласи пашшачаям кўрунмайди. Жуда сизларни ғайратларингиз ўлган бўлса, битта тўппончани оламан-да ўша дўхтур-мўхтуридан тортуб кучур-пучиригача отуб чиқаманда, бу ёғини толиҳимдан кўравераман. Шу бизни ўнг кўз, чап кўзимиз бўлуб турган икки карра шерни бири ўзини мажруҳлигини устига бир палидни қўлидан ўқ еб ноҳақ турмада ётсун. Мана бири мунда оёқ-қўлдан ажраб, ярим ўлук бўлуб, мунда ётсун. А биз итдан қўрққан мушукдак шумшаюб мунда ўлтуройлик. Ҳа, биз одам боласимасми?! Олти юз арслондек йигитлар шунда бақраюб турсак-у, иккита хоин начальник отини тутуб, хоҳлаганича иш қилуб, бизни шундай хўрликларга солса! Бизга бу тирикликдан ўлум яхшимасми?! Йўқ, биз, ўша бечора Сайидхон акам айткондек, биз инсон боласи эмас, тиллик бир ҳайвонгинамиз! (*Чилимни сугурт чақуб чекар.*)

Қобилжон. Эй, Акбарбой ака! Ҳамма ишни мандан ўн чандон ортиқ била туруб, яна гап сўраб дардимни ёнғилайсиз! Бу кулфатлар ёлғуз манга ёки бу истибдод бўйинтуруғи ёлғуз мани бўйнулумга тушкон

эмас, бутун-бутун ер юзидаги мусулмонга, ғайри мусулмонни, фақир меҳнаткашларини бўюнларига баробар тушкон, биласизми? Қонхўрлар бизни абадий омонлаган, уламолар куфр тизгини била жиловлаган. Мустабид чиновниклар темур қамчилар била бизларни тунинкунин мана-мана шундай ишлатадилар. Биз бу уч тоифа одамхўрларни қурсоқларин тўйдурувчи меҳнат остида эзилуб, дунёдан маҳв бўладигон бир ҳайвонмиз. Биласизми, биз ўзимизни одам демоқга ор ва номус қилиш керак. Чунки: инсонлик даъвосини қилгон ҳар бир кишига инсониятнинг чин маъноси била ёхшилаб онглаш, ўз ҳақ ва ҳурриятини билиш ва бу бош билан тик турмай, ўша қаршусидаги ҳақ ва ҳурриятига тажовузда бўлган хоин мустабидлар била курашуб, бир томчи қони қолганча қадар енгмоқ. Узини бўлмаса ҳам келажакдаги авлодини қутқазув йўлида қурбон бўлмоқни ўзига энг улуғ шаҳодат билмоқ керак. Эй, вой! Қани бизда у хаёл, қани бизда у туйғу, у жасорат?! Мана кўрасизми, Туркистон оламини Чўлпони ва ёруқ юлдузи бўлуб тургон икки зиёнинг бири ҳавонинг зарби ва у палиднинг ноҳақ ўқи била икки қўл ва бир оёғи мажруҳ, турмада ажал кутуб ётубди. Бири бўлса, мана мунда ярим ўлук бўлуб ётубди. Булар нима учун бу ҳолларга тушдилар? Фақат сиз била мандақа омон остида ҳайвон саналуб қолган инсонларни ҳақ ва ҳурриятини тортушуб шу ҳолларга қолдилар.

А к б а р б о й. Эй, айтдум-ку бизлар садқаи инсоният кетайлик. Чунки бизни ким айтади меҳнаткаш ўзбек боласи, деб? Бизни ота-боболаримиз рўйи заминни титратуб келгон одам қаҳрамонлари бўлса-ю биз ўша қара шерларни авлоди бўла туруб, биргина ўтмас қилич тоқғон қонхўрдан олти-етти юз киши қўрқуб, писуб, ноҳақ зулм ва ҳақоратларини эшитуб, мана шундай хилватларда маҳорага борган хотунлардек тўртта-бешта бўлуб ҳасратлашуб ўлтурсак?! Ҳайф биздек йигит номин булғагон ҳайвонларга! *(Яна чилим чекар.)*

Қ о б и л ж о н. Яхши, Акбарбой ака! Биз қўрқмаймиз, албатта. Ҳар биримиз ўлдурушга келганда мундай хоинларни юзини ўлдирамиз. Лекин муни билан иш

битмас. Биз ўзимизни Туркистон халқимизни қалбига ёпишгон жаҳолатларин, ҳақиқий маориф ва мадания-тига қарши тушкон мутаасибларин ўлдурушга керак. Мана, биз аввал бу балолардин қутулуб олсак, бошқа балолар ўз-ўзидан битмоқга бошлайди.

- А ҳ м а д ж о н (бошини кўтариб). Оғо-иниларим! Манга ҳозир икки хурсандлик келуб, бирдан оғруқларимни унуттурди. Биринчиси: гарчи сиз ўқумагон бўлсаларингиз ҳам шу беш-тўрт ойлик бир қисқа муддат
- 10 ичинда бизни сўзларимизга қулоқ солуб, мана шунчалик ҳақ ва ҳурриятингизни ва маънавий чекуб турган истибдодингизни сезуб, бу ҳақда ўз-ўзингизча музокара қилмоқдасиз. Мен ётуб шундай нозик умидлар қилдимки, гўё сизни бу ғайратларингиз соясинда бутун ер юзидаги меҳнаткашлар абадий озодлиқга чиқуб, оз фурсатда асрлардан бери ҳокимият суруб келган душманларни эзуб, поймол қиладигондек. Дарвоқе, шундай бўлиши керак. Инсонни ҳар бир мақсад ва ҳар бир тилакка еткурадургон улуғ бир восита бор бўлса, у,
- 20 шубҳасиз, ҳимматдир. Ман сизларни бу ҳимматларингиздан келажакда кўп ишларни бўлмоғини кутаман. Бу Қобилжон ўртоғим айткондек, албатта, сиз ва бизни мундай инсоният ҳақ ва ҳуқуқиндан ўз меҳнатимизни ширин самараларидан бизни кучимиз орқасинда мойлиқ қурсоқ солуб бошимизга бало бўлуб етушгон қонхўрларга нима сабабдан қул ва асир бўлуб юрувни сезмоқ учун восита бўлган ҳақиқий туйғулардан хабарсиз ва баҳрасиз бўлуб қолувимизга энг биринчи сабаб бор экан, унда, шубҳасиз, илмсизлик ва маориф-
- 30 сизликдир.

Х а м м а л а р и. Ҳа, ҳа, ҳа.

А ҳ м а д ж о н. Биздан бошқа давлатларнинг нечасида бўлган қора меҳнаткашлар ҳаммаси ўқумушли, сиёсат, маишият ва шунга ўхшаш инсон ҳаёти учун кераклик бўлгон ҳамма аҳволдан хабардордурлар. Шунинг учун бизчалик, бир тарафдан, чиновниклар, иккинчи тарафдан, жоҳил руҳонийлар, учунчи тарафдан, қонхўр бойларни оёқлари остида ҳақ ва номусларини эздурмайдилар.



Ҳаммалари. Албатта, албатта.

Аҳмаджон. Энди мани сизларга қиладигон энг ҳикматлик васиятим бор бўлса, уям бўлса — илм, илм, илм. Энди, мана, биз — ўлим кишиси. Бизни бу ҳолларга қолдиргон ота-оналаримиздан қанча шикоят қилгондек бизни келажакдаги авлодимиз ҳам биздан минг чандон ортиқ асорат ва хўрликларга қолур. Балки алар шикоят билан қаноатланмай, қабрларимизни тошлар билан уруб, ҳақоратлар билан таъналар қилар.

Қобилжон. Минг марта.

10

Аҳмаджон. Мана шунинг учун ман сизларга такрор айтаманки, зинҳор ватанга саломат қайткондан кейин ўзларингиз нақадар хўрликларга қолсангиз-да, ҳеч бир кишига қулоқ бермай, болаларингизни ўқутингиз-да, ўқутинг! Жоҳил муллаларнинг: «Қофир бўлади, фалон бўлади»,— деган қуруқ фалсафаларига қулоқ осмай, қизларингизгача ҳатто русчагача ўқутинг!

Акбарбой. Эй Аҳмаджон ака, энди биз охунд домлаларга ибодат қилиб бўлдик, энди у насиҳатни ҳовуздаги қурбақаларга қилсун. Насиҳат салласини ўзига кафан қиламиз. Нима дедиларинг?

20

Ҳаммалари. Ҳаммаларимиз лоқал минггача Азроилмиз.

Шу тобла қўлида кичиккина дастурхонда ош кўтарган Рустамбой кирур.

Рустамбой (*ошни қўюб*). Аҳмаджон ака, ман энди, худо ҳаққи, мундай қонхўрларни ичида туролмайман, (*ўлтуруб*) ёки ўзумни ўлдураман, ё шу хонини ўлдураман.

Акбарбой. Нима гап, айт-чи?

Рустамбой. Ошни олуб борсам, назоратчи: «Началникдан сўра»,— деди. Началникга борсам, бошимга қичқуруб: «Кет! Бир кунда уч мартаба тамоғ беришга рухсат йўқ. Итга бер тамоғингни»,— деди. Ман ёлунуб: «Жон тўра, кундузги тамоғидан туз ҳам татигони йўқ, шунинг учун атайлаб ош қилуб келдук. Бетоб ош учун юраги эзилган эди»,— десам елкамга мушти билан уруб, туртуб, сўкуб-сўкуб чиқориб юборди. Намоз-

30

шомдан бақа турма орқасинда йиғлаб-йиғлаб ўлтуруб, энди келдим. Бу нима бизга мунча кўргулик! (*Йиғлар.*)

А к б а р б о й (*чопуб пичоғини суғуруб*). Азбаройи худо, ҳозир бошини қесмасам, ман турк боласимасман! (*Чиқа бошлар.*)

А ҳ м а д ж о н. Тортинглар! (*Ҳаммалари ушларлар.*)

А к б а р б о й. Қўюб юборинглар, номардлар, қонимга ташнаман! (*Ҳаммалари тортушуб.*) Тўхтанг, тўхтанг!

10 А ҳ м а д ж о н. Акбарбой ака! Худо ҳаққи, тўхтанг, бир оғиз гапим бор!

А к б а р б о й. Нима дейсиз? Мани шу ишдан қайтармоқчимусиз?

А ҳ м а д ж о н. Қайтароламан, чунки: «Сизларни сўзларингиздан чиқмаймиз», деб қасам ичмовдиларингми?

А к б а р б о й. Уҳ, қалтис гапурдингиз-а. (*Ўлтурур. Ўлтурушарлар.*) Уҳ, ўша қасамни кўзимизга кўрсатасиз-да.

20 А ҳ м а д ж о н. Ўлдурушга келганда, биламанки, ҳар бирингиз мундой хонларни мингини бошини кесуб ҳам ўзингизни саломат олуб чиқуб кетасиз. Локин муни би-ла иш бўлмайди. Муни зарари бизга эмас, мана бу ер-да ғариб бўлуб ёткон олти юз кишини ҳаммасига зарари бор. Муни ўлдирасиз, ўрнига бундан баттар иккинчи бир хон келур. Унда нима қиламиз? Бир ифлосни касофатига шунча биродарларингизни мусибатга қолдиришни қандай виждонингиз қабул қилади?

А к б а р б о й. Шулар ҳам одам боласими, охир?

30 Мундай хўрликларга бўюнсинуб ўлтургондан ҳар биттамыз бирини ўлдуруб, ўлганимиз минг мартаба афзал. «Ёвни бири ҳам кам», дейдилар-ку! (*Турарса тортушурлар.*) Қўйвор, дедим, эркакликка ҳақорат келтургон хотунлар!.. Бораман, ўзумни ўлдураман, тўхтанг, дедим!.. Худойим бор, устозлигингиз йўлумни тўсаётпти. (*Ўлтуруб.*) Худди ўзумни ўлдураман!

А ҳ м а д ж о н (*Қобилжонга*). Чилим солинг! (*Қобилжон солуб тутар. Чекуб туруб.*) Акбарбой ака, ман била Сайидхонни сизга ҳеч бир ҳурмати борми?

А к б а р б о й. Ҳурмати бор учун тўхтадум, бўлмаса «Илон изидан, йигит сўзидан қойтмас»,— дейди. Аҳмаджон ака, биз сизлар бор учун туруппиз, бўлмасам, бир кунда мингини саранжом қилиб кетамиз.

А ҳ м а д ж о н. Бўлмаса, сиз ҳозир шу ишни қилсангиз. Биринчиси Сайидхондан, иккинчиси мандан ажрайсизлар. Чунки бизни иковимизни нима эканлигимизни шу ердаги хонлар ҳаммаси билади. Албатта, биздан кўради. Шундаймасми?

Ҳ а м м а л а р и. Албатта, албатта!

10

А ҳ м а д ж о н. Биз буларни бу қиличлар била кесуб одо қилолмаймиз. Муни ёхши билинг! Чунки, бу хонлар ер юзида бир милён, икки милёнгина эмас. Булар биздек меҳнаткашларни озлик тарафдан эмас, ҳар тарафдан занжирлаган, ҳар биримизни тўрт-беш тарафдан қоровуллаган, биласизми? Буларни эзув ва буларнинг истибдодларидан қутулув учун бирдан-бир чора бор бўлса, дунё юзидаги меҳнаткашлар бирлашиб умумий бир инқилоб ясамоқ — мундан бошқа чора йўқдур. Дарвоқе, ҳали икки хурсандлик манга ҳосил бўлди, дединг, а!?

20

Ҳ а м м а л а р и. Қани, айтнинг?

А ҳ м а д ж о н (*болишни тагидан бир хат олуб*). Мана, ҳали бир хат келди. (*Ҳаммалари тикилурлар*.) Эшикда Холмат бор-а?

Р у с т а м. Бор, бор.

А ҳ м а д ж о н. Мана, бу хат. Ҳу, Султонжон-чи, китобхонадаги.

Қ о б и л ж о н. Ҳа, ҳа, бўлди.

А ҳ м а д ж о н. Ана ўшандан келди. Хўқанддаги ёш юрак ўртоқларимиз бирлашиб Андижондан Убайдулло Хўжаефни ёшируқча Петроградга юборган эканлар. «Улар саломат боруб, даклад қилишган экан. Туркистонга Қеринский, Куропоткин деганлар келуб, ҳозир бутун амалдорлар ўрунларидан тушаёпди», деди.

30

Ҳ а м м а л а р и. Ростми? Ростми?

Қ о б и л ж о н. Қўрбоши била ҳоким бекор бўлганмукин?

А ҳ м а д ж о н. Ҳеч бири қолғони йўқ эмиш.

Ҳ а м м а л а р и. Худога шукур!

Қ о б и л ж о н. Бечора Сайидхон акамга эшиттур-  
сак бўлар экан.

А ҳ м а д ж о н. Биродарлар! Шу тўпни ичидан баъ-  
зи сирларни очуб айтадиган шу ўлтурган юзбошилар-  
сиз. Сизлар, албатта, юракда сақлайсиз. Биз Рустам  
иковимиз шу ошни қилдируб, бу хатни мазмунини ёзуб,  
иликни ичига солган эдик, шояд очуб ўқур, деб. У бе-  
чорани бахтига, у бадбахт жавоб бермапти. Энди, май-  
10 ли, эртага ҳар қандай қилиб буни билдирамыз.

Ҳ а м м а л а р и (*қарашуб*). Ҳа, албатта, билдириш  
керак.

А ҳ м а д ж о н. Энди яна ман бу кеча бир туш кў-  
рипман. Мана шу тарафда бир зўр тўқай эмиш. Ичида  
ҳар хил заҳарлик ҳайвонлар югурушуб юрупти. Бир  
маҳал бир тарафдан бир қучоқ ёнгон ўт келди-да, ту-  
таб, ҳаммаси ҳалиги ҳайвонлар била баробар ёнди.  
Шуни ичида бир қизил байроқ кўтаргон Сайидхон пай-  
до бўлуб, менга шошилуб байроқни берди-да, ўзи ос-  
20 монга кўторилди. «Ҳой, қаерга борасан?» десам, «Сиз-  
лар энди ишни қилаверинг, ман аршга бир одамни ҳу-  
зурига бораман», деб учуб чиқуб кетди. Мен ўйлай-  
ман: яқин фурсатда ҳуррият ҳам бўлуб, бу золимлар  
бутун қирилуб битадирлар.

Ҳ а м м а л а р и. Илойим, бўлсун!

А ҳ м а д ж о н. Лекин Сайидхонни учуб кетушига  
ҳайрон бўлдум.

Қ о б и л ж о н. Учмоқ — мартаба, дейдилар. Ман  
ўйлайман: улуғ бир амалга минади-да.

30 Ҳ а м м а л а р и. Тўғри, тўғри!

Шу ҳолда Х о л м а т кирур.

Х о л м а т. Аҳмаджон ака! Манга узоқдан икки қо-  
ра кўринди. Ким экан, деб турсам, келишди. Маҳкам  
юзбоши била яна бир милтиқ ва қилич, тўппонча тақ-  
қон бир йигит, танумадим. Сизни отингизни айтуб, ки-  
ришга рухсат сўради. Ман сўрай, дедим. Киравер-  
синми?

Аҳмаджон (*чиқар*). Қосимжон бўлса керак, чунки у кун хат юборган эди.

Қосимжон, Холмат кирарлар.

Қосимжон (*юзини очуб*). Қалайсиз, Аҳмаджон ака!

Аҳмаджон. Оҳ, Қосимжон, саломатмусан? (*Ҳаммалари ҳам кўрушурлар.*)

Қосимжон (*ўлтуруб*). Хўб, саломат бормусизлар?

Ҳаммалари. Алҳамдулилло, алҳамдулилло, ўзингиздан сўрасак? 10

Акбарбой (*чилиим солуб туруб*). Бизни волида қалай?

Қосимжон. Йиғлаб-йиғлаб, дуо деди.

Қобилжон (*чилиимни олуб чека туруб*). Ораси шунча яқин, тез-тез келуб ҳам турмайсиз?

Қосимжон (*чекуб туруб*). Бир золим начальнига учрагонмизки уни гапуришига ҳам тоқатим йўқ. (*Чекуб бўлур. Бошқалари ҳам.*)

Ҳаммалари. Ҳамма жойга баробар тарқалган экан бадбахтлар! 20

Қосимжон (*Аҳмаджонга*). Хўш, Сайидхон тирикми? Манга ҳаммадан шу керак. Сўрадим. Сўрасам ҳам яна сўрайман.

Аҳмаджон. Худога шукур! Лекин начора! Ҳар қолда агар унга бирор нарса бўлар экан, баробар бўламиз. Ҳозир шу тўғрида хафалашуб ўлтурувдик.

Қосимжон (*атрофга қараб*). Буларни ичида ўнг чаплари ким?

Аҳмаджон. Буларни ҳаммаси чап, очуб гапуру- шаверинг! Янги хабарлар борми? 30

Қосимжон. Мани қўлимга аввали куни янглиш бир хат келуб тушди. Бу хатда «Санавбар бетоб бўлуб, икки ойдан кейин ўлди, мумкин бўлса Қосимжонга билдиринг, тезлик билан етуб келсун»,— деган.

Аҳмаджон. Ростми? Ҳа, ростми?

Қосимжон (*кулуб*). Қайдоғда рост, биласизми, бу бадбахт қўрбошини ҳийласи.

Ҳаммалари. О, бадбахт-ей... Шу ердаям тинч қўймайди-я.

Қосимжон. Шу хат била баробар мангаям бир хат келди: «Ҳовлидагилар ҳамма сиҳат ва саломат...» Қўрбошини хати бу, хатдан қанча аввал, (*уйлаб*) қирқ кун аввал...

Аҳмаджон. Хайрият ҳам сани қўлингга тушкони. Хўш, иннай кейин?

10 Қосимжон (*қўйнидан икки хат олуб*). Уруғимизни Расулжон педан бир халта бор. Халтани ичида бир дона дўппи. Дўппини очсам, ичида мана бу хат. (*Аҳмаджонга беруб.*) Бунда айтгонки, қўрбоши сизни синглингиз тўғрисида уша ердаги начальникга хат ёздуруб, хатда Сайидхон, Мирзабой ўғли хоин, ҳукуматга қарши бир киши. Шунини бир илож қилиб қўлдан чиқормай, котирга юбортуринг! Фалон, фалон, [деган].

Ҳаммалари. Ростми! Ростми!

Аҳмаджон. Қосимжон! Оҳ, бу қандай бўлди? Бу бахтбахтлиқ қайдан келди? Оҳ, тушум хатарли эди.

20 Қосимжон (*туруб юруб*). Мана мен шунинг учун шошилуб чидаб туролмай келдим. Қўрасизми, биродарлар? Бизни бошимизга қандай кулфатлар соладилар... Ҳамон биз шундай ноҳақ қурбонлар беравераимизми?

Акбарбой (*туруб*). Айтмадимми, мен ҳозир ўлдурай, деб. Сизлар мани йўлумни тўсдиларинг! Ҳали ўлдурамасам, мана энди ўлдуруш ҳозир фарз бўлди.

30 Қосимжон (*елкасига уруб*). Ўлтуринг, ўлтуринг, қаҳрамон оғам! Бу хоинлар ўз мақсадларига етушмасдан илгари ўзлари ҳам қурбон бўладилар. Майли, бизлар халқ учун қурбон бўламиз, келажакдаги бу қавм озод яшасун. (*Акбар ўлтурур.*) Уртоғлар! Мана бу хоин ноҳақ зулмига қарши янги хабарлардан ҳам эшитинг!

Ҳаммалари. Қани, Қосимжон ака!

Қосимжон. Мен сизларга ишонаман. Бо вужуди ўз қўлоғим билан [эшитдим,] бир сўз айтаман, қабул қиласизларми?

Ҳаммалари. Ўлумга ҳам ҳозирмиз.

Қосимжон. Ҳақ номидан қасам бераман. Оғиз-

ларингиздан чиқарманг! (Аҳмаджонга.) Оғам Аҳмаджон! Сенга ва буларга муборак бўлсун. Бизи тўпда Ванка деган бир рабочий риволуциёнер бор эди. Шанба кун қочуб Петроградга кетди. Мен кечалаб пойизга чиқаруб қўйдум. Манга бир хат кўрсатди. Хатни мазмунига қараганда, бугун-эрта хуррият қуёши туғади. Ер юзидан золимлар битади, биздак ғариб, фақир меҳнаткашлар бу қора зиндондаги асорат ва ажал занжирларидан бўшолуб, ёруқ дунёга чиқади. Битсун (туруб) қонхўр бойлар! Мустабид золим Николой ва анинг бармоқлари бўлган хоин чиновниклар! Яшасун мазлум миллатлар! Биздек ноҳақ тухматлар била эзилиб келган темур панжалик меҳнаткашлар!

Ҳ а м м а л а р и. Яшасун! Яшасун!

Қосимжон, Аҳмаджон ўпишушурлар.

Парда тушар.

### ТҮРТИНЧИ ПАРДА

Саҳна: Санавбарнинг хос уйи бўлуб, яхшигина безалган. Еш қиз бўлуви муносабатида тоза кўрпа ва кўрпачалар солунган. Ўртада сўри кўрпа солингандир. Тўрнинг сўл тарафинда ҳовлига бир эшик. Тўр тарафидан эшик тарафга бош бўлуб ётоқ солунган. Устида Санавбар нотоб, яхшигина кийинган ҳолда ёткан. Бош тарафда лавҳ (товча) устида тиётр, рўмон китоблари. Халча хола, Хайринисо ўлтургон ҳолда парда очилур.

Хайринисо. Хола, мана кетушканигаям анча вақт бўлди. Яқин ўрталарда келишуб қолишар, дейман.

Халча хола. Мана шу бошимиздаги ой тўлса, олти ой роппа-роса бўлади. Ҳадемай эсон-омон келишуб қолади болаларим.

Хайринисо. Ҳайриятам сизни бефарзандлигиниз, бошингизга шундай кулфат ҳам тушмади. Мана, тинчгина ўтурубсиз. Агар ўғли-пўғлингиз бўлганда, бизга ўхшаган айрилуб, қон йиғлаб ўлтурар эдингиз. (Ийғлар.)

Санавбар пешоналарин силаб, кўз ёшларин аргуб турар.

Халча хола. Вой, болам, боласи йўқ учун жуда бепарво, деб ўйлайсизми? О, болам! Бир ёғдан бефарзандлик доғи бўлсаям, бир ёғдан жумла мўминни боласи учун мен ҳам анча ғам-койиш тортуб умрим ўтади, болам! Кошки болам бўлса эди. Майли эди насибаси торткан бўлса, эл қатори бирим боруб келарди.

Хайринисо. Тўғри айтасиз-у, хола, тирик айрилгандан ўлук айрилган минг мартаба яхши экан, 10 юракларим эзилди-кетди. (*Йиғлаб.*)

Халча хола. Ахир, алҳамдулиллоҳ, сизларни давлатларингиз бор, биттамас, иккита-учта одамни ёллошга қодир эдингиз. Нимага Қосимжонни ўрнига одам олиб бермадингиз?

Хайринисо. Эй хола, муни тегини сўраб, мани юрагимга тагин ўт ёқманг! Қўрбоши ер юткур ўчашуб қилди-да!

Халча хола. Бирор иш ўтканмуди?

Хайринисо (*Санавбар «бор» ишорасин билдируб*). 20 Ҳозур муни айтадиган вақти эмас, бошқа вақт фурсати билан гапураман.

Санавбар (*бошин ошуқуброқ кўтаруб, суялуб*). Мандан яшуруб нима қиласиз? Ё холамдан яшурасизми? Муни билмаган одам фарзандиям қолдими? Мани акамга ҳеч ким сабаб бўлгани йўқ, фақат сиз! Андин кейин дадам сабаб бўлдилар! Бечора акам бўлса, жоҳил отамни феъли-фаросатлигига аччиқ қилди-да-кетди! (*Йиғлар.*)

Хайринисо. Жоним қизим, ҳамма вақт сан мандан кўрасан! Бирорта марта мен отангни гапига кирдимми? Сани тўғрингда емаган калтакларим қолдими? Тагин мундан ортиқ нима қилай? Мен бир заиф киши бўлсам, қўлимдан нима келади? (*Йиғлаб.*) Жоним қизим, у ўзимни Қосимжон дардидан юракларим зангор, муни устига сен ҳам мунча доғламагин! (*Кўз ёшин арта.*) 30

Санавбар. Қизни фарёдаси — она, ўғулники ота бўлади. Биласизми, бўлар иш бўлди. Мани гапум малол келганин ўзим ҳам яхши биламан! Лекин ҳар ҳол-



да ўзумдан умидим йўқ учун танамдан жоним чиққунча гапураман. Чунки ман ўлум кишисиман. Мендан сизлар ҳам умидларингизни узинг! Мен сизлардан бўлсун, бошқасидан бўлсун умидимни узганман. Шунинг учун уёлишнйям ўзумдан отуб ташладум. Сизгаям гапуравераман. Пул учун имон ва қизини сотадиган отамгаям гапуравераман. Мандан кейин битта қиз топинглар-да, ўша қонхўрга беруб, муродларингга етинглар! Боям бўласизлар, баобрўям бўласизлар. *(Йиғлар.)*

Халча хола. Ҳой, жоним болам. Сиз ундоё гапларни гапуруб бечора онангизни кўп қўрқутуб, қон қақшатманг! Сихат-саломат бошингизни кўтаринг, бир гап бўлуб кетар, охир!

Санавбар. Хола, сиздан бир озгина уёлуб турупман, бўлмасам жудаям юрагим куюб ўртанган! Худодан бошқа ҳеч ким мени ҳолимдан ҳам хабардормас! Мани дардимни чорасиниям қилолмайди. Биласизми? Манга ўлумдан бошқа ҳеч бир ёрдамчи қолмади. Қўйинг, шу дардимни қўзғаб, мениям, ўзингизниям кўнглингизни ранжутманг! *(Узолуб ётур-да, рўмолчаси била кўз ёшини артуб йиғлаб.)* Оҳ, худойим! Бу кундан мани ўлдурсанг, минг мартаба рози эдим!

Хайринисо *(юруб чиқа бошлаб, Халчага «Сиз бир оз насиҳат қилинг» ишорасин билдируб)*. Хола, бир оз ўлтура туринг, мен бирорта чой дамлаб келай. *(Чиқар.)*

Халча хола *(юзларидан силаб)*. Жоним қизим, бошингизни кўтаринг, бир оз гаплашайлик. Мен атайин сиз учун келганман-а!

Санавбар *(бошини кўтаруб)*. Вой жоним-ей!!!  
Халча хола *(кўтарушуб)*. Бисмиллоҳу раҳмону раҳим! Айналай пир арвоҳлардан.

Санавбар туруб сочларин кўкраги устина ташлаб, рўмолчасин бошина солдуруб йиғламосираб турур.

Халча хола. Болам, мунча ўйлануб, ўйлануб хафа бўлмасангиз. Қўюнг-е! Сизга нима мунча ғам боис! Бир гап бўлуб кетар!

Санавбар. Холажон, қайси мазҳаб, қайси динда бор! Қўра билуб туруб, қизини икки хотуни бор бир

золим қонхўрга кучлаб бериш? Жон хола, инсоф, раҳм, шафқат деган нарса ҳеч қолмадими? Ота-боболарни расмлари қурсун! Менга ўхшаган қизларни ва Султондек йигитларни вақтсиз ажал била қора ерга ниҳон қилдилар. Бу қандай шариат? Бу қандай мусулмончилик? Ўз сўйганинг, ўз муҳаббат қўйганинг бўлмагандан кейин у тирикликдан минг мартаба ўлум яхшимасми? Жон хола, сизни бошингиздан ўтмаганга ўхшайди! Оҳ, худо-ей! (*Йиғлар.*)

- 10 Халча хола (*халқга томон*). Вой, худо-ей! Мен хатни қандай бераман? Бу гул навдадай қиз ўз-ўзини бир бало қилмаса гўрғайди. (*Санавбарга.*) Жоним қизим! Ҳамма айтганингиз тўғри, лекин у жувон ўлгур қўрбоши бўлса, ҳозир юртни сўраб турган бир катта бало бўлса, биров у ер ютқурга бир нарса деёлмаса, ҳоким, кироиш қози, мингбошилар уни чизган чизиғидан чиқолмаса, энди бечора ота-онангиз ҳам қандай қилсун? Бир бало қилуб қўяди, деб қўрқади-да, болам! Бўлмаса, наҳотки шунча давлати бўлуб туруб, бори
- 20 бир ўғул, биргина қиз бўлсаларинг-ку, сизларни шунақа кўз ёшларингни тўкузуб ўлтурса. Отангиз ундақа жудаям ноинсоф кишилардан эмас. Садағалари кетай, шариати мустафоға бўюнсунган, уламоларни сўзларидан чиқмайдиган батавфиқ киши-ку, болам!

- Санавбар (*сўзин кесуб*). Қўйинг, хола! Уламо деб тағин мани ёндурманг! Уйи куйсун, хонавайрон бўлсун ўша пулдорларга сажда қиладиган жоҳиллар! Ушалар шариатни поймол қилди-да. Уммати Муҳаммадни хароб қилди, хароб қилди! Бу ҳақсизлик, бу ҳурриятсизликларга ўша хонлар сабаб бўлди, хола. Бўлмаса, Фарғонада бўлган шунча минг мусулмонни бир хонини шу қадар хўрлабдими? Шу қадар оёғ-ости қиладими? Оҳ, насл-насабини таниган бир арслон йигит чиқмадики, бир ўқ била жонини жаҳаннамга юборса-да, мунча минг фақир-фуқаро бу қоронғулуғдан ёруғлуқга чиқса.

Халча хола. Ҳой, болам, сизга нима бўлди? Уламоларга тил текузманг, киши кофир бўлади-я!

Санавбар (*аччиғ ила*). Уламони ёқлаб гапур-

манг, дедим-ку, хола! Мен сиздан яхшироқ биламан, чин уламо ким? Хоин ким? Агар бизни орамизда ҳақиқий уламо бўлса эди, бизни бошимизга бугун мундай қора кунлар тушуб ўтурмас эди. Биласизми, қани уламо? Гўрда ё онасини қорнида! Унда ҳақиқат учун фидокорлик, жонбозлик бўлмагандан кейин у нима, бир одамдан туғулган иблис нима? Ўзларингиз камоли жаҳолатларингизни кўплигидан худодан қўрқмайсизларда, уламодан қўрқасизлар. Қўйинг, хола, кўп куйдурманг! Кучум олдумда ўтирган одамга етади. Дилингизга озор бераман. *(Йиғлар.)* 10

Халча хола *(халқға)*. Бу ўзи ҳам жувонмаргбоп экан. Илмга тил текизуб ўтирибди-ю, бунга раҳм нима? Хатни бероверай, тагин қўрбошидан бир балойи азимга қолуб ўлтурмай. *(Санавбарга.)* Айналой, болам, ҳамма гапингиз тўғри! Манам эшитуб, жуда сиз учун юракларим эзилуб юрувди. Энди нима қилайлик, болам! Тақдирга тан бериш керак. *(Енини кавлаб эшикга қараб.)* Ман кетай энди. Анаву бизни маҳалладан кетган бир рабочий бор эди. Ўша амакингиз ўғли Сайидхон била бирга кетувди. 20

Санавбар чўчуб тинглар.

Ўшандан битта хат ёзуб юборган экан, Сайидхон таъинлагон эканки, *(бир тугунчани олуб очмоққа тутуб)* «Ота-онаси билмасун, худди Санавбарни ўзига беринг», деган экан. Мана шуни олуб келувдум, *(узатуб)* мана, болам, бувингиз билмасун.

С а н а в б а р *(шодлиғ била олуб йўғуб)*. Вой, холаей, бир шаҳар берганча бўлдингиз-да.

Халча хола *(туруб)*. Ман кетай бўлмаса. 30

С а н а в б а р. Хайр, хола!

Халча чиқур.

Хат? *(Кўкрагига босуб.)* Манга хат юборгансан, унутмагансан, оҳ, Сайидхон! Сани манга қўйган муҳаббатинг ҳар кимни қошида бир ҳақиқат! Биламан, ҳеч жойда мани унутмайсан! Лекин бир озгина фақирлик сани

- Бахтингни тийра қилуб туради. Буям ҳеч гап эмас. Ман отангни энг тамоғлари қуруб бир томчи сув учун зор йиғлаб турган ҳолда дуосини мустижоб вақтида олганман. Биласанми, албатта, бу дуолар бекорга кетмас. *(Хатни олуб ёпуб.)* Вой, очгани *(ушлаб)* юрагим титрайдики, дийдор кўрушни яна узоқроқга солганмукинсан, деб. Йўқ, олти ой бўлди-я, келиш вақтинг бўлди! Балки йўлга чиқдик, деб ёзгандирсан? *(Ошиқуб очуб ўқий бошлар-да, тобора даҳшатлануб, чўчуб, бир қўли била сочларин тирмалай бошлар. Сочлари юзина тўса борур. Кўкрагин ва юзларин тирнай бошлаб, жонлануб.)* А! Нима? *(Хатни ғижимлаб.)* Унгулми, тушумми, оҳ! *(Ҳар тараф жовдироб.)* Сайидхон ўлган! Совуқда қолуб ўлган, вой!! Йўқ, йўқ! *(Қичқируб.)* У бадбахт золим тарафидан бўғулуб ўлдурулган. *(Зор йиғи била сочларин ёзуб.)* Оҳ, жоним Сайидхон, мани деб шу қаро кунларга тушдинг! Улдунг! Улдунг! Золимлар сани ёш умрингни ҳазон қилдилар! *(Ошиғуб.)* Йўқ, энди манга навбат. Ман ваъда қилган эдим: «Сенсиз бир нафас тириклик манга ҳаром»,— деган эдим. Сани ўлганингга бир ойча бўлди. Ман хабарсиз! Оҳ, жоним Сайидхон, афв эт! Руҳингни шу чоқча кутавердим! Лекин мен айблик эмас, чунки хатингни мен энди олдим, жоним! Мен у золимларни муродига еткузушга *(қичқируб)* бу виждоним қабул қилмайди! *(Сурунуб давот, қаламни олуб, кичик бир хат ёзар-да китоблари устига ҳар икки хатни қўюб тура бошлаб.)* Хайр энди, бевафо дунё! Бу қонхўр золимларни мукофотини санга топшураман. *(Деворға оғур ҳол била суркалуб туруб.)*
- 30 Сайидхон! Жоним Сайидхон! Сабр қил! Бир ой сабр қилдинг, яна бирор соат сабр қил! Ҳозир ёнингга Санабаринг боради. *(Кўкрагин тутуб.)* Оҳ, Сайидхон! Бу дунёда золимлар тўйимизга монёъ бўлган бўлсалар, охиратда ҳам монёъ бўладиларми? Йўқ-йўқ! Жоним, биз ҳуру ғулмонлар била тўйимизни ўткозамиз! *(Эшикка юра бошлаб.)* Оҳ, Сайидхон! Улаётганда мани кўз олдингга келтуруб, «Ман ўлдум энди, Санабар!..» дегандурсан. *(Жиркануб.)* Йўқ, йўқ! *(Қичқируб.)* Мен у қадар мурдор жармас, манга бу жиноятларни руҳим

қабул қилмоқға ихтиёр берсун! (*Эшик олдидан беҳоллануб.*) Уҳ, уҳ! Оҳ, дин ишини савдо ишига айлантургон озуқ қурбонлари! Бизни хароб қилдингиз! Уҳ, уҳ! Уз кайф-роҳатингизни кўзда тутуб, ислом оламини хароб қилдингиз, хароб қилдингиз! Уҳ, уҳ! Яна шу ҳолда ярим аср давом қилсангиз, билло, ислом унвонида, дунё юзида тиллардан кўтарилур, оҳ, Сайидхон! Ҳамиша умидида қонлар йиғлаган ҳуррият замонини кўролмай ўлдунг! Лоақал бу хоин мустабидларни палид бошларини оёғлар остида поймол бўлганини кўзимиз била кўрсак эди, оҳ! (*Чўчуб.*) Мен таъзир қилдим-а? Йўқ, йўқ! (*Эшикка ярим чиқуб.*) Мани жоним ширинлик қилгани йўқ. Минг жон бўлса, санга қурбон қилдим, Сайидхон! Роҳатдан, шу дунёдан кетай, деб сани сўзларингни хаёлимга солдим, жоним! Оҳ, манда бир армон қолган, у ҳам бўлса, бўйнингдан қучуб, юзингга термулуб жон бермоқ эди. Оҳ, нодон халқ учун қора кўзларингдан тўкган ёшларингга Санавбаринг қурбон бўлсун. Хайр энди, ғурбат хонам! (*Чиқар.*)

Бир оздан сўнг Хайринисо, Карим ҳожи, Қозихон кирурлар. 20

Қозихон. Санавбар қани? (*Ултурушурлар.*)

Хайринисо. Шунча мадоринг етмайди, десам ҳам унамай, боғ била Зайнабхонларникига ўтуб кетди.

Қозихон. Охири шу қизни ҳам бошига етасизлар! Иннай кейин хотиржам бўласизлар-да. Сизларни нодонликларингиз миллионча шундай қизу ва барно йигитлорни ер била яксон қилди. Мендан ҳам ўзларингиз хўб яхши биласизки, муни бетоблиги фақат ўша Сайидхонни дарди-муҳаббати, бошқа эмас. Сизларга нима бўлди? Бегона эмас-ку! Мунча пул учун ўлмоқ! Почча, шунча давлат камлик қиладимиз сизга? Биргина қизга раҳмингиз келмайдимиз? Нодонликларингиз шунчаки, йигитни яхши-ёмонини қўясиз-да, пули борми, обрўйи борми,— бўлди! Қиз ўтга ёнсун, майли! Мана, муни қаранг! Бу бечора мунда бетоб. Бир, Қосимжон, мана, ғурбатда сарсон-саргардон, икки, у бечора Сайидхондан ажралуб, бечора поччам йиглаб, йиглаб,

икки кўзи кўр бўлди, ўлди, уч, бечора аям бир бош ўзи қолуб, бирор мартаба ҳолидан хабар олмайсиз, уям ўлар ҳолатга етди, тўрт, тагин ҳам Сайидхон ўқуғон бир йигит учун сабр қилди ва тақдирга тан берди ва сизи ҳурмат қилди. Бўлмаса, аллақачон бошингизга на кулфатларни солган ва қизингизни бирор тарафга олуб қочуб кетган бўлар эди. Мунча шўриш ва мусибатларга фақат ўзларингизни жаҳилликларингиз, шариатдан кўз юуб, ботил расм-русумларга амал ва этиқодларингиз сабаб бўлди. Яна охири нима бўлади, маълум эмас. Бошида ўша ман айтган вақтда «хўб» десангиз мундай фожиалар ҳам йўқ эди.

10 Қарим ҳожи. Бўлар иш бўлди энди, Қозихон! Мен қайдан билай мундай бўлишини, бехосдан бўлдида! Ўзингиз билмайсизми? Қўрбошини жабр-ситамини қаттиғлигини? Бизни қўлимиздан нима келарди! Юрт, ҳамма шунни тарафдори.

Қозихон. Мен ҳозирдагини этганим йўқ. Уша ман этгон вақтда ундай-мундай демасдан, бир қошуқ сув била никоҳ қилиб қўя қолсангиз бўларди, дейман.

20 Қарим ҳожи. Хайр, хатни ўқинг! Ҳали ҳам ҳеч гап бўлгани йўқ! Ўзимниям кўзум очилди. Қўлидан келганини қилсун.

Қозихон (ўқур). «Баъдаз адои маросими дуо етуб маълум бўлсунки, мани илгариги ёзган хатларим шояд етгандур. Шукурлар ўлсун, бизлар сиҳат ва саломатдурмиз, сизлар ҳам анда саломат бўлингиз. Сўнг-ра сўз шулки, бечора Сайидхонни отаси ниҳоятда қийналган эмиш, сиз ҳаргиз марҳамат қилмас эмишсиз. Қиблагоҳим, бир кун бизларни ҳам бошимизга шундай кунлар тушмоғини хотурда тутинг, бир оз ёрдамда бўлинг. Агар ҳануз ҳам пулпарастликни шумлиғи қалбингиздан кетмаган бўлса, Тожи мирзода мани уч юз сўм пулум бор. Шунини олдуруб беринг, албатта. Агар кўрбоши била Санавбар ўртасидаги масала қўзғолса, биз боргунча тўхтанг! Бўлмаса, мани ўғул ҳам ҳисобламанг, яхшилик ҳам кутманг. 1916 йил 1 январь. Қосимжон ва Сайидхон». Мана, почча, тушундингизми? (Шу ҳолда кўзи китоблар устидаги хатга тушуб, олуб очуб ўқур, ўзгора борур.) Эй, бу нима хат?

Икковлари. Вой, нима хат, ўқунг? (*Ўқур.*)

Қозихон. «Сиз Санавбарга дуои салом. Маълум бўлсунки, Сайидхон қорга ботуб, ўн кун бетоб бўлуб, марҳум бўлди.

Карим ҳожи била Хайринисо «Ана, вой ўлай», деб турурлар.

Ул ёткан вақтда манга кўп ёшуруқча гаплар айтган эди. Хатга ёзуб бўлмайди. Улмай саломат борсам, ўзум айтарман. Ассалом алайкум. 15 декабрь. Отабой».

Хайринисо. Вой, ростмукин, энаси эшитмасун-ей! Вой, худо-ей. (*Йиғлар.*)

Қозихон. Йўқ, опа, бу ёлғон хат!

Хайринисо. Ростми?

10

Карим ҳожи соқолни ўйнаб ўлтурур.

Қозихон. Ҳа, бу ўша малъун қўрбошини хийла-си, опа! Бу хатни ким олуб келди?

Хайринисо. Билмайман! Лекин ҳозир ўша қўрбошини маҳалласидаги Халча дастурхончи келувди, ўша олуб келгандур.

Қозихон. Мана холос, рост бўлди-қўйди. Энди билдиларингизми? Кўзларингиз очилдими? (*Кўруб қо-луб иккинчи хатни олуб очуб ўқуб туруб.*) Ҳалиям қизингизни беринг шу хоинга! (*Шу ҳолда чўчуб кетуб.*) Ҳай, опа! Қизингиз қаёққа кетди? (*Ошуқуб туруб.*) Қани, дейман?

Карим ҳожи ва Хайринисо (*ошуқуб туру-шуб*). Нима? Нима гап?

Қозихон. Вой, опа, қизингдан ажрадинг!

Шу ҳолда Комилжон ошуғуб кирур. Қўлида шоҳи рўмол.

Комилжон. Вой, Хайринисо опа! Санавбар опам боғда ўзларини осуб ўлуб қолиптилар!

30

Бирдан фарёд қилуб чиқарлар.

Парда тушар.

**БЕШИНЧИ ПАРДА**

Саҳна: Тилавой работ бўлиб, саҳна ўртаси тўқай. Тўрт тарафи қорлик ўрмон, ариқ ва кўпрукдир. Тўрнинг ўнг тарафидан начальник консиляриясининг ёни, ёзув столи, бир дона курси, дафтарлар. Тўрда деворда картина — Николайни хотунини тасвиридир. Тўрнинг сўл тарафинда турманинг ёрми бўлуб, тўрдан эшик. Сайидхоннинг икки қўли, бир оёғи боғланган ҳолда. Искрифка бир оз чолинур. Сайидхон бир мисра шарқий ўқуғоч, парда очилур.

10

Битсун истибдод ила асорат,  
 Чиксун чин қуёш — ҳуррият!  
 Эзилдук мунча разолат била,  
 Майдонга келмаган ҳақорат била.

Сайидхон. Оҳ, бахти забун, разолат ҳаддан фузун, мақхур жаҳолатдан бу жафолара мажбур шарора зулмата ёнмиш, маҳосимларинг ноҳақтир ёйлари била кўксини қизил қонга бўётмиш. Турк насли эконлигингизни, бугун била аввалги ҳолларингизни фарқ эта оласизми? Оҳ, қани уни фарқ этмоқ учун сизда ҳақиқий бир ғайри дин, ўзингизни имтиёз эторлик бир назар! (Сукут.) Эй, палид оёқлар остида хас-хашакдан разил ўлгон бечора мазлум меҳнаткашлар! Иффат ва номуслари ваҳший солдатлар ҳужуминдан поймол ўлгон паривашлар! Биласизми, сизни бу кунларга дучор ва бу давосиз дардларга гирифтор ўлмоғингизга сабаб нималардир? (Сукут.) Билинг, бечоралар, сизлар-да ҳар тарафиндин ўйлаган айби йўқ маъсумсиз! Чунки: маъсумлигингизга бу фожиаларни дафъидан ожизлигингиз зўр шаҳодат бера олур. (Сукут.) Афсуски, сизни бу қадар жаҳолат сархушлиғида колгонингизга ярашур, иккинчи тарафдан, бу золим Николайнинг тахт истибдодига ва бу маснаднишинларингиз неча залолатга элин макон бўлсангиз эди, бахарҳол бу дарднинг чораси топилур эди. (Уйлануб.) Балким бу истибдод разолатингизни сўнг минутларидир. Ажиб эмас, вобаста дил шарифина восил ўлурсуз. (Туртунуб.) Эй қийматлик оғоларим, бу маҳзун аҳвол била бу совуқ қоронғу турма ичинда не сабаблар била бундай жаҳаннам азобларини чекуб ётконимни кўз била кўрсангиз эди, шояд

30



қалбингизга бир оз таъсир қилур эди-да, ўзингизни оёқ-қўлингиздаги маънавий кишан ва занжирларни ҳақиқий басир ила кўрор эдингиз! (*Қичқируб.*) Ман одам ўлдурмадим! Киши молини ғасб қилуб, бу ҳолга тушконим йўқ. Ишонасизми, оғоларим, мен сизларни асоратдан қутқазаман, ҳақ-ҳуқуқингизни тонутаман, деб бир мустабиднинг шахсий адовати била шу ҳолларга келдим. (*Бир оз туруб.*) Оҳ, Санавбарим, суюклу дилбарим, Сайиндинг, боқмайсанки, на ҳолда, балки сен у боғчаларда ўртоғларинг била ўйнаб юргондурсан! Агар мани ҳолимни эшутсанг, чидаб турармидинг? 10  
Йўқ... йўқ... ҳаргез чидаб туролмасдинг. Оҳ, афсуски, фарёдими санга еткюзолмайман! (*Эшикга қараб.*) Санавбар, Санавбар, кўр бу турма эшикларини! Оҳ, қандай чиқуб ман санга ўзумни еткуза оламан... Оҳ, Санавбарим, мен ўлумга маҳкум золимларнинг ноҳақ ўқларин кутуб ётаман. Юрагимда бир армон бўлса, [у ҳам] сани жилмаюб тургон юзларингга қараб жон бермоқ эди. Афсус! Афсус! (*Йиғлаб.*) Насиб ўлмас, насиб ўлмас. Оҳ, бу ўртамиздаги мингларча чақирим 20  
бўлгон масофа узоғлигини табиий бир қудрат бир-бирини қўшмаса! Эй вой, бу умидларга қани чора, қани илож? (*Хаёлга кетар.*)

Бу тарафдан турма эшигидан Санавбар кўрунуб.

С а н а в б а р. Сайидхон! Сайидхон! Ман келдим!

Сайидхон чўчур, чўкуб қараб турар.

(*Жуда йиғлаб.*) Мани нотинч қилма, жоним. Бир оз сабр қил, кўрушармиз.

С а й и д х о н (*сурунуб*). Санавбар, кел, жоним! Маҳбубим, келдингми! Ҳозир ухлагон эдим, қандай тез 30  
келдингки!..

С а н а в б а р. Қандай тез келдим — шундай тез қовушармиз.

С а й и д х о н. Оҳ, Санавбарим, ростми? Қир бу ерга, ҳамон шу ердаям, қочуб турасанми? Мен жуда соғиндим. Мани жоним, кир! Севиклигум, кир! Маҳбубим,

кир! (*Сурунуб эшикга борур-да, турманинг решоткаси-на юзин суртуб.*) Жоним Санавбар, кир, дедим. Бир нозик бўйингдан қучуб, юрагимдаги ғамларимдан халос топай, жоним!

С а н а в б а р. Сайидхон, андак сабр қил, ҳар мақсадингга етасан! Ҳозир муборак бир соат бўлурки, икки тўй бир бўлур.

С а й и д х о н (*ошуқуб*). Нечук, қандай, жоним? Тез айт, сабрим қолмади.

10 С а н а в б а р. Хуррият, хуррият, хуррият! (*Ғойиб.*)

С а й и д х о н (*тездин ўзгаруб, ўйлануб*). Оҳ, хуррият, хуррият!.. (*Эшикга қараб.*) Санавбар! Санавбар! (*Халқга қараб бошин силкуб.*) Йўқ, хаёлим бу, хаёлим. (*Бир оз туруб.*) Йўқ, энди хуррият, хуррият! Албатта, хуррият замон келди. (*Шодлануб.*) Оҳ! оҳ!!! Бу мани сўнги минутларим шекиллик, ҳеч кимга сир бўлмаган бир нидойи ғайб, уни мен ўлмасдан илгари эшитаман. Ҳақиқий маъшуқаннинг келув хабарин мажози маъшуқа оғзиндин эшитаман. Оҳ, миллионларча

20 Сайидхонларни бўғзиларини қизил қон ва жирларин қора туфроқга ниҳон эткон бир ишва ва карашмасоз хуррият!.. Оҳ, хуррият, хуррият! (*Ииқилур.*)

Солдат ҳар тарафга юруб турур. Бу тарафда начальник келуб, курсига ўлтуруб, дафтарлар оросидан бир хат олуб турар-да сўзлар.

Н а ч а л ь н и к. Мани дунёда бир орзувим бўлса, бир революциянерни ўз қўлум била отуб ўлдурур ва анинг типирлаб жон бермоғин кўзум ила кўрур эдим. Афсуски, қўлга тушди, на чора? Тегишлик ерига юборишга тўғри келади. (*Чиқар-да, турмага кирар.*)

30 С а й и д х о н (*бошин сал кўтаруб*). Холмат! Рустамжон ака!

Н а ч а л ь н и к (*оёғи била тепуб*). Ҳой, собака, кўтар бошингни!

С а й и д х о н. Оҳ, хонин! (*Қийнолуб кўтарур.*)

Н а ч а л ь н и к (*хатни ўқуб*). «Хўқандлик Сайидхон Мирзабой ўғлини Хўқанд начальнигининг тафтиши ва ҳукумат шпионларининг шаҳодатича, ҳукуматга қарши

Бир киши эканлиги ҳақиқат бўлуб чиқди. Ҳукумат қонунининг 181-рақамли моддасига биноан, агар ўзининг ўрнига ақалли икки кишини кўрсатуб, ўз ишига тавба қилуб, ҳукумат ишига киришмағон чоғда отилуб ўлдирилажақдир».

Сайидхон сукут қилур.

Мана, сани ҳаққингда қарор шул. Агар сан Хўқандда ўзингдан бошқа ҳукуматга қарши кишиларни бизга билдиришни ўз устингга олуб ҳамда ўзинг оҳранлик вазифасин ўтаб турсанг, шул вақтда ўлумдан қолуб, 10  
ҳукуматнинг энг яқин кишилариндин бўлурсан! Бўлма-са, ҳозир аристантний вагон сани вокзалда кутуб туради. Ўйлаб, жавоб бер.

С а й и д х о н. Оҳ, хоинлар! Сиз мани виждонсиз, номуссиз ўйлайсизми? Йўқ, йўқ, мен ажал қошинда эканман, мен энди очуб айтайки, мен ҳақиқий инқилобчи, бу мустабид Николайнинг эмас, бутун ер юзидаги империалист ва копитолистларнинг ришталарин қирқув ва аларнинг вужудларин бечора меҳнаткаш учун ўзлари ясағон жаҳаннам мошиналарида ёндуруб, (аччиғ 20  
ила юруб) кулларин кўкка совурмоқ учун ҳақиқий яратилгон бир ишчиман, биласизми?! Сайидхон, сиз каби олчоқ ва виждонсиз, палид яратилгон буржуй эмаски, ўз кайф-роҳатини тўртдан бир ҳиссасига дармон бўллмагон бир қисм кумушга пок виждонини сотувинда тазаллум зиндониди мани ўзум каби сурунуб ёткон мазлум миллатларни ёруғ дунёга чиқарувинда жонбозлик қилуб юргон ҳақиқий инсонларни бўғизларин сизни нопок ханжарингиза таслим этаверсин. Оҳ, хоинлар, ташланг бу хаёлни! Ўзингиздек биз хоин эмас. Биз 30  
идеясини сотувчи мурдор эмас. Биз оз бўлсак-да, иншоолло, бу пок, ҳақиқий маслагимиз сизларни бир кун дунё юзиндин маҳв этар!

Н а ч а л ь н и к. Бас, бас! Мен сенга насиҳат қил, дегоним йўқ! Ажал қошидасан. Санга мен раҳм қилуб, ўлумдан қолдирув чорасин гапурдум. Мендан бошқа киши бўлса, ҳали терингдан қамчи кўкартургон бўлар эди. Ўйлаб сўйла! Пушаймон қил!

С ай и д х о н. Дедим-ку, палид мурдор! Мани дунёда истагон энг бахтлик соатим бўлса, мана, мана шундай дақиқаларда сандек палидларни юзига тилагимни сўйлаб, ҳуррият йўлида шаҳид бўлувдир. Олчоқ, кет, кўзимдан йўқол! Охират жаҳаннамини келтуруб, мени ёндурасан, бу пок маслагимдан қайтадургон вужуд эмасман. Оҳ, муборак ўлум!

Н а ч а л ь н и к (*эшигини очуб*). Солдат, кир ич-кари!

- 10 Солдат кирар. Бирор солдат милтиқни ҳозирлаб, Сайидхон кўкрагина тираб турар.

Дегин энди, ҳозир сани шунда саранжом этмоқға ҳам ҳаққим бор. Лекин саботлик киши кўрунасан. Шерингини айтмасанг-да, ўз ишингдан қайт! Охранлик хизматини қилишни устингга ол!

С ай и д х о н. Алҳамдулилоҳ, мақсадимга эришдим. Муборак ўлум! Мен бугун истибдод қурбониман. Бу кунни эртаси бўлмасми? Бўлур!

- 20 Н а ч а л ь н и к. Раз! (*Тўхтаб*.) Турон ўғли, ҳозир ўл! Умрингдин икки дақиқа қолди. Қайт бу маслагингдан!

С ай и д х о н. Мен ҳозирман. Ёлғуз шаҳодатға, иблис ўғли, таъзир қилма! Бер фармонингни!

Н а ч а л ь н и к. Два! Ҳой! Жонингни қадр-қийматини билмаган жоҳил, умрингдан бир минут қолди. Бир фармонлик ишинг қолди. Қайт! Сандан кўп ишларга мумкин, кўп марҳаматларга эришасан!

- 30 С ай и д х о н. Дедим-ку, мурдор! Сандан кўпроқ ман ажални кутуб тураман. (*Халқға*.) Оҳ, ширин ажал, муқаддас шаҳодат! Бизни бир томчи қонларимиздан тездан қизил гиёҳлар ўсуб, аминманки...

Н а ч а л ь н и к. Три!

С ай и д х о н. Раббим! (*Сукут*.)

Н а ч а л ь н и к (*тепуб юборуб*). Собака, энди санга қулоқ солувчи бир киши йўқ. (*Чиқадилар*.)

С ай и д х о н. Оҳ, хоинлар! (*Йиқилиб ётар*.)

Начальник ўтуб, кансилярияга кириб, тезда хат ёзмоқға бошлар.

Қосимжон кирур. Честь берур-да, кўришурлар. Начальник жой кўрсатур, ўтирмасдан сўзга кируб.

Қосимжон. Господин начальник, ҳозир манга бир кўруб чиқув учун рухсат беринг!

Начальник. Мен сизга айтдимки, рухсат йўқ. Ҳозир ман уни арест вагон билан жўнатаман. Фармон шул!

Қосимжон. Бу қандай тазаллум? Сиз биргина кўрбошини ёзган содда хати билан бир кишини ҳақиқатсиз шу ҳолга соласизми? 10

Начальник. Биз сиз мусулмонлардек аҳмоқ кишилар эмас. Бизни қўлимизга топширулгон қоғоз городской начальник ҳамда тафтиш комиссия тарафундан юборилган ишончли қоғоз ила ҳақиқат қилинуб ўтган. Энди сизни законингиз била бузуларлик ҳол йўқ.

Қосимжон (*тўппончасига қўлин тираб, ушлаб*). Балким начальник ва ҳайъатларингизни бирлашмасидан чиққондур?

Начальник. Сиз бизни хоин демоқчимусиз?

Қосимжон. Тағин нима десам экан? 20

Начальник (*қочиб туруб*). Значит, сиз ҳам Сайиднинг бирими?

Шу ҳолда бир солдат қўлида бир қамчи, югуриб ўтар.

Иккингизни баробар юборишга тўғри келди.

Солдат кируб, честь берур.

Солдат. Господин начальник, йўлда ҳамма рабочий халқ железный дорога ишчилари байроқ кўтаруб келишурлар. Революция бошлангонга ўхшайди.

Начальник. Ҳа, нима? Тўғрими?

Солдат. Балли! 30

Қосимжон бир отур. Начальник йиқилур-да, солдатни ҳам отур. Сайидхон чўчуб қулоқ солур. Рабочийлар югуриб келурлар. Қосимжон Николайни суратин начальникни бошига уруб, шу вақтда музыка «Интернационал» ҳавоси оҳиста-оҳиста эшитилур ва рабочийлар била ўтуб кегур. Уқтин-ўқтин милтиқ овози келур. Музыка бу тарафдан, Сайидхон чўчуб бош кўтаруб, музыкага қулоқ солур.

С ай и д х о н. Оҳ, бу қандай ҳазин товуш? (*Музика қаттиғроқ.*) Оҳ «Марсельез», «Марсельез»! Ҳуррият, ҳуррият! Яшасун ҳуррият! Оҳ, ҳуррият, инқилоб! (*Тебранур.*)

Музика, милтиқ [овозлари] сусланур.

Оҳ, кўрдум, кўрдум, шукур, ҳуррият, ҳуррият!

Музика, халқ санжоқ била кирар. Милтиқлар отилур. Тўпанурлар-да, турма эшигин очуб, Қосимжон, Аҳмаджонлар кирур.

- 10 Қосимжон (*Сайидхонни қучоқлаб*). Оҳ, Сайидхон, муборак бўлсун ҳуррият!

Кўтаришурлар-да олиб чиқуб, ўртага тўн солиб, ётқизурлар. Сукут.

С ай и д х о н (*Қосимжонга*). Санжоғни кўтар! Кўзумға!

Қосимжон (*санжоғини энгаштируб, юзиға кетирур.*) Муборак бўлсун, Сайидхон!

С ай и д х о н (*юзина суртуб, ўзгаруб, ўлум ҳолда*). Шукур, шукур. Мен энди розиман. Оҳ, ажал!

- 20 Туртуниб, жон берурға тиришур.

Қосимжон ва Аҳмаджон. Сайидхон, санганима бўлди? Ҳой, Сайидхон! Сайидхон!

Сайидхон бир кўтарилуб, жон берур.

Қосимжон. Оҳ, жоним оғам! (*Қучар. Санжоғни устига ёпар.*)

Похоронний марш чалинур.

- 30 Ҳуртоқлар! Бу қандай қурбон! Қимлар учун қурбон! Миллиард сўмларга томчи-томчи қимматлик қонларини сизу биздек меҳнаткашлар учун фидо қилган ҳақиқат қурбони! Бизни бу қонларимиздан суғорилган бу қизил гулшанлар бошқа заҳарлик илонларни ўстурго-

ни йўл бермас. Кўзунгизни очинг! Биз бу қурбонларни шодлик билан бергонимиз учун, кўрасизми, мукофотига мана бутун меҳнаткашларнинг бу қизил санжоғина абадий қурраи арзга урамиз. Кўтаринг, бу ҳақиқат шаҳидини мангу роҳатига кузатайлик! (*Кўтаришурлар.*) Абадий роҳатда яша, Сайидхон! Унвонинг дунёда қолур. Сани ҳар бир ерда исмингни ёд қилгоч, халқ эҳтироминг учун оёқга қалқурга мажбурлар. Яшасун мазлум меҳнаткашлар учун жонини қурбон қилган фидокорлар! Яшасун сенларни қонларинг била суғорилгон шу Учунчи Байналминалнинг қирмизи байроғи! 10

«Байналминал» чалинур.

Парда тушар.





ТУГАЛДАНШАГАН  
АВАРЛАР  
ЭСКИЗЛАР



**БИЗДА СИЕСИЙ ИНҚИЛОБ ТАРИХИ**  
**ЕХУД**  
**МУСОФИР ШОҲИД ҒУЛОМ (АННОМ) АФАНДИ**

**БИРИНЧИ ПАРДА**

Саҳна: Лондондаги «Жаннет» отелинда 15-номерда бўлиб, тамом инглиз ашёий нафиса устол ва курсилар, китоб шкафлари, кийим шкафлари ва бир кичик устол устинда альбом, қалам, даво. Деворда Ғулом афандининг тасвирлари бор Ғулом (Анном) афанди зийнатланган ва уй либосинда, қўлида зўр мажалла (ислом ҳақида) тарих мутолаа ҳолинда парда очилур.

**Биринчи манзара**

Ғулом афанди (*бир оздан сўнг, юриб туриб*).  
 Филҳақиқат, сўз англичанларча шундоғ бўлиши керак. 10  
 Чунки сўзингизни уст тарафидан қараганда, исломнинг  
 файласуфлари — сизни муҳтарам устозингиз, ислом  
 адиблари — сизнинг ҳақиқий роҳибларингиз, мунинг  
 учун хизматга қасос ва мукофот ўла жаҳолат сабаб-  
 лик у файласуфларнинг нозик маъниларидан ва у ро-  
 ҳибларнинг ингичка адабиётларидан бус-бутун маҳрум-  
 ликда қолган бечора ислом аҳолисига муаллимлик этиб,  
 буларни-да ўз даражаларингизга етказмоқ виждонан  
 вазифайи башарияннгиз ва шунинг учун исломнинг қад-  
 ру қийматини англамайдирган Русиядек ваҳший бир 20  
 ҳукуматни қўл остига тушса — яна мундан неча дара-  
 жа жаҳолат остида эзилиб, бора-бора ХХІ—ХХІІ аср-  
 ларга бормай, шундай шавкатлик бир миллати ислом-  
 ни дунё юзидан маҳв ўлувини ҳозирги асрнинг жаҳон-  
 гири бўлиб турган инглиз ҳукумати қошида энг улуғ  
 номус ва абадий тарихий бир таъна бўлиб қолувин  
 назарда тутиб, ислом мамлакатларини идораларингиз-  
 га олмоқдасиз. Чунки агар Шарқдаги ҳануз жаҳолат  
 ва ғафлат сармастлиги билан исломнинг ҳақиқий ма-  
 даният ва маорифиндан маҳрумликда қолиб келиб 30  
 турган Туркистон ва Туркистони Чиний, Афғонистон,  
 Эрон, Хива ва Бухородан майда хонликларни ҳам  
 идорамизга олиб, тезлик билан ўзлариндан олган тар-  
 бияларимиз билан тарбиялаб, маданият ва тараққийга  
 бошласак, аларнинг ўз наслиятларинда келмаган қо-


билиятлари соясинда оз фурсатда яна биздан неча даража ортиб, шул вақт бизлар, бир тарафдан, вазифай башариямиз адо қилинган, иккинчи тарафдан, келажакда дунё юзини қоплайдиган буюк бир миллат билан туз-намак даражасинда айрилмас бир дўст бўлиб қоламиз ва бу дўстлик бир-биримизни илал абад ҳукуматимизни пойдор ўлмоғина биринчи сабаблардан бўладир. Мана шу садоқатларимиз ишончиси учун биз мусулмонни бир томчи қонини ўз каъбасига ўт қўювдан ортиқ гуноҳи кабира ҳисоблаб, ҳар ишни оҳисталик ва мулоҳимлик билан фақир-фуқаро халқ ризолиғи билан ишламоқдамиз. Бўлмаса, ўзимиздаги маданий қувватларга таъниб кўрнамаклик қилсак, қаҳрамон аскарларимизнинг оёқ ила босиб борув муддати кутдирмаса, оз фурсат ва Осиё тамоман қўлимизга кирмагига аввал кўк малаклари тасдиқ эталар, деб ўзингизни энг меҳрибон исломга ҳақ шарафиндан юборилган алодатдан махсуб ўлинду. (*Упар.*)

10 *М о л ю з а (туғмаларини ечина бошлаб).* Оҳ, жоним Анном, сандан айрилгандан кўришганга қадар қанча заҳарлик дақиқаларни кучлаб ўтказсам-да, кўзим кулунч юзингга тушган баравар бус-бутун унутаман.

20 *Ғ у л о м а ф а н д и (кийимларини олиб туриб).* Тасаввурининг нозик назаргоҳига хато чекилган картиналар учун таъниб ўрнига латифона сўзлаб, ўзини ва мухотабини юпатмоқ қизларнинг махсус баҳодирона нажобатларидандир. Шунча илова қилоламанки, фақат бу хил тақсиротга йигитларни эмас, ёлғиз борлиқ хўжаси бўлган бир табиий қувватга айбламоққа ҳаққингиз бордир. (*Тўнларин қўйиб бўлур, ўтиришурлар.*)

30 *М о л ю з а.* Дунёда Молюзанинг Анномдан бошқа суйдуғи маҳбуб ва ҳамиша истадуғи матлуби қайда? Лекин биргина орзуси бор экан, у-да висол сонли даргоҳига келадиргон вақт жамол хайрини ўз қўли билан чиқиб эҳсон этмоғини таманнодан иборатдир.

*Ғ у л о м а ф а н д и.* Дуруст. Бу сабоқ янги ишқ шогирдларига бериладиган дарсларнинг энг аҳамиятлигидир. Лекин маҳорати ожиз-да мискин бир дарвишга қайсарнинг эҳтиёжи бор экан. Такаллуфсиз анинг



Ҳамзанинг «Йиғлама, Ваган» инсценировкаси учун ишлаган расми.

қошина кируб келмоғи мақсуда ноилдан бошқа эл қошинда у дарвишона қадр-қиммат ва ўртадаги ихлос ва муҳаббата нақадар баҳодир...?!

- Молюз а (*курсини суриб, сийна ўртасин Фулом афандининг кифтига қўйиб, икки қўли била қўлидан тутиб, юзина термулиб*). Жоним Анном! Биллоҳ! Кўк фариштасисан десам, муболага айтур деган қалбинг тамасхурона қилишидан қўрқаман. Ҳақиқат ҳолда шомни араблардаги сиймо каби (*кўрсатиб*), бу оқ, қизил
- 10 мужалло меҳроби убудият ишқнинг ҳар икки қанотига ҳар бири юз минг Молюза жонининг муҳосили бўлиб чизилган хуруфи қудрат ва нуқати табиат фақат сани англичан наслидан йироқ бир зубдаи инсоният ва жавоҳири башарият авлоди ўлдуғингни тарихин исботи учунгина шаҳодат калималаридан иборатдир.. . . .

- Ватан ва миллатим муҳаббатидан-ку сани муҳаббатинг ҳеч вақт голиб келолмайди. Лекин бир англичанкани кўзидан ёш оқизулар Шерали хонларни бўғзида
- 20 оқузган қон томчисидан қийматроқ туради.

### Иккинчи манзара

Молюза кирур.

Молюза. Дунёда менинг муҳаббатим, кўкнинг куёши Анном, қалайсиз? (*Қўл чўзар.*)

Фулом афанди. Мани қора кечамнинг ойи Молюзам, хуш келибсиз! (*Қўлидан тутиб ўпар-да, курсига таклиф этар.*)

- Молюза (*тўхтаб*). Жоним Анном! Бугунги таклифларингиз ҳар сафарги қизув таклифларга бутун ўхшамайди. (*Кайфсиз деворга суяниб, кармон боғини ўйнарга тутиниб.*) Магар бир сир бор.
- 30

Фулом афанди (*келиб бир қўлини кифтина, бир қўли била қўлидан тутиб*). Жоним Молюзам, бан шунчалиқ севаманки, умумий назарий муҳаббатингиз қаршисиндаги баний башар қаторинда турган лаёқатсиз Анномингиздан қатъий назар қилмайсиз! Шунинг учундир, албатта, бошқаларга бўлган озмойишларинда

башарият дунёсина жиноятдан уёлиб бизга хам қилиб ўтасиз. Ҳолбуки, қадами тупроғларин кўзига тўтиё қила олуви имкониятида бўлган бир умидсиз ошиқнинг маъшуқаси ўз-ўзича йўқолиб келувини қонли кўзи билан кўрув қайдан? Хабарни эшитув била фаноя етишур эди. Акс ҳолда, ишқ шавқдир қиссайи муажжамлариндан ўзини сақлай олган қахрамон Анномингизни бошқа латиф қувватларни таъсир қила олмоғига кўз-кўздалигиндаги даъвойи муҳаббатингиз шаҳодат бера олур экан. Бу-да жаннатдан дўзаха амрим ўлинон хариқ...

бир пушти паноҳ бўлиб кўрсатмоқчисиз! Аммо бу сўзни (*кўрсатиб*) бу китобда мутолаа қилган бир мусулмон, агар-чи осиелик, овруполик курраи арзнинг қайси пучмоғиндан бўлмасин, келуб ёки қайси бир ерда кўзига кўринган англичанни кўрувими? (*Фулом араблардек бир сажда, икки таъзим ила Молюза этакларини ўпиб кўзларина суртадир.*) Лекин манга ўхшаган қалбингизни энг қоронғу бурчакларинда тарбия кўрган, ички асрорингиз дафтарини дебочасидан итмомига қадар бу кўкрагига кўчириб чиққан Анном афандидан бошқа минг-мингларча ўртача тарбияларингизни кўриб, саҳван ё қасддан бўлсин, ислом ҳақинда оғзиндан чиқиб кетмаган анчайин содда бир сўз учун Қолкутта, Бомбайга ҳоким ё вакил оти билан сургун деб қоронғу зиндонларда суруниб ному нишонсиз кетган Аброрхон, Шералихондек ислом социалистлари-чи? Эй вой, яхшигина тушунадилар! Сиз бу сўзларни устини дўстона, остини душманона қилдик, деб алдамоқчи бўласиз! (*Кулиб.*) Ҳой, ҳой, ҳой! Бу фикрингиз, ўзингизча, хато, бизча, энг ҳақиқат, маънавий дўстлик. Нимага? Чунки биргина бу Анном афандини эмас, келажакда миллионларча Анном етиштирадиган энг муҳим ғайбий ва мураббий бор ўлса, у, шубҳасиз. (*Кўрсатиб.*) Мана-мана шундай ўзи қисқа, маъноси мунтаҳосиз жумлалардангина иборатдир. Анномни сиз англичан қилиб етиштирдингиз, сизнингча, аммо Анном кулли шайун рожиун илло аслиҳи амрина маъмурдур. (*Эшик тиқ-тиқ этар.*)

Ходим (кириб, честь бериб). Мумкинми?

Молюза киришга рухсат этар.

Гул ом афанди. Раҳм этсунлар. (Китобни жа-  
вонга солур.)

Ходим чиқар.

- 10 Ҳақиқат, бу жумланинг усти бизга душманона, чунки бу васваса жуҳалонинг муҳаббатини жалб этуви шубҳасиз. Аммо остича шундай бир дўстонага танг вақтларинда Мадина арабларнинг азонидек қалбингни роҳатлантириб ёввош-ёввош уйғотади...

### Учинчи манзара

- 20 ...Лондонда «Жаннет» богчасида (дарёси лабидаги) кўриладур. Кундуз соат учларда богчанинг (саҳна харитасинча) шимолий-шарқидан шимолий-жанубига қараб узун сизилғон йўл. Юрмоққа учун шимолий-ғарбисинда зўрғина Темза дарёсиндан Тартма кўл, кўлга қараб томоша учун ердан кўтарилғон бир манзарача. Усти оқ брезентдан ёпиқ катта парда. Кўл шимолий-ғарби тарафиндан темир бир панжара, панжаранинг ғарб тарафиндан гизма қайиқчаларнинг лиманчаси бўлиб, мрамардан тўшалган чиқув пилла почаси бордур. Шарқий-жанубидан истироҳат учун пўлатдек яхши скамейкаси бор. Ўртада 400 шомлик осма чақмоқ чироғи кўриниб, остинда ҳўкиз ҳайкали ўрнатилғон кичикроқ фонтан бор. Фонтан атрофида тувак ва ерда очилиб турғон турли гуллар бор.
- 30 Бир маҳбус ҳиндунинг фонтандоғи ҳайкалга топнуб турғони ҳолда парда очилуб, ҳинду қўлидаги жомини улуг бир таъзим била ҳайкалнинг оғзиндан тўкилиб турғон сувдан олиб ва юзларини суртуб орқага адоюу убудият била ғойиб бўлгандан сўнг Молюза кўринуур.

Молюза (оҳиста, оҳиста, ҳиндунинг кетиш йўлини қараб). Бахтлик, энг саодатлик эдим, қачон мен сенинг қулиниг бўлиб туғилган бўлсам эди. (Туриб, халққа.) Чунки кундуз ўн тўрт соатлаб тош қирқиб, кеч бир-икки соатғина билчироқ четли оғзинда тенгдошларим била (дўзах бағринда сан била баробар) бори умрда биргина тўймайдурган бу қурсоқлар қўйиндис-



дан дардлашиб, бешар соатдан хаёлсиз, фикрсиз, ҳаяжонсиз, ҳушсиз, оғир меҳнатнинг етиштирган яширин емишлариндан тўйиб-тўйиб ошагон бўлур эдим. Афсуски, Лондонда энг отоқли улуғ бир давлатманд белгили бир ҳирадмандмиз, Британия дипломатларининг буюк бир хонадонининг қизи бўлиб, бутун Англия хонимлари учун билим ва фани била суғорилгон минглаб бир ханжар бўлуб етишмоқда бўлсам-да, бир нарсадан — Анномнинг нозик юрагин яраламоқдан бус-бутун ожизман. Афсус, тағин афсус! *(Келиб, билмай ўзини фонтан ҳовузи лабига тизни урар. Бир ёндан кўзига фонтандан сув сачрар, чўчиб кўзини ва бир қўл бирла тизини тутиб.)* Худо-ей, бир минут шундай жонсиз нарсалар-да мени болалар каби мажнун этиб ўйнайдилар! *(Рўмолча бирла юз ва кўкрагини силаб.)* Қанчали хўрланам, шунчали шодланаманки, манзилнинг аввалгича турар. На қилай? Чидамоққа ошиқаманки, бошимда бўлгон соати бу йилларимни бузгон қоронғу узун шул кечаларнинг биринчи кечалари ёруғлиғи қуёшимдан-да маълумроқ каби бир очиқ ҳақиқатдир. Ман ўзим, Молюза, суюкли Анномга таъна урмоқга ман ҳақлиман? Йўқ, Анномнинг ҳақини шикоят учун бир ҳарф ёзган кишиларни алларин кесдириб, оғизларина кўрғошин қуйдирмоққа ҳақли, ҳар кучга молик бир суючи мана! *(Келиб скамейкага ўлтириб.)* Анном ким? Анном бир англичан деб махтансам, расмий бир киши ҳисоблагон бўламан. Анном кўзича чўлпон, юзича ойдан тушмиш меҳмон бир фариштадир. Анномда муҳаббат йўқ эмас. Аксари ишқ Анномнинг қалбидир. Анномнинг муҳаббати мусаррифнинг моли эмас, балки Буюк Британия маликаси Молюза учун табиат тарафидан тилсим эдила келмиш бир хазинадурки, бошқа бозора насиб ўлмас, лекин Молюзага фатҳ соати ҳануз етишмамиш эди. *(Ўз ўзини.)* Молюза! Молюза! Эй! Магар бу кунгу юқингда кўрилмиш илоҳий тасаввурот қаршусиғаки, у тилсим фатҳ ўлажақдир! *(Шодланиб.)* Тўрт йилдан буёнги юрагимдаги бу қоронғуликни ўзўзидан ёриқлаш бошлади! Байрам кунларин кун бўйлаб ўқиганларини тун бўйлаб ҳаракатсиз хаёл била

10

20

30

- бараваринда ўткарурман. Шу кун дақиқа сайин юз ўртасиға олмадилар. Ўхтин-ўхтин кўз олдимда Анномнинг... (*Молюза ҳиндуга боқиб, аста-аста фонтана келушиб.*) Кошки ман сандай қизгина бўлиб туғилсам! Дунёда ўзимни энг бахтлиқ санагон бўлур эдим. Афсус! Буюк Британиянинг жаннати бўлгон бу Лондондаги отоқли бир хонадонда туғилиб, бутун англичан хонимларнинг эскилик душманларини бўғузларин кесмоқ учун билим ва фаннинг энг суюк мадамлари била
- 10 суғорилиб ҳозирлангон ўткир бир қилич бўлсам-да, ҳар нарсадан юмшоқ бўлгон Анномнинг, (*кўкрак тугиб*) раҳмсиз, муҳаббатсиз Анномнинг юрагини яраламоқдан бус-бутун ожизман. Чунки кунда ёнингда 16 соат ёруғ дунё томуғи бағринда метин билан қаро тош қирқуб янчилар. Бори умрда биргина тўймайдирган бу қурсоқ кўйинда бир оз бурчим ҳақ бўлсам-да оғир меҳнатларни руҳ юпатқич, уйқулари билан дақиқаси йилларча кўринган шул бешар соатға фикрсиз, ҳаёلسиз роҳат билан ўткарган бўлур эдим. Минг афсус!
- 20 (*Келиб, ўзини фонтан кўтармасина тизини уриб юборур, юзига фонтандан сувлар сачрар, чўчиб юзин, бир қўли бирлан тизин тугиб.*) Оҳ, ёмон толе!.. (*Рўмолчаси бирла юзин артиб. Фонтана.*) ...биргина ёш била қонми? (*Кўзгусини афтунда йиғисини артуб тўкарга ҳозирланди.*) Зулайхонинг кўзларин ёшламоқ учунми?.. Юраги қора тошдан ясалган эди. Шафқат аллари чўзилмаяжак, бир маъбуд учун букилмагон тизларима сазо берасиз? (*Бир ал била аёғин силаб, фонтан кўтармасина терс йлтириб.*) Балли, на чоқли билим ва
- 30 фан изин билан тез одим отласанг-да ўзингга тилонгон бир муҳитга кирмоқ учун табиий ўз белгингни чўлпон тугторға ўргатмағач, ҳамиша киши ортинда эргашмоқнинг лоақал нодон ҳаким сўроқ қилгон бир нозаниннинг қаро бахти қадар бир аччиғида бўлмас. На учун? (*Кўрсатиб.*) Мана, мана, (*икки гул узиб, бир-бирини солиштириб*) чин кўз била текшириб қара ҳали! Мана, ҳар бириси бир тус, бир ис , бир мезожда кўринган бу гулларни бир уруғдан кўкариши шундай улуғ кучлик бир табиат қабул қилмағач, шул табиат-

нинг ўз тарафиндан яратилган инсоннинг алиндан на гелсин? Икки бош, икки хўжаси бўлган шул ноқис инсонлардаги икки юракними учинчи бир инсон бирлаштиролсин? (*Қаҳқаҳа*). Нақадар кулгили? Қулган сайин кулгинг келади. (*Бир оз ўйланиб, гулни ўйнаб, ҳидлаб.*) Балли, бир вақт сизлар инсонларни томоша қилган каби, бугун инсонлар сизларни томоша қилмоққа ўйрансалар ҳам мурдор бир хасталикларнинг кераги учун, асоссиз муҳаббатлар била ишимиз учун нақадар тарбия ва муҳофиза этувларига қарши ўт би- 10  
ла сув ичинда вужудларингизни чекламадилар. Мана, ҳар нарсадан терон саналгон шахснинг қалбиндаги номус ва муҳаббат, меҳру шафқат томчиланмоқда. (*Булбул сайров товуши.*) Оҳ, ўзим каби бахтсиз анис! (*Ҳар ёна жовдирар, қулоқ солиб турар, булбул, ниҳоят, сайраб, сокин қолур. Бош буриб.*) Балли, санда мани ишқли юрагимнинг Анном аталган тангрисиз зори-си каби инсонлар поймол бўлгон бу гуллар вафосизлиги ҳақида бир дoston ўқинг-да, гўё умид бўсағасига отлангон қадам учун таъна ва шикоят абётларин имзо 20  
этинг. Тўғриси айтганда, мани ўзимча очиқ равишда кулинг-да, кулинг! Ажабо, улуғ бир Британия этай... тутилгон суюк Молюза разил, ночор бир оиланинг кўчага ташландиқ... Анномдек етим, мурувватсиз бир йигит учун ишқ зиндонида қайғурурга... . . .  
минг йиллик бир парранда бўлиб-да бу гул ишқин-да шеър ўқидинг, орқасинда четлик ичинда қолувингни хотирга келтирмағонинг ким гулдай Молюза, Молюза... (*Бир оз ҳаяжонланиб.*) Таажжуб! Йўқ, ман на хил сўзладим? Ман ким... 30  
. . . . .

РАУЗА ВА ШАЙДО

Биринчи кўриниш

10 Матбаа махсус каттагина бир уйдан иборатдир, демак, идорахонадир. Уйнинг ўнг тарафиндаги эшик кўча даромади, чап тарафиндаги эшик босмахона эшиги, қарши тарафда— икки панжарали тераза. Уртадан саҳнага чиқадиган боқча мислликдир. Деворда ҳар хил хариталар, тилигрoф қоғозлари, афиша ва программалар, тақвим, соат ва мактублар оснғлиқдир. Унг тарафдаги эшик билан саҳна ўртасида бир устол, курсилар, устол устида ҳар хил дафтар ва қоғоз, сиёҳ, қалам, число... Қаршидаги эшик билан матбаа эшиги ўртасида ҳам устол ва курсилар, устида қоғоз, қалам, сиёҳ ва асбоблар. Матбаа эшиги билан саҳна ўртасида ҳам устол, курси устида қоғоз, қалам... Дераза олдидаги стол устида ёзув билан машғул ўтирур. Ш а й д о қўлида папирос ўраб, қараб турган ҳолда парда очилур.

Р а у ф. Шайдо, сўзлангин менга, хаёл сураяпсан?

Ш а й д о. Ҳеч сўрама, азизим, аҳволим кўп харобдур. Гўё йўлдан адашган кемачидек нима қилишимни билмайман.

20 Р а у ф (*кулиб*). Эсингда борми?! Кўрдингми? Бундан олти ой аввал санга нима деган эдим! Муҳаррирлик ниҳоятда қийин, бу ўйин эмас! Инсон қанча қаҳрамон бўлсаямки, енгиледи, азоб чекади, уялади! Ҳали бизга ўхшаган ёш муҳаррирлар асабийлашиб, ўз матонатидан...

30 Ш а й д о. Йўқ, Рауф, йўқ! На муҳаррирликнинг вақти, на мудирнинг уялтирадиган буйруқлари ва на цинзурнинг истибодди ва на маишатнинг торлиги мани ҳеч вақт сиқолмайди! Мани биргина эзиб, хароб қиладиган бир қувват бор бўлса, у фақат ҳаётдаги вафосизлик ва маъносизликдангина иборатдир. (*Уридан туриб, ниҳоят шиддат билан Рауфга.*) Худо ҳақи, ўйла! Бундай ҳайвонга ўхшаш еб-ичмоқ, беҳуда тиришмоқ нима учун? Қийиниб ясанмоқ, ётиб-турмоқ нима учун?.. Оҳ, шу маъносиз ишлар ва шу мазасиз ҳаётни ўйлаган чоғимда маънавий бир темир тирноқ жигарларимни тортқилайди. Кулгим келади, кулмайман, йиғлагим келади, йиғламайман. Ҳамма вақт маънавий бир қоронғулик ичида танҳолик итоблар жонимни сиқади,

гўё мени тездан маҳв қилмоқ истайди. Ҳеч бир кўнглимни юпатгудек бир ҳис ва бир қувват йўқ! Руҳимни шодлагувдек ҳеч бир умид ёки бу дардимга кутилган бир нажот йўқ. Кўнглимдаги тилагимга етмоқ истайман ёки у тилакдан умидимни узолмайман.

Рауф. Қўп қайғирма, азизим! Чунки, ҳар умидсизликда бир умид, ҳар умид, ҳар қоронғуликда бир ёруғлик бор. Лекин сабру матонат керак. *(Ва теразадан ташқари қараб, кўрсатиб.)* Мана, муни қара, сан энг фусункор улуғ шакллик бир юлдузни ахтарасан-а? 10  
Бу сани ахтаради.

Шайдо. Худо ҳақи, мен билан ҳазилни оз қилинг!  
*(Утирур.)*

Рауф *(кулиб)*. Қел, қўй! Хабарсизлар ҳамма вақт шундай асабий ва аччиғчан бўлурлар.

Бу ҳолда Рауза келур.

Рауза *(нози қарашма билан Рауфга салом қилиб, сўнгга Шайдога)*. Қалайсиз, азизим! *(Кўришар.)*

Шайдо *(кўришиб)*. Ташаккур, саодатим!

Рауза. Бобом қайда?

20

Шайдо. Ҳануз келгани йўқ.

Мажид. Рауф, Рауф! Бу ерга киринг!

Рауф. Ҳозир! *(Кириб кетар.)*

Рауза. Шукурлар бўлсин! Сизни ҳам кўрмоқ мумкин бўларкан! Шунинг билан икки марта келдим. Фақат, фақат сизнинг учун.

Шайдо. Оҳ, жоним, жоним Рауза! Бу марҳамат ва олижаноблигингизга қаршу шод бўлмоқ ўрнига юрагим сиқилмай қўймайди. Бундай абадий бир саодатга етишмоқ билан баравар, бир тарафдан, машқинроқ, иккинчи тарафдан, суюнчлик фавқулодда мани паришон қилиб, руҳимни кўкка жайрон қилдурди. 30

Рауза *(табассум қилиб)*. Жуда яхши, сўзлар вақтинча қолсин. Бугун кечқурун дарё лабига чиқайликми?

Шайдо. Бизни нафақатга муносиб кўрар экансиз, айни бахт ва саодатдир.

Рауза. Бу узун ойдин кечаларни уйқу билан ўтказмоқ, менимча, улуғ гуноҳдир. Бундай ёруғ кечалар-

да қайиққа тушиб, сайри-тамоша қилмоқ қандай нашъалик ва хаёлпарвардир.

Бу ҳолга Ашраф кирур.

Шайдо (*тездан ўзгарилиб, Раузага*). Гумон қиламанки, бу Ашраф афандим, сиз ҳануз танимагандирсиз. Бу киши мудиримиз Мажид афандининг ўғли. Ўзлари Европадан яқинда келганлар. Танишинг. (*Ашрафга*.) Бу жаноби рассомингиз Макс Мюллернинг қизлари мадмуазель Раузадурлар.

10 Ашраф (*энгашиб, қўл олиб*). Сизнинг билан бу танишмоқни ўзимга биринчи бахт ҳисоблайман.

Рауза (*кўришиб*). Ташаккур, афанди!

Макс Мюллер кирур.

Макс Мюллер. Рауза! Сен шу ердამисан?

Рауза. Ҳа, бобожон, мен сизни истаб келган эдим.

Макс Мюллер. Жуда яхши, шу суратларни берайин-да бирга кетайлик! (*Портфелидан суратлар чиқариб, стол устига қўйиб*.) Мажид афанди қайда?

Шайдо. Матбаададур, афанди!

20 Шу ҳолда Мажид билан Рауф чиқар.

Макс Мюллер. Мана сувратлар!

Мажид афанди (*очиб кўриб*). Жуда яхши, ҳай, ҳай! Хўп вақтида келдингиз. Сиз билан бир оз хусусий маслаҳатим бор эди. Чиқайлик, дўконда сўзлашамиз!

Макс Мюллер. Жуда яхши, қани чиқайлик бўлмаса.

Макс Мюллер, Мажид, Рауф чиқарлар.

30 Мажид (*чиқиб туриб, Шайдога*). Муродуф келган замонлари ишга кирсунлар! Бугун иш жуда кўп, эринчаклик қилмасинлар! (*Чиқар*.)

Шайдо. Хўб! Хўб!

Ашраф (*муҳаббат ва ҳурмат билан*). Омон, Шайдо! Бу қандоғ латофат? Бу қандай жозиба! Ҳамон бир

қарашда кишини асир қилади. «Фауст» муҳаррири тирик бўлса эди, жаҳонда биргина бўлган суюклиси Маргаритасини унутар эди-да, Раузага мубтало бўлур эди ва ҳам поёнсиз бир хаёл эмас, ёруғ бир ҳақиқат олдида бўлган бўлур эди.

Ш ай д о. Раузадек нозик иффат, суюклик, латофат йўқ!

А ш р а ф. Тўғри, тўғри. Ман Европада шунча юриб, ҳануз мундай фусункор дилфирибни кўрмадим.

Бир папирос чекиб, секин, секин ўйланиб чиқиб кетар.

10

Р а у ф. Мана, Шайдо, сенга қўрқинчли бир рақиб!  
Ш ай д о. Дарвоқе, ҳайф. *(Ниҳоятда таъсирланди.)*

ЛОШМОН ФОЖИАСИ

Биринчи бўлим

...Мани ўғлумни қолдируб бир ёшарлигидан ман айтаманки, бева-бечораларди бошига ҳар балоди солсангиз, кўтараверади! Аларди бир сафарда минг бор офатга дучор қилув осон! Лекин бойларди, амалдорларди ўғлини оламан деганда, ман ўйлайманки, бир оз тўполон бўлади. (*Пристуфларга.*) Нима дейсизлар?! (*Пристуфлар ҳокимга қарарлар.*)

10 **Ҳоким.** Ну, сўзланг! Нимага?

**Қўрбоши.** Энди бойлар билан амалдорлар ҳозир ҳаммамиз бир иттифоқдабиз, ҳар кимни ўғли ўзига хўб ширин! Мабодо боласи ширин дейилса, биздан айниб, бир тўполон чиқормикин, дейман-да! Бир илож қилиб, шу амалдорлар била бойларди қўлга олсак эди!..

**Ҳоким.** Ну, гапиринг энди! Мақсадингиз? Қандай қилиш керак? Мақсадингизни айтинг?

**Қўрбоши** (*пристуф, ҳокимларга қараб*). Энди... (*Сукут.*)

20 **Бой** (*бир оздан сўнг*). Ну, гапиринг! Қўрқманг! Бу ерда ҳоким йўқ! Маслаҳат қилингиз. Мундин кейин кўришмайсиз. Ҳаммамизга билдиришингиз керак!

**Бой.** Энди, борди-ю бойлар ва амалдорларди ўғлини олишга келганда, шуларди ўрнига камбағалларди ўғлиларини олиш мумкинмикан?! Гап шатта!

**Ҳоким** (*қўрбошининг елкасига уриб*). Қоладурсен! Шунинг учун сизни ман қўрбоши қилганман-да! Вот, биз (*елкасига қўлини қўйиб*) булар билан бўлган эдик. 30 Вот, сизникиям тўғри чиқди!

**Қўрбоши.** Энди шундақа қилганда, хийла тўполон бўлади!

**Ҳоким** (*келиб йлтируб*). Ну, энди ҳимоят бўлади! Энди тез ишлаш керак. Сиз ҳозир уйингизга бориб, юзбоши ва мингбоши-қозилардин ўзингиз билан икки кишини телефон билан ҳовлингизга тез чақиринг. Биз



ҳам борамиз. Ҳозир шундай ишларни яхшилаб қилуб эрта бирлан ишга киришармиз.

Қўрбоши. Хўп (*ўрнидан турар, чиқа бошлар ва хайр-маъсур қилар*).

Ҳоким. Албатта, тез бўласиз. Биз ҳозир борамиз. (*Узатурлар.*)

Парда тушар.

Қўрбоши. 3-часть пристуфи келмадилар? 10

Ҳоким. Ошиқиб айтингиз.

Қўрбоши. Ҳа, айтдим.

Ҳоким (*аччиғланиб*). Қўрбоши, ҳамма вақт сўз чала эшитгансиз. Ман айтдимки, 3-часть пристуфи бирлан 2-часть қозисини айтманг!

Қўрбоши. Қозиларни айтганим йўқ, аммо пристуфни эшитмай қолибман!

Ҳоким (*ўйланиб туруб, тездан қалам-қоғоз сўраб, бир хат ёзуб беруб*). Тез буни бир полиса билан юборинг, келиб қолмасун, қўрбоши. 20

Қўрбоши олуб, Аёзга берур. Аёз олуб чиқиб кетар.

Сиз билмайсиз, бу 3-пристуфга ўша кўп бўлмади. У шу сиёсат... ундан кўп ишларни ёшириш керак. У мусулмон бойлари ва ҳослари била муносабатин ман шундан сезаман. Балки бу кунги бўлгон мажлисни боруб айтар. Барибир ҳеч нарса қилолмайди, лекин ёмон бўлади. Яна эшитурлар.

Мингбошилар, қозилар, мирзо ва тилмочлардан киришурлар. Ҳоким ила ниҳоят биринчилик зиёратлаб кўришурлар. Утурушурлар. Қози фотиҳага қўл очур.

Қози. Ҳайр, оллоҳ шу дами паришон қилмасун, оллоҳу акбар. (*Ҳокимдан бошлаб ҳаммалари фотиҳа ўқурлар.*) 30

Ҳоким (*кулуб*). Ҳамма жойда ҳам фотиҳа эканда. (*Кулушурлар.*)

Қози. Энди, ҳоким тўра, фотиҳада иш кўп-да. (*Кўрсатиб.*) Хусусан манда қиз базм истаб бўлгандан

кейин қайтуб, қайтуб фотиҳа ўқушса лозим-да. (*Кулушурлар.*) Бу вақтларга баъзан икки-икки бўлушуб сўзлашурлар.

Бир хизматчи самовар кириттуруб, чой қуюб узата бошлар. Ича бошларлар.

Ҳоким (*3-ўст офицерга*). Қози, сиз масжид тўғриси нима қилдингиз?

10 Қози. Энди ман қўрбошига айтдим маҳаллани бир нарса бериб рози қилишни. Эллиқбошини бўйнига қўйдук. Фақат у тарафи юқоридан маҳкам бўлушида қолди. Одамларга буюрдик. Улар ишни бир оз ёпти. Лекин бирорта каттароқ ақча сарф бўлади-да. (*Кулушуб. Ҳоким кулуб. Қўлдагини ичуб.*) Албатта, бой керак, одам пулдан қочмайди!

### УЧИНЧИ ПАРДА

Мингбоши уйи бўлур. Устол ва тобаратка. Зийнатланган устол узосида ҳар хил неъмат ҳамда ичимликлар... била тайёрланғондур. Қўрбоши, Аёз Старший била оёқ устида.

20 Парда очилур.

Қўрбоши. Энди санга Аёзлиғинг билдирадигон замон келди. Ўзингни нима эканлигингни кўрсатсан-да!

Аёз. Додхоҳ, танамда жоним бор. Қўлимдан келган ишни дариг тутмайман. Хоҳ замон бўлсун, хоҳ бўлмасун. Ман жуда ошиқуб кетаяпман. Қани, айтинг, нима хабар?

30 Қўрбоши. Ҳозир ҳаммага эълон бўлади. Эшитаман. Бугун ман бир солдатга чақируб гапиришдан мақсадим ўша ўзинг билган ишни тўғрисида. Бир иш-ҳаракат қиласан-да.

Аёз. Қайси иш?

Қўрбоши. Ўша сур қозини қараши тўғрисида-да!

Аёз. Бир... бўлди.

Қўрбоши. Қампир жуда мақтаб юрагимни эзди-да! Олмасам, асло иложи йўқ.

А ёз. Қиши юборуб кўрдингизми? Отаси берар, дейман-ов.

Қўрбоши. Эсиз қиз, қани энди отаси берса! Шундай тадбир қилишга илож бўларми, денг. Отасини сира бериш ихтиёрида йўқ. Қиз бўлса, агар мани онам шу ишга рози бўлса, ўзумни ўлдираман, дер эмиш. Жуда ўқиган, олижаноб, дейди-да!



Ҳамза ўзи тузган драмтруппа қатнашчилари орасида. 1915 йил.

А ёз. Сиздек одамга бермайман, дейишга ҳадди бор эканми-я! Сиз урдасидан чиқиб ололмай юргон бир кишими?

10

Қўрбоши. Дуруст. Ман оламан бир минутда, турғилайман, лекин озгина хотунлар устига олишга ҳоқимдан уёлуб турупман.

А ёз. Мусулмонларда одатча олсам, айбмаслигимни ҳоким билмайди, дейсизми?

Қўрбоши. Дуруст, ҳоким билади, лекин ҳоким ҳар қанча дўст бўлса-ям, бир оз сиёсат тутуш керак, дейман-да.

Аёз. Маъқул, сиёсат, деб ундан кечуб бўлмаса. У эрлик бир хотун бўлса ҳам энг равшан иш осонроқ эди!

Қўрбоши. Эй, ундай палид экан. Ҳазратни қизи бўлса ҳам хотиржам.

Аёз. Ие, дод-оҳимни сизга айтайми?

10 Қўрбоши. Хўш, гапир.

Аёз. Сиз ўзунингизни хафа қилганингизга озор емайдургон бир иш. Ул шулки, ҳоким тўрага бир иш топуб туруб айтиш керак-да. Ҳоким тўра хўп, деса, бир бало қилиб олиш осон. Агар йўқ деса, у вақт бир иш бор, ўшани қиламиз.

Қўрбоши. Йўқ, ҳокимга айтиш. Қўя бер, ўшандан кейингина айт.

Аёз. Шошманг, отаси сиздан бошқага — бирор кишига берадиган ҳам бўлганми?

20 Қўрбоши. Унисини билмапман. Лекин мен сўраганимдан кейин тезроқ бир жойга беришни ҳаракатига тушканга ўхшайди, ҳамда отаси ихтиёрин ўзига қўйгон. Чиндан ота-онасида ихтиёр йўқ.

Аёз. Бўлмаса, ишқилуб олмасангиз ҳам гоҳо, гоҳо шуни бирлан гаплашуб юрушга розимисиз?

Қўрбоши. Нима қиламан? Албатта, манга олганимдан шундоқ гафлашуб юрганим минг марта яхши.

30 Аёз. Эй, ундай бўлса, яна икки марта босдуруб киши юборсангиз, қўрқуб, тезроқ бировга беради. Ундан кейин иш осон бўлади.

Қўрбоши. Қизни ихтиёрида бўлмаганидин кейин куёвга тегса ҳам барибир иш яна чатоқ бўлади-да.

Аёз. Сиз жиндек шошманг. Ичиб, гапингиз баланд бўлуб ва ҳамда... куёвга теккондан кейин қизи борми, чуруқ этсанг, эрингни турмага юборамиз, мақсадга еткунча мазани қиламиз-да! Ўзумизни ўша қулай экан. Законларимиз эсон бўлса, ул сани ҳам ишга юборамиз.

Қўрбоши (*елкасига уруб*). Омон бўл, Аёз! (*Қўришурулар.*)

А ё з. Шу ман... энди...

Қ ў р б о ш и. Шошма энди, яна мунда қулай бир иш чиқиб турубти.

Шу ҳолда бир киши келуб кируб, «Ҳоким келди». Чиқишуб кетарлар. Сўнг болдоғлиқ 1-, 2-приступ киралар. 3-ибдоши бирга.

Қани, баққа. Марҳамат қилингизлар.

Ҳ о к и м. Оҳо, зиёфат катта-ку!

Ҳаммалари ўтиришурлар.

Элликбошилар келмадими?

А ё з қўпуб турар.

10

Қ ў р б о ш и. Ҳозир келишади. Қози домла келган, ҳаракат қилаёптилар.

Ҳ о к и м. Сўкуб, яна намоз ўқияптиларми?

Ҳаммалари кулушуб, шароблар ичишур.

• • • • •

ПАРТИЯ МАЖЛИСИ

...Оташин нутқлар сўзланиб турса, ҳароратига исиб ётади. Бу, масала мана ўз-ўзидан ҳал бўлиб турипти. Бунга мажлис нима... (*Уйлаб.*) Ҳа, шошма, кечаси хаёлимга келган бошқа муҳим докладлар бор эди.

Еза бошлар, Мадалим кирар, ҳар тарафга сув ахтариб.

- Мадалим. Уф! Астағфирулло!
- Аҳмад. Хўш, Мадалим ака, нима гап тагин?
- 10 Мадалим. Ҳифзил сиҳат комиссари «Қайнамаган сув ичманг!» деб буйруқ қилган эмасми?
- Аҳмад. Ҳа, бултур эълон қилган эди.
- Мадалим. Шундан баққа ҳовлидан қайнатиб ичиб юрдим. Мана энди паноде! Ҳарсиллаб, чанқаб келсам, мунда бир қатра йўқ. Аригдан ичолмасам. Коммунистман, особий отделнинг одамлари кўрса, обориб қамаб қўяди, деб қўрқаман.
- Аҳмад. Тўғри, тўғри, юринг. Ман сизга топиб бераман, ҳам ҳали муни доклад қилинг. (*Тура бошлар.*)
- 20 Мадалим (*чиқа туриб*). Шундақа қилингки, худо хайр берсин!

Чиқарлар, Қосим, Пирмат кирурлар, ўтиришиб.

- Қосим. Мана, ўртоқ, шўролар ҳукуматини бизга қайси бир фойдасини айтиб берайин. Эски мусулмон замонда бизга беркилган маориф эшиги бутун очилди. Уқув ҳаммага баравар. Миллат айирмаси йўқ. Мажбурий туғён. Мана шуниси — бизни янгидан тирилмоғимизга биринчи бахт-саодат. Мана шунчалиги борки,
- 30 бизларни мактабларимизга ўқитмоқ ва ёзмоқ учун қоғозлар етишмайди. Матбуот учун ҳарф йўқ. (*Қўйнидан қоғоз олиб.*) Мана шунинг учун ман бу докладни ёзиб келдим, ризолуцияга киргизаман, деб ўқиб берай, сиз эшитинг, маъқул бўлса, ҳар тарафдан тақвия қиласизлар. 9-нчи қурултойда шуни ҳал қиламиз.

Шу ҳолда ҳамма аъзолар кирадилар. Сайиджон, Акрамбой, Қодиржон, Раимқул, Бозорбой, Аҳмад, Мадалим, бир рус, бир татар ўтиришурлар.

Сайиджон. Биродарлар, вақт ниҳоят нозик бўлганлиги жиҳатидан сўзни қисқа қилиб гапирганда, тездан мажлисга бир раис ва бир саркотиб сайлаб, ишга киришайлик, деб таклиф қиламан.

Ҳаммалари. Жуда яхши.

Сайиджон. Раисга кондидот кўрсатинглар.

Аҳмад. Биродарлар, биз агар-чи коммунист бўлсак ҳам, асл коммунизмдан хабаримиз мутлақо йўқ. Биз вакилларнинг аксари баъзида теша ушлаб ҳовлимизда райҳон, читти гул эккан билан кетмон ушлаб деҳқон қаторида ҳақиқий меҳнаткашмасмиз. Ёки баъзимиз эски Николайнинг вақтида матбуот ўқиб, илм орқасиндан нодон қолиб эзилган халқимизни инқилоб ҳиссини уйғотишга тиришиб, бир оз илмли бўлиб, зиёли отини кўтариб, айбдор бўлиб қолганмиз. Эски вақтда амалдор бўлиб сиёсатга тушунмаганмиз, ҳозирги политикаларни билмаймиз. Авж мана шунинг учун гарчи биз Туркистон халқи 98 пойизни ташкил қилсак ҳам бемазаликда бир пойизчамасмиз. Шунга кўра, мундай муқаддас мажлисларда бизлар ҳаргиз лойиқ эмас. Лозимдирки, ҳар бир ишдан хабардор европис ўртоғимиз Михаил сайлансин, деб таклиф қиламан.

Ҳаммалари. Тўғри, тўғри.

Сайиджон. Қарши киши йўқми?

Ҳаммалари. Йўқ, йўқ.

Сайиджон. Хоҳлаган киши қўл кўтарсин. (Ҳаммалари қўл кўтаришурлар.) Бир оғиздан қабул бўлувига биноан ўртоқ Михаил мажлисга раис бўлди. (Олқиш.)

Михаил. Биродарлар, албатта, сизлар бу улуғ воқеани менга топширдингиз. Мен сизларнинг ҳуқуқларингизни камокам ерга еткурмоқ учун қўлимдан келган қадар ёрдамда бўламан. Ҳамда, албатта, сизлар ишонмасангизлар, мани сайламас эдингизлар, деб биламан. (Олқиш.)

Аҳмад. Биродар Михаил, сиз ўзингизни танитиб

ўтиришингиз ҳожат эмас. Чунки эски вақтлардаям мен билет учун борганимда, бошқа бир одам бир ҳафтагача шалпиллаб бориб келиб ололмаган билетни менга уч кунда қилиб берардингиз. Шунинг учун сизни ҳақиқий коммунист, деб биламан, мунча ортиқча сўз ҳожат эмас. Тездан ишга киришсангиз.

Ҳ а м м а л а р и. Бидамиз, бидамиз.

10 М и х а и л. Мен раис бўлишим ила баравар таклиф қилдим: мажлиснинг протоколларини олиб борув учун бир дона саркотибга кондидот кўрсатсаларингиз.

С а й и д ж о н (*сўз олиб*). Биродарлар! Ҳар бир мажлисни тартиб билан ёзиб борув учун вазифа ўтаб келган татар биродаримиз Султонуфни кўрсатиб, таклиф қилиб товушга қўйиб қўяқолсак.

Ҳ а м м а л а р и. Тўғри, тўғри.

Р а и с. Қарши киши йўқми?

Ҳ а м м а л а р и. Йўқ, йўқ.

20 Р а и с. Хоҳлаган киши қўл кўтарсин. (*Ҳаммалари кўтарур.*) Ташланглар. (*Ташларлар.*) Бир товушдан қабул бўлувига биноан ўртоқ Султонуфни саркотибликка сайланди. Приздум неча кишидан бўлсин?

А ҳ м а д ж о н (*раисга*). Бу тўғрида манга сўз беринг?

Раис сўз берар.

30 Ман яна аввалги сўзларимни такрорлаб айтаманки, приздум бўлган кишилар ақллироқ ва асл меҳнатқашлардан бўлиши керак эди. Бизнинг ҳалиги зикр қилган айбларимизга биноан кичикликда бир озгина вақт темирчиликка шогирд кирган мана биргина Раимқул бор. Шунинг учун приздуми мумкин қадар озроқ, яъни яна уч киши сайласак, раис, котиб билан беш киши кифоя қилар, дейман.

Ҳ а м м а л а р и. Албатта, албатта.

Р а и с. Ман ҳам шуни таклиф этаманки, инқилобнинг ҳамма ички палитикаларидан хабардор бўлган кишилар сизлар-да. Шунинг учун ўртоқ Аҳмадjon айтгандек, уч кишидан иборат: бирига Раимқул, яна икки кишига ўртоқ Фёдоров билан Мақсумовни кондидотга қўйсаларинг.



Ҳ а м м а л а р и. Тарафдормиз.

Саркотиб ёзар.

Р а и с. Оқимга қараганда, учовларини бир товушга қўйиб қўя қолай, нима дейсизлар?

Ҳ а м м а л а р и. Ҳа, ҳа.

Р а и с. Хоҳлаган киши қўл кўтарсин.

Кўтарурлар.

Ташланглар.

Ташларлар. Бир оғиздан қабул бўлувига қараганда президиумга ўртоқ Мақсумов, Фёдоров, Раимқул сайландилар. Олқиш, бориб 10 ўлтиришурлар.

(Бир қоғоз қўйиб.) Биродарлар, ман сизларни меҳнаткашларнинг чин, ҳақиқий вакиллари, аларнинг бахт ва саодатларин азиз қаҳрамон меҳмонлари деб билганга мажлис очилувини Учинчи Интернационал билан табрик этаман. (Олқиш.) Биродарлар, мана ҳозир повисткага қўйилган маърузаларни ман ўқиб чиқаман, яна қўювчилар бўлса, доклад қилсинлар. 1. Ҳозирги аҳвол. 2. 9-нчи қурултойга вакил сайлов. 3. Маданий маориф ишлари хусусида. 4. Қизил армия мобилизацияси ҳақинда. Бошқа борми? 20

Ҳ а м м а л а р и. Йўқ, йўқ, шунинг ўзи кифоя қилади.

Р а и с. Мана энди, биродарлар, мен ҳозир мажлисни ёпилди, деб эълон қиламан. Эртага соат ўндан ҳозир бўласизлар.

П а р д а тушар.

Кўтарилиур.

Руслар йўқ бошқалар бор.

Р а и с, с а р к о т и б, Қ о д и р ж о н.

С а й и д ж о н. Мана, ўртоқ Михаил оғриб қолуви 30 муносабати ила мажлис ўз риёсатимда очилди.

Биринчи навбатда сўз олиб Бозорбой гапирар.

Б о з о р б о й. Биродарлар, ҳозирги сиёсий аҳволлар ниҳоят оғир. Бу тўғрида бизлар муҳокама қилиб, бир

наrsa деёлмаймиз, сўзни чўзиб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ, чунки бунга сабаб ўзимизнинг Николай вақтида муаллимларни сиёсат билан мажбур қилиб, болаларимизни ва ўзларимизни сиёсий мактабларда сиёсий илмлар билан тарбия қилмаганмиз, ўзимиздан чиновниклар ҳамда военний кишилар етиштириб, ҳукумат ва сўғиш ишларига қотишмаганмиз. Мана шунинг учун ҳам биз бу сиёсат тўғрисида сўз очиб ўлтиришга ҳаққимиз ҳам йўқ. Шунинг учун ман таклиф қиламан: бу

10 тўғрида биз музокара қилиб ўтирмай, бу сиёсий ишларимизни бутун Шарқ сиёсати учун қурилган Қирайда деб улуғ ташкилотга топширсак тубандаги масалаларни. (*Қарсак, олқиш.*)

С а й и д ж о н (*сўз олиб*). Ўртоқ Бозорбойнинг гаплари тўғри! Лекин биз фақат сиёсатдан хабарсизмиз, деб бу масалани қолдирмай, бизлар марказдан ишни талаб қилсакки, бизга тездан шул қурултойда бир машина тайёрламоқ ҳаракат қилинсин! Шул машина билан биз Туркистонда бўлган 12 миллион мусулмон пролетариатининг бир кечада миясига коммунизм сиёсати ишларини жойласин. Чунки, бизда ташвиқот учун коммунист нотиклар ва сиёсий пьеса ва туётрлар учун Шарқ усулинда бино ва асбоблар мутлақо йўқ. (*Олқиш.*)

20

Р а и с. Бошқа сўзловчи борми? Йўқ?

Ҳ а м м а л а р и. Йўқ.

Р а и с. Иккинчи масала — маданий маориф ишлари хусусинда сўзловчи борми?

Қ о с и м ж о н. Биродарлар, мана икки ярим йил

30 бўлди. Бизга шўролар ҳукуматининг маориф эшигини очиб қўйиб, «Ол ҳаққингни» деганига. Ҳеч қулоқ солмаганимиздан қоғозлар адо бўлиб, бари европалик ўртоқларимизнинг ўз газеталари ва болаларининг мактаб китобларига яраша зўрға қоғоз, қалам қолди. Бу айб, ўзимизда, шунинг учун бир ман узундан-узоқ доклад қилиб ўлтирмоғимнинг ҳожати йўқ. Бу йил китоб, қоғоз ҳатто мусулмонларга бостириб чиқарадиган ақчага ҳам қоғоз топилмай қолганликдан мактабларда ўқиш у ёқда турсин, муаллимлар агитаторлик

комиссияси ишларига олиниб, маориф шўросининг устоли устинда сичқон асо таяниб, йиғлаб юрипти. Шунинг учун ман таклиф қилардим, ўзимизни ҳам хонлар давридаги Хўқандда бўлган биргина қоғоз абтувозини тирилтириб, йўлга қўйсак, кам-кам ҳар куни юз тахта босганда, Фарғона областида юзга етарли мактаб бор. Ҳар мактабга бир тахтадан берилса, қолгани матбуот, хитобнома ва маҳкамаларга ва ақчага ярайди. (Олқиш.)

Пирмат (сўз олиб). Биродарлар, мен ўртоғим Қосимжоннинг сўзига ҳам танқид, ҳам орттириб ўтаман. Тўғри, бу киши сўзлади. Лекин бу абтувоз бузилиб кетган — бир, ўтда ишловчилар беш-тўрттаси ўлиб кетган — икки. То биз уни бошқадан вужудга келтиргунча бу йил ўқиш бутундан тўхтаса керак. Шунинг учун ман таклиф қилардимки, бир тарафдан, абтувозниям йўлга қўйишнинг ҳаракатида бўлиб, иккинчи, ўзимиз эски усул мактабидаги тахтакачни йўлга қўйсоқ-да, эски қалами котибларни мобилизация қилсак, ҳар кунги дарсни болаларга кўчириб берса. (Олқиш.)<sup>20</sup>

Раис. Бошқа сўзловчи йўқми?

Ҳаммалари. Йўқ, биз ҳам шу фикрга қўшилишимиз.

Раис. Шу таклифни қарорга кирсин, деган қўл кўтарсин.

Кўтарурлар.

Раис. Туширинглар.

Туширурлар, ёзар.

Қизил армияларимиз таъминоти ҳақида сўзловчи борми?

Аҳмаджон (сўз олиб). Биродарлар, мен бизнинг Туркистон Қизил Армияларининг ҳақида кўп тажриба кўрганим соясинда шуни таклиф қилиб ўтаман. Буларни ичинда ташвиқот ва туётру ишлари ниҳоят оз бўлса, коммунизм билан уйини фарқ қилолган йўқ. Шунинг учун буларга милтиқ бериб бўлмайдди. Милтиқ

30

ўрнига қандай бўлса, одам айлантирадиган безарурроқ арқонданми тузоқ заказ қилинсин. Мана шу билан ғояд шайкалар билан урушиб янчалурлар. Қўлга тушиб бўлсалар-да майли, лекин ҳукуматнинг милтиқ ва ўқига зарар бўлмасин. *(Олқиш.)*

- Мадалим *(сўз олиб)*. Биродарлар, мен ҳайрон қоламан ўртоғимнинг сўзларига. Шайкалар ҳам одам, бедана ёки ҳўкиз эмаски, уларни тузоқ билан илтирса, ҳаммадан ҳам бир иш борки, уни бир чеккаси ҳозир амалга қўйиляпти. Масалан, ўғриларни тасхир қилиб қуролсиз асир қилмоқ учун бирдан-бир чора бўлса, у ҳар ўн армияга бир донадан жувон, бир донадан наша чилим, ўн қадоқдан кўкнор, икки донадан чилдирма, бир донадан кокил берилсин. Булар бир кун кўчаларда базм қилиб қиёмат қўпораверса, ҳамма ўғрилар қизиқиб, муллаларигача келиб қўшилиб кетади. *(Зўр олқиш.)*

Раис. Яна сўзловчи борми?

- Хаммалари. Йўқ, биз шунга қўшилаемиз. *(Қўл кўтаришурлар.)*

Раис. Қурултойга вакил сайлов ҳақинда сўзловчилар гапирсин.

Бозорбой *(сўз олиб)*. Биродарлар, ҳамма ишдан бу муҳим иш. Мана, ҳамма диққат шунда. Муҳим ишга оғайни одамларни сайладингизлар. Ҳеч ишни уддасидан чиқмай келди. Шунинг учун ҳамон қон, жон берамиз, ватан ва ўлкаларимиз куйиб хароб бўлса-да, мукофотига бир нарса ололмаймиз.

- 30 Сизлар агар мани таклифларимга қўшилсаларингиз, шундай одамларни сайлангизки, у сайланган одам ё мутлақ мусулмонча билмайдиган европали ўртоқлардан бўлсин, ёки мутлақ туркча билмайдиган мусулмонлардан бўлсин. Аммо ўзи меҳнаткаш бўлсин... Унчамунча калтакларга ўлмайдиган сергўштроқ, бепарвроқ одамларни сайланглар. *(Олқиш.)*

Қодиржон *(раисдан сўраб)*. Савол берардим.

Раис жавоб берадир.

Р а и с. Биродарлар, ўртоғимнинг гапларига ман ҳайрон қоляпман, сизларда туркча билмайдиган му- сулмонлардан ниҳоят оз даражада, ҳамда бўлган би- лан меҳнаткашлардан эмас, коммунизм назари билан қараганда, улар кетмон чопган эмас. Эски Николай вақтида муаллим ёки прикашиклик қилган. Мана бу ҳозирги мажлис павқулудда 9-қурултойга ҳозир- лик. (Ўтуриб.) Мана, шўролар ҳукуматининг барпо бўлганига ҳам 30 йил — 40 йил бўлгани йўқ. Дарров кўчаларимиз яланғоч армияларга тўлди. Кўчани чанг- лик вақтлари ғанимат, эртадан кечгача ашула қилиб юриб, бир тарафдан, югуриш, иккинчи тарафдан, туп- роқ еб, умр ўтказишни ўрганапти. Мана, очликдан эн- ди ҳеч қўрқмаймиз, чунки бизни шайхимиз бир ойни икки бўлиб, рўза тутиш, дунёдан яланғоч келиб, ялан- ғоч кетиш, ниҳоят, ва улуғ бўлиб, 15 кунда бир ко- мандирни сассиқ кекирдак қилиб қўйилса, шуни бир кекириги 15 армияни сув ва ифторлигига баҳузур етиб ортади. Ойлик бутун керакмас, чунки томоки учун бу- гун хазонрезлик бор. Хотин-қиз, ота-онаси бўлса ком-20 мунист ҳам эмас, илми ҳам йўқ, ҳунари ҳам йўқ, улар- гаким овқат керакмас. Улар ўлишдан илгарироқ бир- бирининг гўштини еса ҳам бўлаверади. Яланғоч ар- мияга жой масаласига келсак, буям ўз-ўзидан ҳал бў- лади. Ёзда худой берган кенг кўчалари, қишда бўлса, нима кўп, Николайнинг вақтидаги қорни катта бойлар- ни отхона, молхонаси кўп. Ўн беш, йигирмадан қўшоқ- лаб қўйиб, ҳар куни бизга... . . . . .

10



---

# ВАРИАНТЛАР

---





Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий «Тўла асарлар тўплами»нинг ушбу томи унинг драматургик меросининг 1915—1920 йилларга оид қисмини ўз қамровига олади. Бу давр орасида ёзилган асарлар гарчанд унинг драматург сифатидаги шаклланиш йўлига, Ҳамза драматургик ижодининг дастлабки босқичларида тааллуқли бўлса-да, улар орасида «Бой ила хизматчи» сингари социалистик реализм методига асосланган ўзбек адабиётининг шоҳ намуналари мавжуддир.

Маълумки, драматургия ўзбек адабиётининг мустақил адабий тури сифатида XX асрнинг бошларида туғилди. Унинг пайдо бўлишида татар ва озарбайжон театрининг катта таъсири бўлди. Шу йилларда Урта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда гастролда бўлган татар ва озарбайжон театр труппалари томонидан намоиш этилган сахна асарлари ўзбек халқида театр санъатига бўлган қизиқишни беҳад ошириб юборди. Истеъдодли ўзбек ёзувчилари театр катта ташвиқот воситаси эканлигини тушуниб, оригинал саҳн асарларини ёзишга алоҳида эътибор бера бошладилар. Шу тарзда ўзбек театр санъати, ўзбек драматургияси майдонга келди.

Уйғониш даврининг буюк титанларидек, Октябрь инқилоби арафасида ўз халқининг адабиёти ва санъати соҳасида фаолият кўрсатган алломалар ҳар томонлама истеъдод соҳиблари бўлган эдилар. Нафақат Ҳамза, балки шу даврда ижод қилган бошқа ўзбек адиблари ҳам аynи пайтда театр санъатига катта эътибор билан қарадилар. Ҳамзанинг ўзи эса дастлабки ўзбек пьесаларининг муаллифларидан бири бўлибгина қолмай, режиссёр, артист, расом ва суфлёр вазифаларини ҳам адо этди. Худди шу нарса — театр санъатининг барча нозик қирраларини билиш унинг драматургик ижодида яққол кўзга ташланади.

Ҳамзанинг дастлабки пьесалари давр талаби билан тез муддатда яратилган. Баъзан бу асарларнинг режиссёрлик вариантларигина ёзилган, холос. Улар эса турли суфлёрлар қўлида қолиб кетганлиги сабабли бизга қадар етиб келмаган.

Ҳамза айрим пьесаларини тарихий шароит талаби билан шошилич суратда яратганлиги сабабли уларга кейинчалик сайқал беришга ҳаракат қилган. Шу таҳлитда унинг айрим асарларининг турли-туман сахна вариантлари пайдо бўлган.

Ҳамза асарларининг вариантлари тўғрисида сўз борар экан, яна шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги даврларда айрим драматургларимиз ва ҳамзашуносларимиз инқилоб куйчиси қаламига мансуб бўлган асарларни таҳрир қилган ва замонавийлаштирган ҳолда театр сахналарига олиб чиқдилар, унинг сайланма асарлари таркибига ҳам шундай текстларни киритишга эришдилар. Аммо бу таҳрирлар Ҳамза қаламига мансуб бўлмагани ва улар Ҳамза ҳаётлик чоғига оид бўлмагани сабабли бу асарлар ушбу томнинг «Вариантлар» қисмига жалб этилмади.

Ушбу томда эълон қилинаётган асарлар орасида «Бой ила

хизматчи» пьесаси алоҳида аҳамиятга молик. Бу пьесанинг асл нусхаси бизгача етиб келмаган. Унинг суфлёр нусхаси сифатида сақланиб келаётган варианты катта бадий қимматга эга бўлмагани сабабли Ҳамзанинг бир томлик ва кўп томлик асарлари таркибида ҳанузга қадар Комил Яшин томонидан 1939 йилда қайта ишланган нусха нашр этилиб келди ва нашр этилиб келмоқда. Аммо бу ҳол илмий нашр қоидаларига зид бўлгани сабабли ушбу томда К. Яшин варианты Ҳамза асарларига илова тарзида берилди. Пьесанинг М. Бузрук Солиҳовнинг «Ўзбек театри тарихи учун материаллар» китобида эълон қилинган ва чиндан ҳам Ҳамза ижодига мансуб бир парчаси асарнинг асосий мўътабар матни сифатида китобхонларга тақдим қилинди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Бегуний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 7628/XVII инвентарь рақами билан сақланаётган пьеса нусхаси эса «Бой ила хизматчи»нинг мавжуд варианты сифатида эълон этилмоқда.

Бу сўнги асар 55 бетдан иборат қўлёзма бўлиб, бир чизикли оддий ўқувчилар дафтарига араб графикасида настаълиқ хатида қора қалам билан ёзилган. Текст шошилиб, хунук хат билан кўчирилгани учун ўқилиши қийин. Қўлёзманинг баъзи жойлари бутунлай ўчиб кетган. Орада бўш варақлар ҳам мавжуд.

Ушбу қўлёзманинг Ҳамза вариантыга — пьесанинг асл нусхасига қанчалик алоқадор эканлиги айрим ҳамзашунослар томонидан шубҳа остига олинади. Лекин 1939 йилда К. Яшин «Бой ила хизматчи» пьесасини тиклар экан, бошқа манбалар (хотиралар, афишалар ва бошқалар) қаторида ушбу нусхадан ҳам самарали фойдаланган. Шунинг учун ҳам ушбу томни нашрга тайёрлаган ўртоқлар пьесанинг бу нусхасини вариант сифатида эълон қилишни мумкин деб ҳисоблади.

Ҳамзанинг 1915—1920 йилларда яратган асарлари орасида «Тухматчилар жазоси» пьесаси ҳам яна бир вариантга эгадир. Шарқшунослик институтида 7628/VIII инвентарь рақами билан сақланаётган пьесанинг қўлёзмаси 26 бетдан иборат бўлиб, оддий, каттак чизикли ўқувчилар дафтарига настаълиқ хатида яшил сиёҳ билан битилган. Номасълум котиб қаламига мансуб иккинчи қўлёзманинг кўчирилган санаси, ҳамзашунос Ю. Султонов фикрига кўра, 1920 йилга оиддир. Ўз вақтида саҳнага қўйилган пьесанинг бу нусхасини таниқли театр режиссёри Музаффар Мухамедов 1939 йилда Ҳамза Ҳакимзоданинг 50 йиллик юбилейини ўтказувчи ҳукумат комиссиясига топширган.

Ҳамза пьесаларининг вариантлари учун характерли бўлган қарийб барча орфографик ва стилистик хусусиятлар тўла сақлаб қолинди. Аммо бу вариантларда кўзга ташланган айрим жузъий ўринлар, масалан, *п* ҳарфи ўрнида *ф* нинг ишлатилиши бугунги китобхоннинг эътиборини чалғитмаслиги учун *пул, гал* сингари сўзларда *п* ҳарфи ўрнига *ф* қўлланилган ўринлар тузатиб бошилди.

Ҳамзанинг ушбу томдан ўрин олган бошқа пьесаларнинг у ҳаётлик пайтига оид вариантлари ҳозирча топилган эмас.

## БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ

*Тўрт парда беш кўринишли драма*

(68-бет)

Иштирок этувчилар:

- I. Бой — 55—60 ёшларинда.
- II. Ғофир — бойнинг хизматкори.
- III. Хайрулла — бойнинг меҳмонхона маҳрами.
- IV. Қози — даҳа қозиси, 55 ёшларинда.
- V. Абдурахмон элликбоши — маҳалла элликбошиси, 50 ёшда.
- VI. Якки нафар маҳалла кишилари — бойнинг ланганбардорлари.
- VII. Ҳоким — шаҳар ҳокими, 55 ёшда.
- VIII. Ҳокимнинг управделами — 35 ёшда.
- IX. Городовой — ҳокимнинг эшигида турадиган.
- X. Суфат буви — даллол хотин, қўшмачи, 35 ёшда.
- XI. Жамила — Ғофир батракнинг хотини.
- XII. Султонов — инқилобчи, 40 ёшда.
- XIII. Маҳбуслар — 5 киши.
- XIV. Надзиратель — зиндон соқчиси.
- XV. . . . . \*
- XVI. Ҳокимга арз қилувчи бир эр, бир хотин.

\* Ушбу рақамдаги персонаж номи ўчиб кетганлиги учун ўқиб бўлмади.— Ред.

## БИРИНЧИ ПАРДА

*Бой меҳмонхонасининг кўриниши.*

Бой (*халққа қараб*). У нозанинни ман илгарироқ билган бўлганимда эди, бу ишни асло қилмаган бўлар эдим. (*У ёқ-бу ёқ юриб.*) Ану нозанинни қаранг-у, ану бедавони қаранг! (*Қўли билан кўрсатиб.*) «Узумнинг яхшисини ит ейди», деган сўз рост сўзде. (*Ўйлаб туриб, соқолларини ушлаб.*) Оҳ, нозанин, сенга ҳам етадиган куним бўлармикин? Сани яхши кўриб қолганимдан бери ҳеч нарса кўзимга кўринмайди. Айниқса, ўзимни уч хотиним ва беш болам кўзимга кўринмайди. (*Бир оинанинг олдига бориб, ўзининг у ёқ-бу ёқларини кўриб, тузатиб.*) Ўзим, бали, чакана эмасман, ўзимнинг ҳам қурбларимнинг ичида тузукман. Хотин билан ўйнашиб кулишишга жуда ярайман. (*Халққа қараб.*) Оҳ, нозанин, ўша ифлосга хотин бўлгунча манга бўлсанг-ку бўларди... У ифлосдан нимани ўрганасан? Меники бўлсанг, қандай роҳатларни кўрасан. Менинг уч хотин ва беш болам сенга хизматчи бўлиб, дунёда кўрмаган машаққатларни кўрсатаман. Нозанин, ахир ўзинг ўйла-чи! У исқирт вужуддан нимани кўрасан? (*Барини кўрсатиб.*) Маннинг бу бағримда бўлсанг, ярашганини кийдираман, хоҳлаганингни едираман. У йиртиқ чопон сенга нима беради? (*У ёқ-бу ёқ юриб, айланиб.*) Хўш, энди нима қилиш керак? Йўқ, мана шу ишни қиламан, дедим, қиламан. Сани қандай бўлсин, у ифлос билан ўтишга йўл қўймайман. (*Яна ўйланиб.*) Хўш, шошма, ҳозир Хайруллани чақираман-да, маҳалла элликбошиси, қози домла, вакил ака... шуларни айтдириб келиб, бу маслаҳатни ўшалар билан қиламан. Қани, улар нима маслаҳат беради? Ҳар ҳолда қози домла, элликбоши буларнинг фойдасини гапирадиган кишилар-ку!.. Ишқилиб, шу Жамилахонни Ғофирдан ажратиб, ўзимга хотин қилиб оламан, дедим, оламан. (*Эшикнинг олдига бориб.*) Хайрулла, Хайрулла! (*Хайрулла ташқаридан «Лаббай» овозини берар.*) Бери кел, ўғлим Хайрулла!

Хайрулла. Хўп, ҳозир. (*Кирар, қўл қовуштириб.*) Бой ота, буюринг.

Бой. Нима қилвотдинг?

Хайрулла. Самоварларни артивотдим.

Бой. Жуда яхши, ўғлим, самоварларни артиб, тозалаб, қўйиб юборгин-да, тездан бориб, қози домла, Абдурахмон элликбоши, вакил ака — шуларни: «Хўжайин чақиривотгилар, ўзлари меҳмонхонада, сизларни кутиб турибдилар, тездан борармушсизлар», деб айтиб келгин. Агарам «Нимага?» деб сўрасалар, «Зарур маслаҳатлари бормуш» дегин, ўғлим, тузукми? Бор тездан, ўғлим.

Хайрулла. Хўб, ҳозир (*деб чиқиб кетар*).

Бой (*меҳмонхона ўртасига келиб, халққа қараб*). Ана энди иш осон бўладиган бўлди. Ҳозир улар келишади. Бу маслаҳатни ўшалар билан қиламан. Ҳар ҳолда қози домла, Абдурахмон эл-

ликбоши булар менга маслаҳат топуб беришади. Шошма, қулинг ўргулсин, нозанин Жамилахон, сани ўзимники қиламан!

Хайрулла (*кирар*). Бой ота, айтиб келдим.

Бой. Бор жонларму? Нима дейишди?

Хайрулла. Ман айтдим, «Сизларни хўжайин меҳмонхонада чақиривоттилар, борармушсизлар», дедим, улар «хўб» дейишди. Ҳозир келишади.

Бой. Сан бўлмасам, ўғлим, самоварни қайнатиб, патнусларни тузатиб, болаб тургин, уйга овқат ҳам буюргин, тузукми?

Хайрулла. Хўб, бой ота, нима овқат буюрайин?

Бой. Ўша қазни билан тўшлардан солиб, ош қилсин.

Хайрулла. Хўб, ҳозир. (*Чиқиб кетар.*)

Бой. Маслаҳатлик иш аримас, дейди. Ана уларни берган маслаҳатлари билан иш олиб бораман. (*Эшик олдига бориб.*) Хайрулла, Хайрулла! (*Чақиради.*)

Хайрулла (*ташқаридан*). Лаббай, ҳозир. (*Овозини ҳам берар, ҳам кирар, қўл қовуштириб турар.*)

Бой. Ғофир ифлос қаёқда?

Хайрулла. Боя майдонда майда-чуйда ишларни қилиб юривди.

Бой. Этиб қўйгин, у ёқ-бу ёққа сапчиб кетиб қолмасин.

Хайрулла. Хўб, ҳозир. (*Чиқиб кетар.*)

Бой (*сахна ўртасига келиб*). Қилвотган ишимни қандайдир амалга ошираман. Жамилахонни ўзимники қиламан!

Хайрулла (*кирар*). Бой ота, қози домлалар келишди.

Бой. Айт, кирсинлар.

*Хайрулла чиқиб кетар. Қози домла, элликбошиларни бошлаб кирар. Бой улар билан сўрашиб, жой кўрсатар, қози домлалар ҳам сўрашиб, ҳаммалари ўтиришар.*

Қози домла (*фотиҳага қўл кўтарар*). Бойнинг давлатларини худо мундан ҳам зиёда қилсин, омин. (*Фотиҳа ўқир.*)

Бой. Хуш келдингизлар!

Ҳаммалари «Раҳмат», «Саломат, саломат» сўзларини айтишар.

Хайрулла!

Хайрулла. Лаббай, ҳозир.

Бой. Дастурхон, чойларни келтир.

Хайрулла. Хўп, ҳозир.

*Чиқиб кетиб, дастурхон, патнус, самовар келтириб қўйиб, суҳбат охиригача чой қуйиб бериб ўлтирар. Орада бойга чилим ҳам чектириб турар. Бой меҳмонларни дастурхонга таклиф қилиб, нон ушатар. Меҳмонлар тановул қилишар.*

Бой (*қози домлага қараб*). Қози домла, камнамосиз? (*Элликбошига қараб.*) Элликбоши, кўринмайсан? (*Вақил акага қараб.*) Қайси гўрда юрибсан?

Меҳмонлар. Сизнинг давлатингизда юрибмиз.  
Қози домла (*бойга қараб.*) Хўш, бой ака, аҳволлар яхшими?

Элликбоши. Бой ота, ишингиз жойидами?

*Ҳол-аҳвол сўрашарлар.*

Бой. Шукур худога, иш жойида, ҳамма нарса тахт, лекин ман сизларни эттириб келишимдан мақсад: бир маслаҳат бор. Мана шу маслаҳатга сизлар нима йўл кўрсатасизлар, деб эттириб келдим. (*Ҳаммалари тинглар.*) Хўш, нима маслаҳат? Ўзларингизга маълум, манинг хизматкорим бор-ку, ану Ғофир ифлос, шум, ўзларингиз биласиз. Ман уйлантириб қўйган эдим. У ифлоснинг хотинини бир-икки мундоғ кўздан кечириб қарасам, жудаям чиройлик, жудаям нозанин, қулинг ўргулсин, лаққа балиқ экан. (*Ҳаммалари диққат билан тинглашар.*) Шунингиздан бери сира ўзимда йўқман, фикрим-хаёлим ҳаммаси шунда, ҳеч нарса кўзимга кўринмайди. Хусусан, ўзининг уч хотиним, беш болам ҳам кўзимга кўринмай қолди. Энди шунга сизлар нима маслаҳат берасизлар? Шунингиз қандай қилиб ўшандан чиқариб, ўзимга хотин қилиб олсам, дейман. Шунга нима дейсизлар, нима маслаҳат берасизлар, деб сизларни чақирдим.

Элликбоши. Оббо, бой ота-е, тағин ишингиз йирик бўладиган бўлипти-ку!

Қози домла. Бойнинг ишқи бор, ишқи борнинг имони бор, дейдилар.

Вакил ака. Ман бу ишни ўзим ўйлаган эдим.

Ҳаммадари. Жуда яхши маслаҳат, бу ишни ҳаммамиз кўпчилик билан битқизишиб берамиз.

Бой. Мен шунинг учун сизларни чақирдим-да.

Қози домла. Хотинда ихтиёр бор, дейсизми? Бизнинг шариатда хотинларда ҳеч қандай ихтиёр бўлмайди!

Бой. Гап шундаки, хотиннинг ўзи бу ишга рози эмас. Ман қўйнига қўл солиб кўрсам, хотин ҳеч яқинига йўлатмайди. Ана шунинг учун ман сизларни чақирдим.

Элликбоши. Ифлос Ғофир эшитдими бу гапни?

Қози домла. Ундаям йнма ихтиёр бўлсин? Бу ишни биз ўзимиз бажарармиз.

Бой. Хўш, энди, қани, нима дейсизлар? Ишнинг бўладиганини гапиринглар-чи?

*Хайрулла шу вақт чиқиб келиб, ош келтириб қўяр, ҳаммалари ош ейишга бошлашиб сўз шу маслаҳатнинг устида борар.*

Элликбоши (*Қози домла ҳам бойга қараб*). Биз, бўлмаса, ошни еб бўлгандан кейин у ярамасни шўтга чақирамиз — қози домла айтадилар: «Сан, Ғофир, ҳозир хотинингни қўясан. Биз уни бой акага хотин қилиб олиб берамиз», деймиз. Қани, у нима дейди? Хўп, деса, хўп. Агар хўп, демаса, яна бошқа маслаҳат топамиз

Ҳаммалари. Жуда яхши маслаҳат. Шундай қиламиз.  
Қози домла. Бу эликбоши ўлгур шунақа ишларга жуда чечан-да.

Бой. Шунинг учун бу ўлгурни мен яхши кўраман-да.

*Ҳаммалари ош еб бўлиб қўл артишар. Хайрулла ош лаганларни йиғштириб, яна патнус қўйиб, лаганни олиб чиқиб кетмоқ бўлганда...*

Эликбоши (Хайруллага қараб). Ифлос Ғофир қаёқда?

Хайрулла. Майдонда тўнка ёраяпти.

Эликбоши. Этиб кел, бадбурушни.

Хайрулла. Хўп, ҳозир. (Чиқиб кетар.)

Эликбоши. Оббо, бой ота, тагин ишни бошқача қиладиган бўлибсиз-да.

Бой. Эй ўзи жуда анномбало. Мен хотин кўриб, шунақа келишганини кўрмадим, жудаям нозанин, жудаям қулинг ўргулсин.

Қози домла. Бойга, ҳай, нима бўлипти, ўзлари 60 ёшда, ёш хотин билан маишат қилишга арзийдиган, шукур худога. Давлат десангиз бор. Шариятда ҳам «Масно ва сулоса ва рубо», деган. Бунинг учун ҳеч қандай қийинчилик йўқ.

Вакил ака. Бой ота, ёш келинчакни ўзингизники қилиб олганингиздан кейин биз билан эликбошини ҳам эсингиздан чиқармайсиз-да.

Бой. Хўп, сизлар мани бу ишимни битқазиб беринглар, сизга нима [лозим] бўлса [мен] ҳам тайёр.

Қози домла. Бой — сахий одам.

Эликбоши. Бой акам айтганларини қиладиган одам, уни ман биламан.

Вакил ака. Албатта, албатта.

Бой. Манинг ўзимнинг одатим ҳам шунақа. Бир нарсани қиламан дедимми, қиламан.

Хайрулла (кирар). Ғофир келди, кирсинми?

Бой. Айт, кирсин.

*Хайрулла билан эшикдан Ғофир кирар, бўйнини сиқиб, қўл қо-вуштириб, салом берар.*

Бой. Турасанми ғўдайиб? Утир ўшатка.

*Ғофир ўтирар.*

Эликбоши. Ғофир, сан хотинингни мана шу қози домла-нинг олдиларида ҳозир қўясан. Биз уни бой акамга хотин қилиб олиб берамиз. Шунинг учун биз сани чақирдик. Айт, қани нима дейсан?!

Ғофир. Бой отамни ўзларини уч хотинлари оқсоқлапганими? Манинг хотинимга зор бўлиб қолипдиларми? Бу қандай гап?

Қози домла. Бу қандай деганинг? Нима деганинг?

Элликбоши. Бу турган кишилар кичкина одамлар эмас. Қози домлани назаринг илдими?

Бой. Ҳароми жувонмарг.

Вакил ака (*Ғофирни кўрсатиб*). Шунинг ўзини зоти паст.

Элликбоши (*Ғофирга қараб*). Ҳой, ифлосвачча! Сан бу қози домла, бой акам ва бизларнинг сўзимизни қайтаришга нима ҳақинг бор? Биз нима десак, сан хўп деявер.

Ғофир. Ахир ўзларингиз ўйласаларингиз-чи? Ман (*бойни кўрсатиб*) бу кишининг эшиклариди 35 йил ишлаган қора хизматим орқасида эндигина бир хотинга эга бўлиб турсам-да, энди сизлар: «Сан уни ҳозир қўясан, биз уни бойга олиб берамиз», десаингиз. Бу қандай гап? Қандай инсофсизлик? Қандай ярамаслик? Ман мунга асло чидолмайман!

Бой. Паст, пастлигини қилади-да!

Вакил ака (*Ғофирни кўрсатиб*). Бунинг ўзининг башараси хунук.

Қози домла. «Бўлмаганга бўлишма», деган гап бор. Биз бу ишни бусиз ҳам бажарамиз.

Элликбоши. Ҳой, Ғофир, ўйнамагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан. Сан бир балога гирифторм бўлмоқчисан. Ўзининг бу кўрган кунинг ҳам камми?

Вакил ака. «Мушукнинг ўлгуси келса, сичқон билан ўйнашади», деганлар. (*Ғофирга қараб*.) Сан, жувонмарг, бошингга бир бало келтирмоқчига ўхшайсан. Бу ўтирган кишилар ҳазил эмас. Биз нима десак, сан «хўп» де.

Бой. Емон ёмонлигини қилади-да! (*Ғофирни кўрсатиб*.) Қози домла, ўзидан ташқари бир нарса қилиши мумкин эмасми?

Элликбоши (*сўзини кесиб*). Бизнинг қўлимиздан ҳар қандай иш келади. Уни бу аҳмоқ ўзи билмай турибди.

Қози домла (*Ғофирга қараб*). Шариати киром, набавия буюргандан кейин сан нима демоқчисан? Сан ўйлайсан — бу бизни ишимиз, деб, бу шарнат иши, шарнат билан ўйнашмоқчимсан?

Вакил ака (*Ғофирни кўрсатиб*). Мунинг шарнат урган. Бу билан гаплашиб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Ғофир. Шариат эгалари сизлар бўлсаларингиз, (*халқни кўрсатиб*) бизларнинг ҳолимиз хароб экан. Бу қандай виждонсизлик? Бу қандай хўрлик? Мендек камбағалларга ёрдам берадиган кишилар бормикин? Шариат деб бизларни эзмоқчи бўласизлар. Бизнинг аҳволимизга маймунлар йиғлар экан, Эй, шариаффурушлар, камбағалларнинг ҳолига раҳмларингиз келмайдими? Бу қандай гапки, ўттиз беш йил хизматкор бўлиб, бу кун эндигина бир хотинга эга бўлсам-да, буни бугун ман қўярмишман. (*Қозиларни кўрсатиб*.) Бу шарнат эгалари бойнинг лаганбардорлари менинг ҳалол хизматим орқасида эга бўлган хотинимни бойнинг уч хотин, беш боласининг устига олиб бермоқчилар. (*Йиғлар, кўзларининг ёшларини артар*.)

Элликбоши. Ҳой, аҳмоқ, бир кун туз ичган жойга 40 кун салом [бер], деган гап [бор]. Сан буни биласанми? Ҳеч кимни рию



қилмасанг ҳам, бой акамни риюя қилсанг-чи! Тағин балога гирифтор бўлиб кетмагин? Биз сани фойдангни гапирамиз. Сан бизнинг гапимизга «хўш», дегин.

Бой. Ман мунча берган тузларимга рози эмасман. Сани кўр қилсин. *(Қозиларга қараб.)* «Ит қутурса, эгасини қопар», деган сўз рост сўз-да, тақсир.

Вакил ака *(сўзни кесиб, Гофирга қараб.)* Уйнамагин, сани бир нарса қилиш қийин эмас, бой акамнинг этганларини қабул қил!

Қози домла. Гофир, сан шуни айтгин-чи, демак, хотинингни қўясанми? Йўқ?

Гофир. Тақсир, мен қўйсам, сизлар бой акамга олиб бера-сизларми? *(Бойга қараб.)* Бой, «Сан мани ўғлимсан, хотининг энди менга келин бўлди», деган эдингиз-ку? У гапларингиз қаёққа кетди? Уялмайсизми ўзингизнинг келиним деб юрган кишини, бугун хотин қилиб оламан, дегани?

Бой *(қозиларга қараб.)* Бу ярамаснинг уятни билганини қаранг! Сан ким, уят ким? Ман ўзим шундай бой бўлайин-да, сандан уялайми, эй ярамас, гапингни топиб гапир!

Вакил ака. Бой акамга шу гапларни гапиргани худодан кўрқмайсанми?

Элликбоши *(сўзин кесиб, қозига қараб.)* Тақсир, манинг билишимча, мунинг ўзи кофир, хотини талоқ бўлди. Мунини бир нарса қилиш керак.

Қози домла. Шарият ҳам шундай дейди.

Гофир. Мани нима қилсангизлар — қилинг, тегирмонга солиб, ун қилиб чиқаринглар, ерга қозик қилиб қоқиб юборинглар! Ман *(қўли билан кўрсатиб)* сизлардек шариятфурушларнинг сўзига киролмайман, ҳам хотинимни қўймайман. *(Бойга қараб.)* Бой ота, ман қилган хизматларим бадалига сиздан келадиган иш шу бўлса, ман сизларнинг ҳаммаларингиздан бўлдим. Бир куни мани додимни ҳам эшитадиган кишилар, манга раҳм қиладиган одамлар чиқиб қолар. Шунда ман сизлар билан гаплашарман. *(Йиғлар.)* Эй коннот, ўзинг билиб тургандурсан, бу кишиларнинг манга қандай зулм қилиб турганини! Ман сизларнинг бу сўзларингизни асло қабул қилмайман. *(Йиғлаб, ўрнидан турар, зарда билан чиқиб келар.)*

Бой. Оббо, балога гирифтор бўлгур-ей! Бу ўзи балога гирифтор бўладиганнинг худди ўзи, эссизгина берган тузларим, асло рози эмасман!

Вакил ака. Қўяверинг, худо хоҳласа, кўр бўлади.

Қози домла. Бу шариятга бўйинсунмагандан кейин шариятга раҳна солувчи, дин бузғучи, деб айтиш керак!

Бой. Хўш, энди нима қилдик? *(Ҳаммасига қараб.)*

Вакил ака. Қози домла биларлар.

Элликбоши *(сўзни кесиб.)* Мунини иложи осон. *(Бойга қараб.)* Бой, сиз шаҳар ҳокими тўра билан жуда ошнасиш. Мани маслаҳатимга кирсангиз, сиз ҳозир ҳоким тўранинг олдиларига

борасиз, бир озгина майда-чуйда қилиб (*пул ишораларини қилиб*), ҳоким тўрага тушунтирасиз. «Тақсир, ҳоким тўра, бизни Ғофир малай бор, у босмачи, у ёмон, у доим сизларни сўкади», деб айтиб илтимос қиласиз, «Шуни бир бало қилиб, Сибирга, қатор ра-ботга жўнатасиз», дейсиз. Ҳоким тўра, албатта, сизнинг сўзингизга киради. Шу билан Ғофирни чақириб олади-да, жўнатади-қўяди. Ана, келинчакхон ўзингизга қолади, ундан кейин ўзингизники қилиб оласиз-қўясиз. Мазангизни қилаверасиз. Шундан бошқа мас-лаҳат йўқ.

*Ҳаммалари «тўғри, тўғри маслаҳат», дейишар.*

Бой. Ўлма, эллиқбоши, ман сани кўп яхши кўраман-да.  
Қози домла. Эллиқбошининг кўрсатган маслаҳатлари манга ҳам жуда маъқул. Ҳоким тўра билан ман ўзим гаплашиб кўнман.

Бой. Жуда яхши. Бу ишни ҳозир бориб боплайман.

*Ҳаммалари «Жуда яхши, жуда» деб ўринларидан турарлар, чиқиб кетарлар. Хайрулла дастурхонларни йиға бошлар. Бой «хайр, хайр» деб қолар.*

(*Халққа қараб.*) Энди ҳоким тўранинг олдига бориш керак. Ҳозир бораман. (*Ғофирни яниб.*) Сан шовша, сан ман билан ўйнайсанми? Ман санинг бошингга бир кунларни солайки, ўзинг ҳайрон қолгин. Ман шундай бой бўламан-де, ўз айтганимни қилолмайман? Бу ман учун уят! Ман ўз айтганимни, албатта, қиламан, чунки мани пулим кўп, ақлим кўп ҳам, маслаҳат берадиган кишиларим кўп, ҳоким тўра бўлса ўзимнинг қўлимда! Демак, бу ишни боплайман! Хайрулла! (*Хайруллани чақирар. «Лаббай» деган овоз. Хайрулла кирар.*)

Бой. Мани салла-чопонларимни келтир!

Хайрулла. Хўп, ҳозир. (*Келтирар.*)

*Бой салла-чопонларини кийиб турар, ҳар хил сўзлар билан чиқиб кетар.*

Парда тушар.

## ИККИНЧИ ПАРДА

*Шаҳар ҳокимининг канселари, яхши безатилган. Котиб управделамлар жойлари, ҳоким ҳаммалари канселарда ўтиришиб, иш қилишиб турган чоғи. Ҳоким канселар ичида папирос чекиб, котибга ниманидир диктовка қилиб турган вақтда парда очилар.*

Ҳоким (*жойига бориб ўлтириб*). Да, значит так. (*Котибга қараб.*) Но, Василий Иванович, что вы написали? (*Езганини ўқиб берар.*) Ладно. (*Қўл қўяр.*)

*Котиб жойига келиб ўтириб, ўзларининг ишларида давом этар. Эшикдан городовой кирар, честь бериб, «Бир киши келибдур, кираман дейди».*

Айт, кирсин. (*Бир деҳқон кирар. Қўлида қоғоз билан.*) Ну, что тебе? Ну, говори!

Деҳқон (*аризасини берар, қўл қовуштириб турар*). Ҳоким тўра, ўқиб кўринг. Мани экинларим ҳаммаси сувдан қолиб кетди.

Ҳоким. Ну, не говори, ёлғон айтасан! (*Урнидан туриб, у ёқ-бу ёққа юриб.*) Биз санларни ҳам-зим биламиз. Сенлар все ёмон одамлар.

Деҳқон. Айланай, ҳоким тўра. Бизни арзимизга қулоқ солинг. Биз, камбағал деҳқонлар жуда ёмон қийналиб кетдик.

Ҳоким. Не говори, я знаю вас, сволочи, иди к чёрту. (*Городовойни чақирар.*) Отведи его.

*Городовой деҳқонни туртиб-туртиб чиқариб юборар. Ҳоким аризани йиртиб ташлар, жойига келиб ўтирар, папирос чекар.*

Городовой (*кирар*). Бир хотин келибдур, «кираман», дейди.

Ҳоким. Ладно, пусть кирсин.

*Эшикдан бир паранжили хотин кирар, қўлида ариза билан ҳокимга ушлатар.*

Ну, в чем дело? Ну, говори!

Хотин. Айланай, ҳоким тўра, мени ўғлим туҳматдан шунақа бўлибдур. Сиз текшириб кўринг. Биргина ўғлим, ноҳақ кетмасин, айланай, ҳоким тўра. (*Йиғлар, ялинар.*)

Ҳоким. Да, это дело я знаю, ну, врешь, саники ўғил ўғри бўлган бор. Зачем мол ўғирлаган бор?

Хотин. Айланай, ҳоким тўра, сиз шуни ҳақиқат қилинг. Мани ўғлим ўғри эмас.

Ҳоким. Ладно, молчи.

*Городовойни чақирар, хотинни чиқариб юборишга буюрар. Городовой хотинни туртиб чиқариб юборар. Шу вақт котиб қандай қоғозларнидир ҳокимнинг олдига келтириб, қўл қўйдиради.*

Городовой (*кирар*). Сойиббой келган, кирсинми?

Ҳоким. Айт, кирсин.

Бой (*эшикдан бошини тиқиб*). Можно, ҳоким тўра?

Ҳоким. Да, бой, можно, можно. (*Ҳоким бойни жуда яхши қабул қилар, жой кўрсатар.*)

*Бой котиб, управделамлар билан, ҳоким билан кўришар, ҳол-аҳвол сўрашар, ўтирар.*

(*Бойга папирос ушлар, чекишар.*) Ну, брат, как дело?

Бой. Дело жуда харашо, ҳоким тўра, сизни давлатингизда-  
бизлар бемалол юрибмиз. Ишларимиз яхши.

Ҳоким. Да, шундай бўларга керак. Ну, бой, говори.

Бой. Тақсир ҳоким тўра, ман говорить қилсам, бизники ма-  
лай бор. Ҳув ануси Гофир.

Ҳоким. Қайси малай?

Бой. Бизники малай Гофир бор. Сиз бизга борганда кўрган-  
сиз.

Ҳоким (*ўйлаб*). Да, знаю, ну, в чем дело?

Бой. Шу Гофир, тақсир ҳоким тўра, жуда ёмон. Отаси ўзи-  
ёмон одам бўлган. Мен уни билмай юрган эканман. У қозиларни,  
сизларни жуда ёмон кўради, ўзи босмачи, ўғри. Шуни бир бало  
қилиб, Сибирга жўнатвормасангиз бўлмайдимиз? Ҳоким тўра, ман  
шунга келдим.

Ҳоким. Ну, сволочь, что он шутит что ли? Раз он ўғри,  
босмачи, я его сейчас накажу.

Бой. Тақсир ҳоким тўра, шуни бир бало қилиб жўнатмасан-  
гиз, ҳеч бойларга тинчлик бермайди.

Ҳоким. Да, я сейчас сделаю. Я его отправлю.

Бой. Другой всё харашо, тақсир ҳоким тўра.

*Енидан пул чиқариб, ҳокимга берар ҳам котиб, управделамларга  
ҳам «Сизларга папирос пули», деб берар. Ҳаммалари пулни оли-  
шар, ёнига солишар.*

Ҳоким. Да, бой кўп-кўп берса керак.

Бой. Бизнинг топганимиз сизларники-да, ҳоким тўра.

Ҳоким. Ладно, бой, я его сейчас вызываю сюда.

Бой. Жуда яхши, ҳоким тўра, раҳмат сизга.

*Ҳоким городовойни чақирар. Городовой кирар.*

Ҳоким. Ты иди сейчас, приведи сюда вот сволочь Гафур-  
немедленно.

Городовой. Слушаю. (*Чиқиб кетар.*)

Бой. Раҳмат, раҳмат, ҳоким тўра. Ман сиздан жуда рози-  
ман. Бутун бойлар сизни яхши кўради.

Ҳоким. Да, биз бойлар билан иш қилсак керак.

Бой. Тақсир ҳоким тўра. Биз сизга ишонамиз.

Ҳоким. Обязательно, да, шундай бўлиши керак.

*Шу вақтда эшикдан городовой Гофирни туртиб олиб ки-  
риб, ҳокимга тўғри қилар, Гофир қўл қовуштириб турар.*

(*Гофирга ёмон кўз билан қараб.*) Ну, что ты, сволочь, босмачи  
что ли, ўғри бўлган бор?

Гофир. Тақсир ҳоким тўра, ман ўғри, босмачи эмасман. Ман  
камбағал фуқаронгизман.

Ҳоким (*ўрнидан туриб, зарда билан*). Молчи! (*Бойни кўрсатиб*.) Бу бой ёлгон айтмайди, сан ўғри, босмачи бўлган бор. Я тебя сейчас отправлю.

Бой. Шу ерда ҳам тилингни тортмайсан-а, ўзинг балога гирифтор бўлвотсан-ку!

Гофир. Тақсир ҳоким тўра, сиз ҳақиқат қилинг, ман ноҳақ жетвотман. Эй улуғ танграм, мани ҳолимга ким раҳм қилади! (*Йиғлар*.)

Ҳоким. Ладно. Ну, говори, сволочь. Я тебя знаю, ты босмачи, больше ничего. (*Котибга буюриб*.) Приготовляй бумагу. Отправьте его.

Гофир (*йиғлар*). Эй бахтсиз кунлар! Манга ким ёрдам қилади? Ким мани раҳмимми ейди? Оҳ, Жамила! (*Бойни кўрсатиб*.) Юрагим, юрагим, бойни қўйнида яшайдиган бўлдинг. Хайр санга, хайр санга. Сандан умидимни узолмайман.

Ҳоким. Молчи, сволочь, менга не говори.

Бой. Ҳали ҳам тилингдан тоймайсан-а яна.

*Шу вақтда котиб қоғозни тайёрлаб, ҳокимга қўл қўйдирар, конвертга солиб, городовойга берар.*

Ҳоким (*городовойга*). Отведи его.

Городовой. Ну, пошли, Гафур. (*Туртиб олиб чиқиб кетар*.)

Бой (*ҳокимга қараб*). Раҳмат, ҳоким тўра. Ман бу яхшилингизни асло унутмайман.

Ҳоким. Да это ничего не стоит.

*Бой ўрнидан туриб, ҳаммалари билан хайрлашиб, кўришиб чиқиб кетар.*

Да, это хорошее дело.

Парда тушар.

## УЧИНЧИ ПАРДА

*Бойнинг ичкари уйи. Яхши безатилган.*

Парда очилур.

Бой (*эшикдан кирар, халққа қараб*). «Сичқоннинг ўлгиси келса, мушук билан ўйнашар», деган сўз зап сўз-да. Эй, эски чопон, ўйламайсанми: мен киму сан ким? Ана энди қулинг ўргилсин нозанин ўзимники бўлди-қўйди. Оҳ, нозанин, санга етадиган вақт бўлар экан! У ялангоёқдан нима кўрдинг? Мана, дунёда кўрмаганларни мандан кўрасан-да! (*Халққа қараб*.) Ўзиям қилган меҳнатига арзийдиган-де. (*Ўйланиб*.) Хўш, энди нима қилиш керак? Бу Суфат кампир ўлгурни чақириш керак. Қани, нима қилдикин?

Ҳозир ман уни чақириб сўрайман. Эри кетиб қолган бўлсаям, ўшандан умидини узмайди. Ҳар ҳолда энди ўзимники қилдим-ку.

*Эшик олдига бориб, «Суфат, Суфат». деб чақирар. Ичкаридан Суфат кампир овоз берар.*

Суфат буви. Ҳув, ҳозир, шошилич сизни ҳаракатингиздаман.

Бой. Эртароқ бўлгин-де, ахир.

Суфат буви (овоз берар). Мана, ҳозир.

Бой (ойнанинг олдига бориб, ўзининг у ёқ-бу ёқларини тузатиб, ўзини салмоқлаб кўриб, қайтиб келиб). Ман ўзим ҳали ҳам жойидаман, (соқолларини кўрсатиб) соқолларим ҳали жуда оқ эмас, афти-башараларим жойида. (Ўзини кўрсатиб.) Сен биз билан турсанг, кундан-кунга роҳат кўрасан! Ундан нимани кўрар эдинг? Эй, нозанин! (Яна эшик олдига бориб.) Бу Суфат ўлгурдан нега дарак бўлмайди? (Чақирар.) Суфат! Суфат!

Суфат буви (кирар). Хўш, нима дейсиз?

Бой. Қани, нима қилдинг энди?

*Иккови тик туришур.*

Суфат буви. Асти гапимга юрмай турипти. Бир илож қилиб, гарданига қўйиб, алдаб олиб кираман. Сиз шошманг. Мунча жониқмасангиз? Хотинсиз, бўйдоқ киши эмассиз-ку?

Бой. Кампир ўлгур, ахир ҳар гулни бир иси бор, дейди. Тезроқ бўлгин.

Суфат буви. Мен сизни ҳаракатингиздаман. Сиз учун жон бериб, жон олиб ўлвотман. Мунча ўпкангиз тушмаса. Сал жониқмай тура туринг. Ман ўзим кўндираман ҳозир. Олдингизга киргизаман. Ҳар ҳолда ҳали ҳам бўлса, ўша эрим деб йиғлаб ўлвотти. Сиз уни алдаб-сулдаб йўлга солинг. Тагин анув хотинларингизга қиладиган гапларингизни қилмасдан, тузуккина гаплашинг. Хотинни алдаш осон бўлади. «Санга у қиламан, бу қиламан», деб алданг. Ёнингизда ҳеч бало олиб келдингизми уни алдаш учун?

Бой. Битта латта рўмол бор. Ахир, упа, эликлар бор. Шулар бўладими?

Суфат буви. Бўлди. Булардан ташқари, пуч ёнғоққа қўйинини тўлғизинг. Қадимги менга қиладиган қочириқ гапларингиздан қилмайсизми? Оҳ, ўлдим сиздан. Сизга ўргата-ўргата ўзимда ҳеч нарса қолмади. Сиздан анча тинчимадим-да. Мани бошимга битган бир бало бўлдингиз. Сиздан ҳеч қутулмас эканман-да.

Бой. Шу ишнйам бажариб берсанг, иннай кейин қутуласан. Тезроқ бўлгин, ахир.

*Суфат буви «Ҳозир» деб чиқиб кетар.*

Нима бўлсаям, бугун ман нозанинга етишадиган бўлдим.

Шу вақтда ташқарида йиғи овози — Жамиланинг йиғиси эшитилар. Суфат буви «Ўзининг бой аканг, юравер», деб қўлидан етаклаб киритар. Бойнинг олдига қўяр. Бойга нимадир гапирган бўлар-да, ўзи чиқиб кетар. Ж а м и л а пиқирлаб йиғлаб турар.

(Жамиланинг олдига бориб.) Пошшахон, биз ўша яланг оёқчалик бўлмадикми? Қани менга қаранг. Қулинг ўргулсин!

Ж а м и л а (йиғлаб). Сиз мани «келинимсан» деб юриб, шундай қилмоқчи экансиз-да! Уялмадингизми, бой ота, шу ишни қилгани? Ман бечора эримни қаёққа юбордингиз?.. Оҳ, Ғофир, қаерларда юрибсан? Сан ўйламаки, Жамила мандан ажраб, бойнинг кучоғида, деб! Ман бу бойга асло ўзимни бермайман. Ман бу аркони давлатлардан сани ямоқ чопонингни яхши кўраман! Оҳ, Ғофир! (Йиғлар.)

Б о й. Сан энди у яланг оёқдан умид уз. У борса келмас жойга кетди. Уни сан иккинчи кўролмайсан. Сан энди маники бўлдинг. Ташла, ҳой, йиғини. Кел, ойимча, роҳат қилайлик! (Яқин келиб, Жамилани бағрига олмоқчи бўлар.)

Ж а м и л а. Манга қўлингизни текизманг. Сиз манга номаҳрамсиз. Ман номаҳрам кишига ҳеч бир яқин бўлолмайман. У бечорани нима қилган бўлсангиз, мани ҳам шундай қилинг. Ман сизники бўлолмайман. Мандан умидингизни узинг. Узинг! (Йиғлар.)

Б о й. Ишимиз йиғи билан ўтадимиз? (Жамиланинг яқинига бориб, бағрига тортиб.) Пошшахон, қўйинг энди ўша эски чопонни. (Жамиланинг бўйнига қўл ташлаб.) Биз билан машат қилишинг.

Ж а м и л а (бойни туртиб). Золим, топиб бер манинг эримни! Қайга юбординг, виждонсиз? У бечорага нима кунларни қилдинг? Сан ўйлама, ман саники бўлолмайман! Менга яқинлашма! Нима қилдинг, сан... Оҳ, Ғофир! (Йиғлар.)

Б о й (жаҳли чиқиб, аччиғланиб). Сан ҳам ман билан ўйнашсанми? Билдингми, эрингни нима қилдим? Кел, қўй, жоним, манга яқин кел. (Енига тортар, латта рўмол, атирларни чиқариб бермоқчи бўлар, ялинар.)

Ж а м и л а. Менга тегма, дедим, менга тегма, номаҳрам! Қўлингизни ҳам тегизма. Манинг яқинимга келма! Ман саники бўлолмайман, дедим-ку! Виждонсиз! (Рўмолларни отиб ташлар.)

Б о й (жаҳли чиқиб, аччиғланиб). Ким виждонсиз?

Ж а м и л а. Сен, сен виждонсиз!

Б о й. Иккинчи виждонсиз...

Ж а м и л а. Сен виждонсиз, сен, албатта. Манинг эримни виждонсизлигинг учун тухмат била йўқ қилдинг... Хоин, нима қилсанг қил, ман саники бўлолмайман!

Б о й. Ким хоин, хоин?

Ж а м и л а. Сан хоин!

Б о й (халққа қараб). Астағфирулло, нима қиламан — шуни биласанми?

Ж а м и л а. Биламан, у бечорани тухмат била йўқотдинг. Оҳ, Ғофир! (Йиғлар.)

Бой (эшик олдига бориб, Суфат бувини чақирар. Суфат бу-  
вига). Сен бир бало қилиб йўлга солиб тургин. Мен эшикка чиқиб  
келаман. Ҳар ҳолда тайёрлаб қўйгин. Ман сани ўзим хурсанд қи-  
ламан, тузукми? (Чиқиб кетар.)

Суфат буви (Жамиланинг яқинига келиб). Қизим Жами-  
лахон, (бойнинг уйидаги жиҳозларни кўрсатиб) энди «хўп» дея  
қолинг. Мана шундай давлатга эга бўлиб ўлтирасан. У қоқвош-  
дан нима кўрур эдинг? (Жамилани алдамоқчи бўлар.)

Жамила. Сиз бир пас чиқиб туринг. Ман ўзимни тузатиб  
олай.

Суфат буви. Хўп. (Чиқиб кетар.)

Жамила (у ёқ-бу ёққа қараб, эшикни ёпиб, маҳкамлаб ке-  
либ, ёнидаги дорини олиб, халққа кўрсатиб). Яхшиям сани олган  
эканман. Мана энди манга фойданг тегди! (Дорини ичар. Устидан  
токчадаги чойнакдан сув ичар. Юрагини ушлар. Кўзлари олаяр.)  
Оҳ, сув! (Толтинар, йиқилар.) Оҳ, Ғофир, сан ўйлама, Жамилам  
бойга қолди, деб! Бойга мен қўлимни ҳам ушлагмадим. Сансиз  
бу ҳаёт манга керак эмас! (Бир қанча сўзлар билан ўлар.)

Парда тушар.

## ТУРТИНЧИ ПАРДА

*Чор ҳукуматининг зиндон кўриниши. Ҳар хил миллат кишилари-  
дан маҳбуслар. Ҳар қайсиларининг бош кийимларида номер-  
лар ёзилган. Оёқларида занжирлар боғланган.*

14-маҳбус (бурчакдан туриб ўртадаги устунга боғланиб  
қўйган 8-номерли маҳбус — Ғофирга қараб). Бай, бай, бечора,  
мунча зорланасан, келганинга ҳеч нарса вақт бўлмасдан, қачон  
бўлса, оҳу воҳ қиласан. Энди бугун 24 кун бўлди қўлингни боғ-  
ланганига. Бу ердаги кишилар 17 ойлаб, 19 ойлаб қўллари шу ус-  
тунга боғлиқ ётишган.

6-маҳбус. Қўяверинг бу бечора йигитни. Биргина яхши кўр-  
ган хотини бор экан, ҳар кун шу хотинини ёдига олади. Шунинг  
учун зорланади.

8-маҳбус (Ғофир). Эй, дўстлар, ҳеч ким мандек туҳматга  
учрамасин! Ман қуруқ туҳмат учун бу кулфатларни кўриб ётган-  
нимга ҳеч чидолмайман! Оҳ, юракларим эзилиб кетди! Уйинг куй-  
иб, хонавайрон бўлгур бой, мани шу кулфатларга солдинг! Бой-  
ларнинг уйлари куйиб, хонавайрон бўлсин! Эй дунё, бу бойлардан  
қутуладиган замон бормукин?! Оҳ, юракларим куйиб кетди! Менга  
ёрдам берадиган ҳеч бир ёрдамчи бормикан? Юрагим ўртаниб ке-  
таёттипти. Оҳ, сув! Ким менга сув беради? Қўлим орқамга боғлиқ,  
сув берадиган кишилар, манга раҳм қилсаларинг-чи!

*104-маҳбус ўрнидан туриб кўзадаги сувни келтириб қўйиб, Ғофир-  
га ичарар. Ғофир апил-тапил сувни ичар.*



104-м аҳбус. Эй бечора, сувни ичиб, қониқиб олдингми? Қани, сан ўзинг кимсан, қаердан сани келтирганлар? Нима учун келгансан? Нима гуноҳинг бор эди? *(Яқинроғига ўтирар.)*

Ғофир. Эй дўстим, ман ўзим фарғоналикман. Мани тухмат билан уйинг куйгур бой келтирди, бой! Манинг ҳеч гуноҳим йўқ! 104-м аҳбус. Бой келтирди, дейсанми?

Ғофир. Бой келтирди, бой! Илоҳи, бойларга қирон келсин, хонавайрон бўлсинлар! *(Қичқирар.)*

*Шу вақтда эшикдан зиндон соқчи си келиб, қўлида қамчин билан ҳамма маҳбусларни биттадан уриб келиб, охирида боғлиқ турган Ғофирни жуда ёмон урар, сўкар. Чиқиб кетар.*

*(Йиғлаб.)* Қандай қора кунларга қолдим, қўлимни боғлаб қўйганларининг устига урганлари жуда ортиқча, ҳеч чидолмайман! Бу қандай тухмат? Қандай хўрлик?

9-м аҳбус *(қозоқча)*. Уй жўлинг бугур бойқис бола, сан жуда кисини журагини эзиб жубордўнг-ў. *(Ғофирга қараб.)* Сан бекорга айқираверма. Тагин айқирманг, энди тагин келиб тагин сўкади. Бизди қўлимиз боғлиқ жотқонмиз. Сабр қилиб жотавер.

Ғофир. Ой, қозоқ оғайни, ман бу бўҳтонга ҳеч чидолмайман. Бу боғланган қўл билан оёғдаги кишанлардан қутуладиган замон бормикин? Бизларга ҳеч кимнинг раҳми келармикан?

104-м аҳбус. Бу қийноқлардан қутуладиган замон яқин келиб қолган. Бизлар учун раҳм қиладиган кишиларимиз бор. Мунинг учун ғам еманглар. *(Ғофирга қараб.)* Боя мен сендан сўрадимки, сан ўзинг кимсан, қаердан келтирдилар сани, деб. Сан фарғоналикман, дединг. Отингни айтмадинг, нима учун келганингни гапирмадинг.

*Ғофир бошидан ўтган ҳикоянинг ҳаммасини гапирар. Маҳбуслар тинглашарлар.*

Эй, бечора йнгит, қўявер, бойларни! Уйлари яқинда куйдирилади. Отим Ғофир, дедингми?

Ғофир. Ҳа, Ғофир, дедим.

104-м аҳбус. Манинг санга айтган гапларим эсингда борми? Ман Фарғонага борганимда, сан билан бир чойхонада ўтириб, чой ичиб, бир-бир қанча сўзларни айтган эдим.

Ғофир. Вой, сиз бўлмаса Султоновмисиз?

104-м аҳбус. Ҳа, ман ўша Султоновман.

Ғофир. Оҳ, дўстим Султонов, келинг бери, ман сизни бир ўпай келинг, келинг.

*Султонов Ғофирга яқин борар. Ғофир Султоновни ўпар, йиғлар. Сизнинг айтган гапларингизнинг ҳаммаси манинг эсимда бор. Бошқа маҳбуслар қизиқар.*

Султонов. Эй Ғофир, сан ўйлама бу бойларнинг зулмидан, жабру ситам кўрган бир ман ўзим, деб. Санча жабр кўрганлар

жуда кўп топилади. (*Зиндонни кўрсатиб.*) Бу зиндондаги биродарларимнинг кўплари ҳам санга ўхшаб жабр кўрганлар. Ҳамма маҳбуслар бойларнинг уйи куйиб, хонавайрон бўлсинлар, дейди. Гофиржон, хотиржам бўл. Яқинда қутуламиз бу зиндон азобларидан! Инқилоб бўлади, инқилоб, инқилоб! Инқилоб учун курашаётган азаматлар бор. Унга раҳбарлик қилувчи Ленин биродаримиз бор. Улар бизларни қутқазади.

Ҳ а м м а л а р и. Инқилоб, инқилоб! (*Суйинишар.*)

Султонов. Биз ана ўшандагина бойларни янчамиз. Қўрқманглар, ҳақиқат биз томонда! Бутун ишчилар биз томонда! Улар ҳозирлик кўраётирлар. Биз ишчи, камбағал деҳқонлар билан бирлашамиз. Ҳукуматни ўз қўлимизга оламиз. Ана ўшандагина биз у хониларни дунё узидан вужудини қуритамиз.

Ҳ а м м а л а р и. Қуритамиз!

Султонов. Гофир дўстим!

Гофир. Дўстим Султонов, сўзланг. Ман сизнинг сўзларингизни эшитай. Жоним роҳатланаяпти. Сўзланг, эшитамиз!

Ҳ а м м а л а р и. Сўзланг, эшитамиз!

Султонов. Ман сизларга шуни айтаманки, ишонингиз: бугун инқилоб бўлади. Бизни биродарларимиз келиб, бу қийноқ, азобдан қутқазади. Биз ёруғлик дунёни ана ўшандагина кўрамиз!

*Шу вақтда кўчаларда «Марсельеза» марши чалинган овозлар эшитилур. Маҳбусларнинг ҳаммаси ғайратга киришган, қувноқ ҳоллар билан маршга қулоқ солишар.*

(*Гофирга қараб.*) Ана, инқилоб! Ана, бизнинг дўстларимиз кўчаларда «Марсельеза» маршини ўйнаводдилар. Ҳозир бизга келарлар, бизни қутқазарлар!

*Гофирнинг қўлини ечишга ҳаракат қилиб турган чоқда бир қанча кишилар зиндоннинг эшигини бузиб бостириб киришиб, маҳбусларни кишанларини ечиб бўшатишар.*

Гофир. Яшасин инқилоб! Бизни инқилоб қутқарди.

*Турли кишилар қизил байроқ билан кўринишар.*

Парда тушар.

## ТУҲМАТЧИЛАР ЖАЗОСИ

(85-бет)

### БИРИНЧИ ПАРДА

• • • • •  
Фотима (*бир стакон чойни ичиб ўлтуруб*). Тавба, шу вақтгача дараги йўқ. Нима бало бўлдикин? Ҳар куни мунчалик кеч қолмас эди. Исик таомлар ҳам тамом совиди. Самаворни бўлса,

икки мартаба қўйдим. Уф! (Боғ олдига бориб.) Акбарали! Акбарали! Овози йўқ! Қишлоқ боласидак ҳайвон бола йўқ-да! Ҳозир қаёққа йўқолиб кетди экан, билмайман! (Боғ эшигин олдига бориб.) Акбарали! Ҳо, Акбарали! Овози йўқ. Аҳмоқ бола-ей! Мани юрагимни қон қилади-да! (Келуб, жойида ўлтуруб.) Бу Қосимхон ҳеч бир вақтда шунчалик кеч қолмас эди! Бир сабаб бор-да. (Бир оз ўйланиб.) Ё бу ҳам ваъдаларидан унутиб, бирор қиз-пизга айланишиб қолдимкин? (Юрагини ушлаб.) Вой, худо-ей, бул ҳеч вақт шундай қабоҳат ишларни қабул қилмайди! Сени мен севган. Иккимизни ўртамиздаги севги сабабдан жон эгаси ҳам узолмайди. (Оз ўйланиб.) Қўй-е, чойимни ичаверай! Ўйлайвершнинг хаёлингга ҳам келмайди. Бир иш чиқиб қолгандур, келиб қолар!

Чойни ичиб ўлтурар. Шул чоғда Акбарали кўзада сувни кўтариб, йўлакдан шошилиб кирур-да, кўзани боғ деволини тагига қўядир.

(Аччиғи ила қараб.) Аҳмоқ, бир сувга икки соат имирлаб юрасанми? Жувонмарг, қачон одам бўласан?

Акбарали (ҳовлиқиб келуб). Ойи-ойи, ҳеч гапдан хабарингиз борми?

Фотима. Нима гап?

Акбарали. Айтаман-у, қоғозлиқ қанддан кўпроқ берсангиз.

Фотима. Айт, айт, тузук — нафсинг қурсун!

Акбарали. Мен кўзани кўтариб, масжидга сувга кируб эдим. Индай кейин энди кўзани ҳовузни лабига қўйиб туруб... (Ҳар сўз орасида бурун артиб турар.) Индай кейин анови Султонбой пиёниска...

Фотима. Ҳа! Ҳа!

Акбарали. Индай кейин ўша билан домла поччам икови пичирлашиб, «Қосимжонни хотуни», «Қосимжонни хотуни», деб гаплашди. Индай кейин бояги қоронғу учун мани кўришмади. Индай кейин ман секин чинни орқасига ўтуб, қулоқ солдим. Индай кейин мани кўришмасдан гаплашавурди, ойи!

Фотима (жеркиб). Сани гапингга мунча «индай кейин» кўб? Гапингни ўзини гапур!

Акбарали. Индай кейин Султон пиёниска айтдики, «Хазрат домла, ман шу Қосимхонни хотинини яхши кўраман, унга 5—6 мартаба хат ёзув киргизсам, хатимни орқасига ёмон ибратлар билан сўқуб жавоб ёзубдур»,— деди. (Фотима кулар.) Индай кейин айтдики, «Асло иложи йўқ. Битта иш қолди. У сиз билан бўлади, нима дейсиз?» деди.

Фотима. Вой, ер юткур-ей! (Оҳиста қараб.) Шундек бир жавоб айтаман-да, то бу эски турмуш ваҳшийлари бир қатордан битмагунча, йўл бўлсун ҳали кўчада бизни бет очиб юришга! Акбарали, ундан кейин нима деди?

Акбарали (гапни йўқотиб, ўйланиб). Ойи, эсимдан чиқиб қолди! Индай кейин нима деб туруб эдим?

Фотима (жеркиб). Ҳа, гаранг! «Иложи йўқ! Битта иш қолди, сиз билан бўлади, нима дейсиз?»— деди», дея турувдинг.

Акбарали. Ҳа, ҳа, «Битта иш қолди, сиз билан бўлади». Индай кейин, ойи, домла поччамни гаплари шу.

Фотима (*жеркиб*). Оббо! Улгур! Кераклиси шуми домла поччангни гапни. Домла поччанг нима деди?

Акбарали (*ўйлаб*). Ҳа, ҳа, ойи! Индай кейин домла поччам айтдики: «Хўш, Султон! Қўлимиздан келса, дариг тутмаймиз», деди. (*Фотима кулар.*) Индай кейин Султон пиёниска айтдики, «Қосимжонни хотуни билан меҳмонхонада ўтуруб чиқдим!» Индай кейин, сизга айтдим. Индай кейин бирга кирасиз, индай кейин (*бурни оқар*), индай кейин, ойи, бурним шилқиялаб кетди, бурнимни қоқиб келай.

Фотима (*ушлаб тортиб*). Утур, гаранг! Шилқилласа-шилқиллай берсин! То сан бурнингни қоқиб келгунча гапинг эсингдан чиқиб қолади. Артиб-суртиб гапиравергин.

Акбарали. Индай кейин эсимдан чиқиб қолди. Ҳа, ойи! (*Бир тортиб, сўл қўли билан артиб, шу ҳолда сўзини охирига қадар ўнг ва сўл енглари билан артиб, бурнини яна бир тортиб ва артиб сўзлар.*) Индай кейин, ойи, нима деб турувдим?

Фотима (*аччиғланиб*). Вой, хазон бўлгур-ей! «Домлани бирга кирасиз, деди», деб туруб эдинг.

Акбарали. Айткандай, индай кейин (*бурун*) ўша Султон пиёниска айтдики, «Ман Қосимхонга айтаман. Индай кейин (*бурун*) ҳалиги... сизни йўқ вақтларингизда бир русча кийинган киши келуб, бир соат, икки соат ўлтуруб, чиқиб кетади. (*Бурун.*) Индай кейин ман сизга айтиб десам, ё ишонасиз, ё ишонмайсиз, деб туруб эдим. (*Бурун ютуб, ўйлаб, жеркиб.*) Индай кейин айтилки, «Ана, домла ҳам икки-уч мартаба кўрганлар, дейман», деди. (*Бурун.*) Индай кейин «Сиз ҳам бўлса, ёлғондан бир сафарча кўрганман, дейсиз», деди. (*Бурун.*) «Ман сизни хурсанд қиламан», деди. «Бўлмаса, маҳалладан имомгарчиликдан чиқараман», деди. (*Бурун.*) Ойи, жуда бўлмай кетди! Бурнумни қоқиб келай.

Фотима (*юбормай*). Гапир, гапир! Бемаҳал қистаган бурнинг қурсун! Юрагимни қон қилдинг! Ҳозир поччанг келиб қолади. Гапинг чала қолади. Ундан кейин бир қоранги бориб улгуржи қилиб қоқарсан!

Акбарали. Шунақами, ойи? (*Бурун.*)

Фотима. Ундан кейин?

Акбарали. Индай кейин, ойи, домла поччам айтдики, (*бурун*) «мулло Султонхон, бўйингдан кетай! Мани битта арзим бор», деди. (*Бурун.*)

Фотима. Арзинг нимаси? Тузук гапирсанг-чи, ер юткур!

Акбарали. Ойи! Домла поччамни гапни бир хили худди ўрисчага ўхшайди, билмайман.

Фотима (*кулуб*). «Арзим», дегандур, жувонмарг!

Акбарали (*икки енги билан шошилиб артиб*). Ҳа, ҳа, ҳа, шунақами?!

Фотима. Ҳа, гапир!

Акбарали (*жеркиниб*). Ойи, эсимдан чиқиб қолди! Нима деб туруб эдим?

Фотима. Вой, ер юткур-ей! (*Аста қараб.*) Бул савилмондани гапига кириб ҳам, аралашдириб ҳам бўлмайди. (*Акбаралига.*) «Домла поччам Султонга битта арзим бор, деди», деятурувдинг.

Акбарали (*бурун*). Ҳа, ҳа, ойи! (*Бурун.*) Домла поччам Султон пиёнисага айтдики, (*бурун*) «иковимиз бир нарсани дарди маҳоватига мубтало эканмиз», (*бурун*) индай кейин «Ҳар вақтда кўруб ёхши кўруб қолганман», (*бурун*) индай кейин «Ман ҳеч гапира олмайман», (*бурун*) индай кейин «Мани ҳам базм қилган кунингиз бир нарса олиб кириб кўрсатасиз», деди. (*Бурун.*) Индай кейин (*бурун*) Султон пиёниса (*бурун*) кулуб айтдики, (*бурун*) «Албатта, (*бурун*) ўзим (*бурун*) чақираман», (*бурун*) деб. Икковлари (*бурун*) киритиб (*бурун*) кетди. (*Бурун.*) Ман келовердим. (*Бурун.*) Энди, ойи, бориб қоқаверайми? (*Бурун.*)

Фотима (*жеркиб*). Йўқол! Йўқол! Серсув танновга ўхшаган бурнинг қурсун! (*Акбарали чиқиб кетади.*) Ман айтдим: «Нимага кеч қолди?» деб. (*Бир оз ўйланиб.*) Оҳ! Илмсизлик! Ахлоқсизлик! Нафс балоси бўлгон муллалар! Қим айтади сизларни миллатимиз раҳнамоси, деб. Мани имомгарчиликдан чиқарур, деб бир палид шайтонни васвасасига виждонингизни сотасизлар! Энди нима жавоб берасиз? Сиз шундай бўлгандан кейин сизни ортингиздаги халқни аҳволни нима бўлади? Шундай қилиб, миллатни тор-мор қилсангиз, душманлар оёғи остида эздирсангиз. Бугун нафсларингиз раъйи бирлан парча-парча қилдирдингиз! Ҳар нарса бўлди. Бўлди фақат сизлардан бошқа сабабчи йўқ, йўқ-да! (*Қўлин силтаб.*) Беандиша ва виждонсиз! Уйлайсанларки: Фотимани тухмат қабоҳатига бошлайман. Ҳали кўрарсан! Кўзингни бир очайки, балки юзи очилган оналарни нчида шундай ва хат эгалари бор! Сан ўйлайсанки юзи очиқ оналар... Битсун ҳарбин девона ва мажрун тарёки муллалар!

*Шул чоғда Қосимхон кируб келур, кайфи бузуқ.*

Фотима (*Югуруб туруб бориб, пальтосини олмоққа тутунуб.*) Мунча кеч қолдингиз?

Қосимхон (*ўзи полтосини солиб девол қозуғига илар. Фотима қолур*). Энди мана кеч қолиш-қолмаслигимни суриштирма-сангиз ҳам бўлади, хоним! (*Келиб, бир курсини олиб, бир четига ўлтуруб.*) Уф! Ҳаққонлик қолмаган экан!

Фотима (*келиб, елка ёнидан тутуб*). Жоним! Нега бундай дейсиз? Мани ҳаққим бор сизни суриштирмоққа! Ҳамда бир минут бир жойда хаёл қилар экансиз, ташвиш тортмоқ мени бурчим. Сиз нима сўйлайсиз? Буровдан гап эшитдингизми? Қайфингиз бузуқ, овқат совуб қолди. Буёққа ўтинг, оч юрасизми? Аввал овқат енг, кейин нима бўлса, гаплашамиз.

Қосимхон (*қўлини елкасидан тушуруб*). Сиз дард устига озор берманг! Ҳозирда томоғимдан ажалдан бошқа ичмак ўтмайди. Сиз у тил учидаги муҳаббатлар билан иккинчи алдай олмайсиз! (*Халққа қараб.*) Энди ман алданган эканман!..

Фотима. Жоним Қосимхон, сиз ҳали ёлгон бир нарсага алданиб, ўшал бир севишганларингиздан ўпкаламамг. Чунки мени ҳаққимда бир адашмаган бўлсангиз [керак].

Қосимхон. Албатта, ўзига яраша оқлайди. Бир йнгит ҳар қандай аблаҳга ишонуб, сиздан иффатли севганимга ишончсиз бир кўз ила қарамас эдим.

Ақлимга ғалаба қозондим, жоним, сиздан шу кунларни сўйлаб, тўйдан аввал юз маротаба «Бирор севганингиз борми? Бир кун иккимизни ҳаётимизни шарбатига заҳар тушмасун», деб сўрагон эдим, балки ўзга жавобларингиз бор? Ман муҳаббатга қарши бир киши эмасман, локин муҳаббатни бари мана шундоқ. Турли кишиларга «Улиб кет-ей» деган асоссиз гинасига қаршиман. Жоним муҳаббат кўраспми? Мени қўлимга тушканингизга олти йил бўлди. Бирор вақтда сизсиз бирор жойга бордимми? Еки бирор қизмиз билан хат-мат олишдимми? Аммо у тарафи маълум эмас. (Тескари қараб бошини ушлаб ўлтурур.)

Фотима (энгашиб, бошини кўтариб, Қосим қўлини ажратмоққа қўймай). Жоним, гапиринг! Гапни чала қилманг! Маълум эмас: нима иш бўлудди?

Қосимхон (қўлини зўрлаб ажратиб). Мани очиқ пардасиз қилиб сўзлашим ҳожат эмас. Чунки ўзингизга маълум бир нарса, жуда ўзингиз биласиз. Ундай киши нақадар гуноҳи бўлса ҳам қичқириб сўйлов, озор берувни хоҳламайдурғон бир киши хусусан муомлани билар.

Фотима. Ман билан шундай ёлгон сўзларга сиздан бошқа ўқумаган жоҳил бир киши бўлса, жамоат устида бир можарани бошлагон бўлар эди. Ҳолбуки, асоссиз бир гап учун бир фожиа ясаб, фойдасиз.

Қосимхон. Жоним Фотима, асоссиз деб бу қорани ўзингиздан кеткарув учун беҳуда ҳаракатлар қиласиз. Қўйинг, ман ниҳоятда қисилганман. Бугун ўтсун, эрта сўзлашурмиз. (Урнидан туруб.) Негаким, бирор қаттиқ гап оғзимдан беихтиёр чиқар, кўнглингиз озор топар. (Кета бошлар. Ойнадан уйга чиқа бошлаб, қайрилиб.) Иншоолло, уёлмасман ҳамда хотунларни ҳийлалари бир карра тажрибамдан такрор ўтмиш. Акбарали бўлса, мандан кўброқ сиздан тарбия олиб, сизга муҳаббатлик. У ҳам сиздан ўрганганини айтур.

Фотима. Хўб-хўб! Ана эртага маълум бўлур, туҳматчилар ким экан?

Парда тушар.

## ИККИНЧИ ПАРДА

Фотима (хатни ёзиб бўлиб, ўқур). «Жаноб домла афанди, мени бирдан бир бетоблик қаттиқ тутди. Мумкин бўлса, бир келиб, дам солиб қўйсангиз экан. Мухлисингиз Фотимахон». (Хатни

*буклаб беруб.)* Қараб тур, бир жазойингни берайки, шу мамла-  
катларда бош кўтариб юролма, беноми-нишон бўлуб кет!

*Звонакни берар, хатни кўтариб турар. Бир тарафдан Акбарали кира.*

Акбарали. Чақирдингизми?

Фотима. Мани айтган гапларим қулоғингда бўлсун. Қачон домла поччанг мунда кириб ўлтурғонда, ман бир пасдан кейин звонак бераман. Шунда югуриб кириб, «Ойи, поччам келди!» дейсан, чиқиб кетаверасан, тузукми?

Акбарали. Йўқ, эсимдан чиқмайди-ю, агар эсимдан чиқса, югуриб кириб сўраб... мум-мумкинми?

Фотима. Эй, дард! Ер юткур, шарманда қиласан-ку! Шу гапим эсингдан чиқади-ми?!

Акбарали (*ўйланиб туриб*). Йўқ, ойи, озгина гап эсимдан чиқмайди-ю, худо хоҳласа, юрғон еримда «Поччам келди, поччам келди», деб юраман-да-а, ойи?

Фотима. Ма, бор. (*Хатни беруб.*) Мана шу хатни домла поччангга бериб, бу ерга бошлаб кел! Тагин одамларни олдида берма!

Акбарали (*олуб*). Ойи, хатни орасида нимаси бор?

Фотима (*жеркиб*). Ҳа, ўлгур-ей! Нима қиласан сўраб?

Акбарали. Ўзингиз ҳар нарсани сўрагин, дер эдингиз-ку!

Фотима. Муни сўрама, томошасини ҳали кўрасан.

Акбарали (*суяниб*). Ҳай! Домла поччам бирлан бу ерда томоша ҳам бўлади экан, ман ҳам кўраман!

Фотима (*жеркиб*). Ҳа, ҳа кўрарсан, бор тезроқ!

Акбарали (*суяниб*). Вой, ҳали томоша кўрамиз! (*Чиқиб кетар.*)

Фотима. Аҳмоқ, бир бало қилмаса гўргайди.

*Чиқиб, қазноқни тузатиб, звонакни рўмолча бирлан ёпиб, ўзи ётур. Бир оздан кейин Акбарали кира.*

Акбарали. О-ойи! Домла поччам келдилар.

Фотима. Уйга киргизиб юборовур, ўзинг звонак тагида тур! Гапни эсингдан чиқарма!

Акбарали (*югуриб, қулоғини яқинлатиб*). Поччам келди, дейман-а?..

Фотима. Ҳа, жувонмарг, чиқ энди!

Домла (*таъзим билан*). Ассалому алайкум!

Фотима (*бошини секингина кўтариб*). Ваалайкум ассалом! Келинг, тақсир. Айбга буюрманг, бетоброқман.

Домла. Йўқ, йўқ, пошшоҳон! Узур-да-узур! (*Ўлтирмоқ истар.*)

Фотима. Тақсир, беадаблик бўлса ҳам ўшал кўрфани биртасини мени бошимга яқинроқ қўйиб ўлтуринг. Жувонмарг Акбарали! Жуда гаранг, ҳеч нимани билмайди.

Домла. Хўб, хўб, ойм пошшо! Бизга ҳозир хизмат вақти. (*Курси қўюб ўлтурар.*) Хизматкорни ҳам шундай гарангроғи тузук. (*Фотиҳага қўл очиб.*) Омин, илоҳи, биз келайлик, бало келмасин! Омин, оллоҳу акбар!..

Фотима. Хуш келибсиз, тақсир!

Домла (*таъзим билан*). Хушвақт бўлинг. (*Халққа қараб.*)

Фотима. Ҳайриятки, жанобингиздак яхши зотларни борлиги бир куни бизга керак бўлар экан.

Домла. Ойм пошшо, бизлар нима учун йигирма йил, ўттиз йил мадрасаларда риёзат чекуб, илм ҳосил қилғонбиз? Дунёни ҳар бир яхши роҳатини ўтуб, иштибоҳатга машғул бўлганмиз? Борлигиниздан қаро кўзларни бошига мундай қаро кунлар тушканда, ярамиканбиз, деганмиз-да!

Фотима. Албатта, тақсир! Бизлар ҳар вақт сизларни дуларингизни олмоққа мажбурмиз. Локин, зотан, киши ноақл бўлур экан, тан сиҳатликда қадрларингизни билмаймиз-да, тақсир. Кечирасиз.

Домла. Албатта-да, албатта-да. (*Пешонасини силаб,*) Ойм пошшо, қаерингиз оғрийди? Дарвоқе, Мулла Қосим йўқми?

Фотима. Қосимхон бир жойга бир мавлиятга кетди. Билмайман, эртага келадими?..

Домла. Ҳайрият, ҳайрият. (*Такрор.*)

Фотима. Тақсир, бемалол бўлса, бошимни кўтарсангиз, деволга суянуб ўлтурсам, ундан кейин дам солсангиз.

Домла. Хўб, хўб, жоним бирлан. (*Шошилиб, бўйнидан қучиб, «Бисмиллоҳу раҳмону раҳим», деб деволга суёб қўёр.*) Айтинг, ойм пошшо, қаерингиз оғрийди? Ман дам солай.

Фотима (*қаттиқ*). Уф!!!

Домла (*пешонасини ушлаб*). Нимага уф тортарсиз?!

Фотима. Айтишга қани манда тил, тақсир! Мани ҳеч жойим оғримас, фақат бошқа дардим бор. Уф!!!

Домла (*ошиқиб*). Ҳар дард бўлса, айтинг, ажалдан бошқасини иложи манда, иншоолло, жойлайман.

Фотима. Мани, тақсир 2—3 та яхши кўра турғонларим бор эди. Ман бу Қосимхонни аслида ёмон кўраман. Мани сўяман, ўлдураман, деб кўрқитиб олғон. Лоақал мани ҳеч жойга борғони қўймайди—улор билан гаплашиб турадиган бўлсам. Ҳар вақт бирга пойлаб юради. «Ҳатто сан бирор одам билан гаплашсанг, икки ўқ билан икковингни... қонинг фалон...» деб қасам ичган. Олти йилдан буён ман шундай муҳаббат азобига гирифторман. (*Домлани қўлини тутиб, кўкрагига келтириб.*) Уф!!! (*Тескари қараб, нафас олади.*) Оббо, золим, қонхўр!

Домла (*лабини тишлаб, анзаралар қилиб*). Жуда куёвингиз ёмон бадбахт экан! (*Қўлини олур.*) Пошшоҳон, мун иложи мандаман! Мандан бошқа киши мун илдасидан чиқмайди.

Фотима. Айтинг, тақсир, қандай қиламиз?!

Домла. Сиз ҳам бир яхши хизматни ўз устингизга оласиз-да?



Фотима. Нима бўлса ҳам йўқ деймайман. Ҳатто жонимни ҳам қизғонмайман.

Домла. Бизга жон-мол керак эмас! Локин...

Фотима. Узур. Керагини айтаверинг, дедим-ку!

Домла. Хафа бўлмайсизми?!

Фотима. Йўқ, йўқ, айтаверинг, майли!

Домла. Энди муҳаббатни айби йўқ, локин ўзингиз ҳам иқдор қилдингиз энди. *(Икки қўлини кўксига қўйиб, ерга тиззалануб.)* Бандангиз ҳам жанобингизга бир оз муҳаббатимиз бор. Кечалар тонг отқунга фироқларида йиғлаб чиқамиз. Агар бизларни ўша севганларингизни... қаторида кўрсангиз, биз ҳам шу хизматни битта қолдирмай, бажо келтирамиз.

Фотима *(энгашиб, қўлдан тортиб, караватга ўтқизиб)*. Туринг, ундай қилманг, тақсир! Сиз уламо киши, биз гуноҳкор бўламиз! Утиринг! *(Ултирар, кўз ёшини артар.)* Муҳаббатни айби йўқ, тақсир! Айтдим-у сиз мани иложимни қилсангиз, ман хизматингизга ҳозирман. Нима қиласиз энди? Мақсаддан гапиринг?

Домла. Қуллуқ-қуллуқ! Пошшоҳон мун иложи осон. Сиздан куёвингизни совутаман, икки-уч кундан кейин қўйиб юборади-да! Мундан бошқа иложи йўқ!

Фотима. Шун қачон қиласиз, айтинг?!.

Домла. Ҳозир, десангиз ҳам манга барибир, лекин бир оз майда-чуйда нарсалар керак бўлади-да.

Фотима. Қандай нарсалар?

Домла. Қора қўйни чап кураги, бўрини териси, тоғ эчкисини озиқ тиши, чор кўчани тупроғи... шунга ўхшаш нарсалар.

Фотима. Энди булар эртага бозордан топилади, тақсир!

Домла. Ҳо-ҳо! Албатта, албатта! Уни ўзимиз толамиз!

Фотима. Ҳозир бир нарсага дам солиб бериб кетсангиз, келганида ичирай, шояд эртагача бир оз совуб қолса. *(Звонак берар.)*

Домла. Жуда яхши, ман ҳам шун айтмай, деб туриб эдим.

*Шул ҳолда эшикда товуш. Домла ирғиб туриб, ўз курсисига ўлтуриб, шу ҳолда Акбарали кириб.*

Акбарали. Ойи, ойи! *(Йўталиб.)* Поччам келди!

Домла. Эй-воҳ, майлими ўлтурсак?!

Фотима *(шошилиб туриб)*. Вой... Ултирасиз. Ман ҳали-бери келмайди, деб сизни қақирғон эдим. Келмас эди-ку-я, бирор нарсаси эсидан чиқиб қолиб, ўшани олиб кетгани келгандур. Ҳозир икковимизни, хусусан бундай кўргандан кейин худди отади!

Домла. Субҳон олло... *(Абдираб.)* Отади?!

Фотима. Ҳа... Отмаса ҳам бир корҳол қилади. Вой, нима қиламан? *(Юрар.)*

Домла. Нима қиламиз энди, ойм қиз?

Фотима *(эсига тушиб)*. Шошманг, мунда келинг. *(Етаклаб, қазноқни эшигини очиб, кира бошлар.)*

Акбарали. Ойи! (Эргашур.) Уф! Томошани қилиб бермай-сизларми?

Фотима. Улгур, йўқол! Поччанга қараб тур, кириб қолмасун!

Акбарали. Ая, домла поччам бор-а, «Қирмай туринг», дейми?

*Домла қазноқда кўринур.*

Домла (абдираб). Вой, ман нима қиламан, худо-ей! Ман қўполни шўри қурсун! Ман ўзимни қандай балога солдим! Ўзинг шарманда қилма, худойим! Ё сатторил айюб, ё баҳовиддин! Ҳиммат танга назирай заҳамин... бало[дан] халос бўлсак... (Титраб, қалтираб турар.)

Фотима (ошиқиб кирар-да, домлани етаклаб). Тақсир! (Сандал пояни кўрсатиб.) Мана, сиз шу ерда бир озгина энгашиб турасиз. (Бўйинини халққа қилиб чўкка ётқузур. Ўзи кигизни кўтариб, устига ёпиб.) Ман шунини устингизга ёпиб қўяман. Мабо-до шатка кириб қолса, кўриб қолмасин, нима дедингиз?

Домла (ялиниб). Ҳар бало бўлса ҳам майли. Ишқилиб кўриб қолмасин, шўрим қурсин! Бирорта эшик-пешикдан чиқариб юборсангиз бўлмайдими? Эй худой! Субҳон олло!

Фотима. Йўқ, уни ҳар қандоқ қилиб чиқарвораман. Сиз ҳозир... ўшал совитмани шу кеча қилиб бериб кетасиз.

Домла. Хайр, хайр. (Эшикни беркитиб чиқар.) Шўрим қурсин-да, ёлгонни шуниси ёмон-да! (Фотима чиқиб, йўлда кулиб.) Йўқ, дуохонликни қиламан, деб 6 пут юк, ифлос кигизни тагида қолдим. (Соқолини силаб.) Хайр, ҳар бир роҳатни олдида андак азоби ҳам бор. Ўзлари ҳам риёзатга арзийди-да! Ахир, ўргилай, бу кун яна топиладими ё йўқ? Алсабри мифто дилфар ҳам, сабб қилсанг ғўродин ҳалво битар. (Пешонасини ушлаб қолур.)

Фотима (тез, тез хат ёзиб, звонакни ушлаб туриб, ўқир). «Муҳтарам Султонхон афанди, сизга у кундаги хатимдан бири мунтазирман. Ҳозирги вақтда раҳим этсангиз...»

Акбарали (келиб). Хўш, ўхшатдикми, ойи? Домла поччам кетдими? (Ишорат йўли ила.)

Фотима (ишорат йўли ила). Секин-секин, оғзингни ёп! (Хатни узатиб.)

Акбарали. Хўб. (Хатни олур.)

Фотима. Муни тагин ўшал Султон пиёнистага олиб бориб бер. Ўзинг бу ерга кел! Бояги тайинлаган гапни эсингдан чиқор-ма. «Поччанг қани?» деса, «Йўқ», дегин. Бошқа гап сўраса, «Билмайман», дегин.

Акбарали. Эй, ҳали Султон пиёниста ҳам келадими, ойи?

Фотима. Бай, бай, бай, гаранг-е, ман нима десам, худди шунини айткин.

Акбарали. Ойи, қачон томоша бўлади? «Томоша бўлади», дедингиз-ку! Ўшал Султон пиёниста келса, ундан кейин бўладими?

Фотима. Вой, бадбахт! Эй, мунча гапирасан?! Боргин тезроқ, чаққон!

Акбарали (чиқиб кетиб туриб). Ой! Домла поччамни аччиғи келганини айтайми? Оҳ! Нима?

Фотима (бошига дувойлаб). Бошқани айтма, яксон бўл! Иўқол!

Акбарали (йўлда). Манга ҳам звонак берасизми? Югуриб, «Поччам келди», дейман-а, ойи?

Фотима (зарда қилиб). Ҳа, ҳа, ер юткур!

Акбарали. Ойи, поччам келиб қолса, муни ҳам уёғдан чиқариб юборасизми? Ойи, нима қиласиз бунақа қилиб?

Фотима. Кўп гапирма, бўлди! (Деб қувиб чиқарар.) Қандай аҳмоқ бола, билса, нима қиламан? Меҳнатим бекорга кетмасайди?! (Соатга қараб.) Ҳайрият, ҳали Қосимхонни келишига бир соат бор, улгураман. (Эшикка чиқиб кетар.)

Домла (ифлосланиб кетканидан либосин қоқиб, бошини юқори кўтариб, қулоқ солуб). Баччағар, эй раҳим йўқдан ўлтириб қолди-да! Азбаройи худо, нафасим бўғилиб, ўлишга озгина қолди. Худди шу топда шу ерга кириб олиб, бирор нафасгина нафасимни тўғрилиб олай. Уф! (Секин-секин кигизни тагидан суғуриб чиқар. Устларини чағларини қоқиб.) Аммо тағин расво бўлиб қолмай, Ишқибозлик қурсин!

*Рўмолчасини олиб, юзларини артиб, секин-секин эшик тарафига юриб, пайпаслаб, қўли занжирга тегиб кетиб, шарақлаб, чўчиб қочиб, кигиз орасига орқаси билан сузулуб, «Е олло, ё ҳақ, мани шарманда қилма!» дея бир оз туриб... Султон пиёниста . . .*

Фотима. Бир ишни уддасидан чиқасизми?

Султон. Жон деб уддасидан чиқаман. Бошқа нарсани ҳам уддасидан чиқаман.

Фотима. Бўлди бўлмаса. (Қўлини олура.) Ман сизга айтсам шуни, ман ҳам сизни кўпроқ бўлмаса ҳам озроқ севар эдим. Локин жоҳил Қосимхон мани олмасдан илгари «Ман санга ундоқ олиб бераман. Ана ундоқ...» Бошқасини айтсам, алдаб олдида бу шаҳарга кўчириб олиб келгандан кейин бировникига олиб келиб қўйди. Кейин айтдики, «Сиз бирор одам билан тўғри гаплашиб турганингизни бирор жойда кўрсам, икковингизни сўйиб ўлдираман. Нима бўлсам, ўзим бўлурман», деб қасам ичиб қўйган эди. Мана энди бир жойга борсам, ўзи бирга обради, бир минут ўзидан ажратмайди. Эмди жуда жондан тўйдим. Қошки ўзини яхши кўрсам ҳам майлийди. Шунга агар сиз ўша ёзғон сўзларингизни қилсангиз, эрта кечгача бирор

Бўлмаса, жуда жонимдан тўйдим. Ўзимни дор қилуб бўлса ҳам осиб ўлдираман. Шунга нима дейсиз?

Султон (ирғиб туриб, суюниб). Алдамайсизми?

Фотима (қўлини бериб). Сиз алдамасангиз, ман алдамайман.

Султон. Биллоҳи, алдамайман. (Қўлини ўпар.) Қосим ўзи келиб қолмайdimи?

Фотима. Йўқ, ўлтираверинг, келиб ҳам газет-пазитини қўёди, чиқиб бориб ўз уйида ётади. Нимагаки, 2—3 кундан бери урушиб, бошқа таом еб, бошқа ўлтуради.

*Султон ўлтурур. Фотима мис калавотни тузаткан бўлиб, звонак берар.*

Ер юткурдан шундай тўйғонманки, Султон афандим, гапиришга тақатим йўқ.

Акбарали (кирар). Ойи, поччам келди! (Фотима сакраб туриб.)

Фотима. Аҳ, вой ўлай!

Султон. Божимой, нима қиламиз?!

Акбарали. Ойи, бу кишини ҳам боғ йўлидан чиқариб юбораверинг!

Султон (хайрон бўлиб).

Фотима. Йўқол, поччангга қара! (Султонга қараб.) Ўзини гапи шундақа. (Имлағон бўлиб.) Шошманг, келгон билан ўлтурмайди. Эҳтиёт бўлинг, мана буёққа чиқинг! (Етақлаб.)

Домла (бурролиқ билан бошини кўтариб). Ман сиқилиб бўғилиб ўлдим-ку!

*Бирдан эшик тарақлаб, домла дарров беркинар.*

Фотима (Султонга). Сиз шундай тўқтанг. (Айткани қазноққа чиқиб, секин домлани қулоғига.) Сиз жиндек сабр қилинг, ҳозир кетади. Мабодо бу тарафга ҳам кириб қолмасин. Эҳтиёт бўлиб қимирламай туринг!

*Бир тарафда Султон шапкасин паст қилиб, «Чўрт, чўрт» деб елкаларин қимирлатиб қўёр.*

Домла. Жоним тасаддуғ, тезроқ бўлинг, жуда куйиб ўлдим-ку!

Фотима (бу тарафга чиқиб). Султон афанди, товуш қилмай, секин-секин бу уйга кириг. (Кирур.) Ман сизни бир нима қилиб пойлаб тураман. У ер юткур келса, иковимизни бу ерда ўлтурғонимизни кўрса, ҳунук бўлмасин! Бир нарса қилиб, уйдан чиқариб юбораман ёки нарияғидан сизни чиқариб юбораман, яхши бўлади. Бир оз афв этасиз-да!

Султон. Йўқ, зарари йўқ.

*Бирга олиб секин кирар. Челақ ичига солиб устидан қопқоғини ёпиб қўяр. Узи чиқиб кетар. Бир оздан кейин кирар.*

Фотима (ўзига). Қалайсизлар, қўлимга тушдинглар-ку! Илоҳи, мақсадимга етай-да! (Халққа қараб туриб.) Тухматчилар жазосини кўрайлик-да.

*Шу чоғда Қосимхон кирар. Фотима югуриб пальтосини олмақчи бўлар. Қосимхон бермас, Фотима келиб ўрнида ўлтирар.*

Қосимхон (қўлидаги газета, журналларни қўйиб, эшикка томон бориб). Акбарали! Ҳой, Акбарали! (Ўзи келиб ўлтирар.)

Акбарали (кириб). Лаббай!

Қосимхон. Самавор қўйғонмисан? Чой борми?

*Шу ҳолда Фотима кулиб қўяр.*

Акбарали. Бу ерда, почча, анча ғалати гаплар бўлиб, самавор қўёлмадим.

Фотима (сўкиниб). Бор, бор, самавор қўй! Алжиллама! (Чиқиб кетар.)

Қосимхон. Мани бахтим қурсин-да! (Пешонасини ушлар.)

Фотима. Бахтингизга нима қилди?! Ўзингизни ўзингиз хафа қилиб юрасиз-да!

Қосимхон (аччиғланиб). Мани бахтимни сиз қаро қилдингиз!

Фотима. Манга тухмат қилманг! Тухматчилар жазосини кўрар!

Қосимхон. Гапирманг.

*Тикка бўлуб қолур. Бу ҳолда Султонхон челақдан бош чиқариб тинглар, юзлари ун. Домла кигиз орасидан бўйлаб қарор. Эшикни тирқ этиб очар, икковлари чўчиб бошларини тикарлар. Акбарали қўлтуқлоғон қорағайни олиб, ашула қилиб кирар. Теша топ-олмай, бир учини домлани устига, бир учини ерга қўйиб, тепиб синдирар. Домла ҳар синдирғонда «Субҳон олло», дер. Бул тарафда Фотима чўчиб тинглаб чиқмоқ истар. Сиёсатни қизғониб жим турар.*

Акбарали (қарағайларни синдириб бўлғоч, қўлига олар. Шу ҳолда чориғини кўриб қолиб, ишга тушиб, бир қўли билан қоziқларни пайпаслаб чориғини олу). Вой-вой, чориғим, вой-вой, чориғим (деб чангини артур учун кигизга артиб сурта бошлар).

*Бу ҳолда Султон секин «Нима гап?» деб бошини чиқарганда, амерканский шапкага Акбарали билмасдан уриб юборар. Султон шошилиб беркинар. Акбарали чўчиб ўтин, чориғини ташлаб юбориб, бул тарафда Фотима ҳам чўчур. Қосимхон ҳайрон бўлур. Акбарали аранг шапкани олиб, югуриб, чўчиб, эшикни беркитиб, нариги тарафдан бўлинмага кирар, шапкани Қосимхонни олдиго қўйиб.*

Акбарали. Почча, почча, мана бу сизни шапкангиз-а? (Фотима кулуб.) Ман чориғимни қоқиб турсам, тушиб кетди.

Фотима ўзини кулгидан тўхтатолмай чиқиб кетар.

Қосимхон (шапкани олиб, ҳар тарафга қараб). Шу қазноқдан олиб чиқдингми?

Акбарали. Ҳа, шу қазноқдан, почча!  
Қосимхон (*сачраб туриб*). Балли! (*Бошини қимирлатиб*.) Рост экан-да, дўст киши, суйгонлари бор экан, ёширган вақтларида ёдгорлилари мунда қолибдур. (*Ун юқларини кўриб*.) Бу қазноқ ичида унли челақ бекорга турмас экан-да! Маккор хотинлар! (*Шапкани ичига қараб туриб*.) Балки ҳозир шул ерда бўлса, нима дейсан?

*Бўлинмага юриб, ўзи югуриб чиқиб кетар. Шу ҳолда қазноққа Фотима югуриб кириб, ҳар иккисини қулоғига шибирлаб, эшикни ёпиб чиқиб кетар.*

(*Хатни олиб, Акбаралига*.) Бугун бу ерга ҳеч ким келмадимми?

Акбарали. Ойим «Айтма» деганлар-да!

Фотима (*кириб қолуб*). Хўш, жоним, нима гап?

Қосимхон (*кўрсатиб*). Суюлганингизни телпагига ўхшайдими? Ҳозир хати чиқиб қолди-ку!

Фотима. Хайр, ўқинг!

Қосимхон (*очуб ўқур*). «Суюклигим Фотимахоним, мани бирдан-бир муҳаббат беги...

Фақат туш бўлса керак... Бирдан-бир бўлган меҳмонлик муҳаббатга лойиқман-да. Тайёрлик йўқ, ҳамма сизни ҳаққингизда... айтган ёлғон сўзларим бениҳоятда куйганимдан. Сизни ҳеч бир ялғон қилмоғонингиз учун бўлғон бир ишқ. Улуғ гинамизни ўтасиз. У тарафин ўзим тўғрилайман, деб ошиқингиз Султонхон».

*Қосимхон ҳайрон бўлур.*

Акбарали. Ҳой, ойи! Ҳалиги келган Султон пиёнискани шанкаси экан-да. Уни ўзини бу ерга қамаб қўйдингиз-а, ойи?

*Қосимхон ҳайрон бўлур.*

Қосимхон (*ҳайрон бўлуб*). Ажабо, бу нима гап?

Фотима. Тухматни қўйинг, афандим. Мен ҳар икки туҳматчиларни мунда қамадим. Ҳозир телефон бирлон полиция ва маҳалла одамларини чақиринг.

. . . . .

Парда тушар.

---

# ЦЛОВА

---





**БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ\****Тўрт пардали драма*

Иштирок этувчилар:

Ғофир — бойнинг хизматкори, 30 ёшларда.

Жамила — Ғофирнинг хотини, 16 ёшда.

Солиҳбой. 50—60 ёшларда.

Холмат — бойнинг хизматкори, 30—35 ёшларда.

Ҳожина — бойнинг онаси.

Пошшоойим	} — бойнинг хотинлари.
Хонзодахон	
Гулбаҳор	

Қодирқул — мингбоши.

Раҳимахола — Жамиланинг онаси.

Ҳасан — эликбоши.

Ойхон — Гулбаҳорнинг онаси.

Сифатбуви.

Имом.

Тўра.

Пристав.

Қози ва бошқалар.

---

\* Қомил Яшин томонидан қайта ишланган нусха.  
14—231

## БИРИНЧИ ПАРДА

*Солиҳбойнинг ичкари ҳовлиси. Рўпарада эшикларига ўймакорлик билан гуллар чекилган, бир-бирига ямаштириб солинган учта нақшли дангиллама уй. Бу уйларнинг олдида ёзда очилиб, қишда ёпиладиган нақшинкор, ойнабанд ровонлар. Ровонга асл туркман ғиламлари, баҳмал кўрпалар, ипак поёндозлар тўшалган. Шипга чинни қалпоқли зўр қандил осилган. Ҳовлининг саҳнига хилма-хил гуллар экилган. Унг ёки чап томонда катта кўча дарвозаси. Пошшо ойим ровонда ўтиради. Раҳима хола унга кинна солади.*

Раҳима хола (*ора-чора эснаб*). Менинг қўлим эмас, Луқмону Ҳакимнинг қўли! Чиқ! Чиқ! Тениганники-ю, тентиганники бўлсанг чиқ! Кўзлаганинг кўзига бор! Қорни катта бойларга бор! (*Узоқ эснаб.*) Қаттиққина кинна кирипти, айланай, Пошшам! Кишининг назари ёмон бўлади-да.

Пошшо ойим. Қуриб кетсин, ҳали кўчадан келаётсам, домла поччамиз то уйга кириб кетгунимча кўзини мендан узмас-я!

Раҳима хола. Сизни ўша домланинг киннаси йиқитпти, айланай! Ҳали менинг қизим Жамилага: «Кўзга яқинсан, кўчага кўп чиқа кўрма!» дейишим ҳам бежиз эмас-да, ўргулай.

Пошшо ойим. Ҳа, ҳа, ҳа! Галингиз ўринсиз, холажон! Қизингиз Жамила ким ўзи! Хизматкоримиз Ғофир сўтакнинг хотини! Шу кунларда у келинчак эмасми, ясан-тусан жойида. Уч-тўрт кун турсин, кўмирхона, ошхонадан бери келмай қолади. Ин-найкин ким ҳам қайрилиб қарайди, дейсиз? Гап ҳусида эмас, ясан-тусан, зеб-зийнатда. Мана менинг чиройим ўртача, ёшим ҳам ўтинқираб қолган... Лекин, ҳамниша кинна киргани-кирган. Нимага десангиз, мана бу Чин товари кўйнак, хинали қўлларда ялтираган билагузуклар, пошнаси паст амиркон этикча, ғарч қўйилган қошиқдай кавшлар ер юзидаги бор киннани ўзига чақириб олади, холажон!

Раҳима хола. Қизим Жамиланинг боши оғримасин. (*Узича.*) Бутун дарду-фалокатлар ўз бошларингдан бери келмасин. Айтганча, Пошшоҳон, кундошингиз Хонзодахонни кўрмайман?

Пошшо ойим. Хонзодангиз дардини ичига ютаяпти... Ҳимм.

Раҳима хола. Ҳали унинг дарди кучли, денг?

Пошшо ойим. Ҳимм... Мен ҳам тепа тўнимни тескари кийиб олиб, ажаб қилдим, шайландим. Устимга келиб, мени куйдириб эди, мен ҳам уни куйдириб, кулпарча қилдим. Қайин онам Ҳожи она билан тилни битта қилиб, эримга бултур кузак Хонзо-

данинг устига қирқ кокиллик бир чевар қизни олиб бердим. Мана энди куя-куя жингаги чиқаяпти. Емайди ҳам, ичмайди ҳам. Дарди дунёси қоп-қоронғи бўлиб, уйда гумдон бўлиб ётипти. Ҳиммм...

Раҳима хола. Кундошингиз Хонзодахон юзи қора, шаддод хотин! Унга худонинг ўзи бас келмаса, бандаси невайди! Ўзини ҳам андак чакки босар, дейишадими? Ростмикин шу гап?

Пошшо ойим. Бўлмаса-чи! Сиз Хонзодани сутдан оқ, мусиладан увол, деб ўйладингизми? Унинг ёмон номи етти иқлимга кетган! Бошимга не-не кунларни солмади бу! Мен куя-куя куймай қўйдим... Энди ўзининг ирғишлаганини кўриб, «ўла», дейман!..

Раҳима хола. Боласи йўғ-а шу хотиннинг?

Пошшо ойим. Тирноққа зор! Гулбаҳор бўлса, ҳадемай ўғил туғиб берди. Шундан кейин яна тепа сочи тикка бўлиб кетди яшамагурнинг. Ул, ўл, бадтар бўл! Ҳа, ҳа, ҳа... Ҳа, ҳа, ҳа. Бас, холажон. (Қўллари билан баданларини сийпалаб, ирим қилиб, Хонзодага ирғитади.) Ҳамма дарду фалокатларимни шу ер юткур олсин!

*Рўбарўдаги эшиклардан бири аста очилади. Бошидаги ҳисобсиз кокиллар атрофига сочилган, товар кўйлак, Бухоро кундалидан қирғоқларига олтин уқа тutilган, енгсиз желатка кийган, олтин марваридларга фарқ бўлган, пешонасига пат қўйган гажакдор Хонзода кайфсиз — тажанг бир қиёфатда кўринар. Эшикка суялганича Пошшо ойимга хўмрайиб тикилар. Бунни пайқаган Пошшо ойим қўрқиб безовталанар.*

Хонзода (тўсатдан бақариб). Мاستон! Чилим! (Пауза.) Ер юткур, Мастон!

Мастон (югуриб кириб). Лаббай, аяжон!

Хонзода. Қулоғингга ун босдингми, етимча, етти кулча! Чилим!

Мастон. Ҳозир, аяжон.

*Мастон чилим келтириб, найини тутати. Хонзода ғазаб билан чекади. Мастон йиғлаб чиқиб кетади.*

Хонзода. Нимага мени ҳадеб эрмак қиляяпсан? Нимага қийшиқ оғзингни ирвайтириб куляяпсан? Сўйлоқ!

Мастон (титраб-қақшаб). Қани кулганим, аяжон!

Хонзода. Кулма, дейман, сенга! Ҳў ўша ажин босган, қаримсиқ юзларингга зиндалак чиқсин!

Пошшо ойим. Кўрдингизми, ёмонлигини, хола! Мени қарғаяпти!

Раҳима хола. Вой, гапга қўшилмай ҳали ўлай! Бир балога гирифтор бўлмай, туриб қоча қолай!

Пошшо ойим. Бунга сир бериб ўтираманми? Мастон ўлгур, чилимни олиб кел. Сен нимага кеккайяпсан, Мастон?

Хонзода. Қаримай адо бўлгур, Мастон! Арслонни кесак отиб енгмоқчимисан? Ҳу музлаб, ғужанак бўлиб қолган чигиртка-га ўхшамай ўлгур!

Мастон (*йиғлаб*). Аяжонларим! Ахир мен сизларга нима гуноҳ қилдим?

Хонзода. Гапирма, шаллақин!

Раҳима хола (*Пошшо оймга*). Ҳой, болам, шайтонга ҳай беринг!

Пошшо ойм. Ўл! Қуйиб ўл!

Хонзода. Тур, ит, кўзимдан йўқол! (*Чилимни отади.*)

Раҳима хола. Айланай, Хонзоданинг феълидан қўрққулик! (*Хонзодага.*) Ҳой, Хонзодахон, ўша ёш қиз билан тенг бўлиб ўзингизни койитмасангиз-чи, болам! (*Чиқади.*)

Пошшо ойм (*қўрққанидан мунофиқона кулиб*). Ҳой, ўртоқ, ўша аҳмоқ қиз билан айтишманг! Қани, бу ёққа келинг! Гапашамиз...

Хонзода (*ўзини босиб олиб, секин Пошшо ойм ёнига келади*). Яхши ўтирибсизми, ўртоқ? Кўрмайсизми адо бўлгур шумни?

Пошшо ойм. Қўйинг, ёш қиз билан айтишманг!.. Нима бало, эрингиз хафа қилиб қўйдими, дейман?

Хонзода. Сиз ҳам санамасдан саккиз деманг, ўртоқ! Ўлсин ўша хасис эрингиз.

Пошшо ойм. Эй тавба-ей, нолиб қопсиз? Мунча кериш-япсиз? Ё жазманларни қўмсаёпсизми?

Хонзода. Шундай бўшашаяпманки... Қани энди, бир дилдор кишининг бўлса-ю, кўнглинг ёзилса... Боя бир эркак кишининг товуши эшитилгандай бўлдимми?

Пошшо ойм. Холматжон деган киши... Юракларингиз шув этиб кетгандир...

Хонзода. Домла поччаларимиз қуръон тиловат қилганларида, сиз нима бўлсангиз, мен ҳам шу-да, айланай! (*Иккови кулишади.*) Ҳой, ўртоқ, сиқинтидан дод дегим келади. Келинг энди, бирпас тотув бўлиб, маҳрам гаплардан гапиршиб, кўнгилдаги кудуратларни ёзайлик.

Пошшо ойм. Нима гаплардан гаплашайлик?

Хонзода. Нималардан бўларди, япоқ соқол, пахмоқ соқол, эчки соқоллардан гапашамиз-да!

Пошшо ойм. Бесоқоллардан-чи?

Хонзода. Улардан ҳам гапашамиз. Қани, эчки соқолингиз билан кўришиб турибсизми?

Пошшо ойм. Аввал кичикдан...

Хонзода. Вой, тавба-ей... Аввал каттадан-да! Домла поччамиз қандай?

Пошшо ойм. Ҳа, ҳа, ҳа... Домла поччангиз шотидай салангламай ўлсин! Мени бир кун кўрмаса, жинни бўлиб қолади.

Хонзода. Бизнинг Холмат ҳам дуторни шундай эшиб чаладиган бўптики, айниқса, «Ас бўламан бул кеча, маст бўламан

шул кеча»ни чалиб, мени ўйнатгани-ўйнатган. Жонимни беришга-ча бораман шу йигитга!

Пошшо ойм. Латифжон бесоқолингиз-чи? Ёки унинг лавлунжи шалвираганми?

Хонзода. Латифжон бўлса, ундан ҳам дўндиқ, ундан ҳам соз!

Пошшо ойм. Уртада битта бойнинг ўзи ошиқча, денг, айланай!

Хонзода. Қайин онангизнинг хуш овозлари келмай қолдими?

Пошшо ойм. Пирлариникига кетганлар. Ҳали замон келиб қоладилар. У ёқ-бу ёқни йиғштириб қўяй, тагин оғзи эски қопдай очилиб кетмасин!

Хонзода. Бир жаҳли чиққандан кейин пешоналари саночдай тиришиб кетади, жодугарнинг!

Пошшо ойм. Чарви еган мушукдай кўзлари йилтилламай ўлсин, ялмоғизнинг! *(Пошшо ойм ўз уйига кириб кетади.)*

Холмат *(йўлакдан туриб чақирар)*. Ҳо... Ким бор? Аяжонларим!

Хонзода *(йўлакка яқин борар... Юзини рўмол билан ярим бекитиб)*. Кимсиз?

Холмат. Мен Холмат! Вой, аяжон, сизмисиз? Истаганимнинг ўзи-я! Дил тўғри-да, дил!

Хонзода. Келинг, Холматжон ака! Қадамингизга ҳасанот!

Холмат. Мунча қочасиз. Мундай жамолингизни кўрсатинг... Занг босган диллар ялтираб кетсин, аяжон!

Хонзода *(юзини очиб)*. Ҳеч тўймас экансиз-да?!

Холмат. Ўзим тўйсам ҳам кўзим тўймайди, кўзим!

Хонзода. Гапира қолинг! Бой отангиз юборгандирлар...

Холмат. Ҳе, бой отангизни қўйиб туринг, аяжон! Васлингиздан жудо бўлганимга расо уч кун бўлди-я! Илондек тўлғониб чиқаяпман, мундай ғариб, бенаво қулингизга адолат қилаверинг, хоним, подшоҳим!

Хонзода. Бир оз тобим йўқ, опаси жонидан!

Холмат. Уша сизга келган дарду фалокатларга Холмат ба-логардон бўлсин. Ёмон нафас қилманг!

Хонзода. Соғиндингизми?

Холмат. Соғинганда қандай дейсиз? Хуллас гап, шу кеча сиз билан бир отамлашмасам, жинни бўлиб қоламан, тасаддуқ.

Хонзода. Бу кун эмас-да!

Холмат. Келинг энди, шу кеча бир қирмизак олмадек бўлиб, ёқамдан тушиб, энгимдан қўйнимга кириб, қўлтигимдан чиқинг! Маст-аласт бўлиб, бир мурод ҳосил қилайлик...

Хонзода. Ўлинг, гапингиз қурсин!

Холмат. Ахир, сизни дастлаб кўргандаёқ, ошиқи беқарор бўлиб, кўкрагимиздан бир тийри жуводдиз, ҳадангги паррон ўтиб кетган-да, пошшам! Ўзингиз ҳам шундай соз, шундай қулинг ўргилсин бўпсизки, агар юзингизда етмиш қават парда бўлса-ю, бир

қаватини очиб қўйсангиз ҳам ҳусну жамолингизга ўттиз икки ка-саба чирроғ ёқмасдан иш қилаверади-я!

Хонзода. Ҳа, ҳа, ҳа... Ҳа, ҳа, ҳа... Жуда мақтаб юбордин-гиз... Холматжон... Хўп... Майли... Мен ҳам соғиндим... Агарда бой отангиз кирмаса, шу кеча сиз бой бўласиз, тузукми?

Холмат. Аяжон, бой бу кеча сизнинг ёнингизга кирди ни-ма-ю, кирмади нима? Билган билан итингизни овоқта, мушугин-гизни турма қилармиди? Ана-мана дегунча, кампир шафтолини данагидан айириб егунча, бой ухлайди-қолади!

Хонзода. Бўлмайди! Қайин онам бор. У юзи қора кампир! Пайқаб қолади.

Холмат. Э... У кампирнинг пешонаси буришган, худо билан уришган, оғзида битта тиши йўқ, бу уйдаги кирди-чиқдилар би-лан иши йўқ! Қўяверинг, жонгинам!

Хонзода. Хўп, унадим... Лекин... Янги ҳикоя топиб қўйдин-гизми?

Холмат. Бир ажойиб эртагим бор, уч кечага етади:

Тарақа-туруқ, омоч бўйинтуруқ,  
Шомирза-ю қоқ-қуруқ,  
Ҳайҳот, оғзингга новвот!  
Сийнани сийнага қўйиб,  
Жимгина, хап ёт!!!  
Офтобда шайтон кўндаланг,  
Урикда маймун типпа-тик...

Аmmo-лекин томга бекин. Замонларнинг замонида Солиҳбой деган

*Хонзода шарақлаб кулади.*

бир бой ўтган экан, унинг Хонзода деган моҳипайкар бир хотини ва Холмат деган бир одами бўларкан.

Хонзода. Бўлди, бўлди... *(Кулади.)*

Холмат. Уша бой, ўша Холмат деган одамни уйига юбориб тайинлаптики: «Меҳмон боради. Хонзодаҳонга айтгин, муборак қўллари билан қазилик палов пиширсин», депти.

Хонзода. Боринг, билдим, ичакларимни уздингиз!

Холмат. Аяжон! Бу кеча бизга қиладиган адолатингиз эсингиздан чиқмасин... Хайр... Эсон бўлинглар, аяжонларим! *(Ке-тар.)*

Сифат буви *(кириб)*. Омонмисиз, эсонмисиз, айланай! *(Кўришади.)*

Хонзода. Қани, нима қилдинг? Тез гапир!

Сифат буви. Нуриллаҳон эшон деганингиз ўткир азайим-хон экан, дуоларни ёздургунча нах ўзини ака, эчкисини така деб ўлиб бўлдим. *(Иена тумор, эзиб ички, тутатқи ва ҳар хил лат-та-путталарни бериб.)* Мана бу дам солинган игналар! Кундошин-гиз Гулбаҳорнинг остонасига қоқиб ташлайсиз! Бу эса Гулбаҳор-

нинг тўкилган сочлари, буни зах бир ерга кўмдирасиз! Шундан кейин бой кундошингиздан совуниб, сизга исир экан!

Хонзода. Ишқилиб амал қилсин-да!

Сифат буви. Айланай, эшон домланинг кароматларидан, эллик сўмни озсиндилар.

Хонзода (*пул бериб*). Ма, бу пулни Абдусаторга олиб бор! У сенга дори беради, олиб келасан.

Сифат буви. Бу қанақа дори, айланай? Вой, ўлай... тагин ҳалиги...

Хонзода. Кейин биласан... Тилингни тий... Туя кўрдингми? Йўқ! (*Пул бериб*.) Ўзингга! Хизматинг учун! Қани, туёгингни шиклат!

Сифат буви. Илоҳим, мақсадингизга етинг, болам! Хайр... Яхши қолинг... (*Кетади*.)

Хонзода (*ўзи ёлғиз*). Мени Хонзода пошшо дейдилар? Сен гадонинг қизи, мен билан тенг бўлмоқчимисан? Бошингга шундай маймун ўйинлари солайки, ўзинг туриб, «балли», дегин! Бир ҳароми бола билан бойни ўзингга ром қилиб олдинг! Бола баҳонасида унинг молу дунёсига эга бўлмоқчимисан? Хўш... Мен бу даргоҳда нимага овуниб юрибман? Бойнинг ҳуснигами? Ширин сўзларигами? Бутун вужудим билан жирканаман у пўрдоқ, зикна бойдан. Менга унинг молу дунёси керак! Лекин, нима қилайки, фарзанд йўқ! Ҳаммасига, ҳаммасига сен чанг солмоқчимисан? Сен? Йўқ! Мен бу ишга йўл қўймайман. Меросга узатилган ўша панжаларингни жоду билан қирқаман! Болангинг бир кун эмас, бир кун бошини чайнайман. Зеб-зийнатимни сотаман! Қошимни қоқаман! Сени йўқ қиламан!

*Ташқарида Ҳожи онанинг йўғон овози эшитилади.*

Ҳожи она. Ҳой, ким бор?

Пошшо оёим (*шошилиб уйдан чиқар*.) Ҳожи онам... Вой ўлай...

Мастон. Ҳожи она!

Хонзода. Ҳожи она, Ҳожи она ўлмади, биз қутилмадик...

*Ҳамма Ҳожи она қаршисига чиқади. Бир қанчалар қўллаб, қўлтиқлаган ҳолда, қўлида ҳасса, Ҳожи она кирар. Атрофга ғазаб сочар. Хонзода ва бошқалар унга хоксорлик билан эгилиб, салом берадилар.*

Ҳожи она. Нега ҳамманг иш қилмай, бекор ўтирибсанлар? Сулаймон ўлиб, девлар қутулибди-да? Мастон! Чиқарган пахталарингни, чувиган ғўзаларингни кўрсат! Раҳима, сен жувариларни туйиб бўлдингми? Ғофур ўлгир қани? Нимага ҳалигача қоплар бўшатилмабди, ўтинлар ёрилмабди?

Мастон. Мана, Ҳожи она. (*Чувиган ғўзаларини кўрсатар*.)

Ҳожи она. Яшшамагур, бу оз! Ҳалол ишласанг, ўласанми? Бугун ҳеч кимга уйқу йўқ. Эртагача шу ўн қоп ғўзани чувиш ло-

зим! Хонзодаҳон, хоннинг қизи, кавушимни тозаланг? (*Утириб, оёғини чўзади.*)

Хонзода. Жоним билан, онажон! (*Ҳожи онанинг кавушини артади.*)

Ҳожи она. Ҳой, биттанг менга исериқ солиб юбор. Кўзиканга ўхшайман!

Раҳима хола. Ҳасад қилишади-да, Ҳожи она! (*Исериқ солади.*)

Ҳожи она (*ҳаммани бир-бир кўздан кечириб*). Яна биттанг қани? Ҳалиги севиклиги кўринмайди!

Хонзода. У киши ҳали ноз уйқудалар, кечаси билан эрларига дутор чалиб, ўйнаб бериб, чарчаб қолганлар-да!

Ҳожи она. Нима, нима? Ноз уйқудалар? Гулбаҳор-а? Вой, хоннинг қизи бўлмай ўлсин, у киши. Менинг даргоҳим касалхонами? Эри билан ётибдими?

Хонзода. Ўғлингиз аллақачон пахта саройига кетганлар...

Ҳожи она. Вой, касофатинг ўзингга урсин, ювуқсиз! Ҳамма айб ўғлимда: гўл, бўшанг. Эркак киши деган хотинни гаҳ деганда қўлга қўнадиган қилмас экан, у эркак эмас. Ойпошша, Раҳима! Чақиринглар бу ёққа! Ирғитиб ташланглар кўрпасини, жувонмаргни! Дуторни ҳам олиб чиқинглар.

*Ойпошша, Раҳима Гулбаҳорнинг уйи томон кетадилар.*

Вой, белим... Эшон пиримникига маъракага бораман, деб итдай чарчадим... Худо... ўзинг бандам дегил!

*Гулбаҳор югуриб чиқиб, ўзини Ҳожи онанинг оёғига ташлар.*

Гулбаҳор. Тавба қилдим, онажон! Билмабман... Айб менда.

Ҳожи она (*юз ўгириб*). Қараманглар юзига! Гуноҳга ботасизлар! Бор, юз-қўлингни ювиб чиқ, хазон бўлгур! Ҳали шуми қайин-онангга ҳурмат, эрга ҳурмат! Еки ўғлимнинг ёғ-гўшлари қутуртираяптими сани? Гапир, Аҳмад қасқининг қизи! Шундай казо-казоларнинг қизлари — Пошшо ойимлар, Хонзолалар қоқ саҳар туриб, хизматимга ҳозир бўлса-ю, сен бенасаб, исқирт, атлас кўрпада мени писанд қилмай, хуррак отиб ётсанг! Еинки севикли эрингиз кечаси билан ухлатмай чиқдими? А? А?!. Жонингизга тегдими? Гапиринг?.. Ухлаб қобсиз-да?!. А?!. Эрсирамай кўзларинг оқиб тушсин!

Гулбаҳор. Ойижон!

Ҳожи она. Гап қайтарма! Фариштаси йўқ, бетавфиқ! Дуторинг қани? Ҳали эримниям бузаяпман, дегин? (*Дуторини отиб синдиради.*)

Гулбаҳор. Ойижон! Болам касал... Туни билан йиғлади... Мен бешик қучоқлаб, асти киприк қоқмай чиқдим. Тавба қилдим...



Ҳожи она. Инглама, беор! Товушингни ташқаридаги номаҳрамлар эшитади. Гуноҳга ботаман, гуноҳга! Мен икки йўл ҳаж қилган батавфиқ, художўй хотинман-а!

Хонзода. Онаси Ойхон хола ҳам келувди... Уйғотмай, кетиб қопти...

Ҳожи она. А? Ҳали онанг ҳам келганми? Менинг йўғимни пойлаб-а? Нималарни бериб юбординг? Ҳар бир гадойга берсам, ўзим ҳам гадой бўлиб қоламан, жувонмарг! Тўхта, кечаси келган йигит ким эди у?

Гулбаҳор. Акам.

Ҳожи она. Ҳалиги ўғай акангми? Нимага ундан қочмадинг?

Гулбаҳор. Нега акамдан қочай?

Ҳожи она. Ўғай ака ака бўладими? Бу уй икки йўл ҳаж қилган Ҳожи онанинг уйи-я! Бу уйда намоз ўқиганлар, рўза тутганлар, кўчага товуши чиқмайдиган мастуралар туради. Аканг келмасин! Ундан қочасан! Ўзинг бандам, дегил, худо!..

Гулбаҳор (*этагини ўпиб*). Тавба қилдим, онажон!

Ҳожи она. Тур! Тавбангни қабул қилдим. Сенга эринг нима совға келтирди?

Гулбаҳор. А?.. Ҳалиги... Ҳа... бир жўра атлас.

Ҳожи она. Олиб чиқ!

*Гулбаҳор кириб, атласни олиб чиқиб, Ҳожи онага берар.*

Бор, таҳорат ол... Намозингни ўқи! (*Хонзодани кўрсатиб*.) Хонзодани қара, жойнамозга қандай ярашади! Уҳ... ҳордим, намоз қа-зо бўлмасин. Қўлтиғимдан олинглр...

*Келин, хизматчилар, қўлтиғидан тутарлар, бири кавушини тўғри-лаб, ҳассасини қўлига тутқазар.*

Ҳа, анави Ғофирнинг хотини иш қилмаяптими ё ҳалиям у ойм-тилла чимилдиқдаларми?

Пошшо ойм. Ҳали янги келинчак эмасми?

Ҳожи она. Менинг уйимда текин овқат йўқ. Ғофирга айтинглар, хотини чиқсин, ишласин! Қаллиқбозлик ҳам икки-уч кун бўлади-да, худо урди-кетди! Бўлмаса кўч-кўронини онасининг уйига жўнатсин... Оллоҳу карим, мўминларга тавфиқ бер. Қўлнинг қаторида имонимни басаломат сақла! (*Секин-секин кириб кетади*.)

Пошшо ойм. Уҳ!.. Ҳайрият, гумдон бўлди. Менинг титраганимни қаранг!

Хонзода. Юрагим тарс ажралиб кетаёзди-я, ўртоқ!

Бой (*ташқаридан*). Ғофир! Отга қара!

*«Хўп» деган товуш. Савлат билан кирар. Пошшо ойм бориб, салла-чопонга қўл чўзар.*

Бўлак ишингга бор!

*Хонзодани ҳам қайтарар.*

Асқаржон!

*Гулбаҳор келиб, салла-чопонини олиб, ўз уйига олиб кирар.*

Асқаржон, чўт келтир! *(Бой ровонга чиқар, иззатини жойига қўяди, бой нималарнидир ҳисоб қилиб, чўтга солар, қоғоз текширар.)*  
Асқар, чарчадим, оёғимни эз!

*Гулбаҳор бойнинг оёқларини уқаларкан, ора-сира чой қуйиб турар.*

Мунча қўлинг дармонсиз, ҳой сен ҳам кел!

*Хонзода ҳам бир оёғини уқалар. Бойнинг диққати кўпроқ Гулбаҳорда. Хонзода билдирмай Гулбаҳорга ғазаб сочар. Гулбаҳор икки ўт ўртасида азобланар.*

Кўзларинг қизарган?

Гулбаҳор. Шундай, ўзим...

Бой. Йиғладингми?..

Гулбаҳор. Йўқ. *(Кўзига жиқ ёш олади.)*

Хонзода. Ҳожи она бир оз койқиб бердилар.

Бой. Нима деб койиди, онам?

Гулбаҳор. Йўқ! Ҳожи онам койисалар ахир онам... Ҳақиқор...

*Ҳожи она олисдан шовқин қилиб келар.*

Ҳожи она. Ҳожи она! Ҳожи она! Ҳожи она ўлмадики, сенлар қутулмадинг! Чақ! Чақавер! Ҳалиям боламнинг кўнглини мендан совутдиларинг! Хўш, бой, хотинчангизга раҳмингиз келдими? Она хўрланса, она ўлса, майлими? Уғлим Шокирбойнинг ёнида бўлсам, бу хилда мени келинларига хўрлатиб қўярмиди?

Бой. Онажон! Қулоқ беринг.

Ҳожи она. Буларга шариятдан, тариқатдан гапирсам — ёқмасам! Тергасам — ёқмасам! Наҳотки, бир оз койиб уришсам-у, эри келиши биланоқ чақа солса-я! Булар ўғлимни мендан совутмоқчилар, мусулмонлар!

Бой. Онажон, гапимга қулоқ солинг!

Ҳожи она. Йўқ, пичоқ бориб суякка тақалди. Шокиржоннинг ёнига кетаман! *(Ҳўнграб йиғлаб.)* Мени жўнатиб юбор! Келинлардан қўрқаман, менга дори бериб, ўлдириб қўйишади булар! *(Йиғлайди.)*

Бой. Она, койманг! Буларни сизнинг тирноғингизга олмайман! Ахир, хотин пулга келадими? Пулим бор, хотин ола берман, аммо она топилмайди. Ҳой, мен сизларга айтаман, Ҳожи она меннинг онам бўлади! Қимки онамнинг сўзига қулоқ қоқмаса, хафа қилса, ундай хотин менга — талоқ!

Пошшо ойм. Вой... шўрим, вой, ўлай!..

Хонзода. Вой, ўлмасам... (Ҳангу-манг бўлиб қоладилар.)

Ҳожи она (хурсанд, илжайиб). Балли, болам, асл ота ўғил экансан! Худо умрингга, молингга барака берсин. (Уйига кириб кетади.)

Бой. Мастон! Ғофир акангни чақир!

Мастон. Хўп бўлади!

Бой. Сизлар ичкарига кириңлар!

Хонзода. Тайинлаган нарсангизни ҳозирлаб қўйдим, бугун кирасизми?

Бой. Бугун эмас. (Гулбаҳорга илжайиб.) Сен болангни эрта-роқ ухлат!

Гулбаҳор. Тузук.

Хонзода ғазабли, Гулбаҳор ғамгин кириб кетадилар.

Ғофир (кириб). Чақирдингизми, бой ота?

Бой. Қани, Ғофир, кел, ўғлим, ўтир! Гапир-чи, қаллиқдан вақтинг чоғми?

Ғофир. Чоғ бўлганда қандай! Энди ўла-ўлгунча қулингизман-да, бой ота!

Бой. Ҳа, ҳа, ҳа... Яхши гап... Қиз ҳам тайёр турган экан-да, Ғофирвой!

Ғофир. Ешлигимизда ҳалигидай...

Бой. Бутун шаҳарда дув гап! Нима дейсан: «Солиҳбой хизматкорини тўй-томоша билан уйлантириб қўйипти. Бой бўлса, шунақанги камбағалга қайишадиган, олий ҳиммат, сахий бой бўлса экан», деган гаплар.

Ғофир. Ҳаммадан ҳам ўзим сингари етимларнинг севинганини айтмайсизми, бой ота!

Бой. Баракалла, ўғлим! Камбағалга мен бирни берсам, худо менга ўрни беради... Ҳалол меҳнат қилсанг, ҳамиша бахтинг олчи-да! Ҳамиша пешонангни силайман! Хўш, энди, ўғлим, «Ҳисоблик дўст айрилмас», деган гап бор.

Ғофир. Ҳақ гап, бой ота!

Бой. Тўй баҳонасида мendan сенга ўтиб қолган арзимаган нарсалар бор, шуларни пулга чақиб, орани очик қилиб қўйсақ, деган эдим.

Ғофир. Маъқул гап, бой ота!

Бой. Мана, мусовидаси ҳам тайёр! Икки юз сўм нақд пул. Беш пут гурунч, икки чорак ун, битта бўрдоқи қўй! Хўш, деганингиздан билсак, ҳалиги энг яхши қандак ўрикдан уч пут, каттақўрғон магизидан беш пут; магиз билан ўрикни бир оз қурт еган бўлса ҳам пок-покиза уриб кетишипти, азаматлар! Имом-қозиларга кийдирилган ўн бешта аъло-овсат чопонлар. Хўш, Ҳожи онанинг устига ўз қўлинг билан ёпган ипак мурсак, тўй куни аяларинг ҳам биттадан атлас кийдилар. Оталик қилганим учун мана бу чакмонни менга ўзинг кийдирдинг, тўғрими?

Ғофир. Тўғри, бой ота, тўғри!

Бой. Мана шуларнинг, борки, ҳаммаси бўлиб бир минг етти юз сўм пул бўлар экан...

Ғофир (*чўчиб*). Шунча қарзим бор эканми? Мен буни қандай узаман, бой ота? Менинг чўтимда ҳаммаси бўлиб, беш юз сўмдан ошмас эди-ку? Еки адашдингизми экан-а, бой ота?

Бой. Бу қандай гап? Нон тепкилик қилма! Шу соқолим билан ёлғон гапираманми? Юлсам, сендай гадодан юламанми?! Сенларга яхшилик қилганинг ўзи аҳмоқ! Кўрнамак, итфёъл!

Ғофир. Тавба қилдим, бой ота!

Бой. Бир минг етти юз сўм ҳам пул бўлдим? Узарсан, узолмасанг яна беш, ўн йил ишлаб берарсан! У эмас, бу эмас, хотинлик бўлиб қолганингга шукур қилсанг-чи, баччагар!

Ғофир. Қуллуқ, бой ота, қуллуқ!

Бой. Ҳа, гап мана бундай бўпти-да, ўғлим! Қани бармоғингни бос, кел, қўй, маҳкамада тўғрилаб олармиз! Боравер! (*Ғофир туради.*) Дарвоқе, Ғофир, келинга айт, хизмат-пизмат қилиб турсин. Сен ўғлимсан, хотининг — келиним. Айтгандай, унга кўрмана ҳам бериш керак! (*Пул бериб.*) Ма, рўмол олиб бер!

Ғофир. Қуллуқ, бой ота, қуллуқ! (*Ўз уйи томон кетади.*)

Бой. Асқар, салла-чопонини келтир!

*Гулбахор салла-чопонни кийдириб қўйиб, ўзи кетар.*

Ҳайрият, бу иш ҳам хамирдан қил суғургандай жўнгина битди. Ғофирни энди бутунлай илсиз тузоққа илинтирдим. Мендан кетган етти юз сўм бир минг сўмни етаклаб ҳамёнга кирди. Бир минг етти юз сўм деган савил шундай зўравонки, унинг панжасидан Ғофирнинг ўзигина эмас, авлоди-аждоди қутула олмайди! Ҳа, ҳа, ҳа... (*Кета бошлайди.*)

Ғофир (*чиқиб*). Бой ота, келинингиз...

Бой. Ҳа, майли, юз кўришиб қўя қолайлик!

*Ясанган, юзига оқ дока тутган келинчак Жамила чиқади, бойга эгилиб, салом беради.*

Ҳа, баракалла, қизим... Баракалла! Қани юзингни очиб юбор, қизим!

*Жамила юзини очади.*

Баракалла... Бар-а-кал-ла қизим-м-мм... (*Жамиланинг ҳусну жамолини кўрган бойнинг ҳуши бошидан учади. Қўлидан тасбеҳи ерга тушади. Унга тикилганча жим қолади, сўнг ўзини тутиб.*) Ғофиржон, бахтинг бор, ўғлим! Юз минг харжласанг ҳам арзийди! Энди отасимиз, хизматга буюра берамиз-да. Қани, бир чилим чектириб юборинг-чи, қизим...

*Жамила кетади.*

Ғофиржон, Холматга айтгин, аравани тайёрласин, яхши йигит!

Ғофир. Хўп, хўжайин! (*Хурсанд чиқади.*)

Бой. Во ажабо! Бу ким бўлди? Чўрими ёки бир офатижон фариштами? Юзлари худди олмадай таранг. Бир жуфт қуралай кўзи сурма босгандай қора, бир қараши биланоқ юрагимни тақапука қилиб ташлади. Ана қадду, ана қомат! Ана ҳусн, ана малоҳат! Ҳисобсиз кокил, қўнғир сочларига нима дейсан? Тақимини ўпади-я, тақимини! Сени туққан онанга раҳмат!

*Жамила чилим келтиради. Бой атрофга олазарак қараб.*

Баракалла... оппоқ қизим, ширмон қизим, дўндиқ қизим!

*Жамила уялиб, чилимни чектириб кетади. Бой унинг изидан кўзини олмай.*

Ҳе, аттанг! Гулни гулга қўшмай, гулни сассиқ алафга қўшиб қўйибман! Ҳе, пишмаган, хомкалла! (*Пешонасига уриб.*) Бу нозанин увол! Чўриликка эмас, бекачликка арзийди-я!

Ғофир (*кириб*). Бой ота, тайёр!

Бой. Қани, юр... ўғлим! (*Чиқадилар.*)

Гулбаҳор (*уйдан чиқади. Айвонга жомашовни қўйиб, болани чўмилтириш учун ҳозирлик кўрар*). Қани, қайдасиз, ёшлигимда кўзимга уйқу бермаган ширин хаёллар? Қани сен, эй бевафо йигит! Қани йиғлаб туриб, бир-биримизга арз-муҳаббатларимиз! Ҳаммаси, ҳаммаси ҳам ерга кўмилди, хазон бўлди... Иккимизнинг орамизга қилич солиб, жудо этдилар. Э худо, сенга нима гуноҳ қилган эдимки, ёлғиз бошимга бу хилда жабру кулфатларни солдинг?

Хонзода. Ҳой, мени нега қарғайсан? Арпангни хом ўрдимми?

Гулбаҳор. Сизни нега қарғай, аяжон!

Хонзода. Ўзим эшитдим, гадонинг қизи!

Гулбаҳор. Аяжон, андишанинг отини қўрқоқ қўйманг!

Хонзода. Вой! Вой!.. Ҳали андишани ҳам биласизми? Сен ниманга бино қўясан? Ҳуснинггами? Ойнакка қара! Лабинг дўрдоқ, кўзларинг ғилай, ажина қошиқдек юзларинг бор! Чиройликмисан? Ҳа, ҳа, хунуксан, бедавосан! Бўйингга ол, хунукман, де!

Гулбаҳор. Хунукман, аяжон, хунукман!

Хонзода. Бўлмаса, бой сени нимага яхши кўради? Илм-амал билан тил-жағини боғлаб қўйгансанки, яхши кўради-да, хазон бўлгур!

Гулбаҳор. Мен илм-амалларингизни билмайман! Ундай ишларни сиз қиласиз!

Хонзода. Мен амалларингни топдим! Мана! Мана! Мана!!! (*Латта-путталарни Гулбаҳорга иргитади.*) Ҳой, сенга айтаман, бойга бу кеча касалман, деб важ-қорсон қил! Агар бой бугун ҳам

сенинг ёнинга кирса, мен сени соғ қўймайман, гап! (Эшикни қаттиқ ёпиб, кириб кетади.)

Гулбаҳор (боласини бағрига босиб). Бебахт болам, хорзор бўлган болам! Нима қилар эдинг шундай шафқатсиз одамлар ичида туғилиб? Елғиз онангнинг бахтига сен омон бўлгил, қўзим. (Чўмилтиришга ҳозирланар.)

Хонзода Гулбаҳорнинг ҳаракатини кўздан кечирар, унинг бошига бир фикр келар. Дарров ўзини бир ёққа олар.

Ҳожи она (уй ичидан). Гулбаҳор! Ҳо, Гулбаҳор!

Гулбаҳор. Мана, ҳозир!

Ҳожи она. Тез кел!

Гулбаҳор. Боламни ҳам чўмилтиргани қўймайди, жодугар! (Эрининг «талоқ» сўзи эсига тушади.) Вой, ўлмасам. (Югурганича кетади.)

Хонзода шошиб келади, тоғорадаги қайноқ сувга болани иргитиб, ўзини четга олади, дод солади.

Хонзода. Дод, вой дод! Қутқаринг! Бола ўлди! Ҳой, Гулбаҳор, вой дод! (Ҳаяжон, говур кўтарилади, кишилар тўпланадилар.)

Гулбаҳор (талваса ичида ўзини болага ташлар. Бағрига босар.) Вой!.. Болам!!! Болам!.. (Улганини сезиб.) Болам! (Беҳуш йиқилар.)

«Вой шўрим!», «Энди нима қилдик!», «Эссиз бола!», «Онасига қаранглар», деган товушлар.

Ҳожи она. Нима бўлди? Нима гап? Ўлдим? Уҳ... Уҳ... Эссизгина бола!

Хонзода. Айб онасида! Болани ҳам қайноқ сув ёнига қўйиб кетадими?! Бола тоғорага йиқилиб тушди! Узоқдан кўриб қолдим, бақирдим, етолмадим!

Ҳожи она. Онасининг касофати боласига урибди! Яна намоз ўқима! Пешингача ухлаб ёт!

Гулбаҳор. Болам... сен куйгунча, онанг куйиб ўлса бўлмасмиди, болам?!

Хонзода. Ўзи боласидан қутулолмай юрган экан-да! Боринг! (Ғофирга.) Бойга хабар қилинг!

Жамила. Вой, борманг, ўлдириб қўяди! Айтсангиз-чи, онажон!

Раҳима хола. Қўрқма, қизим, қўрқма! Ўлдирмайди!

Ҳожи она. Бор, айтиб кел! Бундай хотинни отнинг думига боғлаб ўлдириш керак!

Жамила. Гулбаҳор, аяжон, туринг! (Суюб турғизади.) Бу Хонзода аямнинг иши! Ўзим кўрдим, онажон!

Раҳима хола. Билмасдан гапирма! Балоба қоласан, қизим!

Бой (*кириб*). Нима гап? Қани бола? Қани? (*Болани кўриб.*) Улдим?

Раҳима хола. Улди.

Ҳожи она. Мана, ардоқлаган, севган хотининг! Бола ўлдиришдан мақсади — сандан қутулиб, суйганига қўшилиш экан!

Хонзода (*ёлғон йиғи билан*). Нинни қўлларингдан ўргилай, шундай болани худойим менга бермайдими?

Бой (*Гулбаҳорга яқин бориб*). Сен ит, нима учун болани ёлғиз қолдириб кетдинг?

Гулбаҳор (*титраб-қақшаб*). Мен... Мен... айбим йўқ... билмадим...

Бой. Сенга ким айтди болани ўлдирсин, деб? (*Қозикдан қамчинни олар.*)

Гулбаҳор (*ўзини бойнинг оёғига ташлаб*). Чўрингизман... эзилдим... Дард билан адо бўлдим. Менга тегманг, урманг... Қўрқитманг... ялинаман!

Бой. Жавоб бер! Нимага ўлдирдинг!

Гулбаҳор. Мен ғурбат тортиб, бағри эзилган бир нотавонман, раҳм қилинг!

Бой. Уйнаш деб ўз болангни ўлдирдингми? Гапир, шарият ургур! (*Шапалоқлаб урар, Гулбаҳор ерга юзтубан йиқилар.*)

Жамила. Вой, бечора... Вой, мен ўлай... Йўқ, чидолмайман! Айтаман, онажон!

Раҳима хола. Хонзода ёмон хотин, ётиғи билан айтаман, қизим!

Ойхон (*ҳарсиллаб кириб, паранжисини иргитиб*). Ҳой, куёв! Она ҳам ўз боласини ўлдирар эканми?! Бўлмаган гап! Қани, болам! (*Болани бағрига босар.*) Энанг ўлсин болам...

Бой. Куёв? Куёв? Ҳамма айб сенда! Бузуқ тарбия бергансан!

Ойхон. Нега ундай дейсиз? Онангизман-а, уялмайсизми?

Гулбаҳор. Онажон, тенг бўлманг!

Бой. Аналикка эмас, чўриликка арзимаёсан, кет уйимдан!

Ойхон. Вой, болам... Ҳали шуми онанинг ҳурмати? (*Йиғламоқлаб.*) Баракалла... Отангизга раҳмат, бой! Қиз боқиб, сизга берганим учун менга бундай мурувватларни қилдингиз! Қуллуқ... бой... қуллуқ...

Гулбаҳор. Йиғламанг, онажон! Майли, кетинг! Ярашиб қолармиз! Қўрқманг!

Ойхон. Кетаман... Ҳали ҳам турмайман! Лекин сени олиб кетаман, онанг ўргулсин! Сени ўлдиришиб қўйишади!

Ҳожи она. Олиб кетаман! Қаёққа? Ҳа, ҳа, ҳа! Қизингизни икки юз тиллага олганман! Қизда ҳақингиз йўқ! Қизингизнинг хўжаси ана эри, қолаверса, мен бўламан! Улим берсин сендай сассиқ такага! Кет менинг даргоҳимдан!

Ойхон. Ёмонларнинг жазосини худойим берсин... Бечора қизим, шўрлик қизим!

Гулбаҳор. Онажон! *(Бир-бири билан қучоқлашиб хайрлашар. Ойхон йиглаб чиқиб кетар.)*

Бой. Гапир, сочи юлуқ! Нимага ўлдирдинг?

Гулбаҳор. Айтолмайман! Қўрқаман!

Бой. Кимдан? Уйнашданми? *(Қўлини қайириб, сочини тортар.)*

Гулбаҳор. Вой, сочим!.. Вой дод!

Гофир *(чидолмасдан)*. Ахир шафқатингиз борми? Улдириб қўясиз бечорани, бой ота! *(Қутқазмоқчи бўлади.)*

Бой. Гофир, чиқ! Беадаб! Номахрамсан!

Гофир. Тавба қилдим, хўжайин! *(Маъюс чиқади.)*

Бой. Бундай беномуснинг сочларини юлмоқ керак.

Гулбаҳор. Вой, сочим! Вой дод! *(Шиддатли бир ҳаракат билан бойнинг қўлидан чиқар ва жасорат билан.)* Бой, қолмади тоқатим! Бир йўла ўлдириб, бўғиб ташла, мен бахти қарони! Қутулайин шу ортиқча жондан! Халос бўлай шу ит азоби кунлардан!.. Улдириб, ноинсоф, бераҳм бой!

*Хонзода ўзига зеб-зийнат, пардоз-андоз бериш билан овора.*

Бой. Улдираман! Бўғаман! Янчаман!!! *(Ваҳшиётна қиёфада Гулбаҳорга ташланар, уни ўз сочлари билан бўға бошлар.)*

*Жамила фарёд билан буларнинг орасига киради.*

Жамила. Бой ота! Тўхтанг! Тегманг бу кишига! Жон бой ота! Болани ўлдирган анови имонсиз Хонзода... Уша!.. Уша!.. Бой ота, ўша!

*Бой Жамиланинг кўзига қарар, Жамила қўрқиб тистарилар.*

Гулбаҳор. Хонзода!.. Оҳ... *(Гангерар.)*

Хонзода *(ўзини бойнинг оёғига ташлаб.)* Мана, ўлдириб! Бу менга тухмат!

Бой *(кўзини Жамиладан узмай)*. Қандай оташи жон? Қандай малак бу? *(Хотинларга.)* Йўқолинг!

*Ҳамма аста-секин қўрқув ичида тарқалар.*

*Бой Жамиладан кўзини узмас ва амирона буюрар.*

Чилим келтир!

*Жамила кетади.*

Бу нима гап? Яна шуни кўрдим-у, ўтдай ёниб турган одам мулойим бўлдим-қолдим. Қара, қандай соз, қандай тиниқ нарса бу? Ҳе, бу дунё беш кун... Бешови ҳам қора кун. Уйнаш керак, кулиш керак. Қандай келишган нозанин бу?



*Жамила киради, чилим чектиради.*

Тўхта, гапим бор! Сендан бир нарсани сўрасам, нима жавоб қиласан?

*Буларнинг гапи орасида Гулбаҳорнинг ҳазин йиғиси эшитилиб турар.*

Жамила. Нима жавоб лозим бўлса, шунни-да... бой ота!

Бой. Сен менга ким бўласан?

Жамила. Мен сизнинг хизматкорингизнинг хотини бўламан, ўзим уй ичингизга чўриман.

Бой. Чўриман? Ҳе, тентак... Сен уй ичининг чўриси бўлма, гули бўл, гули! Сени кўрдим-у, роҳатим бузилди. Эс-ҳушимдан бегона бўлдим.

Жамила. Бўлмаса, мен бу кундан бошлаб сизга кўринмасликка ҳаракат қиламан, бой ота!

Бой. Ҳай, ҳай! Энди сени бир кун кўрмасам, менга тирикчилик ҳаром!

Жамила. Тушунмадим, бой ота!

Бой. Ҳа, ҳа. Тушунмадим эмиш. Давлатим сенга қолсин, дейман! Хоҳласанг эртагаёқ Гулбаҳорнинг хатини қўлига тутқа-заман! Истасанг Хонзоданинг бугун жавобини бераман! Сени оламан! Уйласанг-чи, келиб-келиб шундай таги паст бир хизматкорга хотин бўлдингми? Қорни тўйиб нон емаган бир гадо сени нимадан ялчитсин! Эрингдан чиқиб, менга тегасан, еганинг олдингда, еганинг кетингда. Хоннинг хотинидай кун кўрасан, тушундингми энди, Жамилахон?

Жамила (*оғир*). Бой ота, бу гапни бир айтдингиз, яна қайтиб гапирманг! Уша қаролингизни яхши кўриб текканман, бошимдан зар қуйсангиз ҳам ундан айрилмайман!

Бой. Вой, эси йўқ! Бахтингнинг очилгани шуки, мен сени яхши кўриб қолдим-да!

Жамила. Бунақа бахт керак эмас менга!

Бой. Афтидан, қари, дейсан шекиллик! Энди қирчиллаб, қирон йиғит бўлган вақтим!

Жамила. Жағингизни чарчатманг, бой ота!

Бой. Гап битта, иккита бўлмайди! Бу ишдан ўлиш бор, лекин қайтиш йўқ!

Жамила. Биз бу даргоҳдан кетамиз!

Бой. Кетамиз... Ҳо-ҳо... Қаёққа?

Жамила. Мен тоғ чўққисида туриб, ўзимни дарёга ташлайман!! Сочларимни юламан! Еқамни йиртаман! Қўлингизда тилка тилка бўламан! Аммо ўзимни сизга топширмайман! Эримга бевафолк қилмайман!

Бой. Ҳали шундайми? Ҳо-ҳо... Кўрамиз... Ким зўр экан? Сендаги севги билан вафоларми ёки менинг чўнтагимдаги олтинларми? Шунга эшитиб қўйки, ҳеч бир жон Солиҳбойнинг орзусига

кўндаланг келолмаган! Бир нарсани қиламан, дедимми, қиламан! Сен-ку энди ризо бўлмадинг, бу ишни сендан сўрамасдан қиламан. Менинг олтинларим шундай зийрак жосус, шундай чаққон ўғри, шундай забардаст эшон, улуғ бир ҳақимки, ерга кирсанг, қулоғингдан, осмонга чиқсанг, оёғингдан тортиб, менинг қўйнимга олмай қилиб солиб қўяди! Мен сендай бир пари пайкарни ўша гадо Ғофирга бериб, қараб ўтирмайман! Гапнинг пўс калласи шу!

*Зарда билан чиқар. Жамиланинг сурати тортилиб, дарахтга суялганча қолар. Бир оздан кейин йўлакда бой билан учрашган Сифат буви кириб, Жамиланинг ёнига борар.*

Сифат буви. Айланай қизим, наҳотки бошингга давлат қуши қўнса-ю, уни калтак олиб, ўзинг қувласанг! Бойнинг севикли хотини бўлиб, давру даврон сурмайсанми? Нима қиласан ўша гадога хотин бўлиб? Мана, хамирнинг учидан патир дегандай бой поччам олтин билагузук совға қилдилар. Қара, қандай чиройлик? Еш умрингни хазон қилма, айланай! Кел, ҳў ўша дўндиқ қўлларингдан ўргилай! (*Билагузукни қўлига солишга уринар.*) Ҳа, де... рози бўл, қизим!

Жамила (*ўзига келиб, кескин*). Йўқ!! Билагузуқлари бошидан ордона қолсин! (*Отиб юбориб.*) Йўқол кўзимдан! Ҳали шармандангни чиқараман! Жодугар!

Сифат буви (*ғазаб билан*). Вой, нозга тегинмай ўла қол, шўрпешона! Хап, қараб тур! Шу деганингга мен сени бойнинг қўйнига ўз қўлим билан солиб қўйиб, пешонангга тақиллатиб битта урмасам, етти дўзахга кунда бўлай!

Жамила. Дўзахлар сендан ҳазар қилади, дўзахи!

*Сифат буви чиқади. Гулбаҳор сочлари паришон, сўлгин ҳолда кўринади. «Наво»нинг ҳазин даромади чалинади.*

Гулбаҳор (*куйлаб*).

Узун-узун арғамчи  
Ерда ётса майлими?  
Эссизгина Гулбаҳор  
Гўрда ётса майлими?

Ҳа, нотавон юрагим, мунча титрайсан? Ҳе, дунё, ғариб, ёш бошимга шунча кулфатларни солдингми? Атроф баҳор, гул... япроқ... Лекин ёлғиз менинг баҳорим тугади!.. Чечакларим хазон бўлди. Онажон! Меҳрибоним онажон! Белинг бу ҳасратли, надоматли умринг малоли билан букулди, кўзларинг шам каби заволга юз тутди. Болалик қарзимни узолмадим, қариганингга сенга мадор бўлолмадим. Онажон! Қарғама бечора қизингни, бебахт қизингни, онажон!!

Узун-узун арғамчи,  
Йўлда ётса майлими?  
Эссизгина Гулбаҳор  
Гўрда ётса майлими?

*Ҳовлига чиқиб кетади.*

Жамила. Бечора Гулбаҳор, карвондан ажралган бўтадай бўзлайди, шўрлик... Бир кундаёқ сарғайиб сўлипти, шундай хафа... шундай хафа... Бераҳм бой, токайгача ғарибларни хун-бийрон йиғлатасан, бу тўкилган эшлар, қусилган қонлар, бу тўрт деворлардан кўтарилган оҳу зорлар сени ёқангдан тутмай қўймас. Мени олар эмиш. Ҳо-ҳо. Мен сендай қорин бойларни тахти-бахтинг билан ўзимнинг камбағал эримнинг ҳаром тукига олмасман!

Гофир (*кирар. Елкасидаги юкни бир четга қўяр, Жамила-га яқин бориб*). Нега чеҳранг сўлғин! Кўзинг намли?

Жамила. Қаерда қолдингиз! (*Елкасига осилиб йиғлар.*)

Гофир (*ҳайрон*). Гапир, жоним!

Жамила. Тез бўлинг, бу уйдан кетамиз!

Гофир. Кетамиз? Қаёққа? Бўлак бошпанамиз йўқ!

Жамила. Кетамиз! Бир парча куюк кулча, бир қултум шулон шўрвани ҳар жойдан ҳам топиб ичамиз! Гулбаҳорнинг оҳу зори юрагимни эзиб ташлади!

Гофир. Э, бу... кунда бўладиган бир савдо... Шунга хафамисан... Кўниб қоласан.

Жамила. Кетамиз, бўлак гап йўқ!

Гофир. Қизиқсан, кетолмайман, ҳақим йўқ. Бунга бой гўрда кўнадими? Мен ундан қарздорман-ку?

Жамила. Шунақами ҳали? Сизга бой керакми, мен керакми? Қани, шунга айтинг?

Гофир. Жамила!

*Мастон ранги бўзарган, бақириб киради.*

Мастон. Одам борми?

*Говур-говур, ҳамма тўпланади.*

Гофир. Гапир!

Мастон. Аям... аям... Гулбаҳор... аям ўзини олмуртга осиб қўйипти.

*Ҳамма бирдан ҳовлига чопади.*

Гофир. А? Қани?

Жамила. Вой дод! Вой, ўлай! Онажон!

Раҳима хола. Сен қўрқма, қизим, қўрқма!

Пошшо ойим. Вой, ўлмасам, ҳой, Хонзода! Уртоқ! Югуринг!

Раҳима хола. Ҳожи она! Чиқа қолинг тезроқ!  
Пошшо ойим. Вой, ўлай, энди нима қилдик?  
Хонзода. Яхши кўриш ўлсин, шундақа бўлса? Бу ўша йи-  
гитнинг дардида ўзини ўлдирган-да, айланай!

Ҳожи она (*беғам, бўшанг югуриб чиқади*). Нима бўпти,  
келни?

Хонзода. Гулбаҳор ўзини осиб қўйипти, тез юринг, она-  
жон!

Ҳожи она. Улиптимми?

Хонзода. Ҳа, ўлипти.

Ҳожи она. Вой, ўлмай ўлсин, энди бу ташвиш ҳам борми-  
ди менга? (*Ҳовлига қараб юра бошлар, бирдан йўлда тўхтар.*)  
Йўқ! Китобда ўз жонига қасд қилган киши беймон кетади, деган.  
Ўргилай китобдан! Яна унинг ўлигини кўраман, деб икки йўл ҳаж  
қилиб топган савобларимдан ажралиб қолмай... Тириги ҳам қур-  
син, ўлиги ҳам. Эй худо, жамолингдан мени бенасиб қилма, имо-  
нимни басаломат сақла! (*Беғам ўз уйига кириб кетади.*)

*Ярим товуши билан йиғлаб Гулбаҳорнинг ўлигини кўтаришиб, ўз  
уйига киритадилар.*

*Хонзода шодлигини сездирмасликка уринади, бир оздан сўнг Го-  
фир чиқади. Уйга чўмиб, тик қолади. Жамила ҳам чиқади. Ас-  
та-секин Гофирга яқин келади. Бир-бирларига қарайдилар. Бир-  
бирининг кўзларидан аллақандай қайғули маънони ўқийдилар.  
Жамила Гофирга тўймай тикилар, тоқат қилолмай, ўзини Гофир-  
га отади. Гофир Жамилани бағрига чаққон олади. Жамила сўзсиз,  
тўлиб-тўлиб йиғлайди.*

Парда.

## ИККИНЧИ ПАРДА

*Бойнинг ташқари ҳовлиси. Бой меҳмонхонада, хафақон, тумшу-  
ғини солиб ўтиради. Пошшо ойим бойни уқалар.*

Пошшо ойим. Кеча Сулайшонқул мингбошининг тўйида  
бир қиз кўриб келдим... Энди нимасини айтасиз? Қора кўз, қора  
қош. Ашула билан ўйинга шундақангги ҳам уста эканки...

Бой. Қимнинг қизи экан?

Пошшо ойим. Тўйчи домла деганнинг қизи экан.

Бой. Отаси ярамас одам... Бўлмайди!

Пошшо ойим. Ҳожи она ҳам аллақимнинг қизини кўриб  
келдим, деятувдилар.

Бой. Кўп бошимни қотирма!

Ҳожи она (*кириб*). Ҳа, Пошшо ойим, сиз ҳам шу ердами-  
сиз? (*Четга қараб.*) Ўлим берсин сенга! Сиз уйга киринг, она-бо-  
лани ҳоли қўйинг!

Пошшо ойим. Гапингиз кечаги қиз тўғрисидами, Ҳожи  
она? Тўйнинг бошида ўзим тураман. Гапираверинг!..

Ҳожи она. Пошшо ойм, қиз кўргани икковимиз бирга бо-  
рамиз. Бу бошқа гап.

Пошшо ойм. Хўп, онажон! *(Кулоғига.)* Ишқилиб, ўр-  
лингизни ўша қизга унатиңг-да! Қўлдан чиқмасин. *(Чиқади.)*

Ҳожи она. Ҳа, мунча! Отанг ўлганда ҳам бу хилда аза  
тутганинг йўқ эди-ку? Худо урди, кетди!

Бой. Ўзим уч-тўрт кундан бери ланжман.

Ҳожи она. Онангга ҳам шунчалар куярмикансан? Гулба-  
ҳорнинг ҳам йигирмаси яқинлашиб қолди, ота-онаси қилсин. Пул  
деб келса, берма! Қизининг борида босиб олганларини чиқарсин!  
Ҳа, яна бир гап, кеча Раҳима отининг маъракасига борувдим,  
шу ерда эшитдимки, Лутфулла эшоннинг кичик қизи ўн учдан ўн  
тўртга қадам қўйиб, нах оқи-оққа, қизили-қизилга ажралиб, бир  
чиройлик қиз бўлган эмиш... Шу қиз Гулбаҳорнинг ўрнини босиб  
қолармикан, дейман, болам!

Бой *(ҳовлиқиб)*. Соз эканми-а, ўзингиз кўрдингизми?

Ҳожи она. Йўқ, кўрмадим! Лекин сочи товонига тегади.  
дейишади... Совчиликка борсам, деган эдим...

Бой. Сабр қилиңг! Жиндак жанжаллик ишим бор. Шундан  
кейин...

Ҳожи она. Ҳа, иннайкин, анави Жамила уззукун йиғлаган-  
ни йиғлаган! Жонимга теги! Уйига жўнатиб юборай, деб туриб-  
ман.

Бой. Онажон, Гофир йигирма йиллик қадрдонимиз-а! Хафа  
бўлади! Тегманг, юпаниб қолар...

Ҳожи она. Хонзодага ихлосим ошиб кетди, сени дили-жо-  
нидан яхши кўрар экан. Шундай мастура, шундай намозхон! Уни  
хафа қилма, ўғлим! Минг қилса, улуғ одамларнинг фарзанди.  
Кимсан, Қодирқул мингбошининг синглиси бўлади-я! Иннайкин,  
Қодирқул мингбоши билан уришувинг яхши бўлмапти... Болам...  
Хайр, узоқ турмай, минг қилса ҳам номаҳрамлар кириб чиқадиган  
жой... Боламга тавфиқ бер! Мен осий бандангни жамолингдан бе-  
насиб этма, худо! *(Кириб кетади.)*

Бой *(орқасидан)*. Мияси суюлган кампир! Мен нима ғам-  
да-ю, бу нима дейди?.. *(Уйланиб.)* Йўқ! Мен унга тоқат қилол-  
майман! Шундай қулинг ўргилсин жувонни бир бедаво гадо тў-  
шига тортиб, роҳат қилиб ётса-ю, мен бой бўла туриб, томоша-  
биндай қараб тураверсам-а! Нимага мен аҳмоқ, мен ношуд, бу  
пари пайкарни илгари кўрмаган эканман! Бошим айланди... *(Уй-  
ланар.)* Йўқ, йўқ, бу фариштанинг васлига етмасам, ўламан! Бир  
яланг оёқдан хотин тортиб олишга қурби етмаган бойни бой, деб  
бўладими? Йўқ! Мен бир ишни қиламан, дедимми, қиламан!.. Оҳ,  
Жамилаҳон, ошиғинга бунча азоб берасан. Шошма, Солиҳбой,  
ҳали ноумид бўлма; қози, домла, имом, Ҳасан эликбошилар Го-  
фир билан сўзлашиб, уни кўндиришни бўйинларига олганлар. Бал-  
ки бугун севишиб ҳам қоларсан. *(Чақириб.)* Холмат!

Холмат. Ҳа, лаббай, ака! *(Киради.)*

Бой. Гофирни кўрдингми?

Холмат. Боя шу ўртада ўралашиб юрувди, фалокат бир зумда йўқолиб қолипти.

Бой. Холмат!

Холмат. Ҳа, лаббай, ака! (*Чилим чектиради.*)

Бой (*чилимини чекиб бўлиб*). Менинг дардимни биласан-а?!

Холмат. Биладан, хўжайин!

Бой. Дармони бормикан-а?

Холмат. Дармони шу ерда... (*Кўрсатиб.*) Ичкарида, ака!

Бой. Худди ичимсан, Холмат!

Холмат. Ичингизман, ака, ичингиздагиларнинг ҳаммасини биладан!

Бой. Юрагим ғуссага тўлди. Қани қанақа эди? Ҳа, қани бир мақтаб қўй-чи! (*Утириб.*) Ҳа, оби равон, ҳа қани!

Холмат (*ўйланиб*). Қўйинг-е, хўжайин!

Бой. Бўл, таранг қилма! Ҳа, қани! Кўрсанг, қанақа экан?

Холмат. Оби равон, боғи жинон, шоҳ супага зеби жаҳон, мўрча миён, писта даҳон, нозик адо, пари жайҳон, яъни исм-шарифлари Жамилахон. Ким эканлар десам, Ғофир қазобнинг хотинлари-ю, Мусо қаллобнинг қизлари экан. Дўндиқча-ю, мўндуқча хизмат қилай ўлгунча, десангиз ҳам, бой ота, қўл узатманг, тиллога тўлдирмасдан сандуқча, дейдилар, а? Ака, Ғофир сўтакнинг ҳам бахти заб баланд келганми? Олмага тушган ҳашаротдек хотинга хўб ярашсалар керак! Қани энди давлатинг бўлса-ю, шунақа ойимларнинг тўйига-тўй тўкиб, хипча белларини ойдек камалак-камалак қилиб эгиб юрсанг. Во-ей қовирғаларим қайишадди! (*Бой тўхтамай кулар.*) Мақтайвериб ўлдик-ку, Сифат буви кампир ҳам хушхабар келтиргандир? Тўй қачон?

Бой. Тўй яқин! Чилимини янгилла!

Холмат. Ҳозир, ака! (*Яна чилим келтиради.*)

Бой. Сен жилмай тур! Меҳмонхонани яхшилаб супур. Қози домлалар келишади. Мен ғизиллаб саройга бориб қайтаман. Кутиб турсинлар. Ичкарига палов буюриб қўй!

Холмат. Арава керакмасми, ака?

Бой. Аравани Нурмат минар! Сен жилма! (*Бой чиқар, файтун товуши.*)

Холмат (*супуриб туриб*).

Вой, олма гули нопармон, ялавон ёрим, айналай,  
Вой, сени излаб топарман, вой, жоним-е, ўргулай.  
Вой, сени излаб топганда, ялавон ёрим-е, ўргулай,  
Унг бетингдан ўпарман, ялавон ёрим-е, айналай,  
Вой, ўнг бетингдан ўпарман, вой... ёрим-е айланай.

Бу хўжайинда дунё тўплаш, хотин олиш ғами. Менда-чи? Ичкаридаги иккита эски мижоздан айрилиб, мана шу янги пошшоҳонни ўзимга қандай қилиб илактиришнинг ғами. Нимага десангиз, хўжайиннинг ёшлари бир жойга бориб, қарамай қўйганига, бир ёқдан, ўзимнинг ҳам биронта дилкушони олишга қурбим етмаган-

данми, билмайман, бир оз гирдгашт қилиб келар эдик. Мана энди шуҳратингдан ўрилай, мўъжазгина, у тиззадан-бу тиззага учиб қўнадиган Жамилахоннинг дарагини эшитиб қолгандан буён, бой поччадан ҳам илгари, бизнинг юрагимиз диринг-диринг ўйнайди. Билмайманким, у жонимни олғур, бойга тегиб олиб, бизнинг бу кир чопон билан, ёғлиқ дўппини назарларига илармикан? Мана бизда бу янги ишқ мижозининг ғами... Бунинг устига қоматининг қурбони бўлиб кетай Хонзодахоннинг ҳажру фироғи! Буни-си кундан-кунга юрагимда чигирткадай тухумлайди. Бундай ўйлаб қарасам, бошимдан-оёғимгача, кипригимдан-тирноғимгача ишқ-муҳаббат деган жонивор ўликнинг кафанидай қилиб ўраб олган. Қаёққа қарасам, ҳур билан ғулмон қучаман-а! Тасаддуғинг кетай! Энди ичкаридаги оймлардан сўрасангиз, бир ёқда кундошликнинг ғами бўлса, бир ёқдан мени ҳам ўша томонга оз-моз ёки бутунлай қийшайиб кетишимнинг ғами! Ишқилиб ичимизда беғам одам йўқ-да. Охири бахайр бўлсин. (*Ўйлаиб.*) Шошманг, Холматжон тўра, ўзингча нима деб вайсаябсан? Ҳа деб бойга пашанг берасан! Бой кимни олмоқ-чи! Жамилани-ку!.. Ўз Гофиримизнинг хотини... Камбағалнинг оғзи ошга етганда, бурни қонайдими-а?! Шу инсофдан эмас-да! Бой бойга боқар, сув сойга оқар... Сен камбағалсан, камбағалга қайиш-да, хумпар! Нафсингга ур! Мунақанги Хонзодахонга ўхшаганлар бўлса, у бошқа гап! Қанча белини эгсанг, уларга шунча хуш ёқади. Ҳа, худо, бахтимдан бўлиб чиқиб қолармиди-я! (*Дуторни олиб, «Ас бўламан»ни чалади, тўхтаб.*) Шошма, биров шу ёққа келаяпти! Худди ўзи! (*Ўзини тузатар, дуторни яна чалар.*)

Хонзода. Чақирган сизми?

Холмат (*шошиб*). А? Ҳа, ҳа! Мен... Холматингиз... Қани икита...

Хонзода (*шавқ билан бир оз ўйнар*). Ҳеч ким йўқ-ку? Мунча титрамасангиз. Чалинг, йигит! Хўжайинингиз қаёққа кетди?

Холмат (*дуторни беркитиб*). Акам саройга кетганлар, ҳозир бу ерга қози, домла келишармиш. Палов қилар эмишсиз, маслаҳатлари бор экан. Шошманг, дарвозага тамба солиб келай. (*Холмат дарвозага бориб қайтади.*)

Хонзода (*чўчиб*). Нима маслаҳатлари бор экан, пайқамандингизми? Тагин қози поччангиз сизга янги аяча топган бўлмасин, Холматжон!

Холмат (*уялиб*). Йўғ-е! Қўйинг... Ундай деманг!..

Хонзода. Маслаҳатларининг нималигини билсангиз, менга айтасизми ёки сиз ҳам яширасизми?

Холмат. Эсимни ебманми сиздан яшириб!

Хонзода. Бир билсак эди. Қозингиз ёки анови ялмағуз кампир янги бир қиз топган, дейман-да!

Холмат. Тўй бўлса, сизга нима гап, аяжон? Сиз ҳам тараллани ванг қўйиб юра бермайсизми? Ё тўйни тўхтатиб қоларминдигиз?

Хонзода (*жиддий*). Тўхтатаман! Азага айлантираман! Шунинг учун анигини билишим керак! Менким, Миён бузрук ҳазратнинг қизи, қамчисидан қон томган Қодирқул додхоҳнинг сингласи Хонзода бўламан! Қундошнинг биридан зўрға қутулдим! Жондан кечаман, молдан кечаман, устимга хотин келтирмайман. Қимки бойга хотин бўлиб теламга келар экан, унинг ҳолига вой! Илгарироқ гўр, кафанини ҳозирласин. Азроил бўлиб жонига чангал соламан.

Холмат. Вой-вой, мен сизни ипакдан мулойим хотин, десам... Ҳали шунақамисиз?

Хонзода. Менинг севганим, ҳимоячим бор-да, айланай! Ушанга таянаман, у ҳам бўлса сиз! Ё ёлғонми?

Холмат. Вой, ўргилиб кетай... Рост... Рост! (*Узича.*) Бу ҳар балонинг ўзи-ку!

Хонзода. Борди-ю, сиз ҳам тистарилсангиз, сиздан қўлимни ювиб, қўлтиғимга ураман-у, бошимни олиб, ҳайё-ҳайт деб чиқаман, кетаман!

Холмат. Ҳай-ҳай... Ундай деманг! Сиз бўлмасангиз, мен нима қиламан? Мен сизнинг амру фармонингизга ҳамиша тайёрман, хоним, подшоҳим!

Хонзода. Нима буюрсам, бажо келтирасиз?

Холмат. Бекаму кўст!

Хонзода. Борди-ю, фалон одамнинг дўпписини олиб келинг десам-чи?

Холмат. Тасаддиғингиз кетай, дўпписини олиб кел десангиз, ахир биз жаллоди мурғи саловот, қиличи бурро, забони гўё, кимнинг ажали етса, пойқадамингизда офтобни сояга етказмай, бошини кесиб келтирамиз-да!

Хонзода. Сиздан шундай жавобни кутган эдим, опаси жонидан. Бу кеча менинг азиз меҳмоним бўлинг. (*Ишва билан.*) Бўптими? Қани, чалинг!

*Холмат чалади. Хонзода ўйнайди.*

Холмат. Холматингиз қоматингизга қул бўлсин! (*Қизгин қучоқлаб, ўпар, шарпа эшитилар. Хонзода қочиб чиқар. Уйни су-пуриб.*)

Вой, сени излаб топганда, ялавон ёрим, айлонай,  
Унг бетингдан ўпарман.

Бой. Холмат!

Холмат. Ҳа, лаббай, ака!

*Қози домла, имом домла, Ҳасан эллиқбоши кирадилар.*

Келингла, азизлар! Қани, марҳамат!

Бой (*итариб*). Қоч нари. (*Ўтиришади, фотиҳа*). Холмат! Дастурхон!



Холмат. Ҳозир, ака!

Қози. Уй ичлари билан саломатмилар?

Бой. Шукур, домла!

Қози. Баҳарҳол мунтазир бўлиб, азият чекмадингизми, жаноби бой?! Чароки, андак ҳаялладик...

Бой. Йўқ, йўқ! Ўзим ҳам мушкул савдога қолдим-да, қози домла.

Қози. Муҳаббат йўлида қийналишнинг ҳам ўз олдига нашъаси бор. Нима дедингиз, Холмат охун?.. Ўзини ҳам кўп зебо нозпарвард, мапорайи-баднилжамол деб айтадилар. *(Куладилар.)*

Бой *(бир оз ғижиниб)*. Қани, қози домла, гапни калта қилинг, нима дедингиз?!

Қози. Сўзни мухтасар қиламан, жаноби бой. Сизни кўп дарднок, чеҳрангизни ишқ балосидан пажмурда кўриб, бу ишнинг чорасига бот киришдик. Шу бугун билан уч мартаба чақириб, мен айтмаган насиҳатомуз гаплар ва мен айтмаган тадбири сиёсатлар қолмади. Ҳатто: «Бойнинг шу сўзларига қайсарлик қилсанг, йигирма йиллик хизматинг куйиб кетади, шу хотинни сенга бойнинг ўзлари олиб бердилар, сендан бир пул сарф бўлгани йўқ. Бир-икки минг сўм қарздор бўлдинг, қиёматгача ишласанг ҳам гарданингдаги қарзингни узоқламайсан. Урта ичида бойнинг аччиғини келтирсанг, ўзингни бир балога тақайсан. Ўзингга қийин бўлади. Ундан кўра шу хотиннинг баҳридан ўт! Бой яна бирини олиб берадилар-да, яна хизматдан қутулиб, бир умр роҳатда ўтасан», дедим. Алоҳозалқилс, ҳеч бир айтмаган ибратим қолмади. Кеча, хусусан, бу Ҳасан элликбоши ҳам бор эдилар. Шундай эмасми?

Ҳасан. Ҳа-ҳа... Қози домла жон куйдириб айтмаган сўзлари қолмади. Жуда ёмон, шум одам экан-да. Шунинг учун бечорани худо бой қилмас экан!

Бой. Нима, дейди, ахир? Бўлган гапни айтинг!

Қози. «Майли, худодан кўрдим. Нима қилсалар қилсинлар, мен қўймайман. Агар хотинининг ихтиёрида хўжайинга тегиш бор бўлса, хотинининг ихтиёри ҳам ўзида», дейди. Мен ҳайрон қолдим. Энди ўзингиз айтгандай, буни бир ёқлик қилиб эплама-сангиз бўлмайдими.

Бой. Мен сизга бошида айтдим-ку, бунга насиҳат кор қилмайди, деб. Мана энди билиб қолди. Тағин иш мушкул бўлди. Бу гап одамларнинг орасида тарқалса, мен анча маломатга қоламан. Энди мана шу менинг маломатга қолишимга бор-йўғи учовларингиз сабаб бўлдингиз. Бирингизни қози, бирингизни имом, бирингизни элликбоши қилиб топган фойдам шу бўлдимми? Энди менинг ёғлиқ ошимнинг, берган пул, ёрдамларимнинг натижаси шуми?! Ким айтади, сизларни қози-ю қуззот, уламоий киром, муллоий забардаст дебки, бир нодон, аҳмоқни ўз галингизга унатоламангиз?!

Қози. Энди, бой ота, сиз бизнинг вали неъматимизсиз. Сизга ҳар қанча хизмат қилсак ҳам оз. Лекин, биз шунчалик ўйла-

ганимиз йўқ эди. Ўзингизнинг ичингиздаги киши, албатта, йўқ демас, хотин бўлса шундоқ бечора киши билан ноилож тургандир. Сизнинг «Оламан» деганингизни эшитиб, жон-дил билан келиб ўтириб олар, деган эдик. Биз ҳам ҳайрон қолдик. Энди, бой ака, худо хайр берсин, ҳарна қилсангиз, ўзингиз раҳм-шафқат эгасисиз. Яна бир уриниб кўрамиз, худо хоҳласа, бир иложини қиламиз!

Бой (домлага). Ахир, домла, мен шуни яхши кўриб қолдим, энди ул рози бўлмаса ҳам, хафа қилиб бўлса ҳам шуни оламан. Энди нима қилай, шариатнинг садағалари кетай, бир йўл йўқ экан-да? Ер юзида ривоят қуриб кетган экан-да?

Холмат (ўзича). Ривоят! Ана, ривоят, хирмон бўлиб ётип-ти-ку! Ишқилиб, мана бу надирматнинг қулоғи ёғлиқ бўлсин!

Имом. Энди, бой афанди, муҳаббат дарди ҳар бир дарддан зўр! Кишини ҳалок қилади. Дафъи ҳалокат фарз. Кўриб туриб ўзингизни фалокатга берманг! Мафҳуми каломга назаран бу ҳам аз жумлайи ҳалокат.

Холмат. Ана-ана холос, сайра, тўти қушим, сайра!

Имом. Масалан, катта китобларда сиҳати бадан учун гўшти хинзирга ўхшаш ҳаром нарсаларни шариат ҳалол қилади. Бу кинояларга назаран, албатта, йўл бўлса керак. (Қозини кўрсатиб.) Мана, яна қози домла биладилар.

Холмат (ўзича). Вой, уйинг куйгурлар-ей! Салласи бўлмаса, эшакнинг ўзи-ку буларинг!

Қози (бойга). Биз жанобларнинг отган ўқлари бўламиз. Йўл топамиз. Йўл кўп. Тўғрилаймиз, ахир, масаласи ўзимизда-ку, Ҳа шошманг, дарвоқе, мингбоши додхоҳ ёрдам бермасмикинлар?

Ҳасан. Тўғри айтасиз. Лекин мана бу сайлов вақти яқинлашиб қолди. Мингбоши ўзи билан овора. Иннайкин, бой акам билан икковларининг ойнаклари бир оз хира бўлиб қолган.

Имом. Ҳа-ҳа, деган туяга мадад! Сендан угина, мендан бу-гина, жаноб бой!

Қози. Шу Қодирқул мингбоши ўз одамингиз-ку, жаноб бой?

Бой. Хўш? Ажаб! Қози домла, дейман, бир кесак билан икки қарғани урмоқчи бўласизми? Қодирқул мингбошингиз бу йил сайланмайди! Ортиқбойвачани мингбоши қиламан!

Қози. Энди бой, гапнинг нафсиламири яхши. Мингбоши додхоҳ бизни ўртага қўйдилар. Додхоҳнинг, минг қилса, сизга қудалик ҳурмати бор. Мингбоши додхоҳ сизга қилган бедаблагидан кўп пушаймон.

Ҳасан. Қози поччам тўғри айтадилар. Қодирқул мингбоши — кунингизга керак бўладиган одам.

Бой. Сайлов яқинлашиб, мингбошингиз энди оёғи куйган товукдек питирлаб қопти-да! (Кулиб.) Тадбирини, қози домла, пухта идрок қилибсиз!

Қози. Энди, бой, икки мўминни муросаю-мадорага келтириш ҳам савоб иш-да! Сиз пристав Фириков жанобга икки оғиз уқдириб қўйсангиз, олам гулистон-да. Ана ундан кейин мингбоши

қўлингизда. Бир мўйлов қилдингизми, йўлингизда мунақанги Гофирга ўхшаганлардан мингта бўлса ҳам адолат ва ҳақиқат сургуиси билан супуриб ташланади, жаноб бой!

Бой (*ўйланиб*). Мунчалик ўртага тушиб қолдиларинг, майли, мен приставга учрайман. Қодирқулни ёқлайман, сизлар бориб Қодирни хотиржам қилинглар.

Бошқалар. Хайрият, хайрият!

Қозини. Мана бу иш бўстони маърифат, гулистони ҳақиқат бўлди.

Бой. Мингбоши билан Гофир тўғрисида гаплашинглар. Мингбоши Гофирни бир балога гирифтор қилсин.

Қозини. Хотиржам бўлинг, бой. Қодирқул додхоҳнинг бунақанг ишларга суюя йўқ.

Имом. Мингбошиликни хатм қилган одам-да!

Бой. Шу таннознинг йўлида ҳар бир оғирликка ҳам кўнамиз-да. (*Қуладилар. Тугунчадан қозига кимхобдан, эликбошига атласдан тўн кийгизиб.*) Бу ҳозир тўйнинг учидан-да! Қутлуқ бўлсин! (*Домла жим.*) Домла, қутлуқ бўлсин, демайдиларми?

Имом (*устига қараб қўйиб*). Биз энди нимага ҳам қутлуқ-қуллуқ деймиз? Дунёни боумид, таъзияни ташлаб келган эдик.

Ҳасан. Э, тақсир, сизга бўлмай иложи борми?! Бой ота ҳазил қиладилар-да!

Бой. Ишқилиб, домлалардан бир нарсани қочириш қийин-да!

Имом (*кийиб*). Ахир биз пайғамбарларга меросхўр-да! Бизнинг ҳар дуомизга минг чопон берса арзийди. Қани, илойим, бойнинг бу дунёда мансаб ва равноқлари сарбаланд бўлиб, охиратда фирдавсга сазовор бўлсинлар! (*Фотиҳа.*)

Ҳамма. Муборак! Муборак!

Имом (*таъзим билан*). Қуллуқ, қуллуқ!

Бой. Ҳали мингбошидан ҳам кундал киясизлар!

Қозини. Ноумид эмасмиз, жаноби бой!

Бой. Хўш, энди Гофирни чақириб, яна бир гаплашсангизлар. Балки ҳовридан тушиб қолган бўлса, ажаб эмас! Камбағални алдашни билмайсизлар... Сизларга ўргатайми?

Қозини. Яна ўзингиз соҳиби ақлсиз...

Бой (*ўроғлик пул беради*). Мана! Олинг! Бу савилнинг жамолини кўрсатиб, кўзини ўйнатиб юбормайсизми?

Ҳасан. Бормисиз, бой ота! Энди иш жўн бўлади!

Қозини. Ахир, шуни боя айтмайсизми, бой ота!

Холмат (*ўзича*). Бу томон ҳам Ханифа холанинг тугунчасидек тўмпайиб тушди. Энди, қозини домла, Гофирнинг кўзида сатта юзталиқдан, кўк қарганинг боласидек учирма қилиб, уни туюққа илинтирмоқчи. О, ғаламислар!

Бой. Холмат!

Холмат. Ҳа, лаббай, ака!

Бой. Гофирни топ, чақир!

Холмат. Ҳозир!

*Чиқар, бой ҳам чиқиб кетар. Қарашлари аламли, ғамли, кучли  
изтироб ичида бўлса ҳам ўзини вазмин олиб Гофир киради.*

Гофир (заҳарханда қилиб). Қози почча, саруполар му-  
борак.

Қози. Қуллуқ, ўғлим, қуллуқ!

Гофир (қозига). Лекин бой бу чопонни катта отаси ўлган-  
да, товутига ёнган эди, энди сизнинг устингизга ёипти-да!

Қози (асабий). Нималар дейди, беадаб!

Гофир. Сарупо қуллуқ бўлсин, домла номом?

Имом (ўнғайсизланиб). Қуллуқ, қуллуқ, Гофиржон!

Гофир. Элликбоши, паранжингиз муборак!

Ҳасан. Паранжи эмас! Чопон бу, жинни бўлганми?

Гофир. Ахир даллол деганда паранжи бўлади-да, чопонни  
йигит киши кияди!

Холмат. Бопла, азамат, бопла!

Ҳасан. Тилингни тий, аҳмоқ! Биласанми, кимлар билан гап-  
лашаёпсан!

Гофир. Биламан, бирингиз қози, бирингиз домла, бирингиз  
амалдор, биз бўлсак, деворнинг қавагида ётган бир ғариб.

Қози. Сиз аралашмай туринг, элликбоши, жоҳилсиз. Тўмтоқ  
гапириб, ишнинг пачавасини чиқардингиз! Гофир, ўтир, ўғлим,  
ўтир.

Гофир. Эшитавераман!

Имом. Биз сенинг фойдангни гапирамиз!

Гофир. Эски оғиз, янги гап!

Қози. Эшитасанми, йўқми?

Гофир. Гапиринг, бу қулоқлар дунёдаги бор ҳақоратга, бор  
қарғишларга ўрганган, гапираверинг!

Қози. Яна ўша гап. Сен бир камбағал мусулмонсан. Ўз жо-  
нингга жабр қилма, сар топо фалокатларга дучор бўлма, деймиз.  
Ахир шу бой отанг туфайлидан рўшнолик кўрдинг. Энди сенинг  
вазифанг шу бойнинг ҳар бир амру фармонларига шикастлик би-  
лан койим турмоқ! Қулоқ қоқма! Бойни ҳурмат қил! Мен ҳам  
бир кибриё назар эшонман. Менинг гапимни қайтарма! Хулласи  
сўз, бой сенинг хотинингни яхши кўриб қопти.

Гофир. Агарда бойда муҳаббат пайдо бўлган бўлса, бой  
чин одам экан.

Холмат (ўзича). Вой хом калла-ей, сен ҳали уни ҳайвон  
деб юрган эдингми?

Қози. Гап шуки, бойнинг ишқ-муҳаббат йўлида ҳалок бўлиши  
мумкин.

Гофир. Пул, мол йўлида ҳалок бўлгандан кўра, ишқ-муҳаб-  
бат йўлида ҳалок бўлиш кишига катта бахт!

Имом. Бойга раҳминг келмайдими?

Гофир (қизиб). Мақсад нима, мақсад?!!

Қози. Ахир, сен хотинингни бойчалик яхши кўрмайсан. Сен-  
га номи хотин бўлса бўлди-да.

**Ф о ф и р** (*қайнаб*). Мақсад!!!

**Қ о з и**. Мақсад, хотинингни қўй, деймиз...

**Х о л м а т** (*ўзича*). Мана қўй, деб тумшугига солмайсанми, сийниталоғни!

**Ф о ф и р**. Қози домла! Шу сўзларим қулоғингизга ўқдек қуюлиб, қўрғошиндай ўрнашсин! Хотинимнинг ихтиёри ўзида! Бойга тегмоқчи экан, тегаверади! Лекин мендан нима истайсиз, мендан?! Мени нега қийнайсиз? Нечун ўртанган, лахча чўғ бўлиб ёнган юрагимни тирнайсиз?! Бу қўланса қоринларингни ёрса, шу юракларингизни чироғ ёқиб қидирса, ишқ-муҳаббатдан қилча нишон топилмайди-ю, яна сизлар ишқ-муҳаббат деб лоп-қоп урасиз! Бу қандай зулм, бу қандай бедодликки, севган хотинимни золим бой тортиб олмоқчи бўлса-ю, менга ёрдам бериш ўрнига бойнинг ёнини оласиз! Ривоятлар топасиз! Патволар ясайсиз! Шуми инсоф, шуми диёнат, шуми камбағалга шафқат?

**Д о м л а**. Бой бермаса, очингдан ўласан?

**Ф о ф и р**. Очликдан силлам қуриб, илигим пучайган чоғимда ҳам сизларга ялнимайман! Ахир, бу кўзлардан оққан жигар қонлари, бева-бечора, егим-есирларнинг оҳу зорлари кўнглингни юмшатмайдими? Қачонгача кимхоб чопонлар, ёғлиқ паловлар учун бойларга зулм пичоғини қайраб берасиз! Ахир, бу дуолар, ривоятлар ниқобига яширинган зулмдан, жафолардан биз шўринг қурғурлар кимга дод деймиз? Кимга? Бу ғурбатхонада нотавон йиғлаганларнинг, афсус-надомат чекканларнинг доду фарёдини ким тинглайди, ким? Галиринг, шарият пешволари!!

**Қ о з и**. Шариятга тил тегизма!

**И м о м**. Тақсир, шариятгагина эмас, бу гапнинг таги пошшолликка ҳам бориб етади! Куллишайъин яржиу илло аслиҳи.

**Қ о з и**. Айни ҳикмат сўзлайсиз! (*Фофирга*.) Ҳозирги индинг айни ҳамоқат!

**Х о л м а т** (*ўзича*). Бўлмаса ҳали сурма ичган итдек овози бўғлиб, имоматга ўта олмай қоладилар. (*Имомга*.) Чарчамайсиз, домла почча, фақат қуруқ қошиқ оғиз йиртади, холос! Сатқайи гапингиз кетсин бу гадога! Бунга ўхшаган мингта сарп аёғдан сизлар учун бойга ўхшаган битта ҳўл таёқ яхши!

**Ҳ а с а н**. Сен бой билан ўйнашма!

**И м о н**. Уйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан. Пешонада битганини кўрасан. Қолу бало.

**Қ о з и** (*Фофирнинг ёнига келиб, кулимсираб*). Энди сени ҳам куюнганингча бор-а, муғамбир-е... (*Кулиб*.) Устаси паранг экансан-да! Ахир, бу Фофир ҳам ҳийла-найрангни хўжайиндан таълим олган-да... Бунинг муддаоси бўлак!

**И м о м**. Ҳа-ҳа, энди билдим... Тузук-тузук... Пайт келганида бир нарсалик бўп қолайлик, дер экан-да, бунинг ҳам билгани билган!

**Қ о з и**. Қани, қўлингни бер, ўғлим! (*Қўлини ушлаб, ени ичида пул тутқазиб*.) Мана, ушла, ол! Тўйда сарф бўлган харажат-

лар бойнинг гарданига! Еб кетарга минг сўм, бунга икки мартаба тўй қиласан ҳали! Қуллуқ қил бойга?

И м о м. Ол-ол энди! Қуллуқ қил!

Ғ о ф и р (*хушсиз, суратдай қотади ва титроқ товуш билан*). Раҳмат... Қуллуқ... (*Кўз ёшини артади*.) Баракалла!

Ҳ а с а н. Хўш, гапир? Бу ҳам озми?

Ғ о ф и р (*Ҳасаннинг кўзига тикилади, бирдан аччиғ қийқириқ билан пичоғини шартта суғуриб, Ҳасаннинг олдига ташлайди*). Ҳасан ака! Уринг шу пичоқни жафокаш кўкрагимга! Уринг, ўлдинг! (*Яктақларини пора-пора қилар*.) Дуо қиламан, худо хайрингизни берсин! Бола-чақангизнинг орзу ҳавасини кўринг, Ҳасан ака!

Х о л м а т. Ҳой, Ғофир, тур-ей, тентак! (*Уридан тургазиб*.) Қитиқ паримга тегма! Пичоқни шу Ҳасан аканг урадимми?! Чумчуқ пир этса, юраги шир этади-ю, бунинг.

Ҳ а с а н. Бу жинни бўлганми?

Ғ о ф и р. Ахир, киши деганни шунча хўрлайсизми? Мен ҳам одам, менда ҳам юрак бор, номус бор, жон бор!

И м о м. Қози домла, сиз ҳам кўп зиқналик қилманг! Кетса бойдан кетипти, узатинг ўша беш юзни ҳам... (*Пулни бериб*.) Мана, ол, бир минг беш юз бўлди! Энди ҳаддингдан ошма! Хафа бўламиз! Иззатингни бил!

Ғ о ф и р. Мен ҳали ҳасратимни, дардимни келиб-келиб сизларга айтдимми? Мен ҳали келиб-келиб одамгарчиликни, диёнатни, номусни тупроқ билан тенг қилган сиздай разил хотинфуруш, қўшмачилар олдида шунчалик паст тушдимми? (*Уларда кучли ҳаяжон*.) Мен номусини, хотинини бозорга олиб чиққан савдогарми? Йўқ, янглишасиз, шариат пешволари, агар бунчалик пул учун ўлган экансизлар, бу пуллари ўзаро бўлиб олиб, чўнтақларга урингиз-да, (*қозига*) сиз қизингизни, (*домлага*) сиз хотинингизни, (*Ҳасанга*) сиз синглингизни бойга қўшиб берингиз!

Қ о з и. О, бадбахт, кофир!

И м о м. О, лаънати мурдат!

Ҳ а с а н. О!.. Тавба қилдим, де! Кофир бўлдинг!

Ғ о ф и р. Шулар учун мусулмон бўладиган бўлсам, бўлмадим!

Қ о з и. Тошбўрон қилиш керак!

Ғ о ф и р. Оҳо! Оҳо! Қалай экансиз? Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга ур.

Б о й (*ғазаб билан кириб*). Ҳой, ит, нечун шариятпаноҳларни ҳақорат қилдинг?

Ғ о ф и р. Бой ота, мен хотинфурушларни ҳақорат қилдим, холос!

Қ о з и. Ҳой, итфеъл, қадр билмас! (*Бойга*.) Бой, шундай муаззам саллаларимиз билан даргоҳингиздаги бир ялангоёқдан ҳақорат эшитиб кета берамизми?

Б о й. Жим! (*Ғофирга*.) Гапни калта қил, хотинингни қўясанми, йўқми?

Ғ о ф и р (*заҳарли*). Қўйсам, нималар қилар эдингиз, бой?!

Б о й. Оламан! Бирга ётаман!

Ғофир. Ҳа-ҳа, бой! Аввал уйдагиларнинг ҳисобини қилинг!  
Нима қиласиз савдо-сотиқни кўпайтириб!

Бой. Бу нима деганинг, таги паст?!

Ғофир. Бой, бозорингиз ҳали ҳам чаққон! Янги мол олсангиз, харидорлар оёғингизнинг остидан чиқади-ю, ўзингиз икки қўлингизни яна бурнингизга тиқиб қола-берасиз. Ахир, бой, қачонгача хотин олиб, хотин сотасиз? Қачонгача қўшмачилик қиласиз?!

Холмат. Э, бу хумпар, менга шама қилаяптими?

Бой. Холмат, чидамайман, Холмат! Болтани келтир! Ушла бу бадбахтни! Ушла!

*Холмат Ғофирга ташланаркан, маҳкам ушлар.*

Холмат. Қимирлама!.. Жағингни эзиб ташлайман!

Ғофир. Бой, шуни яхши билиб қўйки!

Бой. Холмат, ур!

Холмат. Урсам, қўлимдан чиқиб кетади, ака! Ўзларинг уринглар!

Бой (*бетлай олмай*). Ҳасан, сен бор! Ҳой, биттанг миршабга чоп!

*Ҳасан келар, тепки еб қочар.*

Холмат (*Ғофирнинг қулогига*). Мен сени ураман, сен кўкрагимга секин калла қил, хумпар! Секин! (*Уради.*)

Бой. Холмат! Полвонлигингни кўрсат, дейман!

Холмат. Ҳозир, хўжайин! Қўлини қайириб олай! Мана сенга, мана сенга. (*Уради.*)

*Ғофир Холматнинг кўкрагига калла қилар. Холмат ёлғондан ҳушидан кетар.*

Ғофир. Ҳой, бўрилар, сўзларингдан қайт! Бўлмаса, ҳокимингга бормайман, мингбошингга ялинмайман, халққа арз қилман, халққа! Бутун фисқу фасодларингни, қилган бузуқчилик, порахўрлик, ноҳақ қон тўкканликларингни, менинг хотинимни тортиб олмоқчи бўлганларингни айтиб, дод дейман, бошимга одам тўплаб, ғавго кўтараман, шармандаларингни чиқараман. (*Кетади.*)

Бой. Ғофир, Ғофир, шошма!

Қози. Нима қилдингиз, бой?

Бой. Улинг, қози бўлмай!

Имом. Шарманда бўлдик, шарманда!

Бой. Боринг орқасидан, чопинг, алданг! Тўхтатинг, юпатинг. (*Қози, имом саллалари чувалган ҳолда Ғофирнинг кетидан чиқадилар.*) Бир калла билан ҳушидан кетди! Лаънат сендай полвонга! (*Чиқар.*)

Холмат (*секин бошини кўтариб*). Секин калла қил, десам, нах кўкрагимни тешворай деди-я, хумпар! Ушла, қани! Мен унга кўрсатаман! (*Чиқади.*)

Хонзода (*пойлаган еридан кўриниб*). Бу нима деган гап? Хонзода, кўзинг уйқуда экан. Қўйнингда илон бор экан, Хонзода. Ҳа, соқолинг гўрда чиргур бой! Менинг устимга яна хотин олмоқчимсан?! Яна кимни? Бир гадони! Бир чўрини! Ҳали сен мени шунча хўрлайсанми? Гулбаҳордай кундошга чидолмаган Хонзода бунга чидар эканми? Йўқ! Чидолмайман! Бой, сенинг жазонгни бераман! Мен сенга илон бўлиб, бир заҳар солайки, яратилганинга пушаймонлар егин! Бу яшшамагур Жамила нимага шу чоққача менга айтмай келди? Бой билан ўйнашиб юрганки, айтмаган-да? (*Чақириб.*) Жамила! Жамила!

Жамила (*чиқиб*). Қани, қани Гофиржон!

Хонзода. Келавер, тортинма, ўрганган жойинг!

Жамила. Аяжон, эрим қани?

Хонзода. Эринг жонингни олсин, қачондан бери ўйнашасан!

Жамила. Ким билан, аяжон, ким билан?

Хонзода. Бой билан? Бойга тегиб, бой хотин бўлмоқчимисиз? Гапир, жувонмарг!

Ҳожи она (*чиқиб*). Нима гап, нима шовқин!

Хонзода. Бу ер юткур, ўғлингиз билан ўйнар экан. Уғлингиз олмоқчи бун. (*Йиғлар.*)

Ҳожи она (*энасаси котиб*). Нима дейсан? Шу гадоваччани-я? Уғлимни нега пастга урасан, Хонзода!

Хонзода. Ёлгон айтсам, каломи шариф урсин!

Ҳожи она (*Жамилага*). Ростини гапир?!

Жамила. Онажон! Бой ота бир ойдан бери, сени оламан, деб ҳол-жонимга қўймайди, энди эримни қақшатаяпти!

Ҳожи она. Бу қандай шармандалик?!

Хонзода. Гапир, бузуқ, гапир!

Раҳима хола. Ҳой, Хонзода пошшо, қизимни нимага бузуқ, дейсиз! (*Жамилага*.) Нима бўлди, қизим?

Жамила. Онажон! (*Узини Раҳимага ташлайди.*)

Хонзода. Қизинг бузуқ, ўзинг қўшмачисан!

Жамила. Онажон!

Раҳима хола. Қизим, йиғлама! Сени бузуқ деганларнинг ўзи бузуқ! Оғзингизга қараб гапиринг, гажжакдор жувон!

Ҳожи она. Ҳой, ҳой, Раҳима ўлгур, қачондан бери тилинг чиқиб қолди? Нега келинимни бузуқ, дейсан? Ҳу, тилларинг кесилсин!

Раҳима хола. Ҳожи она... Шунча хизматингизни қилиб, энди қўшмачи номини олдимми?

Ҳожи она! Йўқол! Қир ичкарига, сенга айтаман! (*Ҳассасини ерга урар.*) Мен ўзим муросага келтираман буларни.

Жамила. Боринг, онажон, аралашманг, боринг!

*Раҳима йиглаб кетади.*

Гофир (*ҳансираган, энтиккан, калтакланган ҳолда кириб*).  
Жамила!



Жамила (*калтакланган эрини кўриб, ўзини унга ташлар*).  
 Гофир ака, сизга нима бўлди?

Ҳожи она. Гофир, бу қандай гап?

Хонзода. Гофиржоннинг ошиғи олчи! Хотини орқасидан бой бўляпти?

Гофир. Аяжон, кесатманг, ўртанган юракка сиз ҳам туз сепманг!

Хонзода. Белинга белвоғинг борми? Қандай шарманда, худо урган эркаксан? Хотиннинг бой билан ўйнашади-ю, билиб туриб индамай келасан-а?

Гофир. Ая! Ҳақорат қилманг!

Хонзода. Хотиннинг бузуқ, хотиннинг шарманда!

Ҳожи она. Вой, ўлай, қўшнилари нима дейишади? Вой-дод!

Вой, шўрим! (*Юзини юлганича кириб кетади.*)

Гофир. Елгон!

Хонзода. Тур-ей! Йигитликка иснод келтирддинг! Бой билан кучоқлашиб турганини неча мартаба ўзим кўрганман!

Жамила. Елгон! Тухмат!

Хонзода. Аҳа! Ула! Қўрқма! Қалтирама, титрама!

Жамила. Дод, сенларнинг тухматларингдан, беномуслар!

Гофир. Жамила, йиғлама, йиғлама! (*Хонзодага.*) Аяжон, сиз менинг хотинимни бузуқ, дедингиз, лекин сиз эмасмисиз шу ифлос шарманда хонадоннинг сассиқ кўкати! Сиз эмасмисиз Гулбаҳорни боласи билан ўлдирган қотил! Айтинг-чи! Сиз, юзи қас-собнинг болтасидан хунукроқ бўлган қайси жаллоддан қолишасиз, йўқол кўзимдан, беномус сатанг!

Хонзода (*қутуриб*). Холмат, нимага бақрайиб турасан? Ур. ер юткурни! Ур, Холмат!

Холмат. Ҳаддингдан ошма, хумпар!

Гофир. Яқин келма! Янчиб ташлайман!

Хонзода. Ул, қўрқоқ, ҳезалак!

Холмат. Аяжон, ҳозир у ит билан тенг бўлиш қийин! Қаранг, еб ташлайман, деяпти!

Хонзода. Ҳой, шармандалар! Шунинг билан қўйингки, Хонзода тирик экан, сенларга кун йўқ! Менинг ғазабимдан ҳазар қилиш керак! Мен бор эканман — балолардан, офатлардан бошларинг қутулмас! Юр! Сенга гапим бор! (*Холмат билан кириб кетади.*)

Жамила (*Гофирни бўйнидан қучиб*). Гофиржон ака!

Гофир (*титраб*). Гапир, Жамила! Кўзимга қара! Аллақандай гумонлар юрагимни ёндирмоқда! Сен чиндан бой билан...

Жамила. Гофир ака!

Гофир. Йўқ, яширма, жонгинам! Қўрқма, бор гапни айт! Агар очиқ айтсанг, сени чертмайман! Гапир, жонгинам, гапир?

Жамила. Ешгина жоним бор, ахир... Мен... Мунча мени хўрлайсиз... Наинки... (*Ииғлар.*)

Гофир (*бағрига босиб*). Жамила, қўй! Бас, бас, йиғлама, хато қилдим, юпатишнинг ўрнига сени хафа қилдим. Сенга ино-

наман... Қўрқаман, холос, чунки менинг олтинларим, марварид, маржонларим, атлас-шоҳиларим йўқ. Елғиз гавҳардан тиниқ, қуёшдан ҳам юксак муҳаббатим бор, холос! Сенинг пойқадамингга сочмоқ учун зарларим йўқ! Лекин жоним бор, жоним! Бойнинг молу мулкига қизиқиб...

Ж а м и л а. Бас!

Ғ о ф и р. Мени ташлаб кетмайсанми?

Ж а м и л а. Бас, бўлди!

Ғ о ф и р. Менинг муҳаббатимни хор қилмайсанми?

Ж а м и л а. Бас! Бас! Бас! Уртаманг мени: этларимни ништар билан тилсинлар, хонумонимга ўт қўйсинлар, бошимда тегирмон тоши юргизсинлар, мен сиздан ажралмайман! Ҳали мен сиздан суюнчи олмоқчи эдим, бизни ким ажрата олади, ахир иккимизни маҳкам боғлайдиган яна бир занжир, учинчи бир одам...

Ғ о ф и р (*кўзларини катта очиб*). Жамилам! Жамилам! Ростми? (*Бағрига босар*).

Ж а м и л а. Кетамиз! Мағорада яшасак ҳам ишқимни куйлаб, сизни аллалай! Агар кафтингизга тикан кирса, кипригим билан чиқарай! Агар ўтирган жойингизга хас-хашақлар тўкилса, сочларим билан супурай, чанги чиқса, кўз ёшларим билан сув сепай, жонгинам!

Ғ о ф и р (*ҳаяжон ичида кўз ёшини артиб*). Жамилам! Оллоғим! Вафодорим! (*Бағрига босар, қизгин-қизгин ўлар*.)

П а р д а

## УЧИНЧИ ПАРДА

*Қодирқул мингбошининг шарқча солинган безакли ва дабдабали ҳовлиси.*

Қ о д и р қ у л (*ўзича*). Ҳа, кўрасан-да! Бу мингбошилиқ менга осонлик билан тушган эмас. Мен ким?! Мени Қодирқул, дейдилар. Менинг ҳар ишга кучим етади. Иш дегани қотираман ҳам! Оёғимдан ер юзи, қамчимдан ҳамма жониворларнинг изи титрайди. Бу мингбошилиқнинг ҳар бир соққаси бир камбағалнинг бир ойлик пулига тушган-а! Ҳали бунча қарз, чиқимларнинг устига икки қизни узатиш, бир ўғилни уйлантириш, бир хатна тўй ҳам бор. Иннайкин ўзимга ўша моҳи пайкар қизни олиш, буларнинг устига янги иморат солиш, мураса-мадора учун маҳалланинг маҷитини янгилаб берш каби анча можаролар бор. Бу кун айбдор бўлиб қолиш бўлса, кўз олдингда эчкининг соқолидай ликиллаб тургандак ган. Негаким, бу рус тўраларига ишониб ҳам бўлмайди. Бугун биттаси кетса, эртага яна биттаси келади. Тез-тез манг-лайнни мойлаб турмасанг, ғужурлагани-ғужурлаган! Шунинг учун

қирқ-эллик таноб яхши ер, битта-яримта боғ-моғ қилиб қўйсак, бир куннимизга яраб қолар. Мардикорликка ҳам ярамаслигимиз аниқ. Ит ҳам, бит ҳам кун кўради. Гап хон бўлмасак ҳам хон тақлид умр ўтказишда қолган. Охират бўлса ўз йўлида. Беш вақт намозни жойи келганда ўқиб, рўзани тутиб, унча-мунча закотни бериб турсак бўлади-да! Жуда бўлмаса, бирор мартаба Байтиллога бориш, муллажиринг бўлгандан кейин уламо-эшонлар қанот-қуйруқ бўлиб, аршга учиш мана бу ерда турган гап! Ҳа, ҳа, ҳа! Солиҳбой билан ярашиб қолганим ҳам яхши бўлди. Бу бойнинг пристав, Ҳокимтўранинг олдида обрўйи катта. Анавилар бўлса, додхоҳ-додхоҳ деб кўзимнинг ёғини еб, бугун тўртта инфлос камбағални ёнига олиб, менга қарши иш кўрмоқчи бўлишади. Мен ҳаммангни кафангадо қиламан, деб бу амални сотиб олдим. Мен халқнинг ҳовлисини ўғридан қўриқлайман, деб буни олдимми?! Йўқ! Мен-чи (*киссасини кўрсатиб*) мана буни тўлғазаман, деб амалдорликни олдим. Ҳаммангнинг қонингни ичаман! Қани, сайлама-чи! Сайласанг бир бало, сайламанг минг бало! Мени биласанми?

Қулмат миршаб (*яна бир миршаб билан иккиси касал деҳқонни боғлаб олиб киритадилар*). Мана, хўжайин, олиб келдим! Касалман, деб келгани унамайди, хумпар!

Қодирқул. Баччағар, яхши баҳона топибсан-а!

Қасал деҳқон. Тақсир, худо хайрингизни берсин... Касалим оғир... Раҳм қилинг. (*Йўталади.*)

Мингбоши. Йўталма, баччағар! Нимага сен бойнинг пахтасини яхши парварниш қилмай қўйдинг! Қарзингни унутдингми? Негача солиқларни тўламайсан?!

Қасал деҳқон. Мингбоши додхоҳ, худо ҳақи, касалман... Қўрпа-тўшак қилиб ётиб олдим... Миршабларингиз кўз ёшимга қарамасдан мени судраб келтирдилар... Бир чеккаси касаллик... Овқатда маза йўқ, бойнинг ерига икки кунгина қарай олмай қолдим, холос. Солиқларни тўлашга кучим етмайди. Раҳм-шафқат қилинг.

Қодирқул. Шунақами? Раҳм-шафқат қилайми? (*Қулматга.*) Ур, лаънатини?

*Миршаблар урадилар.*

Қасал деҳқон. Тақсир, урманг, касалман... ўламан... ўламан...

Қодирқул. Ур!..

Қулмат. Ҳушидан кетди, додхоҳ!

Қодирқул. Улиб қолмадимми? Олиб чиқ, ертўлага ташла!

*Миршаблар кўтариб кетадилар.*

Бояги ўғрини олиб чиқ!

*Миришаблар Ғофирни олиб чиқадилар. Дарахтга ярим яланғоч қилиб боғлайдилар.*

Сен нимага бойнинг пулини ўғирладинг?!

Ғофир. Мен ўғирлаганим йўқ!

Қодирқул. Мана бунга нима дейсан? (Сандиқчани кўрсатиб.) Бу сандиқчадаги пул билан векселларни аравангдан топиб олдилар-ку? Қаерга беркитмоқчи эдинг?

Ғофир. Улимдан хабарим бор, бу гаплардан хабарим йўқ.

Ҳаммаси бойнинг ҳийла-найранги.

Қодирқул. Сен ўғрибошсан, шерикларингни айтиб бер!

Ғофир. Мен ўғри эмасман! Мени ўғри деганларнинг ўзлари ўғри.

Қодирқул. Жим, аҳмоқ! Бойнинг бултур кузак бир қашқаоти йўқолган. Икки минг сўм пули саройдан ўғирланган. Шуларни ҳам сен ўғирлагансан. Гапир, шерикларинг кимлар?

Ғофир. Менинг шерикларим йўқ.

Қодирқул. Якка ўғримисан! Ур! (Урадилар.)

Ғофир. Тақсир, ҳақиқат қилинг!

Қодирқул. Ҳақиқат мана шу! Шунақа қилсам, ҳақиқат менга маълум бўлади. Дармонинг борми...

*Миришабларнинг қамчи, гавронлари узилади.*

Қулмат! (Ўзи туриб қамчилайди.)

Ғофир. Ҳақиқат қилинг, бой бу йўл билан менинг хотинимни тортиб олмоқчи.

Қодирқул. Хотининг созми? Гапни бу ёққа бурма! Чиройлик хотин сен гадода нима қилади. (Қулматга.) Олиб бор! Шерикларингни айтмас экансан, қамчиларим остида ўласан!

*Хонзода ичкаридан чиқар.*

Ҳа, Хонзода, кел, синглим, шу ердამидинг?

Хонзода. Онамларни кўргали келувдим.

Қодирқул. Қани, синглим, суюнчини беравер. Эринг билан ярашиб қолдик.

Хонзода. Яхши иш бўпти. Эшитиб, кўп хурсанд бўлдим, ака!

Қодирқул. Эринг билан қандайсан? Энди тузук бўлиб қолгандирсан? Илгари менга ўчакишиб, сенга тоза ҳам азоб бергандир-а?

Хонзода. Э, ака... қўйинг, дostonимни очманг... (Кўз ёшини артади.)

Қодирқул. Қаттиқ хафа қилдимми?

Хонзода. Уша кунлари, сенинг аканг яна ундай, ана бундай, ҳамманг бир одам... ҳамманг менга душман, деб қонлар юлдирди.

Қодирқул. Эринг ўзи ёмон одам. Шошмай тўр, мана бу сайловдан эсон-омон ўтиб олай, иннайкин у билан гаплашаман. Иложи бўлса, сени чиқариб оламан.

Хонзода. Ҳозир устимга яна хотин олмоқчи бўлиб юрипти.

Қодирқул. Хабарим бор. Хизматкори Ғофирнинг хотини-а?

Хонзода. Ҳа, ўшани... Сиз бўлсангиз, Ғофирни қамаб қўйибсиз...

Қодирқул. Уғри бўлгандан кейин қамаймиз-да!

Хонзода. Бу ҳаммаси бойнинг ҳийласи.

Қодирқул. Биламан! Сен койима! Майли, бой нима қилса қилсин. Қўйиб берайлик! Мен у билан сайловдан кейин гаплашаман. Агар шу топда ғинг-пинг десам, ўзим зарар кўраман. *(Қулиб.)* Ҳайронман!.. Бу бойнинг табиати шунақа пастми? Бир камбағал, гадо хотинга ошиқ бўлиб юрса-я, бу одам? Ундай хотинларнинг мингтаси сенинг тирноғингга арзимаёди.

Хонзода. Бу ерда бошқа гап бор, ака. Уша Ғофирнинг хотини Жамиланинг ўзи жуда чиройлик нарса. Унинг озодалиги, ҳусн жамоли, пазанда, чеварлиги ҳамманинг оғзинга тушиб кетганда. Бой ўшанинг учун куюкиб ўлаяпти-да.

Қодирқул. А?! Шунақами? Жуда танноз, дегин!

Хонзода. Шаҳарда битта, десам ёлгончи бўлмайман. Унинг чиройи ўз бошига бало бўлди. Шу бечора хотинга раҳмим келади. Айниқса, бугун эрининг қамалганини эшитиб, туюқиб кетди. Сизнинг ённигизга арзга келмоқчи эди. Ўзи ҳам 16 ёшда... Шу қизга бир раҳм-шафқат қилсангиз бўлар эди, ака! Атайин сизга шунини айтгани келган эдим.

Қодирқул. Бўлмаса, айтгил, келсин! Арзини тинглайман, ёрдам бераман. Ҳозир келсин.

Хонзода. Мен ўзим олиб келаман.

Қодирқул. Лекин, бой билмасин. Биз мингбоши бўлганимиздан кейин арз билан келган камбағални ҳам, бойни ҳам баравар сўраймиз-да. Бор, тез кел. *(Меҳмонхонага кириб кетади.)*

Хонзода *(чиқаркан)*. Тузоқни яхши қурдим. Энди Жамилани келтирай. Акам уни бир кўргандаёқ жинни бўлади, қолади. Ана шундан кейин томошани кўрасан! Э, аҳмоқ бой, мени Хонзода, дейдилар! Гулбаҳорни хазон қилган, болангни ажал сувида чўмилтирган Хонзода — мен бўламан! Сен ҳали менинг устимга хотин олмоқчимисан! Сени шундай боплайки... ўзинг қойил қолгин! *(Чиқар.)*

Қодирқул *(меҳмонхонадан чиқиб)*. Жамилахон! Жамилахон югурганники эмас, буюрганники... Тасаддуғинг кетай, ғойибона ошиқ бўлдик-ку... Ишқилиб, бойга билдирмай, бир роҳат қилсак қилибмиз-да!..

*Қозини мом киради.*

Қозини. Ассалом алайкум, мингбоши додхоҳ!

Қодирқул. Ваалайкум ассалом, келинг, қозини! Қани, марҳамат, домла! *(Ўтирадилар, фотиҳа.)*

И м о м. Илоҳо, мингбошининг обрўйига обрўй қўшилсин.

Қ о д и р қ у л. Қани, қози, нима хабарлар бор?

Қ о з и. Солиҳбой билан Ҳасан элликбоши сизнинг масалангиз юзасидан кечадан бери ҳокимтўра ҳамда пристав тўранинг ҳузурига қатнамоқдалар. Кеча уларни кутиб, уч хуфтонгача интизорлик тортдик. Бугун жуда ҳам хаёлимиз ўша томонда бўлди. Ҳасан элликбоши ҳали хабар келтиргани йўқми?

Қ о д и р қ у л. Дараги ўчиб кетди унинг ҳам!

И м о м. Ишқилиб, тақсирим, бўлмай иложлари йўқ.

Қ о д и р қ у л. Илоҳим, домла, нафаслари муборак... Мен сизларнинг ёрдамларингизни асло унутмайман.

Қ о з и. Албатта, додхоҳ, албатта. Хўш, қани энди, Ғофир но-бакорни нима қилдингиз?!

Қ о д и р қ у л. Ғофирнинг бугун кечаси ўғирлаган сандиғи билан тутиб келтирдим, ўлгундай калтаклатдим.

Қ о з и. Зиммасига қандай гуноҳларни қўйдингиз? Бой шунни билмоқчи...

Қ о д и р қ у л. Нима бўларди, ўша кунги тадбиримиз-да! Бойнинг пулини ўғирлаган, шариат пешволарини ҳақорат қилган.

И м о м. Бой унга рози эмас, уни қаттиқроқ балога гирифтор қилмоқ учун бу айблар етарли эмас, дейдилар.

Қ о д и р қ у л. Ажаб одамсиз-да, домла! Битта савил бошни йўқ қилмоқ шунчалик мушкул эканми? Ишнинг бу ёғини хон тақлид қилдик. Энди гап ҳоким тўрада қолди, холос. Яна бир минг, ярим минг бўлса, бўлади-да... Ана ундан кейин ҳоким тўра Ғофирни бир тепади, тўппа-тўғри Сибирга бориб тушади.

Қ о з и. Бу бой бўладиган бўлса, уни ҳам аллақачон тўғри-лаб қўйгандир.

Қ о д и р қ у л. Бўлмасам-чи!

*Ҳ а с а н элликбоши киради.*

Ҳ а с а н. Ассалому алайкум, додхоҳ! Қози поччалар ҳам шу ерда эканлар!

Қ о д и р қ у л. Бормисиз, Ҳасан ака!

Қ о з и. Мунча кечикдингиз, Ҳасанбой?

Ҳ а с а н. Қуруқ келишга уялдим-да, тақсир!

Қ о д и р қ у л. Қани, бўримисиз, тулки?

И м о м. Хизру Илёс девуринг. *(Кулги.)*

Ҳ а с а н. Бизнинг ота-бобомиз тулки эмасми?! *(Кулги.)* Қани, ёрлиқни олаверинг!

Қ о д и р қ у л. Бизни ёрлиқдан қочирган жойингиз борми? Қани, гапиринг! Сизни бир қишлоққа амин қилишга қарздор бўлди-да!

Ҳ а с а н. Бой ота билан пристав тўра икковлари ҳокимтўра олдидан келдилар: «Бориб айт, мингбоши хотиржам бўлаверсин, ўрнида қолса керак», деб айтибди. Иннайкин, бой отам: «Мингбошига айтгин, ҳокимтўра билан пристав тўрани шу бугун мингбоши тилидан меҳмондорликка даъват қилиб қўйдим», дедилар.

Қодирқул. Шу бугунми?

Ҳасан. Шу бугун!

Ҳамма. Ана, холос!

Қодирқул. Ўлма, Солиҳбой! Қўп танти одам-да!

Қози. Э, додхоҳ, ошиғингиз олчи. Суюнчи бераверинг!

Қодирқул. Мана! Қамига биз қарздор. *(Ҳаммасига пул беради.)*

Ҳасан. Тездан уриниш керак.

Имом. Улуғларимизнинг кўнгли хурсанд бўлибдир.

Қози. Пристав тўранинг ўзи яхши одам. Яхши-да, заршунос.

Ҳасан. Иннайкин, ака, ўзимиз ҳам тек ётмасак, яна бошқа чораларни кўриб турсак.

Қодирқул. Қандай чоралар?

Ҳасан. Менинг ақлим шуким, додхоҳ, номзодим томонига ўтганларни ҳам қўлга олиш учун шу кун кечаси менинг ҳовлимга чақирсак, бир озгина зиёфатча билан кўнглиларини топиб, биттадан тўн, ўн-ўн беш сўмдан пул берсак. Шояд, уларни ҳам қўлга олиб қолармиз, дейман. Нима дедингиз, домла?

Имом. Албатта. Лекин мавқеи келганда биз ҳам сўзлаб ўтайлик. Зиёфатга бир-икки маҳалланing имомларини, бир-икки нафар мударрисларини, иложи бўлса, Миёнхон ҳазрат билан Со-бир эшонимизни чақириб, биттадан тозароқ шамовлардан кийгизилса, тагин яхшироқ бўлар эди.

Қодирқул. Уларни буйруқдан кейинги зиёфатга чақирсак ҳам бўлади.

Қози. Бунда бошқа бир ҳикмат бор-да!

Қодирқул. Қани!

Қози. Авомунноснинг кўзига салла бомужаррад кўриниши билан инон-ихтиёри қўлдан кетади. Маълумки, бизнинг саллаларимизда бўлган сиёсат, Ҳалоқунинг қиличидан ҳам ўткирдир, тақсир!

Қодирқул. Хўш, бўлмаса домланинг гаплари ҳам тўғри. Зиёфат анжомида гап йўқ!

Ҳасан. Энди вақтнинг ўзи шундай нозик келди. «Оз бўлса, эплаб кўр, кўп бўлса, сеплаб кўр» замонни эмас, қопчиқни ўйната турган майдон бу!

Қодирқул. Бу ёқда ҳокимтўрага зиёфат, у ёқда халққа бериладиган зиёфат. Ишқилиб уйим қуядиган бўлди, Ҳасан!

Қози. Қўяверинг, худонинг ўзи етказад.

Қодирқул *(Ҳасанга)*. Домла Зокирга хат ёзиб юборадилар. «Сен икки юз сўм пул олиб, Отахўжа тўнфурушнинг дўконига бор. Иккита яхши кундал бериб юборсин, ҳокимтўра билан приставга кийдирамиз». Қани, домла, Зокирга икки энлик хат ёзинг.

Имом. Бизнинг хатимиз андак бадхатроқмикан-а, қози домла!

Қози. Ёзинг, тақсир, ёзинг!

Имом. Эшон мирза қайдалар?

Қодирқул. Майли, ёзавернинг, ишқилиб бир қора чизиқ бўлса бўлади-да.

Имом (*уялиб*). Йўғ-е, жуда ҳам бўлмағур-да, бўлмаса бажонидил эди-ку.

Қодирқул (*истеҳзо билан*). Икки юз сўмнинг ўзини ҳам ёза олмайсизми? Қанақа гап бу?

Имом (*бўйнига олиб*). Тўғрисишни айтсак, хатимиз йўқ ҳисоб-да!

Қодирқул. Домланикнинг бари хатми қуръон билан таъзияга экан-да! (*Қозига.*) Сиз ҳам шунақа бадхатмисиз, қози домла!

Қозин. Йўғ-е... Қани, берсинлар! (*Езади.*) Мана, додхоҳ!..

Қодирқул. Мана, тезда олиб бор.

*Ҳасан чиқади.*

Қозин. Бўлмаса, бизлар ҳам намози пешинни ўқиб келамиз. Имом. Ҳа, шундай бўлсин. Унгача зиёфат анжомлари тахт бўлаб.

Қодирқул. Домла бораверсинлар! Сизга андак гапим бор. Имом. Сизни бўлмаса мажлисда кутаман, тақсир!

*Домла чиқади.*

Қозин. Хўп бўлади.

*Латифжон киради.*

Қодирқул. Латифжон, келдингизми? Катта зиёфатга ҳозирлик кўринг!..

Латифжон. Хўп бўлади, додхоҳ... Бўрдоқини сўйишга қасбони чақирайми?

Қодирқул. Чақиринг...

*Латифжон чиқади.*

Хўш, қози домла, қани бойга-ку, қулинг ўргилсин Жамилахонни олиб беряпсиз, бизга индамасдан...

*Қози кулар.*

Бизнинг ишимиз нима бўлди? Отаси билан гаплашдингизми?

Қозин. Тақсир, Жамилахоннинг бунчалгини билмай қолдик, бўлмаса-ку, ўзимиз ҳам харидор бўлардик... (*Кулги.*)

Қодирқул. Қани, гапга киришайлик.

Қозин. Додхоҳ, биз ҳам биламизки, сиз каби сўёсат эгаси бўлиш ҳар кимнинг иши бўлмагани сингари, сизнинг тўшагингизга оёқ босиш ҳам ҳар қандай қаланғи-қасанғи қизларнинг бахтига учрамайди, ҳам учрамасин, деб умид қиламан.



Қодирқул (*силтаб*). Галингизнинг даромади тузук, калта қилинг!

Қози. Бор-йўғи ўрта-орада бир-иккита сабаб бўлатурган ходималар бор. Йўқса, мингта ундай камбағалнинг яксон бўлгани билан сиз каби улуғларимиз марҳаматининг бошимизга бир марта соя солгани!

Қодирқул (*кулиб*). Нима ҳодисалар бўларди? Чап кўзинг учиб турсин, денг. Арпамиз хом қолиб, от тортолмай қолса-я. Менга тик қарайтурган кўз-пўз борми?

Қози. Додхоқ, тиканнинг ҳадди бормикан сизнинг пошнангизга қадалсин. Баъзи кишиларнинг қўлидан иш келмаганда ҳам обрўйингизга бир хил маломат келтирадиган жойларини андиша қиламиз.

Қодирқул. Нима экан? Билиб бўладими ўша андишаларни?

Қози. Бир камчилиги удирким, ҳали қиз ўн иккидан ўн учга энди оёқ босган. Ёш бола. Иккинчидан, шудирким, юзида оз-моз чиройи бўлгани билан ўзи таги паст. Сизнинг остонангизга сира арзимади. Учинчиси шудирким, бешик кетди бўлгандан буюқ ҳар йил расм-русумларни қилишиб, яқин вақтларда тўйлигини ҳам бериб қўйилти. Тўйни бузганда халқ ичида анча шов-шувга сабаб бўлади. Қисқаси шудирким, паст билан бўлган ишнинг охири ҳам пастлик билан битади. Сизга қиз топилмайдими, мингта-сини топиб беришга мен ўзим тайёрман, айланай, додхоқ!

Қодирқул. Менинг ҳаммадан ҳам қизиққанам, унинг ёшлиги, кўркамлиги, қолаберса ўртадаги нафсоният. Айтганимни қиламан, дедимми, қиламан. Ҳам қилишим керак! Ит бўлса, бит бўлса ҳам айтганим бўлсин. Биз мана шунинг учун бу амал деган мушкулни сотиб олиб ўтирибмиз. Йўқса, мингбошилиқ қилмаганда, оч қолармидик?

Қози. Йўғ-е, албатта!

Қодирқул. Олиб бир кўрайлик, юракдаги ўчлар босилсин! Пастлик қилса, ана уларнинг биттаси бўлиб, уйнинг бир бурчагида ўтирар ёки бир телармиз, ўзини уйнинг товадониди кўрар, нима? Халқнинг маломати билан менинг нима ишим бор? Шу халқми, ахир? Ундан кўра, кўрган, ўйнаганим ғанимат. Биз ҳам ўшаларчалик тарнов-парновингизни ҳўллаб қолармиз.

Қози. Албатта, бўлсин, деганингиз бўлади-ю, додхоқ, гап тарновда эмас, ундай бойвачча ҳам камбағалнинг юз хил дастурхондан сизнинг итингиз олдидан қолган бармоқдек суяк минг марта яхши! Мендан сира кўнглингизга шубҳа келтирманг. Нимага десангиз, холис хайрихоҳман.

Қодирқул. Келинг, қўйинг, ака! Холис хайрихоҳ илгари туғилган бўлса, тупроқ остида қолиб кетди. Энди туғиладиган бўлса, яна бирор минг йиллар бордир.

Қози. Додхоқ!

Қодирқул (*сўзини кесиб*). Азим кўнчини ёки кўчадаги биронта девонани нимага сайламайдилар! Менинг номзодимнинг соққаларини сайлов қутимга юмалатган қози домла билан Ҳасан ака-

нинг панжалари эмас, балки чўнтагимдан ўрмалаб чиқиб турган ўн туёқлик ўргимчаклар эди. Мени кўп содда, деб ўйламанг! Келлинг, майда-чуйда гапни қўйиб турнинг, боринг! Шу бугун қатъий жавобни олинг! Шу ҳафта қизини беришни билсин ёки турмага кириб ўтиришининг ҳаракатини қилсин. У тарафни кўриш меннинг ўз ишим.

Қозп (туриб). Хўп, хўп, додхоҳ! Сизнинг розилигингиз шундай бўлса, истар хурсанд, истар хафа қилиб бўлса ҳам қўлимиздан келганча кўндирамиз. У тарафда, ахир, ўзингиз бор-ку!

Қодирқул. Қани, қурбини кўрай, питирлаб кўрсин! Кимнинг жони бўлса, майдонга чиқсин, боринг!

Қозп. Хўп. (Чиқиб кетар.)

Қодирқул. Падарингга лаънат! Сенинг қўлингдан келди-ю, меннинг ўрнимга мингбоши бўлиб, мендан ҳам хунуқроқ ишлар қилмай қўйдингми? Халқ ихлос боғлаган битта соҳибкаромат сен ўзингмисан? Еки Собир эшонингми? Домла имомингми? Тўнғизнинг гўштини қўйсанг, макруҳ бўлади, деб ўзи пуфламай ейди. Уларингга қараганда мен чилтонман-а, чилтонман. (Кириб кетар.)

### *Паранжили Жамила ва Хонзода кирадилар.*

Хонзода. Жамилахон, қўрқма! Қиравер, эринг шу ерда... Мен акамга ҳаммасини уқдириб қўйганман. Мен сени бекорга хафа қилган эканман. Сен бечорада гуноҳ йўқ экан. Ҳамма айб бой ўлгурда экан. Акам сенга ёрдам беради. Акам катта амалдор. Унга ўз тилинг билан арз қилсанг, яхши бўлади.

Жамила. Аяжон, ўзим қўрқаман. Сиз ёнимда туринг... Гап ўргатасиз.

Хонзода. Мен ҳам ёнингда бўламан. Лекин акам бошқа бир одам олдида сўрай олмайди. Арзингни йиглаб туриб айт! Иннайки, жин урмайди, эркак киши-да, чимматингни кўтариб, жамалингни кўрсатиб қўй...

Жамила. Вой, у нима деганнингиз, аяжон! Қўйинг...

Хонзода. Эй, тентак... Юзингни биров кўрган билан ейилиб қоладими?.. Шундай қилиб, акамни алдайсан-да! Мен ҳам бировга ишим тушганда, ёлғондан қошимни қоқиб, кўзимни сузиб, ишва-ноз қилардим. Иннайки, ишим битди, эшагим лойдан ўтди, деб ўзини аҳмоқ қилиб кетаверардим. Мақсадинг эрингни қутқариши? Эркак кишилар чаройлик хотин билан чаройлик муомала қилишадди. Сен қўрқма. Мен онамларнинг олдида бўламан. Акамнинг ўзи ҳам йўқ экан. Ичкарида бўлса, айтиб юбораман. (Кириб кетаркин, ўзича). Энди акамга тайинлайманки, Гофирга қаттиқ азоб берсин, уни қийнасин, додлатсин, бу эса Жамилани кўрқитиш, қўлга олиш, уни акамнинг қўйинга солиб, бадном қилиш учун энг қулай йўл!

Жамила. Уф, чарчадим... Толиқдим. Эй худо, юрагимга далда бер. Қўрқаман, қалтирайман. Умримда келмаган жойлар, ҳеч ким йўқ. (Кўрқиб.) Вой, ўлай! Кимсан, деса, нима дейман? Мени

Ўғри хотин гумон қилиб, ушлаб олсалар-а? Гофиржонни кечадан бери ахтараман. Пешонам қурсин, пешонам! Юрагим ўйнайди... Дир-дир титрайман. Э, худо, нега мени бунчалик жабру жафоларга мубтало қилдинг?! Шодликларимни тупроққа кўмдирдинг! Чиндан, тўғри айтган эканлар: хотин кишининг боши, уй ичининг оғир тоши, деб. Бу бош шундай қаттиқ тошки, ҳар бир зулму жафога бардош қилади. Бошим айланади. Мингбошига нима дейман? Ялинаман, йиғлайман, балки мингбошининг кўнгли юмшар, ҳақиқат қилар. Мингбоши инсофли одамдир. Бойга ўхшаган бераҳм эмасдир. Жигаримнинг қони билан оққан кўз ёшларимга, оҳу зорларимга шафқат қилар. Уйнинг куйгур бой, мени сарсон қилдинг. Ўзинг мендан баттар сарсон бўлгин, илоҳи!

*Гофирнинг калтак остида инграган овози эшитилади, бирдан жананглаб.*

Вой, ким? Ким бу? Бировни ураптилар? Бир бечорага азоб берадилар, азоб! Бу Гофиржон эмасмикан? Йўқ! Йўқ! Қаердан келади бу фарёд? Юрагимга наштардек ботади. Ким бўлди? А? Вой, ўша эрим Гофиржон! Эрим! Ушанинг ўзи! Гофиржон! (*Ҳар ёнга телбалардек чопади.*)

Л а т и ф ж о н (*чиқиб*). Қимсан?

Ж а м и л а (*титраб*). Бир бахти қаро бечора хотин, мингбоши поччамга арзга келган эдим.

Л а т и ф ж о н. Сабр қил, ҳозир чиқадилар.

*Қирар, мингбоши чиқар.*

Қ о д и р қ у л. Латифжон, амалдорлик чопонини устимга эл!

*Латифжон чопонни елкасига ташлайди.*

Нима арзинг бор?

Ж а м и л а. Мингбоши почча, бир золимнинг зулми билан адо бўлган шўрлик хотинман. Менинг уйимни буздилар, золим боининг туҳмати билан сизнинг одамларингиз эримни тутиб келганлар, ҳозир у бечорага азоб берадилар. (*Ялиниб.*) Илоҳим, мартабангиз улуг бўлсин, бола-чақангизнинг орзу-ҳавасини кўринг, мен ғарибнинг дуодан бўлакка кучим етмас, менинг эримни қутқаришг, уни қийнаманг! Ана! Ана! Урмасинлар, мени урсинлар, мени! Агар қодир бўлсайдим, бутун дунёни сизнинг оёғингиз остига тўкардим-у, эримни халос қилар эдим.

Қ о д и р қ у л. Эринг ким?

Ж а м и л а. Ана! Ана! Йиғлайди гуноҳсиз!

Қ о д и р қ у л. Гофирми?

Ж а м и л а. Ҳа, Гофиржон. У бечора ўз номуси учун талашади, холос, азобламанг. Уртанган, қақшаган жонимга раҳм қилинг!

Қ о д и р қ у л (*кўз билан имо қилиб*). Латифжон, сен кўчага чққ. Бойдан хабардор бўлиб тур!

Л а т и ф ж о н. Хўп, хўжайин. *(Чиқади.)*

Қ о д и р қ у л. Шошма, Жамила деган сенмисан?

Ж а м и л а. Ҳа, ўша толеи паст Жамила.

Қ о д и р қ у л *(четга)*. Бахтимдан айланай, бу ҳам бўлса худонинг инояти, бунинг жуда ҳам таърифи кетган. *(Жамилага.)* Жамилахон, мен ҳозир айтаман, эрингни қийнамайдилар. *(Кириб чиқади, фарёд тўхтайдди.)*

Ж а м и л а *(тинглаб)*. Хайрият. *(Енгил нафас олар.)* Раҳмат. қуллуқ, мингбоши ота!

Қ о д и р қ у л. Шошма, сен ростдан Жамилахонмисан, тагин Гофир ўғрининг ларанжига ўралиб олган шерикларидан бўлмагин? Менга қара-чи. *(Чимматни тортади ва ўзича.)* Сутга чайқаб олгандай оқ, қулинг ўргилсин момақаймоқ! Вой-дод, бойнинг қутурганича ҳам бор экан. О, хонасаллот бой-ей, дидинг жойида! *(Жамилага.)* Ҳой, синглим, менга қара, ахир, эринг ўғрибоши, ундай ярамас одам билан бирга туриб, нима қиласан? Биз уни зиндонга ташлаймиз, дорга осамиз!

Ж а м и л а. Мингбоши почча! Бу ҳаммаси ёлғон, бўҳтон! Шўринг қурғурга тухмат! Ахир, қози домлангиз ҳам порани катта олиб, бойнинг деганини деяпти-да.

Қ о д и р қ у л. Мақсадга кел!

Ж а м и л а. Мен золим бой тепасидан сизга арз қилиб келдим. Мингбошимиз бўласиз, ҳақиқат қилинг! Бойнинг жазосини беринг! Эримни қутқаринг!

Қ о д и р қ у л. Хўп, ҳақиқат қиламан! Биргина бойни эмас, каттароғининг ҳам адабини бериб қўйишга ярайман! Хўп, яхши қиз, аввал эрингни ҳақиқат қилайлик, қани. *(Ўзича.)* Бай-бай-бай! Бундақанги тиниқ хотинни умримда биринчи мартаба кўришим. *(Жамилага.)* Агар эрингни шу оғир жиноятдан қутултириб юборсам, менга нима берасан?

Ж а м и л а. Мен сизни ўла-ўлгунча дуо қилай, лойиқ кўрсангиз, чўрингиз бўлиб, эшингизни супурай! Қирингизни ювай. Болаларингизни елкамдан туширмай катта қилай, мен бенаво бечорага ёрдам беринг!

Қ о д и р қ у л. Хўп, ёрдам берай. Лекин бой билмасин. Қани, юр, бошлаб мен сенга эрингни кўрсатай.

*Жамила севиниб, ертўлага томон юради.*

Йўқ, бу ёққа юр! *(Меҳмонхонани кўрсатади.)*

Ж а м и л а. У меҳмонхона-ку? Эрим у ёқда нима қилсин?

Қ о д и р қ у л. Ертўлага, меҳмонхона орқасидан йўл бор, холос! Эринг шу ерда, юравер! Қани, юр, оппоқ қиз.

*Жамила оёғи тортмай, меҳмонхонага киради. Жамила киргач, Қодирқул эшикни бекитиб олади, бир оз ўтгач, ичкаридан Жамиланинг фарёди эшитилади.*

Жамила. Дод, дейман, тегма менга! Бу нима қилганинг! Ноинсоф, худо беҳабар! Вой-дод! Улим берсин сендай мингбошига!

*Холмат ҳовлиқиб киради.*

Холмат. Мингбоши почча, мингбоши почча! (Додни эшитиб.) Э, ким бу? Жамиланинг товуши-ку! О, бадбахт-е, нима қилдим? Шошма. (Эшикни қаттиқ қоқади.) Мингбоши додхоҳ, ҳой, мингбоши додхоҳ!

Қодирқул. Қимсан?

Холмат. Бой отам келаяптилар! Меҳмонлар билан...

*Қодирқул ярим яланғоч пайпасланиб, йиқилиб, туртилиб ич-каридан чиқади.*

Қодирқул. А! Бой?!

Жамила (сочлари ғижимланган, кўйнаги йиртилган, юзлари тилинган ҳолда чопиб чиқади). Ҳу, соқолининг гўрда чирисин, сендай мингбошининг!

Қодирқул. Йўқол, сочи юлуқ бадбахт!

Жамила. Мингбоши бўлмай ўл, беномус!

Хонзода. Ака! Бу нима қилганингиз? Яхшими шу ишингиз?!

Қодирқул. Холмат! Холмат! Ҳайда бу бузуқини, ҳайда! «Эримни нега қамадинг, нега урасан?» деб соқолимнинг ярмини юлиб олди, шапшак. (Соқолини силар.) Бойнинг дидига лаънат! Ҳали келиб-келиб шу расво хотинни яхши кўрганми?

Холмат. Хафа бўлманг, мингбоши додхоҳ! Бу ўзи ҳали хом... Пишмаган... Соқолингизнинг ярми омон қопти, шунга шукур қилинг.

Хонзода. Ака, шу қилганингиз инсофдан эмас-да! Юр, жоним, бу ёққа юр! (Жамилани олиб кириб кетади.)

Қодирқул. Соқолимнинг ярми қўлида кетди, бадбахтнинг.

Холмат. Яхши ҳам келганим, йўқса, зиёфат деб нах жанозангизнинг тепасидан чиқар эканман!

Қодирқул. Кўп пашшахўрда бўлма! Ма, ушла! (Пул берди.) Юз сўм, бировга айтиб юрма!

Холмат. Улибманми, мингбоши почча. (Узича.) Ғофирдан бўлакка айтсам, нон қорнимга урсин!

Ҳасан (ҳовлиқиб келиб). Додхоҳ, меҳмонлар келишиб қолдилар!

Қозн, имом (киришади). Додхоҳ, меҳмонлар келишиб қолишди.

Қодирқул. Чиқинглар! Чиқинглар!

*Кўпчилик ҳокимтўранинг истиқболига чиқади.*

Латифжон, столга қаранг! Ҳасан!

Ҳасан. Лаббай, додхоҳ!  
 Қодирқул. Поёндоз ташла! Холмат!  
 Холмат. Лаббай, додхоҳ!  
 Қодирқул. Сен извошларга қара! Қулмат, сен кўчага ва  
 ҳовли атрофларига қоровул қўй! (Чиқади.)

*Бир оздан сўнг савлат ва дабдаба билан Хокимтўра, хотини, пристав кирадилар, уларнинг орқасидан Солиҳбой, қози, домла-и-мом ва бир неча мударрис, аҳли расталар, мингбошига яқин одамлар киришиб, саҳнани тўлдирадилар.*

Қози (қўлини баланд кўтариб). Омин! Алҳамдулиллоҳу аҳаду воҳид!

Ҳамма. Омин!

Қози. Саловат вассалом бўлсин ул халлоқи оламгаки, раҳмону раҳимдир. Худоё худовандо, поко парвардигоро, воҳидлигинг ҳақи, ҳурмати, ул кибриё назар ҳашмат маоб, император аъзам оқ подшоҳ Николай Александрович ҳазратларининг ва унинг завжайи муҳтарамалари Александра Федоровнани ва вориси тожу тахти жаҳон кушойи валиаҳд Сергей Александровичнинг ва жамаиё авлод-аждод, аркони давлатларини барча осмоний балолардан ва ногаҳоний ажалдан омон сақлагил, омин!

Ҳамма. Омин!

Қози. Худоё худовандо, бизнинг олижаноб ҳокимтўраимизни ва завжайи муҳтарамасини, пристав жанобларини ва жамаиё умаройи-умуроти салтанати боравнақларини сарбаланд қилгайсан, омин, оллоҳу акбар.

Ҳамма. Оллоҳу акбар!

Бой. Тўражон, биз қулбаччаларингиз, амр-фармонингизга ҳозирмиз.

Қодирқул. Мен учун не бахтли кундирки, тўраимиз қоронғи кулбамни ёритдилар!

Ҳоким. Мингбоши, сизнинг қўл остингиздаги фуқароларнинг ҳолу аҳволи нечук?

Қодирқул. Ҳамма осойишта! Тинчлик, тўражон!

Ҳоким. Ёлғон! Бизнинг олган маълумотларимизга қараганда, аллақандай тағи паст, ялангоёқ, бадшақл ўғри, муттаҳамлар, подшоҳ ҳазратларининг Солиҳбойдек содиқ фуқароларининг молу мулкнин талаб, шарнат мустафо йўлида хизмат қилиб келаётган муҳтарам қози ва уламои киромларимизга озор берар эканлар. Холбуки, Туркистон бойлари ва ҳурматли зотлар, олампаноҳ подшоҳ ҳазратларининг найзаси ҳимоясида тинч ва осойишталик билан кун кўриб келганлар, давлатманд бўлганлар ва бундан сўнг ҳам шундай роҳат-фароғатда яшамоқлари керак. Наинки император аъзамнинг содиқ фуқаролари роҳатини аллақандай бебош, муттаҳам ўғриллар бузалар! (Столга уриб.) Бу ярамас ҳол! Сиз билан мен ҳар бир ҳурматли зотнинг боши учун жавобгармиз!

Мен зиёфатнигизга ўтирмай туриб, савол сўрайман: Ғофир ўғри-ни биласизми?

Қодирқул. Биламан! Биламан, тўрам! Бойнинг хизматкори, хўжайиннинг пулларини ўғирлаган, ўғри! Шарият пешволарини ҳақорат қилган бир динсиз!

Ҳоким. Чора кўрдингизми? Ахир, сиз мингбоши, ўзингиз мусулмонсиз! Дини исломнинг ривожини учун кеча демай, кундуз демай хизмат қилмоқ, шарият пешволарига ёрдам кўрсатмоқ, сиз билан бизнинг вазифамиз! (Домлаларга.) Хўш, шариятга тил тегизган осийни нима қилмоқ керак?

Домла. Ундай нобакорни сангсор қилмоқ ҳар бир мўмин учун фарзи айнди.

Қодирқул. Ундай малъунни бир онда йўқ қилмоқ керак. Бу тўғрида кўп зикр қилинди, лекин парво қилмади. Жамоат! Кўрдингизни! Бовужуд ҳокимтўраннын ўзлари ғайри дин бўла туриб, шарият набийилло учун қандай жон чекмоқдалар. Илоҳи, шу ҳокимтўрамизнинг ўлган ота-оналарининг жонини худо жаннатда қилсин!

Ҳоким. Қани, нима чора кўрдингиз?

Қодирқул. Бир оз ҳаяллаган бўлсак-да тутиб келтирдик, калтакладик, қамадик. Энди жанобингизга маъталмиз!

Ҳоким. Олиб чиқилсин!

*Калтакланган Ғофирни олиб чиқадилар.*

Бой. Тўражон, арзимиз шуки, бебош бузуқи биргина шариятга эмас, балки подшоҳ ҳазратларининг шаънига ҳам ёмон гаплар айтган. Бадбахт Намоз ўғри ҳам шундай ифлосларнинг бири эди. Бу харомини олдинроқ қўлга олдик. Йўқса бу ҳам ўз атрофига бир неча гадойларни тўплаб, ҳукуматни анча овора қилган бўлар эди. Ана, Холмат, менинг содиқ хизматкорим, ўзи камбағал, унга ҳам қутқин солган, йўлбосарликка чақирган.

Холмат. Ие, анавини қаранг! Ҳай-ҳай, бой ота, ёлғонни роса ҳам ямламай ютасиз экан? Қачон менга қутқини солган?

Бой. Жим, бадбахт!

Холмат. Ёлғон гапирманг!

Қози. Ўзинг ёлғон гапирасан!

Холмат. Ёлғон гапирган етти мазҳабда мусулмон эмас. Ғофирда гуноҳ йўқ!

Қодирқул. Жим бўл, ит!

Холмат. Жим бўлмайман!

Ҳоким (имлаб). Олинг.

*Холматни боғлайдилар.*

Холмат. Ҳой, ҳоким, сенин ҳақиқатинг шуми?! Сенга ҳақиқатни уқдириш тошга азон айтиш билан бараварга ўхшайди-ку?! Ғофирда гуноҳ йўқ! Мингбоши, ҳақиқат қил, бўлмаса, ҳали онанг-ни ўсма-сурмасигача қолдирмай сўкиб ташлайман!

Қодирқул. Олиб чиқ!  
 Ҳолат. Ҳай, ҳақиқат борми, ҳақиқат?

*Олиб чиқадилар.*

Ҳоким. Бу нима гап, мингбоши?! Шундай қўрқинчли одамлар бор экан-у, сиз бўлса бепарво қолавергансиз!

Қодирқул. Тавба қилдим, тақсир!

Бой. Қодирқул мингбоши раҳмдил одам.

Ҳоким. Қамчинингиздан қон томмас экан, тартиб ўрната олмайсиз, боёнларимизнинг молу мулкани, роҳат-фароғатини ҳимоя қилолмайсиз!

Қодирқул. Тавба қилдим, тақсир, тавба қилдим! Бугундан бошлаб, мен бу ифлосларнинг илдизини қурутаман! Мен учун шу танбеҳингиз бас.

Гофир. Ҳой, ҳоким! Бу зодим мингбошининг калтаклари остида суякларим эзилди, мадорим битди, шундай бўлса ҳам икки оғиз гапираман. Қулоқ беринг!

*Кўчада оломоннинг говур-ғувури.*

Ҳоким. Нима гап, нима шовқин?

Қодирқул. Шундай, кўчадаги бекорчи одамлар сизни зиёрат қилгани келган эканлар. Паст одамлар бўлгани учун зиёратингизга киргимизмадим.

Гофир (қайнаб). Елгон! Улар менинг дўстларим! Улар яланғоч чорикорлар! Оч, гадо, бошланасиз косиблар! Булар менга ўхшаган қўл кучи билан қора кун кўрувчи бечоралар! Зулм, солиқ, пора, жузья, муҳрона каби офат-балолар чангалида хонавайрон бўлган кафангадолар! Улар менинг бошимга тушган туҳматга тоқат қилолмаганлар! Зодим Солиҳбой, қонхўр мингбошилар томонидан кемирилган, уларнинг темир панжаси билан жафокаш кўкраги йиртилган, инсонлик ҳуқуқини талаб қилгани, номусини талашгани учун оғиз-бурни қонга тўлган мендай ғариб, бенаво дўстини ҳимоя қилмоққа келганлар, булар! Айтинг, буюринг, улар кирсинлар! Улар сизга арзи ҳол қилмоқчилар! Бойлардан, мингбошилардан тортган жабру жафо, кулфат-аламлари тўғрисида сизга гапирмоқчилар! Мен энди ўзимни ёқламайман. Тўйиб кетдим бу кулфатлардан! Мен ўзимни балоларга, ўтларга отдим! Лекин шу нотавонларни, шу бағри қон бечораларни ёқлайман! Мен ҳам бир вақтлар шу шўрнинг қурғурларни бойнинг дарвозасидан уриб ҳайдаган, қувлаб солган эдим! Уларнинг дарду ҳасратини тушунмаган, сезмаган эдим! Менга у кўз ёшларнинг сири, у оҳу фарёдларининг маъноси энди барала маълум бўлди! Кўзим очилди, улар ҳақ экан! Шуларга раҳм қилинг, шафқат қилинг, дейман! Менинг гуноҳим йўқ! Отамнинг бели шу бойнинг хонадонда дол бўлди! Ингитлик кучимнинг қаймоғини бой олди, мен уни бой қилдим! Эндан бу қутурган бой менинг хизматларим эвазига менинг ёш жонимга жафо қилаётир, жафо! Менинг томир-



ларимда қон эмас, ўтлар оқмоқда, ўтлар! Ҳокимтўра, раҳм қилинг! Нанки дунёда адолат, ҳақиқат деган нарса шунчалар оёқ-ости қилинса! Шунчалар букилса! Йўқ, ҳақиқат букилар, лекин синмас! Ахир, биз бечоралар нима гуноҳ қилдик? Бу ёруғ дунёга нима учун келдик? Нанки муҳаббат, дўстлик, мурувват, одам-гарчилик деган улуғ гапларни бозорга олиб чиқсалар, пучак пулга сотсалар! Бу жабр-жафоларнинг охири борми?! Мен қон ютган, қон қусган халқ номидан гапираман! Халқ номидан арз қиламан сизга! Ҳақиқат борми сизларда?

Ҳоким (*кескин ва парвосизлик билан*). Хўп! Арзингни эшитаман! (*Офицерга.*) Ҳайданг! Уринг! Кўчада ит ўрмаламасин!

*Офицер ва бир қанча миршаблар чиқадилар, кўчада хуштак товушлари.*

Овоз. Биз ҳақиқатни айтамыз!

Овоз. Ахир, унда гуноҳ йўқ!

Овоз. Золим бой унга туҳмат қилди, жабр қилди!

Овоз. Бу жабру жафоларнинг охири борми?

Ҳоким. Хўп! Мен адолат юзасидан сўрай: айтингиз, жамоат, Гофир ўғринми, тўғри?

Эксплуататорлар. Уғри, тақсир, ўғри!

Ҳоким. Подшоҳга қарши исёнкорми?

Эксплуататорлар. Исёнкор! Гуноҳкор! Осий!

Халқ (*кўчада*). Елғон! Адолатсизлик! Ҳақсизлик!

*Пристав ёзилган қоғозни ҳокимга беради.*

Ҳоким. Гап тамом. Менинг учун бундай улуғ зотларнинг бир калима сўзи муътабардир. Бойлар, шарият пешволари, қозилар ҳеч қачон ноҳақ гапни гапирмас. (*Қоғозга қўл қўяркан.*) Бундай қўрқинчли, хавфли одамнинг яшар жойи узоқ ва даҳшатли Сибирья. (*Қўл қўяр.*)

Жамила (*отилиб чиқиб*). Гофиржон!

Гофир. Жамилам! (*Бағрига босар.*)

Жамила (*ўзини ҳокимнинг оёғига ташлаб*). Тўражон, арзим бор, эшитинг, тўражон!

Ҳоким. Гапир!

Жамила (*ўзича*). Вой, мен нима деб арз қилай, қандай сўз борки, бунинг кўнглини юмшатола, менинг дардимни, юрагимни очиб беролса?! Йўқ, тилим қалтирайди, тилим тутилади! (*Ўзини тугиб.*) Ҳа, ҳа, Тўражон, шу бечора йигит менинг эрим, мен бир ғариб хотинман, эримнинг гуноҳи йўқ. Мен сизнинг чўрингизман, шафқат қилинг, бу йигит менинг ҳаётим, борлиғим, ундан жудо бўлсам менинг ўлганим! Ахир, мен дунёга... (*Ийглайди.*)

Ҳоким. Калта қил!

Бой. Кўп чўзма! Шарманда қилдинг! Ҳаё борми сенда?!

Жамила. Ҳаё беномусда бўлмайди! Ҳаёсизда номус бўл-

майди. (Ҳокимга.) Тўражон, мен сизни дуо қиламан, бола-чақангизнинг эгилигини кўринг, дунё тургунча туринг, мени қийнаманг, мени хазон қилманг!

Ҳоким. Йўқ, ҳукм қатъий. Ғофир бир умр Сибирь қилинди! Сен бўлак эрни ахтар! Овора бўлма! Еш хотин экансан, ўзингни қийнама!

Жамила. Жон, тўражон! Эшигингизни сочларим билан су-пурай, ялинаман, тўражон, ахир, тухмат! Раҳм қилинг, айланай, тўражон! (Тиз букиб ялинар.)

Ғофир (тутақиб). Жамила! Жамила! Бас! Тур ўрнингдан! Агар сен мени севсанг, агар муҳаббатинг чин бўлса, тиз букма, ялинма бу итларга! Кўкрагингни баланд кўтар, Жамила! Тиз чўкиб яшагунча тик туриб ўлмоқ яхшироқ! Номуссиз ҳаётдан номусли ўлим минг мартаба ортиқроқ!

Жамила. Йўқ! Йўқ! Тўражон! Хафа бўлманг, у ўзи шунақа! Ахир, бечора калтак остида ақлдан адашган, шафқат этинг менга! Унинг гапларидан хафа бўлманг!

Ғофир. Жамила, агар яна шу малъунларнинг оёғига йиқилсанг, ўз номусингни, одамгарчилигингни оёқ ости қилсанг, лаънат дейман сендай вафодор хотинга?

Жамила (қаттиқ сесканиб). А? (Сочларини чангаллаганча Ғофирга тикилади.)

Ғофир. Тур ўрнингдан! Кел, жоним! Видолашайлик. (Қучоғини очар.)

Жамила (бир оз саросималаниб). Ғофиржон! (Ўзини унинг қучоғига отади.)

Ғофир. Кел, қутурган итлар ҳаром қилмасдан туриб, шу тоза юзларингдан охирги мартаба ўпай! Бу золимлар юрагини суғуриб оладилар, қуруқ жасадимни Сибирь қиладилар, холос!

Жамила. Ғофиржон! Сиз Сибирдан келарсиз, яшарсиз, лекин мени бу золимлар ундан ҳам кўрқинчли, ундан ҳам қоронғи зиндонга ташлайдилар! Лаънат, сен кўнгли қораларга!

Боёй. Олиб кир бу беадаб хстинни!

*Сифат буви, Хонзодалар Жамиланинг қўлидан ичкарига тортадилар.*

Ғофир. Хайр, Жамилам!

*Ғофирни гордодовлар, миршаблар кўча томонга тортадилар.*

Жамила. Хайр, Ғофиржон, бир умр хайр! Сенга бевафолик қилмайман!

Ғофир. Хайр, Жамилам!

*Ғофирни кўчага, Жамилани ичкарига қаттиқ судрайдилар.*

Парда

## ТҮРТИНЧИ ПАРДА

*Бойнинг ясатилган уйи. Жамиланинг бойга никоҳ қилинганига беш-олти кун бўлган.*

Ж а м и л а. Қуш эдим, қанотимни қайирдилар, гул эдим, бул-булимдан айирдилар. Сибирь... Сибирь... Қандай қўрқинчли, хунук бир от... Тилга олсам, этларим жунжукади. У қанақа жой бўлса экан! Борсаммикан? Ҳе, мен нима деяпман?! Қаерга ҳам бора оламан! Мени бу темир қафасга солдилар, ихтиёримни қўлимдан олдилар. Айланамда қанча пойлоқчи, қанча қоровулар бор. (*Кулиб.*) Мен энди бой хотинман, ҳа, ҳа, ҳа. Бой хотин! Ғофиржон менга номаҳрам! Уҳў, қанча йиғладим, йиғлай берсанг кўзингинг ёши ҳам тугаб қолар экан, кўниқиб ҳам қолар экансан, киши. Мана энди йиғламайман ҳам. Кўзимга қатра ёш ҳам келмайди. Улимга тик қараб тура бераман. Не қилай? Яшаш учун курашдим, олишдим, бошимга тупроқ сочиб, фарёд кўтардим, фойдаси тегмади, кўз ёшларимнинг ариқда оққан сув чоғлик қадр қиммати бўлмади. Биров, нимага йиғлайсан, деб сўрамади. Ҳа, мендай бахти қаронинг кимга кераги бор?! Хонзода бўлса, худди қарғадай гўштимни пойлаб, тепамда учади. Ҳе, шу экан-да!

*Ҳожи она киради.*

Ҳ о ж и о н а (*кулиб*). Қизим Жамилахон! Менга, келинг, демайсан? Ҳожи онангга салом бермайсан?

*Жамила салом беради.*

Баракалла, қизим, баракалла... Мен икки йўл ҳаж қилган, ҳудожўй, ботавфиқ хотинман! Муслмонларга ёмонликни асло раво кўрмайман. Дилозорни худо бандам демас-а. Мен сени ўз онангдан зиёда яхши кўраман. Сенга икки оғиз шариятдан-тариқатдан гапирай, деб кирдим, болам.

Ж а м и л а. Гапиринг, Ҳожи она, гапиринг... Кўнглим шундай қоронғи... зора ёрса...

Ҳ о ж и о н а. Қизим, ҳали ўн гулингдан бир гулинг очилгани йўқ. Ҳожи онадай тақводор, меҳрибон, бадавлат хотинга келин бўлиш ҳар қандай қизнинг бахтига учрамайди. Шукур қил, болам! Энди ўша Ғофирни эрдан чиқар! Кундошларингга эҳтиёт бўл... Улар берган овқатларини ема! Эрингни яхши ҳурмат қил! Уни кўрганда бош эгиб, салом қил! Дарров бориб, салла, тўнини ол! Маҳсисини ўзинг торт. Эрингга секин гапир, товушингни кимса эшитмасин... Унга сира тик қараб гапирма, гуноҳ бўлади. Эринг билан бир қаторда мени ҳам ҳурмат қил, савоб бўлади. Шундай қилсанг, бахтинг очилади! Мана, сенга кўрман! Ўз бисотимдан! (*Арзимаган бир нарсани беради.*) Сени намоз ўқимайди, дейишади... Беш вақт намозни канда қилма! Бўлмаса, уйинг-

дан паришталар қочади. (*Ҳожи она намоз ўқир.*) Мен энди чиқай. Эрингни бугун хурсанд қил, тузукми, болам? Худо, мўминларга тавфиқ бер, кўпнинг қаторида имонимни басаломат сақла (*Чиқар.*)

Хонзода (*вазмин кириб*). Хўш, жавоб ўйладингми?

Жамила. Аяжон, ахир мен буни қандай қиламан?

Хонзода. Гап битта! Сен қиласан! Биладан, сен бойни ёмон кўрасан, ёлғиз мен сени ундан қутқараман. Сен бойнинг хотини эмассан. Никоҳнинг қиммати йўқ, чунки сен рози бўлмагансан, тўғрими?

Жамила. Тўғри, аяжон!

Хонзода. Яна қайтариб айтаман! Сен бойнинг хотини эмассан!

Жамила. Айтганингиз келсин, аяжон!

Хонзода. Сен бойнинг чипчиргидай меросига даъвогар бўлмайсан.

Жамила. Бойнинг мероси, молу дунёси сизники!

Хонзода. Кўзингни оч, бой бугун сенинг ишингни тугатади. Бошқа гап йўқ!

Жамила. Аяжон, қўрқитманг! Бойнинг менга кучи етмайди!

Хонзода. Девона, унга Сифат бувига ўхшаган ялмоғиз кампирлар ёрдамлашади.

Жамила. Аяжон, қандай ваҳима гапни айтдингиз!

Хонзода. Сен шу ишни бажар! Бойдан қутуласан, мен бўлсам ўз мақсадимга егаман.

*Жамила ўйга ботади.*

Жамила. Аяжон, хўп, унадим, беринг.

Хонзода. Мана. (*Бир шишада захар беради.*) Борди-ю сен мерос тўғрисида оғиз очсанг?!

Жамила. Йўқ, аяжон, йўқ. Кўнглингизни тўқ тутинг. Ҳеч қандай мерос, мол, (*таъкидлаб*) дунё менга керак эмас. Ҳаммаси сизники бўлсин.

Хонзода. Мен сенга мастава киритаман, шунга сол, бойга ичир. Хайр, ҳушёр бўл, қўрқма! (*Чиқади.*)

Жамила. Қандай яхши бўлди-я! Заҳарли илон чучук тилларини қалтиратиб менга марҳамат қилди, марҳамат! (*Дорини бекитади, бойнинг товуши эшитилади.*) Ана азроил! Келаяпти! Жонимни олмоқчи. Юрагим ўйнайди. Худо, куч-қувват бер! Шарманда қилма! Шу золимнинг панжаларида мени ҳалок қилма! Йўқ, қўрқаман!

*Пауза.*

Жамила! Ўзингни тут, қўрқма, бўшанима, маҳкам бўл!

*Бой кирар.*

Бой (*Жамилага яқин борар*). Оппоғим, жонгинам, кел энди! Ахир, хуноб қилдинг-ку? Тасаддуғинг кетай! Сени олгунча, сени қўлга туширгунча озмунча дунё сарф бўлдим? Битта ҳокимтўранинг ўзига икки минг сўлкавой кетди, наҳотки беш кундан бери мени қийнасанг?! Майли, алами эсдан чиқсин, юпансин, дедим. Сабр қилдим, бугун охирги кун! Кел! (*Тортади.*)

Жамила. Йўқ, йўқ! Яқин келманг! Қўрқаман! Наридинг!

Бой. Ғофир ўғридан ҳам қўрқармидинг? Кел, кўп таранг қилаверма! (*Ҳирс билан осилади.*)

Жамила (*бой билан олишиб*). Тегманг, тегманг!

Бой. Жамилахон, ахир инсофинг борми, йўқми?

Жамила. Яна уч-тўрт кун сабр этинг! Эримнинг дардини бир оз унутай!

Бой. Шунақами? Битта гадо учун шунча азабозликми? Энди Ғофирни оғзинга олма! Уни эсингдан чиқар! Сенга у номахрам! Сенинг эринг мен бўламан!

Жамила. Сиз... эрим?

Бой. Ҳа, сенинг эринг мен бўламан! Шунча берган азобинг бас!

Жамила. Йўқ.

Бой. Сенинг нолишинга қарамайман!

Жамила. Йўқ, тегманг! Қочинг!

Бой. Қандай ўжар, ярамас хотинсан!

Жамила. Бўлганим шу!

Бой. Шунақами? Кўнмайсанми?

Жамила. Кўнмайман.

*Бой йўлакка бориб имлайди, Сифат буви киради.*

Сифат буви. Айланай, Жамилахон! Бойни хафа қилма, тақдирга тан бер!

Жамила. Йўқол, жодугар!

Сифат буви. Шундайми? Тошдай оғир қўлларим бор, бунга ҳеч ким туриш беролмаган. Қани, бой, дадил бўлинг, келинг!

*Жамилага ташланадилар, қийнайдилар.*

Жамила. Шошманг, бой ота,шошманг! Худо хайрингизни берсин, шошманг! Ахир, мени эшитасизми, мен, бой ота, ахир... (*Иглайди.*)

Бой. Нима дейсан?

Жамила. Хўп, хўп. Мен розиман! Бой ота, розиман. Аммо ҳозир жуда қўрқдим. Ўзимни пича босиб олай.

Бой. Йўқ, бўлмайди!

Сифат буви. Бу ўлгир сизни яна алдайди.

Жамила. Агар алдасам, ниятимга етмай ўлай. Мен бугун сизники бўламан. Энди тақдиримга тан бердим, лекин ҳозир эмас,

бир оз туринг, бой ота! Онамни чақиринг, унинг ҳам олдидан бир ўтай.

Бой. Онанг кўнган.

Жамила. Ўз оғзидан эшитай.

Бой. Хўп, бу сафар ҳам унадим. Бор, кампир, чақир.

Жамила. Сиз энди, бой ота, бир оз ҳоли қўйинг, онам билан гаплашай.

Бой. Хўп! (Чиқади.)

Раҳима хола киради.

Раҳима хола. Жоним қизим!

Жамила. Онажон! (Қучоқлашадилар.) Онажон, сиз розимисиз?

Раҳима хола. Қандай қилайлик, қизим, рози бўлмай иложимиз қанча, бўлар иш бўлди, энди кўнасан-да, болам.

Жамила. Сиз рози бўлсангиз бас! Айтганча, укам Олимжон неча ёшга кирди?

Раҳима хола. Ун бирга энди қадам қўйди, болам.

Жамила. Ҳали ёш экан, рўзгор тебрата олмас экан, онажон! Ғофир сизни боқар эди, бой жуда хасис, ўзим учун эмас, сиз учун йиғлайман, сиз учун. Энди сиз кимларга зор бўласиз, кимларнинг кўзига мўлтираб қоласиз, кимларга бир бурда нон учун қўл чўзасиз, онажон! (Осилиб йиғлайди.)

Раҳима хола. Болам, нима деганинг бу?

Жамила. Йўқ, онажон! Йўқ! Йўқ! Ўзим шундай, онажон, шундай. Бой хасис, сизга ҳеч нарса орттириб беролмайман.

Раҳима хола. Майли, қарамасанг ҳам, қизим! Омон бўлсанг, шунинг ўзи катта давлат.

Жамила. Онажон, укамни бойларнинг хизматига берманг, бир илож қилиб, бировга бериб ўқитинг, мен учун койимасангиз ҳам бўлади, мени қарғаманг, қарғаманг бадбахт қизингизни, онажон! Қандай иссиқ меҳрибон кўкрак бу! (Бошини Раҳима хола-нинг кўксига қўяр, йиғлар.) Нима қилай, иложим йўқ. (Бирдан кўркинчли бир фикр келар.) Онажон! Болам нима бўлади, болам?! Ахир, мен унга зўр умидлар боғлаган эдим, мен уни ўқитарман, деган эдим, у менга Ғофиржондан бир хотира эди, ахир, она, ўзингиз ўйланг, болам кундошлар қўлида хўрланадими?

Раҳима хола. Мени кўп йиғлатма! Қандай қиласан?! Болангга эҳтиёт бўл! Анави кампир ўлгир бойнинг буйруғи билан болангни эзиб ташламоқчи экан!

Жамила. А? Эзиб ташламоқчи?

Раҳима хола. Болангни ўзим елкамга кўтараман, ўзим катта қиламан, бойга зор қилиб қўймайман, бойга тирноғини ҳам кўрсатмайман, чарх йиғириб боқаман, эшитганмисан, болалик уй бозор, боласиз уй мазор. Мен унга ҳали, мана, дуппичалар тикиб қўйдим. (Кўрсатади.)

Жамила (дўппини бағрига босиб). Айланай оймдан, қандай чиройлик гуллар солибсиз! Ҳа, майли, бойнинг айтганига кўнаман, сиз розимисиз?

Раҳима хола. Розиман, бўлак иложимиз йўқ, болам, тақдирга тан бер. *(Қучоқлашадилар.)*

Жамила. Бас, онажон, бас! Менга шуниси бас.

*Раҳима хола йиғлаб, чиқиб кетади.*

*(Жамила дарров кўрпа қатигади заҳарни олади.)* Бечора бола... Бзовталанади... сезади шекилли... Билмайман, ўғилмидинг, қизмидинг, киприкларинг узун бўлармиди? Қандай яхши одам бўлар эдинг? Еки Ғофирдек бахтсиз, онангдек пешонаси шўр бўлиб туғилармидинг? Онанг бадбахт, онанг бераҳм, онанг одамхўр, лекин не қилайки, иложим йўқ, бўлак йўл йўқ! *(Заҳарни ичади.)* Шўринг қурғур, биз хотинларнинг кучи шунга етади. Бағритош она, нима қилдинг?! Ана, дод дейди! Узини уради. Ана, жим қолди! Тилкаланди бола бечора! Э, оғу! Навбат менга келди, кучингни кўрсат! Юракларимни ўй, томирларимни қирқиб ташла! Упкаларимни теш! Баракалла! Баракалла! Зўр экансан! Бўғиламан, бўғиламан!

Бой *(кириб)*. Жамила!

Жамила. Бой! Мана, Жамила тайёр! Сен бир ёлғиз мени эмас, ёш бир гўдакнинг ҳам уволига, қарғишларига қолдинг, зolim бой!

Бой. Ҳой, одам борми, одам!

*Раҳима хола, Хонзода, Сифат буви ва бошқалар ҳовлиқиб кирадилар.*

Жамила. Онажон!

Раҳима хола. Вой, болам! *(Қучоқлайди, ҳушидан кетади.)*

Бой. Бу нима гап? Бу қандай гап?

Хонзода. Жамила! Жамила!

Пошшо ойим *(ҳовлиқиб кириб)*. Жамилахон, нима бўлди? Жамила!

Бой *(саросимада)*. Бу қандай бало, бу қандай офат!

Ҳасан *(ташқаридан)*. Бой ота! Сизни ҳоким тўра чақиряпти! Тез борар эмишсиз!

Бой. Нима гап?

Ҳасан. Ғофирнинг дўстлари саройингизда, заводингизда иш ташлаганлар! Қўзғолон кўтарганлар!

Жамила. Ғофирнинг дўстлари!

Бой. Бу қандай бало! Уларнинг ҳаммасини бўғиш керак! Улдираман, бўғаман! *(Чиқади.)*

Ҳожи она *(кириб)*. Яна ким ўлди? Бу қандай бало?!

Жамила *(хотинларга)*. Йўқол ҳаммаларинг. Йўқол, номус, юрак ўғрилари, кўзимдан йўқол! Қассоблар, бағри қора калтакесаклар, илонлар, чиёнлар! *(Қўлига кирган нарсаларни уларга отади.)*

*Хонзода, Сифат буви йиқилиб, турганиб, қочиб кетадилар.*

Онажон! Ғофиржон! Унутма мени! Болангни ўлдирган, хотинингни хазон қилган бойнинг, бутун бойларнинг жазосини бер! Замо-насига ўт қўй, ёндир! Ғофиржон!.. Ғофиржон!.. *(Кучсизланади, ўлади.)*

П а р д а

### **БЕШИНЧИ ПАРДА**

*(...Пардада Ғофир Сибирда бир социалист ила ошна бўлиб, ишчилик ҳақини таниб, социалист бўлгани, катр золимлари тарафидан темир қамчилар билан айни азоб еб турган чоғда бирдан ҳуррият бўлиб, буларни банддан озод бўлиб кетувини тасвир қилинган-дир.)*



---

# ИЗОҲЛАР

---



Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий адабий меросининг муҳим бир қисмини унинг драматик асарлари ташкил этади. 1915 йилдаёқ ўзининг дастлабки пьесаларини ёза бошлаган Ҳамза шу даврда республика шаҳарларида гастролда бўлган татар ва озарбайжон театр труппаларининг фаолияти — бу икки қардош халқ театрининг ҳаётбахш анъаналари таъсирида Ўзбек драматургияси, ўзбек театр санъатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихий зарурат эканини биринчилардан бўлиб тушунди. Унинг ўзи дастлабки ўзбек театр труппаларини ташкил этиб, бу труппалар учун саҳна асарларини ёзди, уларни ўзи саҳналаштирди, ўзи бу асарларда бош ролларни ижро этди, ўзи суфлёрлик қилди. Ана шу тарзда — Ҳамза сингари дастлабки ўзбек драматурглари, режиссёрлари ва артистларининг ғайрат ва ашижоати билан ўзбек профессионал театри майдонга келди.

Тўғри, ўзбек театрининг шаклланиш ва тараққиёт йўли узоқ тарихга эга. Ўзбек халқ театри, хусусан қўғирчоқ театри бир неча асрлик ривожланиш йўлини босиб ўтиб, бой ижодий тажриба ортирган. Лекин профессионал ўзбек театрининг пайдо бўлиши XX асрнинг бошларига тўғри келади. Бу даврдаги тарихий-маданияний шароит, воқеликда юз бера бошлаган ижтимоий-тарихий ўзгаришлар, илғор маданиятли халқлар билан яқинлашув, халқни маърифатли қилишга интилган жадидлар ҳаракатининг авж олиши ва бошқа омиллар профессионал ўзбек театрининг вужудга келишида муҳим аҳамиятга молик бўлди.

Худди ана шу тарихий даврда яшаган Ҳамза ўзбек театри ва драматургиясининг пойдеворини қўйишда мислсиз роль ўйнади.

«Жадид зиёлилари орасида театру асарлари яратиш ва уни саҳнага қўйиш ҳаракати озарбайжон, татар театру труппалари ва театру асарларининг Туркистонга 1910—1912 йилларда кириб келиши билан айниқса кучайди. Ўзбек халқини миллий зулмдан, ноодонликдан, қоронғиликдан қутқариш учун майдонга отилиб чиққан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий театрунинг халқ тарбияси учун кучли қурол эканини тушунди ва саҳна асарлари яратиш ишига киришди», деб ёзган эди Ҳамза ижодининг дастлабки тадқиқотчиларидан бири — Сотти Ҳусайн (Сотти Ҳусайн. Ҳамза Ҳакимзода. Ҳаёти ва фаолияти. Тошкент—Самарқанд, 1940, 14-бет).

Шуни айтиш керакки, татар ва озарбайжон драматурглари, режиссёрлари рус ва ҳатто Европа театридан хабардоргина эмас, балки улар таъсирида ўз фаолиятларини бошлаган эдилар. Шунинг учун ҳам Ҳамза сингари дастлабки ўзбек драматурглари ва театр арбоблари татар ҳамда озарбайжон театри орқали рус ва Европа халқларининг саҳна маданиятлари билан ҳам, биринчи навбатда рус театри ва драматургияси билан ҳам танишдилар. Бу ҳол уларнинг, биринчи навбатда Ҳамзанинг профессионал театр имкониятларини эгаллашлари ва бу имкониятлардан ўз халқининг синфий онгини оширишда, уни миллий зулм ва жаҳолатга қарши курашга уйғотишда, маориф ва маданият билан яқиндан ошно этишда кенг фойдаланишларига зарур шарт-шароитлар яратди.

Хуллас, Ҳамза драматургияси ва у бошчилик қилган театр труппалари ўзбек халқининг ижтимоий оозодлик, тенглик, биродарлик ва маданий тараққиётга эришуви йўлида пайдо бўлди.

1915 йилда Қўқонда Ҳамза томонидан ташкил этилган ҳаваскорлик труппаси тез орада кенг қанот ёзиб, дастлабки ўзбек профессионал театр труппаларидан бирига айланди. 1915 йилда шу труппа ижросида саҳналаштирилган «Заҳарли ҳаёт ёхуд Ишқ қурбонлари» спектакли Ҳамза театрининг дастлабки қалдирғочи бўлди. Ўзбек театрининг билимдон тарихчиси М. Бузрук Солиҳовнинг маълумотига кўра, бу «Заҳарли ҳаёт» Ҳамзанинг «пьеса жанри: устида берган энг олдинги» асари эди.

Ҳамзашунос олим Лазиз Қаюмовнинг тахминига кўра, Ҳамзанинг «Уч» номи билан илмий муомалада тилга олиниб келаётган асари бундан хийла вақт олдин — 1911—1912 йилларда ёзилган. Лекин бу тахминни асословчи бирор тарихий ҳужжатнинг йўқлиги унинг 1911—1912 йилларда ёзилганини шубҳа остига қўяди. Бизнингча, бу асар гарчанд ғоявий-бадий савиясига кўра хийла жўнроқ бўлса ҳам «Заҳарли ҳаёт» пьесаси билан тахминан бир даврда яратилган.

Ҳамзанинг драматургик ижодини кузатиш бу нарсдан шаҳодат берадики, у бу адабий тур билан 1915—1920 йилларда ҳамда 20-йилларнинг иккинчи ярмида фаол шугулланган. Шунга кўра, унинг драматургик меросини икки томга ажратиш ва Ҳамза драмаларини икки босқичда ўрганиш мақсадга мувофиқ кўринади.

Ушбу томда Ҳамзанинг 1915—1920 йилларда ёзилган драматик асарлари китобхонлар эътиборига ҳавола этилади.

Ҳамзанинг бу даврга оид асарлари орасида «Заҳарли ҳаёт» дан ташқари, «Бой ила хизматчи», «Тухматчилар жазоси», «Ким тўғри?», «Мухторият ёки автономия» каби пьесалари ўқувчиларга яхши маълум. Лекин бу асарлар шу вақтга қадар баъзи бир қисқартиришлар, жиддий таҳрирлар билан чоп этилиб келди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда авж олиб бораётган ошкоралик ва қайта қуриш даврининг шарофати билан ушбу нашрда Ҳамза асарлари асл ҳолича, қисқартиришсиз ва таҳрирсиз эълон қилинмоқда. Айни пайтда Ҳамзанинг бу асарлардаги тили ва услуби хусусиятлари ҳам айнан сақлаб қолинди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти фондларида Ҳамзанинг шу вақтга қадар матбуот юзини кўрмаган айрим асарлари ё бу асарларнинг парчалари сақланиб келади. Булар ҳамзашунослар томонидан шартли равишда номланган «Уч», «Тошкентга саёҳат», «Рауза ва Шайдо», «Бизда снёсий инқилоб тарихи ёхуд Мусофир Шоҳид Фулом (Анном) афанди» сингари асарлар бўлиб, улар ҳам ушбу томда китобхонлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Ҳамза ижодига бағишланган илмий адабиётлардан яна шу нарса маълумки, инқилоб куйчиси бу даврда «Мулла Нормухаммад домланинг куфр хатоси», «Очлик қурбонлари» (1916), «Ра-

бочий» (1917), «Ишчилар ҳаётидан» (1918), «Лошмон фожиаси»нинг биринчи ва иккинчи бўлимлари (1916—1918), тўрт қисмдан иборат «Фарғона фожиаси» (1918—1920), «Маҳбус тўранинг ҳоли», «Қайф учди», «Қизил қон нчида ёш гавдалар» (1919), «Эшонликда хиёнат» (1920) сингари пьесалар ҳам ёзган. Афсуски, бу асарлардан фақат «Лошмон фожиаси»нинг биринчи бўлимига оид икки кичик парчагина сақланиб қолган, холос.

Аммо бу фактларнинг ўзгача Ҳамзанинг 1915—1920 йилларда драматургия соҳасида баракали ижод қилганидан дарак беради.

Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёмалар институтининг Ҳамза фондида «Йиғлама, ватан» инсценировкасига ишланган расм сақланади. (Ушбу томнинг 149-бетига қаранг.) Бу расми 1960 йил 23 мартда Адабиёт музейига Иззат Султонов тоширган. Олининг музей дирекциясига йўллаган хатида бундай сўзлар бор:

«Сизга Ҳамза қўли билан чизилган декорация эскизини юбораман. Бу эскизни 1918—1919 йилларда Ҳамза театр труппасида суфлёр бўлиб ишлаган ўртоқ Бекмуродов менга 1949 йилда Бокуда берган эди... Бекмуродовнинг айтишича, бу сурат Ҳамза томонидан «Йиғлама, ватан» инсценировкасининг декорациясига эскиздир. «Йиғлама, ватан» инсценировкаси 1918 йилда ёзилган. Унда «Ватан»дан мақсад ҳали ҳам мустамлака зулми остида эзилиб ётган Шарқ (эскизда: занжирланган хотин), инсценировкада овоз Совет Шарқи ёшларининг (эскизда: қатор турган фигуралар) шу қуллик занжирида ётган «кўҳна ватан» — Шарқ олдига бориши ва унга «Йиғлама, биз сени, албатта, қутқарамиз», деб мурожаат этиши тасвирланган. «Йиғлама, ватан» инсценировкаси саҳнага кўп марта қўйилган эди. Бекмуродов 1920 йилда бу инсценировка Тошкент «Колизей» театрида (ҳозирги Свердлов номли концерт залида) ўйналганда, катта муваффақият қозonganлигини айтган эди. (Бу ҳақдаги маълумот ўз вақтида мен томондан эскизнинг орқасига ёзиб қўйилган экан.)

Шуни ҳам эсда тутиш керакки, «Йиғлама, ватан» инсценировкаси ёзилган ва замонасининг театр труппаларида қўйилиб турган маҳалда Бухоро ва Хива хонликларида ҳали эски феодал тузум ҳукмрон этди. Ҳамза Шарқ ҳақида гапирганда, даставвал шу моментни кўзда тутган, деб фараз этишга асос бор. Эскизнинг ўнг томонидаги пастки бурчагига яқин жойда Ҳамзанинг арабча автографи ҳам бор. Эскизга «Йиғлама, ватан»дан бир сатр ҳам ёзилган.

Бу эскиз Ҳамзанинг яна бир номаълум асари ҳақида хабар қилишдан ташқари, унинг дурустгина рассомлик қобилияти борлигидан ҳам гувоҳлик беради.

Шу нарсани айтиш керакки, ушбу томда эълон қилинаётган айрим асарлар бошқа котиблар ёки суфлёрлар томонидан кўчирилган сабабли Ҳамза пьесаларининг асл матнидан тафовут этиши мумкин. «Ҳозир қўлимизга кирган «Бой ила хизматчи», «Тухматчилар жазоси» Ҳамзанинг қўлёмаси бўлмасдан, балки кўчириб олинган нусхаларидир,— деб ёзган эди Сотти Ҳусайн.— Ҳамзанинг

асарларини ҳар қайси шаҳар, ҳар қайси область театру труппаси ўзларига тўғрилаб, қўшиб, ўзгартириб кўчираверганлар. Умумий адабий саҳна тили нишланмаганлигидан ҳар ким ўз шаҳар, область лаҳжасига мувофиқлаштириб кўчирган ва саҳнага қўйган» (С. Ҳусайн. Кўрсатилган асар, 36-бет). Шунинг учун ҳам бу асарлардаги Тошкент ё бошқа шаҳар шеваларининг унсурларига қараб, уларнинг Ҳамза ижодига мансублиги масаласига шубҳа билдириш тўғри бўлмайди.

Ушбу томда эълон қилинаётган драматик асарлар Ҳамзанинг 1921 йилга қадар бўлган драматургик фаолияти ҳақида тасаввур берибгина қолмай, ўзбек драматургияси ва театрининг шаклланиш йўлларини тўғри ва тўла тасаввур этишимизга ҳам кенг имкониётлар яратади.

## ДРАМАЛАР

Уч

(7-бет)

Ҳамзанинг дастлабки асарларидан бўлган «Уч» пьесасининг ёзилган санаси аниқ маълум эмас. Юқорида айтилганидек, ҳамзашунос олим Лазиз Қаюмов бу асарни 1911—1912 йилларда ёзилган, деб тахмин этади. Лекин бу фикрни тасдиқловчи далиллар ҳозирча учрамади. Ўзбек театри тарихи бўйича эътиборли мутахассис М. Бузрук Солиҳов бу асар тўғрисида бирор фикр билдирмайди ва Ҳамзанинг илк саҳна асари сифатида «Заҳарли ҳаёт» пьесасини тилга олади. Ўзбек театрининг кекса арбобларидан бири — Ўзбекистон халқ артисти Сайфи Олимов эса Ҳамза Ҳакимзода труппаси 1919 йилда Тошкентга келиб, ўз спектаклларини намойиш этганда, театр труппасида «Бой ила хизматчи» ва «Учимни олдим» спектакллари бўлганлиги ҳақида маълумот беради. (Қаранг: «Ҳамза замондошлари хотирасида», Тошкент, 1979, 159-бет.)

Бу сўнги маълумот, биринчидан, пьесанинг номига аниқлик киритса, иккинчидан, унинг 1919 йилда саҳнага қўйилганидан шаҳолат беради. Яъни у 1911—1912 йилларда ёзилган бўлса, 1919 йилга қадар саҳнада яшаб келиши қийин эди. Зеро, Ҳамзанинг дастлабки пьесаларидан бири бўлган бу асар бадий жиҳатдан анча заиф бўлган ва шу туфайли Ҳамза труппасининг Тошкент гастролларида сезиларли муваффақият қозонмаган.

Ҳамза замондошларининг бу маълумотларига таяниб, пьеса 1915—1917 йиллар оралиғида яратилган, деб тахмин қилиш мумкин.

Асар сарлавҳаси Ҳамза ижодининг библиографлари томонидан қўйилган. Унинг асл номи, С. Олимов хотирасида тилга олинганидек, «Учимни олдим» шаклида бўлган бўлиши мумкин.

Асардаги айрим мотивлар «Бой ила хизматчи» драмасининг К. Яшин томонидан бажарилган таҳририда истифода этилган.

Пьесанинг Ҳамза томонидан кўчирилган нусхаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 7628/ХІХ инвентарь рақами билан сақланади. 11 саҳифадан иборат асар қўлёзмаси сарғиш канцелярия дафтари varaқларига араб графикасида настаълиқ хатида қора қалам билан ёзилган. Қоғоз формати — 31,5×20,5 см.

Қўлёзма асосида биринчи марта эълон қилинмоқда.

7-бет

36 *Сискной начальник* (сыскной начальник) — қидирув бўлимининг бошлиғи.

8-бет

27 *Закон* — қонун.

28 *Галавамиз ишлайдур-да* (головамиз ишлайдур-да) — бошимиз ишлайди.

9-бет

14 *Сапча етимча* — ғўр, эси кирмаган етимча.

12-бет

8 *Суроги неча қолибдур?* (сроги неча қолибдур?) — муддати қанча қолибди?

27 *Ҳужжатимни протест қилмасунлар* — ҳужжатимни бекор қилмасинлар.

## ЗАҲАРЛИ ҲАЕТ ЕХУД ИШҚ ҚУРБОНЛАРИ

(15-бет)

Ушбу тўрт пардали фожиа 1915 йилда ёзилган ва 1916 йилда литографияда нашр этилган.

Ўзбек театри тарихчиси М. Бузрук Солиҳов мазкур асар ҳақида бундай ёзган: «Бу пьеса Ҳакимзоданинг пьеса жанри устида берган энг олдинги асаридир; унинг соддалиги ва юзакироқ чиққани шу бошланғич асар бўлишидан илгари келган ҳолдир: чунки Ҳакимзоданинг сўнгги асарлари бу пьесага қараганда санъат жиҳатидан устун турадилар» (М. Бузрук Солиҳов. Ўзбек театр тарихи учун материаллар. Тошкент, 1935, 113-бет). Танқидчи гарчанд бу асарга у қадар юксак баҳо бермаган бўлса-да, у ўз даврида бир неча театр труппалари томонидан ўйналди ва томошабинлар қўлласида муваффақият қозонди. М. Уйғурнинг ёзишига кўра, у «Заҳарли ҳаёт» пьесасини 1917 йилда Тошкентда ҳаваскорлар драма тўғарагида қўйган.

«Мен бу асарни саҳнага қўйишда,— деб ёзган эди у,— Ҳамза билан бўлган суҳбатни эсга олдим, унинг эксплуататорлар тўғрисида нафрат билан айтган сўзларидан фойдаландим. Мен бу пьесада бош ролни ўйнаган эдим. Кейинчалик бизнинг драма труппамиз репертуаридан Ҳамзанинг асарлари мустаҳкам ўрин олди» («Ҳамза замондошлари хотирасида», 145-бет).

1917—1920 йилларда республиканинг турли шаҳарларида на-  
мойиш этилган ушбу асар айниқса ёшлар ўртасида муваффақият  
қозониб, уларнинг эски ҳаёт кўринишларига қарши курашига ил-  
ҳом берди.

Ҳамза «Туркистон маишатиндан олинган қиз-куёв фожиаси»да  
инқилобга қадар бўлган даврдаги социал тенгсизлик ва миллий  
зулм орқасида эзилган, бахти қаро бўлган ёшлар тақдирини кўр-  
сатиб беради.

Ушбу пьесанинг асосий қаҳрамонлари ва мотивлари Ҳамза-  
нинг «Янги саодат» «миллий роман»идаги ғоялар олами билан  
ҳамоҳангдир.

Пьесанинг Ҳамза қаламига мансуб дастхати бизгача етиб  
келмаган. Унинг 1916 йили Туркистонда «Матбаи Ғуломия»да тош-  
босмада босилган нусхаси Абу Райҳон Бериуний номидаги Шарқ-  
шунослик институтининг қўлёзмалар фондида 8180-инвентарь ра-  
қами билан сақланади. Асарнинг яна бир тошбосма нусхаси Ҳ. Су-  
лаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг Ҳамза фондида  
760-инвентарь рақами остида мавжуддир. Китобнинг титул вара-  
ғида «Ношири маърифатпарвар, замон савдочисидан туркистонлик  
Саидносири Миржалил ўғли. Муҳаррири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.  
1-табъи ҳуқуқи соҳибина маҳфуздир», деб ёзилган. Китоб 36 бет-  
дан иборат. Қоғоз формати 14×22,5 см.

Асар Ҳамзанинг «Танланган асарлар» (1958), «Асарлар»нинг  
2-томн (1971) ва «Мукаммал асарлар тўплами»нинг II томида  
(1980) эълон қилинган.

Тошбосма нусха асосида чоп этилмоқда.

20-бет

32 *Мусоида бўлмаса* — қулай бўлмаса.

21-бет

6—7 *Ижтиҳод этингизки* — ғайрат кўрсатингки.

12 *Тижорат* — савдо-сотиқ.

15 *Илми нақдий* — сараланган илм, ҳақиқий илм.

23—24 *Зоҳир фақирлигим* — ошкора камбағаллигим.

25 *Маржийдир* — лозимдир.

24-бет

35—36 *Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳ* — дунёда оллоҳдан  
бошқа қўрқитадиган куч ва қувват йўқ.

26-бет

29 *Мардуд бўласан* — ҳайдаласан.

27-бет

33 *Мусоват* — тенглик.

35 *Никоҳ фосид* — никоҳ бузуқ, бекор.

28-бет

33 *Казоюл ҳажат* — ўлимга маҳқум.

30-бет

32 *Отаннинг якровлиги* — отаннинг бир сўзлиги, қайсар-  
лиги.



38-бет

29 *Густоҳ* — адабсиз, андишасиз.

## ТОШКЕНТГА САЁҲАТ

(42-бет)

Ҳамза ижодининг библиографлари томонидан «Тошкентга саёҳат» деб номланган ушбу комедия бизга тўла равишда етиб келган эмас. Лекин асар иштирокчиларининг рўйхатида қайд этилган барча персонажлар комедиянинг бизгача сақланиб келган матнида борлиги, унда рўй берган воқеа ва ҳодисаларда қатнашганига қараб, унинг икки кўринишдан иборат саҳна асари эканлиги ҳақида аниқ фикр билдириш мумкин. Шунинг учун ҳам асарнинг фақат Бадриддин билан боғлиқ саҳнаси ва тугалланмаси бизга етиб келмаган, деб айтиш ўринли бўлади.

Персонажлар рўйхати билан асар матнини қиёслаш шуни кўрсатадики, муаллиф томонидан танланган саёҳатчи қаҳрамоннинг исми (Насабий) воқеалар оқими билан Наби билан алмаштирилади. Бу Ҳамзанинг бефарқлиги билан эмас, балки номаълум котиб (суфлёр)нинг айби билан вужудга келган.

Л. Қаюмов комедиянинг ёзилиш тарихи юзасидан бундай тахминни билдиради: «Шоир 1917 йил бошларида Тошкентда қочоқ бўлиб юрганда меҳмонхоналарга кўп иши тушган бўлса керакки, унинг ҳаётини яхши билади. Шу даврда ёзган комедияларидан бирининг воқеаси меҳмонхонада бўлиб ўтади» (Лазиз Қ а ю м о в. Инқилобий драма. Тошкент, 1970, 71-бет).

Комедиянинг қачон ва қаерда ёзилгани ҳақида аниқ маълумот учрамайди.

Асарнинг 16 бетдан иборат қўлёзмаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 7628/ХІХ инвентарь рақами билан сақланади. Қўлёзма араб графикасида настаълиқ хатида бинафша рангли сиёҳ билан ёзилган. Асарнинг охириги бетлари бир чизиқли ўқувчилар дафтари варағига кўк сиёҳ билан битилган. Котиби номаълум.

Қўлёзма асосида биринчи марта эълон қилинмоқда.

44-бет

8 *Кантор* — контора.11 *Управляющий* (управляющий) — бошқарувчи.

48-бет

12 *Музд* — хизмат ҳақи.

## МУХТОРИЯТ ЁКИ АВТОНОМИЯ

(52-бет)

Ушбу пьеса «Туркистонда ҳуррият бўлуви муносабати ила ёшлар ва уламолар орасида ихтилоф ўлароқ уламоларнинг айри-

либ кетувлари» ва Қўқон мухториятини ташкил этиш гоёсининг пайдо бўлиши муносабати билан 1917 йилда ёзилган.

1917 йил мартада Тошкентда бўлиб ўтган мусулмонлар йиғини маҳаллий зиёлилар, руҳонийлар ва йирик савдо аҳлини ўз ичига олган Шўрои ислом ташкилотини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Шўрои ислом раҳбарларининг хоҳишига кўра, мусулмонлар ўз тақдирларини қуръон ва шариат қоидалари асосидагина белгилашлари лозим эди. Шунинг учун ҳам улар Туркистон ҳукумати органларидаги жойларнинг тенг ярмини олиш тўғрисидаги таклифлари рад этилгач, 27 октябрда Қўқонда умуммусулмонлар қурултойини чақириб, Туркистон мухториятини эълон қиладилар. Туркистон мухторияти Нозирлар Кенгашининг раиси қилиб Шўрои исломнинг раҳбари Танишбоев белгиланади (кўп ўтмай, унинг ўрнини Мустафо Чўқаев эгаллайди).

Ҳамза ушбу асарда Шўрои ислом ташкилотининг Қўқон мухториятини барпо этиш масалаларига бағишланган мажлисини тасвирида берган.

Комедия персонажлари Шўрои ислом ташкилотининг аъзоларидан ташкил топган бўлиб, Ҳамза уларнинг номларини тўла бермай, бу номларнинг бош ҳарфларинигина келтиради. Бу бош ҳарфларинигина берилган номлар, баъзи ҳамзашунослар тахмин қилганидек, шу ролларни ижро этган артистларнинг эмас, балки реал кишиларнинг исмларидир.

Ҳамза ушбу асар асосидаги спектаклни Қўқонда Фишткўприкда жойлашган Маҳмуд тарашанинг меҳмонхонасида сахна ясаб, намойиш этган. «Қўқон мухторияти»нинг расвосини чиқарган бу спектаклнинг овозаси халқ ўртасига тез тарқалган. Бундан ғазабланган мухториятнинг ҳарбий нозир Эргаш қўрбоши Ҳамзани тутиб қамашга буйруқ берган ва уни қидира бошлаганлар. Ҳамза ўртоқларининг ёрдами билан Бешариққа қочиб, у ердан Тошкентга келади. Бу ерда ҳам қўлга тушиш хавфи бор бўлганидан Туркистон шаҳрига бориб, «...қочқинликда юришга мажбур бўлади» (М. Раҳмонов. Ҳамза ва ўзбек театри. Тошкент, 1959, 125-бет).

Ҳамзанинг персонажлар номини тўла кўрсатмаслигининг сабаби ҳам Эргаш қўрбошидан қўрққанлигида бўлиши мумкин.

Асар қўлёмаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 7628/ХІХ инвентарь рақами билан сақланади. Асар матни 21×12,5 форматдаги оддий, йўл-йўл чизиқли қозога настълиқ хати билан қора сиёҳда ёзилган. Қўлёзма 22 бетдан иборат бўлиб, охириги варағи муқоваланганда алмашиб тушган. Котиби ва кўчирилган йили номаълум.

Биринчи марта Ҳамза «Асарлар»ининг 2-томида, сўнгра «Мукаммал асарлар тўплами»нинг II томида айрим қисқартиришлар билан босилган.

Қўлёзма асосида эълон қилинмоқда.

- 10 *Таваққуф қиладиларми?* — тек турадиларми? тўхтайдиларми?
- 13 *Селкетарь* — секретарь.
- 14 *Мажлис чегуна бўлсин?* — мажлис кун тартиби қандай бўлсин?
- 16 *Аъзоҳои ҳамма мужаманд* — ҳамма мажлис аъзолари йиғилишган.
- 16—17 *Лекин ҳамин қадарки баҳонаи сабаб ул-асбоб нафас ғанимат* — лекин ҳозирги йиғилишимиз бир сабаб билан ғанимат бўлиб турипти.
- 21 *Моҳазр* — ҳозир бўлмоқ.
- 25—26 *Ин айни каромат шуд, филҳақиқат, сари сухан ҳамин* — бу киши каромат қилдилар: гапнинг маъноси ҳам шу-да.
- 28 *Хонаи бой, ба ҳеч нима йўқми?* — бойнинг уйида, наҳотки ҳеч нарса бўлмаса?
- 29 *Вақти дохилан* — кириш вақти.
- 29—31 *Жанобларини ҳуваи машойимларига бизлар мусаллам биз-да* — жанобларининг ҳид сезиш қобилиятларига биз қойил қолдик-да.
- 55-б е т
- 1—2 *Нигоҳ кардан че ҳожат?* — қарашнинг нима кераги бор?
- 9—10 *Деган гапни кавшарида* — деган гапнинг тараддудида.
- 12 *Шумо қизиқми?* — сизга қизиқми?
- 14 *Ҳали ило* — ҳалигача.
- 17 *Исматилний комнит* (исполнительный комитет) — ижроия комитети.
- 19—20 *Номии сабилашро фаромуш кардам* — савил қолгурнинг номини эсдан чиқариб турибман.
- 21 *Зебони ўрусий бисёр бад-де* — рус тили жуда қийин-де.
- 23 *Фросатил* (председатель) — раис.
- 29 *Даракаш нест* — дараги йўқ.
- 56-б е т
- 1—2 *Хотун гўфтаги ноқисул ақл як аз жумлаи ҳайвони нотиқ-да* — айтадиларки, хотин кишининг ақли калта бўлади, у гапирадиган ҳайвон қаторига кирди-да.
- 6 *Шумо че мегуйид?* — сиз нима деяписиз?
- 7 *Фабиҳал мурод* — айни муддао.
- 13 *Қуфр* — хато.
- 14—15 *Науъзан биллоҳи мин аз-золимин* — худонинг ғазабига учрагурлар.
- 15 *Сангсор лозим буларга* — буларни тошбўрон қилиш керак.
- 16 *Шар шарори* — гуноҳ алангаси.
- 18 *Алал хадақан* — шу мақсадда.
- 20 *Ажр* — мукофот, марҳамат.
- 23—27 *Илтимос ба уламоий изом икром ҳозирин ва ғойибинларлардан шулки, бизлар фи алъондан бошлаб аз таҳдидид дини мубини ислом учун ҳаракат қилмасак, жуҳалони*

замонини аксар, алаҳхусус, музирроҳи гумроҳи шайтон тирранча тараққий деганлар кўп оламни бугун фасодга мубаддал қилади — бугун биз шу ерда иштирок қилаётган ва иштирок қилмаётган жаноблардан илтимосимиз шуки, бизлар ҳозирдан бошлаб ислом динимизнинг очиқ-лигига хавф солаётганларга қарши курашмасак, шу замоннинг асари жоҳиллари, яъни йўлдан адашган гумроҳ шайтон тирранча тараққийлар деб ном олганлар дунёни бузиб юборадилар.

- 28 Лошак ло рибаҳ — шак-шубҳасиз.  
 30—33 Маалтаассуф ҳамин қадар айби қосирамиз борки, ...биз шумкирдор, бадрафтор тараққийларни мамлакатдан бир кунда билқуллиа бадарга қила олурмиз — жуда таассуфки, ...биз шум, ёмон йўлга бошловчи тараққийларни мамлакатдан бир кунда ҳайдаб юборган бўлардик.

- 35 Гапашон — гапингиз.  
 35—38 Бир оз «нет-пет»га ўхшаган асҳалроқ калимотларни али-юлзарурат баъзи мажолиси мутафарриқа ва арзигоҳлари асомини билиб олсак эди, беҳтарроқ эди — бир оз «нет-пет»га ўхшаган осонроқ, зарур бўлган баъзи мажлисда айтиладиган сўзларни ва арз қиладиган идораларнинг исмларини билиб олганимизда, жуда соз бўлар эди.

57-бет

- 2 Мушобиҳ — ўхшаш.  
 11 Гум қиламан-да — эсдан чиқариб қўяман-да.  
 12 Сўри босиб — салобати босиб.  
 13 Фи айнул мақсуд — айни кўнгилдагидек.  
 22 Ҳеч боки йўқ — ҳеч қўрқинчилиги йўқ.  
 23—25 Мусаннифи «Чаҳор китоб» «Гар зарурат бувад раво бошад», деб каромат қилуб қўйиптилар — «Чор китоб» муаллифи «Агар зарурат бўлса, у амалга ошади», деб каромат қилиб қўйиптилар.  
 29 Васеъроқ қилганларда — кенгроқ қилганларда.  
 32 Раиси ижмоғи уммат изом қилганбиз-да — улуғлар йиғинига раис қилганмиз-да.  
 36 Возиҳ эмас — аниқ эмас.  
 38 Муҳим кор ҳамин вожиб турур — муҳим иш бажарилиши керак.

58-бет

- 18—19 Адои изҳоми каломга гуш қилиб туриш керак — бажарилаётган мавҳум ишларга қулоқ солиб туриш керак.  
 20 Рижо — умид, истак.  
 21 Таваҳҳуф этулса — сабр қилинса.  
 23 Ижмолан — қисқа.

59-бет

- 30 Алассавия — баббаравар.

60-бет

- 15 Таъхир қилсак — кечирсак.

- 29 *Доҳил бўлади-ю — киради-ю.*
- 13—14 *Баважҳ дафъи савдо — бунинг сабаби ғам-ғуссани дафъ қилади.*
- 62-бет
- 1—2 *Боданарастан ҳама дар жамъ шудем,  
Соқий писандор-ке агёр ҳаст, Ниҳон — бода ичувчилар  
ҳаммамиз жам бўлдик, соқий маъқул киши экан, бего-  
нани ҳам киритди.*
- 5—7 *Албатта, ақун жаноб домло жузиян ушшоқий боданишин-  
да, бинобарин, аҳбобни рафтorigа юрарлар — албатта,  
бугун жаноби домла улфат киши, шунинг учун дўстлар-  
нинг гапига юрадилар.*
- 9 *Журъа — қултум.  
Нушо нуш қилмоқ — ичмоқ.*
- 18 *Маҳрами чойрез — чой қуювчи жонон.*
- 62-бет
- 20—21 *Шу мақомга бир рубоиёти Хайём ке хутур келди — шу  
куйга Хайёмнинг бир рубойиси хаёлимга келди.*
- 23—26 *Ин бувад хилват чаҳор шуд аҳбоб,  
Ҳар яки қобил як аз ин асбоб.  
Базми жамшиед он бувад лошак,  
Танбуру, маҳраму бодау ба кабоб — бу хилват жойда  
тўрт нафар дўст бўлса-ю, ҳар бири қобил, қўлида тори  
бўлса, шак-шубҳасиз, базми жамшид бўлур эди, танбур,  
жонон, май ва кабоб бўлса.*
- 29 *Марғуб аст — ёқимлидир.*
- 31 *Машварат — маслаҳат.*
- 63-бет
- 1 *Авҳом — ваҳима.*
- 17 *Бажаноб уламои изомин арз — жаноби азиз уламолар,  
эшитинг.*
- 22 *Чаҳор зону қилуб — чордана қуриб.*
- 24 *Тақвия этуб — қувватлаб.*
- 25 *Уламои киром — азиз уламо.*
- 35 *Зебиш — гўзаллик.*
- 64-бет
- 12 *Фрокатул — протокол.*
- 15 *Энди мажлис ибтидо — энди мажлис бошланди.*
- 16 *Аввал аз кадом масала — аввал қайси масала бўйича.*
- 19 *Респунка — республика.*
- 33—34 *Муҳим ҳайрот маъуфа ва вожибаларни ҳаммасига мо-  
ниғдир — муҳим хайру эҳсон ва бажарилиши шарт бўл-  
ганларга қаршидилар.*
- 36 *Варасатул анбиёбиз — пайғамбарлар авлодимиз.*
- 64—65-бетлар
- 36—1 *Жаноб зулжалол тарафиндан халқни ҳидоятга маъмур-  
биз — улуғлар тарафиндан халқни ҳидоятга чақириш  
учун қўйилганмиз.*

65-бет

12 *Шарҳи фатовий* — фатволар шарҳи.

13 *Шарҳи маашарҳи ислом* — ислом қонунлари шарҳи.

14 *Аҳкоми шариат* — шариат ҳукмлари.

18 *Рафтораш ту маълум-да* — сизнинг тутаётган йўлингиз маълум-да.

21 *Полак* — поляк.

27—28 *На гуфтамми? Қори поёнат маълум ҳам* — айтмасинми ишнинг охири маълум, деб?

66-бет

19 *Мо дар чи хаёл, фалак дар чи хаёл! Ҳар чи бодо паймо чи хаёл!*— Биз нима хаёлда-ю фалак нима хаёлда! Ҳар нарсa шамолдек ўтаверади!

## БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ

(68-бет)

Ушбу асарнинг яратилган санаси тўғрисида ҳамзашуносликда турли-туман фикрлар юради. Бу фикрлар орасида Сотти Ҳусайн томонидан берилган қуйидаги маълумот эътиборга сазовор: «Ҳамза билан бирга бўлган ўртоқларнинг маълумотларига кўра, Ҳамза бу «Бой ила хизматчи» асарини революциядан илгари ёзишга киришиб, анчасини тугатган. Революциядан кейин бу асарни яна ҳам кенгайтириб ёзади» (С. Ҳусайн. Ҳамза Ҳакимзода, 39-бет). Бу фикр Ю. Султоновнинг қуйидаги сўзлари билан янада тасдиқланади: «Бой ила хизматчи» драмаси 1918 йилда ёзилган бўлиб, ўша йили Ҳамза раҳбарлигидаги театр труппа коллективи томонидан биринчи марта сахнага қўйилган» (Юсуф Султонов. Ҳамза. Тошкент, 1979, 104-бет).

Асар ўз вақтида адабиёт ва санъат масалалари билан шуғулланувчи айрим кишиларга манзур бўлмагани учун нашр этилмай қолган ва қўлёзмаси йўқолган.

Пьесанинг бизгача етиб келган ягона қўлёзма нусхаси Вали Бурхон томонидан кўчирилган бўлиб, у Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 7628/XVII инвентарь рақами билан сақланади. 55 бетдан иборат ушбу қўлёзма оддий, бир чизиқли ўқувчилад дафтарига араб графикасида настаълиқ хати билан қора қаламда кўчирилган. (Бу нусха ушбу томнинг «Вариантлар» қисмида эълон қилинмоқда.)

«Бой ила хизматчи» спектаклини Ҳамза постановкасида кўрган драматург Комил Яшин бу қўлёзманинг асл нусхадан кескин фарқ қилишини айтади. Аммо у 1939 йилда Ҳамза юбилейини ўтказувчи ҳукумат комиссиясининг топшириғи билан «Бой ила хизматчи» пьесасини тиклашда бу қўлёзмадан ҳам фойдаланган.

Сотти Ҳусайннинг гувоҳлик беришига кўра, «Бой ила хизматчи» пьесасининг асл нусхаси ҳам катта ҳажмда бўлмаган. Ҳамза «Саҳна шароитини ҳисобга олиб, у кенг оммага тез тарқалсин

учун «Бой ила хизматчи» асарини кичик ҳажмда ёзди. Бир кўп салбий персонажларнинг номини айтиб, ўзини кўрсата олмади. Лекин бу асарда тўла ишлай олмаган образлар, типларни «Бурунги сайловлар», «Мулла Нормухаммаднинг кўфр хатоси» сингари асарларида ишлади», деб ёзган эди у (С. Ҳусайн. Кўрсатилган асар, 40-бет).

Мазкур қўлёзма «Бой ила хизматчи» спектаклининг 1919 йил 25 октябрдаги афишасида баён қилинган мазмуни билан тўла ўхшашдир. Бу афишада ёзилганидек, мазкур қўлёзмада ҳам асар тўрт пардадан иборат бўлиб, бу пардаларда тасвир этилган воқеалар бир-бирлари билан ўзаро ҳамоҳангликка эга.

Сотти Ҳусайннинг ёзишича, «Бой ила хизматчи» ўз вақтида турли труппалар томонидан саҳнага қўйилган. Натижада актёрлар ва суфлёрлар асар қаҳрамонларининг реплика, монолог ва диалогларини ўз шеваларига мослаб олганлар. Пьесага ана шундай ижодий ёндашувнинг самараси сифатида баъзи персонажларнинг исмлари ўзгарганини ҳам кўрамиз.

Комил Яшин 1939 йилда пьесани қайта тиклар экан, мавжуд қўлёзма, афишалар билан бирга «Бой ила хизматчи» спектаклида ўйнаган Ҳамзага замондош артистларнинг хотираларидан, шунингдек «Бурунги сайловлар», «Ўч» сингари пьесалардан ҳам кенг фойдаланди. Натижада узоқ йиллар давомида ўзбек саҳнасини безаб келаётган, ўзбек драматургиясининг классик асари майдонга келди.

Юқориди айтилганидек, асарнинг асл нусхаси йўқолган. Лекин М. Бузрук Солиҳовнинг «Ўзбек театри тарихидан материаллар» китобида мазкур пьесада олинган бир кичик парча келтирилади. Бу парча ушбу томда *пьесанинг асосий матни*, Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзма *вариант*, К. Яшин таҳририда қўйилиб келаётган асар эса *илова* сифатида берилди.

70-бет

14 *Мафҳуми каломга назаран* — хаёлий гапларга қараганда.

22 *Шойиъ қилиб* — ошкор қилиб.

22—23 *Гуфтугунларга оид бўлиб кетади* — гап бўлиб кетади, шов-шув бўлиб кетади.

31 *Жазойи боди-боди* — қаттиқ сўкиш жазоси.

71-бет

3 *Кулангламоқ* — гангиб қолмоқ.

## КИМ ТУҒРИ?

(72-бет)

Бу асар 1918 йилда ёзилган ва ўша вақтда саҳнага қўйилган. Асар ўз даврида нашр этилмагани учун унинг асл нусхаси бизгача етиб келган эмас. Асарнинг 1920 йилда кўчирилган нусхаси Музаффар Муҳамедов томонидан Ҳамза юбилейини ўтказувчи ҳу-

кумат комиссиясига 1939 йили келтириб топширилган. Ю. Султоновнинг айтишига кўра, бу нусха кейинчалик Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Ҳамза фондига совға қилинган. (Қаранг: Ҳ а м з а. Мукамал асарлар тўплами, IV том. Тошкент, 1981, 245-бет.) Лекин мазкур қўлёзма бу институт фондида топилмади.

Асар Ҳамза «Танланган асарлар»нинг 1939 йил нашрида chop этилган. Ушбу нашр асосида қайта эълон қилинмоқда.

73-бет

6 «Сегоҳ» даромади — «Сегоҳ» куйининг муқаддимаси.

## ТУҲМАТЧИЛАР ЖАЗОСИ

(85-бет)

Ушбу асар 1918 йилда ёзилган ва шу йили саҳнага қўйилган. Асар матли ўз вақтида нашр этилмаган ва автор қўлёзмаси йўқолган. Асарнинг 1920 йилга оид кўчирма нусхаси мавжуд бўлиб, уни 1939 йилда Музаффар Муҳамедов Ҳамза юбилейини ўтказувчи ҳукумат комиссиясига олиб келиб берган. Ушбу қўлёзма ҳозирда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 7628/IX инвентарь рақами остида сақланади. Қўлёзма 31 бетдан иборат бўлиб, оддий ўқувчилар дафтарига араб графикасида бинафша рангли сиёҳ билан битилган. (Бу нусха ушбу томнинг «Вариантлар» қисмида эълон қилинмоқда.)

Шарқшунослик институти фондида пьесанинг яна бир қўлёзма нусхаси мавжуд. 7628/VIII инвентарь рақами остида сақланган бу қўлёзма 26 бетдан иборат. Оддий ўқувчилар дафтарига араб графикасида яшил сиёҳ билан ёзилган. Бу кўчирма нусха 1928 йилга оид бўлиб, унинг биринчи саҳифасида иштирок этувчилар рўйхати берилган. Иккинчи саҳифада эса «Туҳматчилар жазоси». 2 пардали кулги. Озарбайжончадан таржима. 1928, январь—февраль» деган сўзлар ёзилган. Қўлёзма охирида эса «1928 йил, февралнинг 2-синда» деган қайд бор.

Бу нусхадаги «озарбайжончадан таржима» деган сўзлар котибнинг хатоси бўлиши мумкин. Асар муаллифининг кимлигини билмаган котиб уни озарбайжон драматургининг асари деб ўйлаган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Ушбу асар биринчи марта Ҳамзанинг «Танланган асарлар»ида (1939), сўнгра Сотти Ҳусайннинг «Ҳамза Ҳакимзода» китобида, шунингдек Ҳамзанинг барча бир томлик ва кўп томлик асарлари таркибида эълон қилинган.

7628/VIII рақамли қўлёзма асосида нашрга тайёрланди.

## ИСТИБДОД ҚУРБОНЛАРИ

(100-бет)

«Лошмон фожиаси» трагедиясининг учинчи қисми бўлган бу асар 1919 йилда ёзилган ва 1920 йилда «Турк кучи» труппаси томонидан катта муваффақият билан қўйилган.

280



1916 йил 28 июлда рус подшосининг фармони билан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган аҳолини мардикорликка олиш воқеалари бошланади. Бу воқеаларнинг асл моҳиятини дастлаб тушуна олмаган Ҳамза кейинчалик мазкур тадбир икки ёқлама зулмнинг навбатдаги даҳшатли кўриниши эканлигини билиб, мардикорликка олиш воқеаларига бағишланган уч қисмдан иборат асари — «Лошмон фожиаси» трагедиясини яратади. 1916—1920 йилларда ёзилган ва саҳнага қўйилган бу асар Ҳамза дунёқарашида рўй бераётган ўзгаришларни акс эттиради.

Трагедиянинг биринчи қисми махсус сарлавҳага эга эмас. «Лошмон фожиаси» деб аталган бу қисмда мардикорликка олиш воқеалари тасвирланган бўлса, «Истибод панжасидан тўкилган сирлар» номли иккинчи бўлимда асарнинг марказий қаҳрамони Саидхоннинг революционер даражасига кўтарилиб бориши кузатилади. Ушбу, учинчи бўлимда эса мардикорликка борган ўзбекларнинг рус пролетариати билан дўстлашуви ва рус подшосига қарши курашда ягона кучга айлануви тасвирланади.

Бу сўнгги бўлим асосида тайёрланган спектакль Фарғона ва Закаспий фронтларида намойиш этилган.

Ушбу пьесанинг Андижон театри учун кўчирилган нусхаси Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёмалар институтининг Ҳамза фондида сақланмоқда. Қўлёмза 100 саҳифадан иборат бўлиб, сўнгги саҳифа ҳошиясига «1920 йили 24 ноябрда Андижон ўзбек труппаси тарафидан биринчи марта қўйилди» деган ёзув бор. Тўйчи Амин исмли котиб томонидан кўчирилган ушбу қўлёманинг 2-бетига «На 3 февраля разрешается к постановке. 28. I. 22 г. Секретарь ОНО» деган сўзлар битилган ва Андижон уезд-шаҳар халқ маориф бўлимининг рухсати муҳр билан тасдиқлаб қўйилган.

Мазкур қўлёмза ўқувчилар дафтарига настаълиқ хати билан қизил сиёҳда ёзилган. Дафтар варақлари анча уринган. Бир қанча сўзлар кейинчалик қайта таҳрир этилган; айрим сўз ва иборалар эса қора қалам билан доира ичига олиниб, бошқа сўзлар билан алмаштирилган. Бу, афтидан, режиссёр томонидан қилинган ўзгаришлар бўлиб, улар ушбу асарни нашрга тайёрлаш пайтида инobatга олинмади.

Қўлёманинг биринчи бети қора қалам билан ёзилган бўлиб, у драмада иштирок этувчилар ва улар ролини бажарувчи артистлар рўйхатидан иборат. Лекин рўйхатнинг боши йўқ. У 12-номердан (Қиличбоев) бошланиб, 24-номер (Холдор) билан тугайди. Шу бетнинг ҳошиясига Юсуфжон ва Ортик исмлари ёзиб қўйилган. Бу ролларни ижро этувчи артистларнинг исмлари ҳам шу ерда қайд этилган. Лекин пьесадаги аксар персонажлар номи нима учундир учрамайди.

Театршунос М. Раҳмоновнинг ёзишича, «Лошмон фожиаси»нинг иккинчи ва учинчи бўлимлари «1920 йил бошида ёзиб тамамланди ва шу йиллардаёқ Тошкентдаги «Турк кучи» труппасида қўйила бошланди». (Қаранг: М. Раҳмонов. Ҳамза ва ўзбек театри, 268-бет.)

«Лошмон фожиаси»нинг бу бўлими Ҳамза «Асарлар»нинг 2-томи (1960, 1969) ҳамда «Мукаммал асарлар тўплами»нинг IV томида катта қисқартиришлар билан эълон қилинган. Қўлёзма нусха асосида нашрга тайёрланди.

100-бет

2 *Лошмон* — ўлимтик маъносини англатувчи *лош* сўздан олинган; бу ерда мардикорлар маъносини билдиради.

102-бет

32 *Золимларнинг кошинда* — золимларнинг олдида.

104-бет

14 *Вожиб* — бажарилиши шарт.

34 *Довалана-довалана* — гандираклаб.

36 *Уже кончено* — тугади, тамом бўлди.

105-бет

4 *Фишава* — хархаша.

7 *Фразник (праздник)* — байрам.

14 *Дуррак (дурак)* — аҳмоқ.

21—22 *Что такое? Собакам ругаться?* — Бу нимаси? Итлар бош кўтариб қолдимми?

24 *Фраванг йўқ* (праванг йўқ) — ҳақнинг йўқ.

28 *Мушайит бериб* (мешать бериб) — ҳалақит бериб.

106-бет

11 *Ну идём* — Юр, кетдик.

15—16 *Отпусти, Маруса* (Маруся). *Сейчас вырежу* (зарезу) — Қўйиб юбор, Маруся. Ҳозир сўйиб ташлайман.

107-бет

2 *Жуда образованный эди* — жуда ўқиган, мулла одам эди.

3 *Совсем бошқача* — мутлақо бошқача.

116-бет

25 *Дафъи маломат* — гап-сўзнинг олдини олиш.

16—17 *Шарҳи фитова* — шарият қонунлари шарҳи.

32 *Юҳолар* — очкўзлар.

38 *Мурдор* — нопок.

118-бет

10—12 *Ло фато илло Алило сайфилло зулфиқор! Ҳар балойи, ҳар қазойи пеш ояд дафъи кун, парвардигор* — Алидан бошқа кучли, паҳлавон киши йўқ, зулфиқордан бошқа ўтқир қилич йўқ! Ҳар қандай бало ва ҳар қандай офатни, парвардигор, ўзинг дафъ қилгин.

22 *Кучур-пучур* — кучер-пучер.

24 *Карра шер* — эркак шер.

123-бет

34 *Керенский* Александр Фёдорович (1881—1970) — рус буржуа сиёсий арбоби, 1917 йил Февраль революцияси натижасида вужудга келган Муваққат ҳукумат бошлиғи. *Куропаткин* Алексей Николаевич (1848—1925) — рус ҳарбий бошлиғи, инфантерия генерали, Урта Осиёни забт

этишда қатнашган. 1916 йил июлидан 1917 йил февралгача Туркистон генерал-губернатори, 1916 йил қўзғолонини бостиришга раҳбарлик қилган.

## 136-бет

14 *Фузун* — зиёда.

15 *Мақхур* — ғазаб остига олмоқ.

33 *Маснаднишин* — тахтга ўлтирувчи.

*Залолат* — адашиш, йўлдан озиш.

36 *Восил ўлурсиз* — етишурсиз.

## 137-бет

*Ғасб қилуб* — ўғирлаб, тортиб олиб.

## 139-бет

12 *Арестантний вагон* (арестантный вагон) — маҳбуслар вагони.

## 140-бет

23 *Таъзир қилма* — койима, жазолама.

## 141-бет

8 *Тазаллум* — зулм.

21 *Значит* — демак.

## 142-бет

2 «*Марсельез*» («Марсельеза») — 1792 йилда француз буржуа революцияси кунларида яратилган инқилобий қўшиқ. Кейинчалик Франциянинг миллий гимни сифатида қабул қилинган.

## 143-бет

3 *Санжоқ* — байроқ.

11 *Учинчи Байналминал* — Коммунистик Интернационал; 1919 йилда Ленин ташаббуси билан тузилган ва 1943 йилда «Москва бошқа халқларни большевиклаштирмақчи» деган бўҳтонларга зарба бериш мақсадида тарқатилган.

12 «*Байналминал*» — «Интернационал»; халқаро пролетар гимни; Эжен Потье сўзи, П. Дегейтер музыкаси; биринчи марта француз ишчилари байрамида (Лилл, 1888) ижро этилган.

## ТУГАЛЛАНМАГАН АСАРЛАР

## БИЗДА СИЁСИЙ ИНҚИЛОБ ТАРИХИ ЕХУД МУСОФИР ШОҲИД ҒУЛОМ (АННОМ) АФАНДИ

(147-бет)

Октябрь революциясининг дастлабки йилларида ёзилган бу асар бизга тўла етиб келган эмас. Илмий ва мемуар характердаги адабиётларда ҳам бу пьесага оид маълумотлар деярлик учрамайди.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Ҳамза фондида бу асардан олинган икки парча сақланади. Улардан бири 7628/Х инвентарь рақамли қўлёзма бўлиб, унинг биринчи саҳифасида асарнинг «5 парда, 6 манзара»дан иборат эканлиги

айтилган. Аммо сақланган матн биринчи парданинг иккинчи манзарасидан бошланади. Матндан 4-саҳифанинг давоми ва 5-саҳифа йўқолган. Парча жами 6 бетдан иборат, сарғиш, каттак қоғозга араб графикасида қора сиеҳ билан ёзилган. Дастхати чиройли. Қўчирилган йили ва котиби номаълум.

Яна шу фонддаги 7628/ХІХ инвентарь рақамли ҳужжатларда Ҳамзанинг бизгача тўлиқ етиб келмаган драматик асарларининг қўлёзмалари жамланган бўлиб, 31—32-варақларда сўз юритаётганимиз асарга онд 4 саҳифадан иборат матн учрайди. Бу саҳифаларда Молузанинг узун монологи ёзилган. Сарғиш рангли, каттак қоғозга ёзилган ушбу дастхат Ҳамзага мансуб бўлиши мумкин.

Ушбу чала асар мазкур қўлёзмалар асосида биринчи марта эълон қилинмоқда.

147-бет

5 *Отель* — меҳмонхона.

9 *Мажалла* — журнал.

148-бет

6 *Илал абад* — абадий.

7 *Пойдор* — мустаҳкам заминга эга бўлган.

18 *Маҳсуб* — ҳисобга олинган.

25 *Таъзиб ўрнига* — қийнаш ўрнига.

150-бет

1 *Мақсуда ноилдан* — мақсад истагидан.

8 *Тамаскур* — масхара қилинган.

13 *Зубда* — бирор нарсанинг яхши бўлаги.

35 *Баний башар* — инсон авлоди.

37 *Озмойиш* — разм солмоқ.

151-бет

5 *Фаноя етишур эди* — қочар эди.

11 *Ҳариқ* — куювчи.

16 *Пучмоғ* — пастқам жой.

21 *Итмом* — тамомлаш.

36 *Мунтаҳо* — сўнг, охир.

152-бет

7 *Жуҳало* — жоҳил.

154-бет

24 *Томуғ* — дўзах.

27 *Маъбуд* — ибодат.

## РАУЗА ВА ШАЙДО

(156-бет)

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Ҳамза фондида 7628/ХІХ инвентарь рақами остида сақланаётган тўпламда ёзувчининг номаълум драматик асарларидан бизгача етиб келган парчалар жамлангандир. Шу парчалардан бири Ла-

зиз Қаюмов томонидан «Рауза ва Шайдо» деб номланган ва шу ном остида илмий адабиётларда тилга олиниб келади.

Асарнинг қачон ёзилганлиги ва унинг саҳна тақдири тўғрисида маълумот учрамайди.

Ушбу асардан етиб келган парча 3 саҳифадан иборат. Бу саҳифаларда асарнинг иккинчи кўринишига оид воқеалар тасвири берилган. Асар сарғиш рангли катак қоғозга араб графикасида қора туш билан ёзилган. Дастхат Ҳамзаникига ўхшамайди.

Ушбу дастхат асосида биринчи марта эълон қилинмоқда.

156-бет

8 *Тақвим* — плакат.

158-бет

1 «*Фауст*» муҳаррири — «*Фауст*» муаллифи; бу ерда гап Иоганн Вольфганг Гёте (1749—1832) — буюк немис шоири устида бормоқда.

## ЛОШМОН ФОЖИАСИ

(160-бет)

«Лошмон фожиаси»нинг биринчи бўлимига тааллуқли ушбу парчаларнинг бири Шарқшунослик институтидаги 7628/ХІХ инвентарь рақамли юқорида тилга олинган тўплам орасида сақланади. Бир саҳифадан иборат бу қўлёзма араб графикасида қора снёҳ билан ёзилган. Қолган икки парча эса Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти фондида 9 ва 12-инвентарь рақамлари остида сақланади. 9-номерда сақланаётган парча бошида «2-парда, 3-парда» деган сўзлар бор. Ҳар иккала парча бир-бирининг давоми бўлиб, уч чизиқли ўқувчилар дафтарига араб графикасида қора снёҳ билан ёзилган. Дастхат жуда хунук. Қоғозлар анча уринган ва четлари йиртилган. Ёзилган йили ва котиби маълум эмас.

Ушбу парчаларнинг мазмунидан уларнинг «Лошмон фожиаси»нинг биринчи бўлимига оид эканини аниқлаш мумкин.

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

## ПАРТИЯ МАЖЛИСИ

(166-бет)

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 7628/ХІХ инвентарь рақами остида сақланаётган ва юқорида тилга олинган тўпламда ушбу чала асар қўлёзмаси ҳам учрайди. Лазиз Қаюмов томонидан шартли равишда «Партия мажлиси» деб аталган ушбу асар тўғрисида маълумот учрамайди. Қаҳрамонларнинг айрим репликаларида берилган маълумотларга қараб асарнинг 1919 йилда ёзилганлигини аниқ айтиш мумкин.

Маълумки, Ҳамза шу даврда «Лошмон фожиаси»нинг иккинчи ва учинчи бўлимлари устида ҳам иш олиб борган. М. Раҳмо-

нов берган маълумотларга кўра, ушбу трагедиянинг «Истибод панжасидан тўкилган сирлар» деб номланган иккинчи бўлимида ҳам партия мажлисининг тасвири берилган.

Қуйида эълон қилинаётган тугалланмаган асар ушбу трагедия мотивлари асосида қайта ёзилган бўлиши ҳам мумкин. Ҳар иккала асарда Саййидхон образининг мавжудлиги бундай тахминга асос беради.

Асар қўлёзмаси 10 бетдан иборат бўлиб, айрим ўринлари ўчиб кетган. Қўлёзма араб графикасида қора қалам билан шошиб ёзилган. Дастхат Ҳамза қаламига мансуб бўлиши мумкин.

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

166-бет

11 *Ҳифзил сиҳҳат* — соғлиқни сақлаш.

168-бет

35 *Палитика* (политика) — сиёсат.

171-бет

4 *Қоғоз автувози* — қоғоз тайёрлайдиган машина.

19 *Мобилизация* — сафарбарлик.

173-бет

5 *Николай* — Россиянинг охири императори Николай Александрович Романов (1868—1918); Николай II.

6 *Прикашиклик қилган* — приказчилик қилган; приказчик — савдогарларга ёлланган хизматчи.

## РАСМЛАР РЎИХАТИ

«Заҳарли ҳаёт» спектаклининг афишаси . . . . .	17
«Заҳарли ҳаёт ёхуд Ишқ қурбонлари» китобининг муқоваси	31
«Мухторият ёки автономия» пьесасининг титул varaғи .	53
«Лошмон фожиалари» ва «Маҳбус тўранинг ҳоли» спектакл- ларининг афишаси . . . . .	101
Хамзанинг «Ийғлама, Ватан» инсценировкаси учун ишланган расм . . . . .	149
Ҳамза ўзи тузган драмтруппа қатнашчилари орасида. 1915 йил . . . . .	163

## МУНДАРИЖА\*

### Драмалар

Уч . . . . .	7—270
Заҳарли ҳаёт ёхуд Ишқ қурбонлари. . . . .	15—271
Тошкент саёҳат . . . . .	42—273
Мухторият ёки автономия . . . . .	52—273
Бой ила хизматчи. . . . .	68 179 28
Қим тўғри? . . . . .	72—279
Тухматчилар жазоси . . . . .	85 194 208
Истибод қурбонлари . . . . .	100—280

### Тугалланмаган асарлар

Бизда сиёсий инқилоб тарихи ёхуд Мусофир Шоҳид Фулом (Анном) афади . . . . .	147—283
Рауза ва Шайдо . . . . .	156—284
Лошмон фожиаси . . . . .	160—285
Партия мажлиси . . . . .	166—285
<i>Вариантлар</i> . . . . .	175— —
<i>Илова</i> . . . . .	209— —
<i>Изоҳлар</i> . . . . .	265— —
<i>Расмлар рўйхати</i> . . . . .	286— —

\* Биринчи устундаги рақамлар асосий *матн*, иккинчи устундаги рақамлар *вариантлар*, учинчи устундаги рақамлар эса *изоҳлар* берилган саҳифаларни билдиради.